

Р. ҚУНҒУРОВ, Э. БЕГМАТОВ,  
Ё. ТОЖИЕВ

# НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ АСОСЛАРИ



Р. ҚҰНГУРОВ, Э. БЕГМАТОВ, Ё. ТОЖИЕВ

# НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ АСОСЛАРИ

Элий ўқув юртларининг филология  
факультетлари талабалари учун қўлланм

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган

Ишнинг «Суз боши», «Нутқ маданияти асослари ва услубияти» курсини урганишнинг мақсад ва вазифалари, «Ўзбек тилининг вазифавий услублари ва нутқ маданияти», «Тилнинг тасвирий воситалари ва нутқ маданияти», «Услубий фигуралар» қисмини — Р. Қ. Қўнғуров; «Нутқ маданияти — лингвистик соҳа», «Нутқ маданияти тушунчаси», «Нутқ маданияти — мавжуд (реал) нутқий ҳодиса», «Адабий тил — маданий тил», «Нутқ маданияти — нутқий фаолият ва нутқий малакадир», «Нутқ маданияти ва услубият», «Нутқ маданияти ва нотиклик санъати» қисмини Э. А. Бегматов; «Нутқ маданияти ва бошқа фанлар», «Оммавий лекциялар ва маърузаларда нутқ маданияти» қисмини Е. Тожиев ёзган.

**ТАҚРИЗЧИЛАР:** М. МУҚАРРАМОВ, суҳаншунослик фанлари доктори ва  
И. ТОШАЛИЕВ, суҳаншунослик фанлари номзоди

На узбекском языке

ҚУНГУРОВ РАХМАТИЛЛА, БЕГМАТОВ ЭРНСТ, ТАДЖИЕВ ЯРМАТ

**КУЛЬТУРА РЕЧИ И ОСНОВЫ СТИЛИСТИКИ**

Ташкент «Ўқитувчи» 1992

Муҳаррир Х. Ҳайитметов  
Бадний муҳаррир Ж. Одилов  
Техн. муҳаррир Ш. Бобохонова  
Мусаҳҳиҳа Л. Мирзаҳмедова

ИБ № 5576

Теринга берилди 05.12.90. Босишга рухсат этилди 5.05.92. Формати 60x90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Литературная гарнитураси. Қегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л 10,0. Шартли кр.-отг.10.19. Нашр. п. 11.24. Тиражи 6000. Зак. № 2464.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 13—232—90.

Ўзбекистон Матбуот Давлат Қўмитасининг Тошполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30 1992.

Ташполиграфкомбинат Госкомпечати Республики Узбекистан. Ташкент, ул. Навои, 30.

К  $\frac{4602000000-152}{353(04)}-92$  56—91

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1992

ISBN 5—645—01366—2

**NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI**  
Axborot-resurs markazi

268984

## СУЗ БОШИ

Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти масалаларини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослиги олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир. Бу муаммони ҳал қилиш умуммаданиятимиз тараққиёти, шунингдек, олий мактабларда тил ўқиш ва ўқитиш жараёнини яхшилаш билан ҳам боғлиқ. Аммо олий мактаблар ўқув режаларида «Нутқ маданияти ва услубият» номли курс бўлгани ҳолда шу кунга қадар уни ўқитишга қаратилган бирорта ўқув қўлланмасининг йўқлиги<sup>1</sup> бу ишни йўлга қўйишда қийинчилик туғдирмоқда. Ушбу ўқув қўлланмаси шу қийинчиликларни оз бўлса-да бартараф этишга ёрдам беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шуни қайд қилиш керакки, нутқ маданияти ва услубиятига оид курс ҳозирча олий мактабларнинг фақатгина филология факультетларида ўқитилаётганлиги ҳам, фикримизча, маориф соҳасидаги камчилигимиз ҳисобланади. Чунки нотиклик санъати сирларини ўрганиш, ўз фикрини баён қилаётган лисоний материаллардан тўғри фойдаланиш, ҳар бир тил воситасини керакли ва лозим бўлган ўринда мантиқан ва грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида хизмат қилувчи ҳар бир мутахассис учун, умуман ҳар қандай маданиятли киши учун ҳаётий зарурат деб ҳисобланиши керак.

Ушбу ўқув қўлланмасини ёзишда Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорулфунуни ўқув-методик кенгаши тасдиқлаган «Нутқ маданияти асослари» (1983) курсининг режасига таянилди ва кейинги йилларда рус ва ўзбек тилшунослигида нутқ маданиятига оид нашр қилинган асарлардан (айрим ўринларда уларда келтирилган мисоллардан ҳам) фойдаланилди.

Ўзбек нутқи маданияти ва услубиятини ўрганишнинг тилшуносликда ҳали ягона услуби йўқлиги учун ишни ёзишда бирмунча қийинчиликлар туғилди. Шу сабабли муаллифлар ҳеч бўлмаганда мазкур ўқув қўлланмаси орқали олий мактаб талабаларини нутқ маданиятига, ўрни билан ўзбек услубиятига

---

<sup>1</sup> Кейинги йилларда бу соҳада баъзи ишлар қилинди. Қаранг: Р. Қ. Қўнғуров, С. А. Каримов, Т. И. Қурбонов. Нутқ маданияти асослари.—I қисм, Самарқанд, 1985; II қисм, Самарқанд, 1986; Э. Бегматов, А. Бобоева, М. Асомиддинова, Б. Умурқулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Тошкент: Фан, 1988.

доир ўқув материаллари билан таъминлаш **каби** камтарона мақсадни ўз олдиларига қўяди.

Муаллифларнинг баъзи шахсий мулоҳазалари билан боғлиқ бўлган айрим камчиликларга йўл қўйилган бўлиши табиий.

Иш ҳақида ўз холисона фикр-мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга муаллифлар олдиндан ўз самимий миннатдорчилигини билдиради.

## «НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ ВА УСЛУБИЯТИ» КУРСИНИ УРГАНИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги замон ўзбек тили фонетик, луғавий, грамматик, талаффуз (орфоэпик) ҳамда имловий нормаларининг бирмунча мукамал шаклланганлиги ўзбек тили маданиятининг улкан ютуғидир. Бинобарин, миллий маданиятнинг ажралмас, узвий қисми бўлиш нутқ маданияти ҳам ана шундай юксак даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек тили бугунги кунда ўзбек миллатининг фикр алмашув қуроли сифатида катта ижтимоий вазифани адо этмоқда. Бу миллат вакиллариининг ижтимоий алоқасини тўлиқ таъминлашга хизмат қилмоқда. Жумҳуриятимизда давлат ишлари, ўқиш-ўқитиш ва тарғибот ва ташвиқот ишлари шу тилда олиб борилмоқда. Ўзбек тилида Ўзбекистонда яшовчи халқларнинг тарихини, бугунги фидокорона меҳнатини улуғловчи юксак савиядаги бадиий асарлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, она тилимиз ўзбек халқининг ҳар жиҳатдан камол топиши ва тараққиётига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, ўзбек тили энг тараққий этган тиллардан биридир. Бу борада тилнинг асосий ижодкори халқ ролини камситмаган ҳолда олимларимизнинг, шоир ва ёзувчиларимизнинг, давлат арбобларининг, педагоглар ва матбуот ходимларининг, кино, театр санъати усталари ва нашриёт ходимларининг хизматларини алоҳида қайд қилиш лозим бўлади. Айниқса, тилшунос олимларимиз ва ёзувчиларимизнинг хизматлари беқиёсдир. Уларнинг катта меҳнати туфайли ўзбек тилининг кўпгина соҳаларида қатъий нормалар белгиланди, тил бирликларининг алоқа жараёнидаги лисоний намуналари тавсия этилди, тил тараққиётидаги кўпгина масалалар илмий-назарий асосга қўйилди. Шунинг учун ҳам, иккиланмасдан, ҳозирги замон ўзбек адабий тили маданияти юксак даражага кўтарилганлигини қайд қилиш мумкин.

Шу ўринда тилнинг ижтимоийлик вазифасини бажариш даражасини белгиловчи омиллардан бири бўлмиш Нутқ маданияти қандай аҳволда?, деган табиий бир савол туғилади. «Шуни таъкидлаш керакки,— деб ёзган эди тилшунос В. Г. Костомаров,— ҳозирги замон рус тили маданияти жуда юқоридир, аммо ҳозирги нутқ маданияти кўп ҳолда анчагина пастдир».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Костомаров В. Г. Культура языка и речи в свете языковой политики. В. сб.: Язык и стиль. И.: Мысль, 1965, с. 5.

Тилимнинг бу фикрини бемалол ўзбек тилига ҳам татбиқ қи-

...ш му...ни.]  
Хўш, ўзбек тили маданиятининг юқори даражада эканлигини эътибор этилгани ҳолда у билан чамбарчас боғлиқ бўлгани ўзбек нутқи маданиятининг ривожини унчалик юксак эмаслигини қайд этиш фикрий қаршиликни юзага келтирмайдими? Йўқ, албатта.

Тилимизда аллақачон маълум норма ҳолига келтирилган ва худди ана шундай шаклда қўллаш ҳамда тушуниш тавсия этилган жуда кўплаб тил бирикмаларининг ҳамма вақт ҳам нутқда (у ёзма ёки оғзаки бўлишидан қатъи назар) ўз ўрни ва қимматини топмаётганлиги, бунинг устига айрим тил бирикларини қўллашда норманинг белгиланмаганлиги нутқ маданиятини жиддий ўрганиш масаласини ўртага қўймоқда. Чунки нутқимизда учраб турадиган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш, нутқ маданиятини ҳар қачонгидан ҳам ривожлантириш умумдавлат аҳамиятига эга бўлган сиёсий ва ижтимоий масаладир. Бу масала билан шуғулланиш ишига бугунги кунда фақат ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки барча жумҳуриятлар тилшуносликларида илмий объект сифатида жуда катта аҳамият берилмоқда. Чунки нутқ маданияти умуминсон маданиятининг таркибий қисми бўлиб, кишилар юксак маданиятли бўлиши, жумладан нутқ маданиятини етарли даражада эгаллаган бўлишлари лозим. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, халқаро ҳаётда икки қарама-қарши ижтимоий тузум ўртасида мафкуравий кураш ниҳоятда кескинлашган бир даврда яшамоқдамиз. Бу нарса ҳам мафкуравий курашнинг асосий қуроли бўлган тилнинг ҳар қачонгидан ҳам ўткир ва кескир бўлишини тақозо қилади.

Мана шу сабабларга кўра нутқ маданиятини янада ривожлантириш, уни камолот босқичига кўтаришга доим ғамхўрлик қилиш лозим бўлади.

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот, услублар ва услубият ҳақидаги илм ўзининг узоқ ўтмишига эга. У таълимот сифатида қадимги Рим ва Афинада шаклланган бўлса ҳам, унга қадар Мисрда, Ассирияда, Вавилон ва Ҳиндистон мамлакатларида пайдо бўлганлиги нотиқлик санъати тажрибасидан маълум. Гап шундаки, у пайтларда давлат арбобларининг обрў-эътибори ва юқори лавозимларга кўтарилиши уларнинг нотиқлик маҳоратига ҳам боғлиқ бўлган. Нотиқлик санъати саркардалик маҳорати билан барабар даражада улуғланган. Шу икки санъатни мукамал эгаллаган арбобларгина юқори лавозимларга сайланган. Грек нотиғи Демосфен (эрамиздан олдинги 384—322) ва Рим нотиғи Цицерон (эрамизгача 106—43) ларнинг ҳаёти бунга мисолдир. Улар кишилик жамиятида риторика ва нотиқлик санъатининг ўзига хос мактабини яратдилар.

Россия тарихида нотиқлик санъатига бўлган эътибор, асосан, Петр I даврида анча кучайди. «XVII—XVIII асрларга келиб, рус нотиқлиги бир оз жонланди. Бу давр нотиқлигида, асосан, 5 та йўналиш мавжуд эди: 1. Юқори доирадаги дворянлар орасида мавжуд бўлган сарой нотиқлиги. 2. Диний нотиқлик. 3. Халқ нотиқлиги. (Бунда, асосан, халқ қўзғалони раҳбарларининг нотиқлиги кўзда тутилади.) 4. Ҳарбий нотиқлик. 5. Дипломатик нотиқлик»<sup>1</sup>. Ломоносовнинг хизматлари туфайли рус тили нутқ маданияти борасида жиддий назарий фикрлар ўртага ташланди, унинг амалий аҳамияти нимада эканлиги кўрсатиб берилди, рус тилининг лисоний бойликлари асосида ижодий ривожлантирилди. М. В. Ломоносовнинг «Рус шеърини қондалари ҳақида мактублар» (1739), «Рус грамматикаси» (1755—1957), «Нутқ маданияти бўйича қисқача қўлланма» (1948) каби асарлари рус тилини илмий ўрганишни бошқа берибгина қолмасдан, рус тилшунослигининг кейинги тарихиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Урта Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзига хос мавқега эгадир. Машҳур турколог М. Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» асари бу масаланинг жуда қадимдан ўртага қўйиб келинганлигидан гувоҳлик беради. У даврларда шартли равишда *Нутқ одоби* деб юритилган қоида ва кўрсатмаларда содда ва ўринли гапириш, қисқа ва мазмундор сўзлаш, эзмалик, лақмаликни қоралаш, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост ва дадил гапириш, ёлғончилик, тилёғламаликни қоралаш ва бошқалар ҳақида гап боради<sup>2</sup>.

Бу ўринда биз улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оламыз. Навоий нотиқлик санъатини ўз даврида юксак даражага кўтарибгина қолмай, нутқ маданияти назарияси билан ҳам жиддий шуғулланган. У «Маҳбубул-қулуб» асарининг 24-бобини воизликка (нотиқлик санъатига) бағишлаган. «Муҳокаматул луғатайн» ва «Мажолисун нафоис» асарлари эса бевосита тилшуносликнинг назарий муаммоларини ҳал қилишга, ўзбек тилининг бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини белгилаб беришга ҳамда ўзбек нутқи маданиятини ўрганишга қаратилган.

Урта Осиё нотиқлигининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборат эдики, у энг аввал ўша давр тузумининг манфаатларига хизмат қилар эди. Бу даврда нотиқлик санъати усталарининг надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, қироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар деб юритилиши ҳам ана шундан далолат беради.

<sup>1</sup> Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.— Тошкент.: Уқитувчи, 1982, 110—111-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Бегматов Э. Нутқ одоби. Уқитувчилар газетаси, 1969, 25 май.



Аммо тилнинг яратувчиси халқ эканлигини ва унинг энг аввало халққа хизмат қилишини тўғри англовчи соғлом фикрли кишилар унинг ижтимоий моҳиятини доимо тўғри тушуниб келганлар. Навоийнинг давлат арбоби сифатида меҳнаткаш халқ олдида қилган чиқишлари, унинг тил ҳақида айтган фикрлари бунинг далилидир. Уларнинг айримларини келтирамиз: «Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз». «Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга келтирма ва ҳар неким, кўнгилда бор — тилга сурма», «Маъдани инсон гавҳари сўз дурур, гулшани одам самари сўз дурур», «Кўп демак сўзга мағрурлик ва кўп емак нафса маъмурлик», «Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдирки, гар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур» кабилар.

Хуллас, нутқ маданияти билан шуғулланиш, гарчи у чуқур илмий-назарий характерда бўлмаса ҳам, ўзбек халқи маданий тараққиётининг барча даврларида ўртага қўйиб келинди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, нутқ маданиятини юксак поғонага кўтариш, уни янада ривожлантириш миллий тиллар услубий системасини ўрганиш масаласи ҳеч қачон ҳозиргидек кескин қилиб ўртага қўйилмаган. Масаланинг бундай қўйилиши давр талаби, ижтимоий тараққиёт талабидир.

Хўш, нутқ маданияти нима? Услубият нима? Ана шу саволларга жавоб бериш ушбу курснинг мазмунини ташкил қилади.

Бу саволга жавобларни биз энг аввало асримизнинг таниқли тилшунос олимлари Л. В. Шчерба, Г. О. Винокур, Б. В. Томашевский, В. В. Виноградов, С. И. Ожегов, А. Н. Гвоздев, А. И. Ефимов ҳамда уларнинг давомчилари В. Г. Костомаров, Л. И. Скворцов, Б. Н. Головин ва бошқаларнинг асарларидан топамиз. Бу олимлардан айримларининг фикрларини келтириш лозим деб ўйлаймиз. С. И. Ожегов: «Юксак нутқ маданияти нима? *Юқори нутқ маданияти* — бу фикрларни тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. *Тўғри нутқ* деб эса ҳозирги адабий тил нормаларига риоя қилиб тузилган нутққа айтилади. Аммо юқори нутқ маданияти фақатгина нормага риоя қилишдангина иборат эмас. У яна фикрни ифодалашнинг аниқ воситасини топишдангина иборат бўлиб қолмасдан, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни топа олиш уқувини ҳам ўз ичига олади»<sup>1</sup>.

Л. И. Скворцов: «Нутқ маданияти» тушунчаси бир томондан нутқнинг адабий тил нормаларига мос келиш даражасини билдирса, иккинчи томондан бу тушунча тилшунослик фанининг адабий тилни яна такомиллаштириш мақсадида уни нормалаш билан шуғулланувчи соҳани ҳам ифода қилади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ожегов С. И. Лексикология. Лексикография. Культура речи.—М., 1974, с. 287—288.

<sup>2</sup> Основы культуры речи. Хрестоматия.—М.: Высшая школа, 1984, с. 29.

Хуллас, нутқ маданияти, агар масалага лисоний нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу энг аввало нутқнинг тўғрилиги демакдир. Иккинчидан эса у услубий жиҳатдан силлиқ бўлиши керак, яъни яхши нутқ ноаниқликка, узундан-узоқ жумлаларга қарши бўлиши, қисқалик, аниқлик ва соддалик унинг ўлчови бўлиши лозим. Кенг маънода эса нутқ маданияти нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни, ўткирлик ва ифодалиликни билдиради.

Нутқ маданияти муаммолари билан шуғулланиш биринчи марта Прага лингвистик тўғараги томонидан ўртага қўйилган эди. Кейинчалик бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигида 20—30-йилларда киришилди. Бу масала билан жиддий шуғулланиш ўзбек тилшунослигида эндигина бошланди дейиш мумкин. Бу ҳолни ўзбек тилшунос олимлари С. Иброҳимов, Қ. Хоназаров, О. Усмонов ва бошқалар 1969 йилда Тошкентда ўзбек тили нутқ маданиятига бағишлаб ўтказилган I Республика конференциясида қилган чиқишларида ҳақли равишда таъкидлаб ўтдилар. Э. Бегматов бу фикрни ривожлантириб ёзади: «...Масаланинг бундай қўйилишидан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти муаммоси умуман ўртага қўйилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. *Нутқ одоби* деб юритиб келинган қоидаларнинг ўзиёқ, бу масаланинг кўҳна тарихга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, 20—30-йилларда *тил қурилиши*, *тил сиёсати* деган номлар билан юритилган барча миллат ва халқ тиллари ривожига бевосита татбиқ этилган улкан тадбир ва чораларнинг ўша вақтда *тил маданияти*, эндиликда *нутқ маданияти* деб юритилаётган муаммога қанчалик алоқадорлигини белгилаш ғоят муҳимдир.

*Тил қурилиши* номи билан юритилган улкан лингвистик ва ижтимоий-маданий тадбирлар ўз ичига ўша давр тиллари ривожини учун энг зарурий, ҳаётий масалаларни қамраган эди. Чунончи, янги адабий тил учун диалектал базани белгилаш, ёзуви йўқ тиллар учун алфавит яратиш, баъзи ноқулай алифболарни бошқа илғорроқ ҳисобланган алфавит билан алмаштириш, адабий тилнинг имловий принципларини ишлаш, имлодаги камчиликларни тугатиш, адабий тилнинг морфологик ва луғавий нормасидаги иккиланиш ва беқарорликларни илмий асосда бартараф этиш, жуда кўп халқларнинг ҳали деярли қўл урилмаган адабий тилларини ўрганиш ва уларнинг грамматикасини яратиш, миллатларнинг ўз она тилларида ўқув-ўқитув ишларини олиб боришларида бор имкониятларни кучайтириш, миллий адабий тилларнинг ўз илмий атамаларини яратиш, миллий тиллардаги тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг янги ёзувларини тузиш ва бошқалар.

Тилга олинган бу масалаларнинг барчаси миллий адабий тилларнинг шаклланиши ва ривожини учун хизмат қилади. Бун-

дай шаклланиш ва ривожланиш натижасида тилнинг адаби: нормаларининг (орфографик, орфоэпик, фонетик, морфологин лексик, синтактик, стилистик нормаларининг) турғунлашуви ўсувини кўрсатади. Масалага мана шу томондан ёндошилса юқорида санаб ўтилган масала, тадбир ва чораларнинг ўз нутқ маданияти муаммосининг таркибий қисми эканлиги равшан бўлиб қолади»<sup>1</sup>.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, услубият ва нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзбек тилшунослиги тараққиётининг барча даврларида ўртага қўйиб келинган. Аммо унинг тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганиш объекти қилиб олинishi масаласи кун тартибига қўйилмаган эди. Бинобарин, эндиликда услубиятни, нутқ маданиятини ўзбек тилшунослигида алоҳида соҳа сифатида назарий асосга қўйиш илмий ўрганиш усуллари ишлаб чиқиш, у билан алоқадор бўлган тушунчаларга, жумладан *тил маданияти* тушунчасига қанчалик алоқадорлигини ва фарқли чегараларини белгилаш каби қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади. Ана шундагина нутқ маданиятини ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси сифатида ўрганишнинг кенг имкониятлари очилади.

Ўзбек тилшунослигида кейинги 20—30 йил ичида нутқ маданиятига бағишлаб ёзилган ишларни кўздан кечирар эканмиз, «нутқ маданияти»га берилган қуйидаги мазмундаги таъриф ва изоҳларга дуч келамиз: а) нутқ маданияти бир тилда тўғри сўзлаш ва ёзишдир, б) нутқ маданияти фикрни содда аниқ ва тушунарли ифодалашдир, в) нутқ маданияти тилнинг тасвирий ва образли воситаларидан унумли, ўз ўрнида фойдалана билишдир, г) нутқ маданияти нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, миллийлигидир, д) нутқ маданияти нутқнинг содда, барча учун тушунарли бўлишидир...»<sup>2</sup>. Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри. Аммо улар масаланинг амалий томони бўлиб, ўз назарий асосларини ишлаб чиқишни талаб этади. Афсуски, ўзбек тили нутқ маданиятига оид ишларда уни назарий жиҳатдан ўрганиш ўртага жиддий қўйилган эмас. Баъзи муаллифларнинг «Нутқ маданияти муаммосининг пайдо бўлиши ва асосланиши» (1973), «Тилшуносликнинг муҳим соҳаси» (1973), «Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида» (1975), «Нутқ маданияти мезонлари» (1976), «Ўзбек нутқи маданияти масалалари» (1980), «Нотиқнинг нодир бойлиги» (1980), «Адабий норма ва нутқ маданияти» (1983) каби ишларида нутқ маданиятига оид бир қатор назарий фикрлар айтилган.

<sup>1</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши. «Нутқ маданиятига оид масалалар». Тошкент: Фан, 1973, 166—167-бетлар.

<sup>2</sup> Носиров У. Нутқ маданияти ва давр. Нутқ маданиятига оид масалалар, Тошкент: Фан, 1973, 119—120-бетлар.

Юқоридаги мақолалар муаллифи ёзади: «Бизнинг фикримизча, нутқ маданияти соҳаси ўз ўрни ва фандаги мавқеини тўла эгаллаши учун у назарий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Биринчидан, бу тушунчанинг тил ҳодисаси ва илмий муаммо сифатида тарихи ёритилмоғи керак. Иккинчидан, нутқ маданияти соҳасини ўрганувчи асосий объект бўлган тил ҳодисаси аниқланиши керак. Учинчидан, нутқ маданиятининг илмий-тадқиқий объекти билан боғлиқ муаммолар белгиланиши лозим. Тўртинчидан эса, нутқ маданиятини ўрганиш аспекти лисоний ва нолисоний чегараланиши зарур»<sup>1</sup>.

Рус тилшунослигида ҳам шу маънодаги фикр-мулоҳазаларни учратамиз. Л. И. Скворцов «Нутқ маданияти асослари» дарслик-хрестоматиясига ёзган сўз бошисида нутқ маданияти соҳасида актуал назарий муаммолар сифатида қуйидагиларни кўрсатади: адабий норманинг тарихий ўзгарувчанлиги, уларнинг тилнинг турли жиҳатларига нисбатан турғунлиги, нормаларнинг вариантлилиги ва ўзгарувчанлиги, нутқ жараёнида тил қурилиши ва нормасининг муносабати, атамашунослик ва атама яратувчилик, тил сиёсати ҳамда нормалаштиришнинг назарий асослари<sup>2</sup>. Б. Н. Головин ҳам университетлар учун ёзган «Нутқ маданияти асослари» номли ўқув қўлланмасида нутқ маданиятини тушунишнинг муҳим шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтади: тил ва нутқни фарқлаш, тил нормасини англаш ва ҳал қилиш, тил услуги ва нутқ услубларини фарқлаш<sup>3</sup>. Демак, ана шу масалалар ҳал қилингандан кейингина ўзбек тили нутқ маданиятини ўрганишнинг илмий тарзларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти соҳасида тил системасининг ўзини, масала, ўзбек адабий тилининг восита ва имкониятларини, «маданийлаштиришни» кўзда тутаяди. Демак, тил маданияти термини билан аталувчи тушунча тил системасининг маданийлик даражасини, яъни унинг қанчалик ишланганлиги, нормалланганлигини кўрсатади<sup>4</sup>.

Қўринадики, гарчи «тил маданияти» ва «нутқ маданияти» тушунчалари тилшунослик термини сифатида бир-биридан фарқлансалар ҳам, аслида уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган, бири иккинчисини тақозо қиладиган тушунчалардир. «Нутқ маданияти» аниқ маънода тил бирликларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри, мақсадга му-

<sup>1</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши.— Нутқ маданиятига оид масалалар, Тошкент: Фан, 1973, 156-бет.

<sup>2</sup> Основы культуры речи. Хрестоматия.— М., Высшая школа, 1984, с. 8.

<sup>3</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1989, с. 21.

<sup>4</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида.— Ўзбек тили ва адабиёти. 1975, № 5, 50—58-бетлар.

вофиқлигини англатса ҳам, умумий маънода маълум миллатнинг умумтил маданияти доирасида қаралади. Тўғри нутқ лисоний ва нолисоний омиллари ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, у мантиқшунослик, руҳшунослик, педагогика, этика, эстетика масалалари билан ҳам боғлиқ. Аммо, нутқ учун тилнинг биринчи ўринда туришини ҳеч ким инкор этмайди. «Ҳар бир тил,— деб ёзади Л. В. Шчерба,— унда гаплашадиган миллатнинг маданиятини ўзида акс эттиради»<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек тилшунослигида ўрганилиши муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган нутқ маданияти муаммоси ўзининг назарий асосига эга. Шу нарсанинг ўзиёқ уни ўзбек тилшунослигининг алоҳида соҳаси сифатида ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Нутқ маданияти ўзининг тадқиқот объектига ҳам эга. Гарчи тил бирликларини нормалаш, ҳамма учун тушунарли бўлган бир қолипга келтириш умуман тилшуносликнинг вазифаларидан бири бўлса ҳам, у нутқ маданияти, услубият соҳасининг хизматларини ҳам инкор этмайди. Нутқ маданияти тилда маълум нормага келтирилган тил бирликларининг нутқда қўлланиш шарт-шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу нормага амал қилишни маълум маънода назорат ҳам қилиб боради. Нутқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни тугатишнинг энг маъқул йўллари кўрсатиб турилади. «Нутқ маданияти ижтимоий фан сифатида кенг маънодаги тил тарбиясини ва оммавий услубий саводлиликни, бошқача айтганда, сўзловчи ва ёзувчи омма орасида тил ҳақидаги фаннинг ҳозирги замон ютуқларини татбиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди»<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам олий мактабларда, хусусан дорилфунуннинг филология куллиётларида алоҳида курс сифатида ўқитилаётган «Нутқ маданияти асослари ва услубият» соҳасининг вазифаси нутқ маданияти ҳақида атрофлича тушунча бериш, ўзбек тилшунослиги фанида нутқ маданияти муаммосининг қўйилиши, унинг назарий асоси ҳамда тадқиқот объекти ва усулларини кўрсатиб бериш талабаларни услубиятнинг асосий масалалари билан таништиришдан, у ҳақдаги билим билан қуроллантиришдан иборатдир.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ — ЛИНГВИСТИК СОҲА

Нутқ маданияти тушунчасини илмий жиҳатдан тўғри тасаввур этиш нутқ маданияти деб юритилаётган соҳанинг тилшунослик фани, шунингдек бошқа фанлар доирасида тутган ўр-

<sup>1</sup> Шчерба Л. В. Преподавание иностранных языков в средней школе.— В кн.: Общие вопросы методики.— М., 1947, с. 53.

<sup>2</sup> Основы культуры речи: Хрестоматия.— М.: Высшая школа, 1984, с. 39.

нини белгилаш билан боғлиқдир. Ушбу масала ҳозирда нутқ маданияти муаммолари долзарб бўлиб турган ўзбек тилшунослиги учун ҳам муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эгадир.

Тилшунос Р. А. Будагов ёзувчи Т. Н. Тимофеевнинг «Правильно ли мы говорим?» номли рисоласига ёзган тақризида нутқ маданиятини «филологик фан»<sup>1</sup> деб атади. Тилшунос В. П. Петушков ўша китоб ҳақида гап юритар экан, нутқ маданиятини бир қатор фанлардан озиқланиб иш кўрувчи «янги фан» дея таърифлайди<sup>2</sup>. В. П. Петушков нутқ маданияти ҳақида ёзувчилар томонидан айтилган мулоҳазаларига суяниб шундай ёзади: «Нутқ маданияти фаннинг илмий тармоғи сифатида тилшунослик билан бир қаторда эстетика, одобшунослик, ижтимоийёт фанлари билан ҳам ҳисоблашмоғи керак. Бошқа фанлар билан яқиндан алоқада бўлгандагина нутқ маданияти ўзининг мукамал таълимотини ярата олади ва жамият учун кутилган салмоқли таъсирини ўтказа олади»<sup>3</sup>.

Бир қатор олимларнинг фикрича, нутқ маданияти тилшуносликнинг махсус бўлиmidир. В. Г. Костомаров, Б. С. Шварцкопфлар руслар тилидаги нутқ маданиятига оид адабиётларга таҳлил берар экан: «Нутқ маданиятини тилшуносликнинг махсус бўлими деб асослаш адабий тилнинг жонли нормаларини, тилнинг бой услубий имкониятлари ва уларнинг қўлланиш қонуниятларини ўрганишни талаб этишини» қайд қиладилар<sup>4</sup>.

Нутқ маданияти (тил маданияти)нинг алоҳида соҳа сифатида тан олинishi бу соҳани олий мактабларда мустақил курс сифатида ўқитилиши лозимлиги фикрини туғдирди<sup>5</sup>. Баъзи олимлар ушбу фикрни кейинчалик қўллаб чиқдилар. Нутқ маданиятини олий мактабларда алоҳида фан сифатида ўқитиш лозимлиги ғояси, уларнинг фикрича, «диққат билан ўрганишга сазовордир»<sup>6</sup>. Кейинги фикр эгаларининг таърифлашича, олий мактабда ўқитиладиган бундай соҳа норматив курс бўлмоғи керак. Улар бундай курснинг вазибаларига ҳам тўхталадилар. Аммо келтирилган фикр эгалари битта объектив ҳақиқатни тан олишга мажбур бўладилар, яъни нутқ маданияти курси ҳали ўз мақсади ва мазмунини ифодаловчи етук дарслик ёки қўлланмага, шунингдек ўқув программасига эга эмас.

<sup>1</sup> Вопросы литературы, 1963, № 2, с. 195.

<sup>2</sup> Петушков В. П. Культура слова и писатели. Вопросы культуры речи.— И., 1967, № 8, с. 142.

<sup>3</sup> Петушков В. П. Уша мақола, 142-бет.

<sup>4</sup> Вопросы языкознания, 1965, № 4, с. 125

<sup>5</sup> Вопросы культуры речи, вып. VI, М., 1965,— с. 232—236.

<sup>6</sup> Алексеев Д. И., Скобликова Е. С. О культуре речи как учебной дисциплине.— ВКР, 1967, № 8, с. 249.

**Нутқ маданиятини «мустақил фан» деб аташ ва уни махсус ўқитиш лозимлиги** гоёси ўзбек тилшунослигида ҳам пайдо бўлди. Чунинчи, проф. Ф. А. Абдураҳмонов шундай ёзади: «Нутқ маданияти масалалари олий мактабларда мустақил фан сифатида ўқитилса яхши буларди. Фақат олий мактаблардагина эмас, ўрта мактабларнинг юқори синфида ҳам нутқ маданияти нормалари махсус ўқитилиши зарур. Бундан бир неча йил олдин юқори синфларда она тили дарсида нутқ маданияти нормали ўқитилар эди. Кейинги йилларда кимнинг айби биландир бу фан олиб ташланган»<sup>1</sup>.

Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишлаб 1969 йили чақирилган I Республика илмий конференциясининг «Қарори»да ушбу таклифни ўқиймиз: «Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим министрлигидан педагогика институтлари ва университетларда стилистика ва нутқ маданияти махсус фан сифатида ўқитилишини планлаштириш суралсин»<sup>2</sup>.

Нутқ маданияти соҳасига доир дарслик ва қўлланмалар яратиш соҳасида ҳам баъзи ҳаракатлар бўлган. Айрим мутахассисларнинг фикрича<sup>3</sup>, Е. А. Бахмутованинг «Нутқ маданияти» номли китобчаси бу фан бўйича (рус тили материаллари асосида) факультатив курс яратиш йўлидаги муваффақиятли ишдир. Ушбу асарда нутқ маданияти деб юритилувчи курснинг амалий масалалари ёритилган бўлиб, унда талаффуз, луғавий нормалар, тилнинг ифодали ва фразеологик воситаларига доир машқлар берилган<sup>4</sup>. Асар ўз имконияти нуқтаназаридан умуман ижобий баҳоланса-да, бизнингча, унда нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва вазифаси, назарий, асосий ҳамда оригинал фан сифатидаги хусусиятлари деярли кўрсатиб берилган эмас. Мана шу тарзда ёзилаётган ва нашр этилаётган адабиётлар анчагинадир. Уларда нутқ маданияти масаласига оид баъзи фикрлар ўртага қўйилган бўлса-да, тилшунос М. Н. Кожина тўғри таъкидлаганидек, бундай асарларни ҳали нутқ маданияти бўйича илмий дарслик ёки қўлланма деб аташ жуда қийин.

Нутқ маданиятини алоҳида фан сифатида баҳолашга бағишланган фикрларни ўрганиб шундай хулосага келиш мумкинки, нутқ маданияти (тил маданияти) ни фан, ёки махсус мустақил соҳа деб таърифлаш, аслида объектив ҳақиқатга кўра, анча илгарилаб кетган. Аммо бу фаннинг асосий вазифаси, у ўрганувчи илмий масалаларни белгилаш, унинг назарий ҳамда лисоний-моддий асосини ишлаб чиқиш сингари масалалар орқада қолиб кетган. Маълумки, ҳар қандай фан

<sup>1</sup> Абдураҳмонов Ф. А. Келтирилган мақола, 52-бет.

<sup>2</sup> Нутқ маданиятига оид масалалар.— Тошкент; Фан, 1973, 206-бет.

<sup>3</sup> Вопросы языкознания, 1965, № 4, с. 41—42.

<sup>4</sup> Бахмутова Е. А. Культура речи,— Казань, 1960, / 2-ое издание, Казань, 1964.

ўзининг аниқ назарий-методологик таянчи, дарслик ва қўлланмалари билан тирикдир. Нутқ маданияти соҳаси эса ҳали тилга олинган назарий ҳамда амалий таянчга чинакам маънода эга эмас. Шу сабабли ҳам бўлса керак, олдин ҳам таъкидлаганимиздек, нутқ маданиятининг тадқиқот объекти, унинг назарий методи, мақсад ва вазифалари ҳақида ҳозирги замон тилшунослигида турли-туман мулоҳазалар, бири-иккинчисини инкор этувчи фикрлар билдирилмоқда. Мана шундай сабабларга кўра, баъзи илмий-назарий адабиётларда нутқ маданияти ёки тил маданияти тилшунослик фанининг эндигина яратиладиган, асосланадиган соҳаси деб баҳоланмоқда<sup>1</sup>.

Тилшунос Б. Н. Головиннинг «Нутқ маданиятини назарий йўналишда ўрганиш, аслини айтганда, эндигина бошланмоқда»<sup>2</sup>, деб ёзганига ҳам анча вақт бўлди. Аммо шунга қарамадан ўша муаллиф нутқ маданиятини ўрганувчи соҳанинг кўпгина томонлари ҳалигача ноаниқ, маданий нутқнинг асосий белгиларини кўрсатувчи дарслик ва қўлланмалар эндигина яратилмоқда, аммо бундай янги тип асарларни бунёд этишга доир изланишларни ҳозирданок бошлаш лозим деган фикрлари ҳали ҳам ўз кучида қолиб келмоқда. Нутқ маданияти деб юритилаётган тушунчани ўрганувчи соҳани қандай номлаш ҳам мунозаралидир. Бу соҳага оид айрим қўлланмаларнинг номланиши ҳам қониқарли эмас: «Бироқ нутқ маданиятига доир қўлланмалар характери ва типига кўра ўзини оқламаётир. Нутқий маданият масалаларини ўрганиши лозим бўлган тилшунослик бўлимига доир, баъзан стилистика деб юритилаётган, баъзан эса умуман номсиз қолаётган ушбу соҳанинг вазифалари, кўп ҳолда, ноаниқ қолмоқда»<sup>3</sup>.

Шундай қилиб, нутқ маданияти (тил маданияти) алоҳида фанми ёки тилшунослик фанининг махсус бўлимими, деган масала ҳозирча мунозаралидир. Баъзи олимлар тўғри таъкидлаётганларидек, нутқ маданияти алоҳида фанлик ёки мустақил соҳалик дэъвосини қилар экан, у аввало ўзининг мустақил илмий тасаввурлари, ўзига мос тадқиқот усуллари борлигини исботламоғи керак<sup>4</sup>.

Нутқ маданияти соҳасининг ўрганиш объекти ва методи масалаларини исботлашга қаратилган баъзи асарларга ҳам эгамиз. Аммо уларда билдирилган мулоҳазалар ҳозирча ягона бир мақсадни, яъни нутқ маданияти соҳасини мустақил фан деб билишни тасдиқлаш учун етарли асос бўла олмайди. Биз

<sup>1</sup> Общее языкознание.— М.; Наука, 1970, с. 591.

<sup>2</sup> Головин Б. Н. О культуре речи, Вологодское областное издательство, 1953, с. 46.

<sup>3</sup> Головин Б. Н. О культуре речи.—Вологда, 1956, с. 3.

<sup>4</sup> Скребнев Ю. М. К вопросу об «ортологии». Вопросы языкознания, 1961, № 1, с. 5. Веселитский В. В. О некоторых понятиях правильной речи // Вопросы культуры речи, 1961, № 6, с. 69.



нингча, нутқ маданияти (тил маданияти) долзарб илмий муаммо сифатида тилшунослик фанида ҳозирда мавжуд. Бу шубҳасиздир. Лекин ушбу муаммони илмий ўрганувчи соҳани мустақил фан деб аташга старли асослар йўқ. Бу соҳа тилшунослик фанининг махсус бўлимларидан биридир. Аммо ушбу соҳани ўз номи билан нутқ маданияти деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Нутқ маданияти тилшунослик фанининг янги: мустақил бўлими сифатида ўзи ўрганувчи тил ҳодисасини, яъни тадқиқот объектни аниқлаштириб олмоғи зарур. Шунингдек, нутқ маданияти соҳаси нутқ маданияти, маданий нутқ тушунчасининг лисоний ва нолисоний мезонини, бу тушунчанинг ўзига хос категорияларини белгиламоғи мутлақо шартдир. Нутқ маданияти соҳаси тил маданияти ва нутқ маданиятининг назарий ва амалий муаммоларини, йўналишларини аниқлаштириши керакдир. Мана шундагина, бизнингча, нутқ маданиятининг янги лисоний соҳа сифатидаги аниқ вазифалари ҳамда хусусиятлари ойдинлашган бўлади.

Нутқ маданиятининг қандай илмий соҳалиги бу муаммо доирасида қилинаётган ишларнинг хусусияти билан ҳам белгиланади. Рус тилшунослигида нутқ маданияти доирасида бажарилган ишларнинг аксарияти дастлаб умумназарий масалаларга бағишланди<sup>1</sup>. Мана шу йўналишда бажарилган тадқиқотлар кейинчалик нутқ маданиятига оид қўлланмалар сифатида тақдим этилди<sup>2</sup>. Б. Н. Головиннинг «Нутқ маданияти асослари» асари эса нутқ маданияти соҳаси учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия қилинади<sup>3</sup>. Рус тилшунослари нутқ маданияти соҳасига оид хрестоматияни тузди ва нашр этдилар<sup>4</sup>. Нутқ маданиятига доир мана шундай қўлланмалар ва рисо-лалар бошқа бир қатор миллий тиллар материаллари асосида ҳам яратилди.

Нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва вазифаларини тасаввур қилиш учун нисбатан норматив қўлланма деб ҳисоблаш мумкин бўлган асар — Б. Н. Головиннинг «Нутқ маданияти асослари» номли китобида тилга олинган масалаларни келтириб ўтамиз.

Қўлланмада нутқ маданияти муаммосининг тушунилиши ва ўрганилиши тарихи, бу масалани тушунишнинг назарий томонлари қисқача ёритилгач<sup>5</sup>, муаллиф нутқ маданияти, яъни маданий нутқ олдига қўйиладиган талабларга тўхталади. Маданий нутқнинг асосий мезонлари деб Б. Н. Головин нутқнинг

<sup>1</sup> Актуальные проблемы культуры речи.— М.: Наука, 1970.

<sup>2</sup> Скворцов Л. И. Теоретические основы культуры речи.— М.: 1980.

<sup>3</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980.

<sup>4</sup> Основы культуры речи. Хрестоматия. Составитель Л. И. Скворцов. М.: Высшая школа, 1984.

<sup>5</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980, с. 12—39.

тўғрилигини (урғу нормалари ва грамматик нормалар), нутқнинг аниқлигини, нутқнинг мантиқийлигини, нутқнинг тозаллиги, нутқнинг ўткирлиги ва таъсирчанлигини, нутқнинг тил воситаларига бой ва хилма-хиллигини, нутқнинг ўринли бўлишини билади. Қитобда айтилганлардан ташқари тил ва нутқ услублари ва уларнинг нутқ маданиятига муносабати, оммавий нутқ ва нутқ маданияти, нутқ маданияти билан бошқа жанрлар орасидаги муносабат каби масалалар ҳам ёритилган. Айтилганлардан шу нарса маълум бўладики, Б. Н. Головин маданий нутқнинг асосий белгилари ва бундай нутқ олдида қўйиладиган талабларни ёритишга кенг ўрин берган.

Ўзбек тилшунослигида дастлаб бир қатор мақолалар, рисолалар ёзилган бўлиб, уларда нутқ маданиятининг баъзи жузъий масалалари, бу янги соҳа ҳақидаги илк маълумотлар таҳлил қилинди. Бу ишларнинг муаллифлари С. И. Иброҳимов, Қ. Х. Хоназаров, Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, А. Аҳмедов, М. Содиқова, Қ. Самадов, Б. Ўринбоев, У. Усмонова, Ҳ. Жалилов, С. Иномхўжаев, Л. Хўжаева ва бошқалардир<sup>1</sup>.

Нутқ маданияти асослари курсининг дастлабки программасини самарқандлик тилшунослар тузишди<sup>2</sup> ва улар бу соҳанинг биринчи ўқув қўлланмасини яратишга ҳам ҳаракат қилишди<sup>3</sup>. Шунга қарамасдан, ўзбек тилшунослигида нутқ маданиятининг чинакам ўқув курси яратилганича йўқ. Бундай ўқув қўлланмасини яратиш ўзбек тили ва тилшунослигининг кўпгина муаммоларини норматив планда таҳлил қилиш ва тавсифлаб беришни талаб қилади.

Нутқ маданиятининг мустақил илмий соҳа сифатида исботланиши, бизнинг назаримизда, бир қатор жиддий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Булар қуйидагилар:

нутқ маданияти соҳасининг аниқ илмий тадқиқот объектини белгилаш лозим;

нутқ маданияти соҳаси билан тилшуносликнинг баъзи бўлимлари орасидаги муносабат ва фарқларни аниқлаш керак. Масалан: орфоэпия, имло, пунктуация, алифбо, услубият, амалий услубият билан нутқ маданияти орасидаги муносабат;

нутқ маданияти ўрганувчи муаммоларнинг назарий ва амалий йўналишларини аниқ белгилаб олмоқ керак;

нутқ маданияти қайси даражада назария билан ва қайси даражада тилнинг, нутқий фаолиятнинг амалий ишлари билан шуғулланиши лозимлиги аниқланиши керак;

<sup>1</sup> Қаранг: Қўнғуров Р. Қ., Қаримов С. А. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти (библиографик кўрсаткич).— Самарқанд, 1984.

<sup>2</sup> «Нутқ маданияти асослари» курсининг программаси. Тузувчи: Р. Қ. Қўнғуров.— Самарқанд, 1983.

<sup>3</sup> Қўнғуров Р. Қ., Қаримов С. А., Қурбонов Т. И. Нутқ маданияти асослари, I. (лекциялар матни).— Самарқанд, 1985, 48-бет; II қисм, 1986, 36-бет.

нутқ маданияти соҳасининг пайдо бўлиш тарихи ўрганил-  
ши лозим, тилшуносликда шу ном билан эмас, аммо шу соҳ  
доирасида қилинган ишлар белгиланиши ва нутқ маданият  
соҳасининг илмий тарихи яратилмоғи керак;

нутқ маданияти ўқув курсининг мукамал дастури тузили-  
ши лозим ва унда нутқ маданияти илмий-назарий, илмий  
амалий муаммо ва соҳа сифатида исботлаб берилмоғи ло-  
зим;

нутқ маданияти соҳасининг ҳозирги назарий курси, яъни нор-  
матив дарслиги яратилмоғи лозим. Унда нутқ маданиятининг  
мақсад ва вазифалари, таҳлил қилинаётган тил материал-  
лари норматив йўналишда ёритилмоғи ва баҳоланмоғи ке-  
рак;

нутқ маданияти илмий-амалий соҳа сифатида ҳам асос-  
ланмоғи лозим. Нутқ маданияти бўйича хрестоматиялар тузиш  
нутқ маданияти малакасини ҳосил қилишга қаратилган машқ  
лар, амалий ишларни қамрайдиган қўлланмаларни яратиш  
мана шу вазифалар қаторига киради;

нутқ маданиятининг лисоний мезонларини белгилаш ло-  
зим. Шу муносабат билан нутқ маданиятининг мантиқшунос-  
лик, одобшунослик (этика), эстетика, руҳшунослик, педаго-  
гика, ижтимоиёт, психолингвистика сингари фанлар ёки фан  
соҳалари билан алоқадор томонларини аниқлаш, маданий  
нутқни белгилашда мантиқийлик, одоблилик ва гўзаллик, ру-  
ҳий ва педагогик мезонларнинг тутган ўрнини ўрганиш му-  
ҳимдир.

Хуллас, нутқ маданиятининг ҳозирги давр тилшунослигида  
ўзига хос илмий соҳалиги шубҳасиздир. Эндиликда гап ушбу  
соҳанинг аниқ мақсади ва вазифаларини илмий равишда бел-  
гилаш ва исботлаш тилшуносларнинг галдаги муҳим вазифа-  
сидир.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ТУШУНЧАСИ

Кейинги пайтда тилшуносликда нутқ маданияти, тил мада-  
нияти тушунчалари тез-тез тилга олинадиган бўлди. Лекин  
келтирилган атамалар ва улар ифодалайдиган тушунчала-  
тилшунослик учун тамоман янги ҳодисалар эмас. Масалан  
тил маданияти, сўзлаш маданияти («Культура говорения»)  
атамаларини тилшуносларнинг 20—30-йилларда ёзган асар-  
ларида ҳам учратиш мумкин. Келтирилган атамаларнинг иш-  
латилишида муайян изчиллик бор бўлишига қарамасдан, улар  
англатадиган тушунча тилшунослар томонидан турлича тал-  
қин қилиб келинди. Нутқ маданияти тушунчасининг лисоний  
илмий, илмий-амалий мундарижаси ҳозирда ҳам изчил белги-  
ланган эмас. Шу сабабли *нутқ маданияти* деганда нимани анг-  
ламоқ керак? *Тил маданияти* дейиш тўғрими ёки *нутқ мада-  
нияти* дейиш ўринлими? Балки баъзи тилшунослар таклиф қи-

лишайтгандек, нутқ одоби ва сўз одоби атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Нутқ маданияти тушунчаси, унинг асосий моҳияти, ушбу тушунчанинг юзага келиш даври, тадқиқот объекти, бошқа лисоний категориялардан чегараси ҳамда иш кўриш тарзи ҳақида фанда турли-туман қарашлар, бири иккинчисини инкор қиладиган фикрлар анчагинадир. Шу сабабли жуда кўпчилик тадқиқотчиларнинг ҳақли равишда қайд этишларича, нутқ маданияти муаммосини назарий жиҳатдан асосламасдан тўриб бу соҳада бирор илмий муваффақиятга эришиш қийин. Ҳозирда нутқ маданияти соҳаси энг муҳим муваффақиятни қўлга киритди: нутқ маданияти илмий муаммо сифатида тан олинди ва уни тадқиқ қилиш лозимлиги кўпчилик олимлар томонидан маъқулланди. Шу сабабли ҳам тилшунос В. В. Веселитский бир вақтлар: «Ҳозирда нутқ маданияти бўйича тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини исботлаб ўтириш ортиқчадир» деб ёзган эди<sup>1</sup>. Лекин, афсуски, нутқ маданияти соҳасининг мустақил муаммо сифатида мавжудлигига, уни ҳал этиш мумкинлигига шубҳа билан қаровчи кишилар ҳам йўқ эмас. Баъзи тадқиқотчиларнинг бундай мулоҳазаларга келишининг асосий сабаби, бизнингча, нутқ маданияти ҳодисасининг тилшуносликда ҳозирга қадар етарли ойдинлашмаганлиги, кўп ҳолда аниқ ҳодиса сифатида кўрсатилмасдан умумий, мавҳум гаплар тарзида талқин этиб келинаётганлигидир. Нутқ маданияти соҳасига ишончсизлик билан қарашни туғдирадиган сабаблардан яна бири, бизнингча бу муаммо фақат ғоят оддий, ўта содда ҳолда тушуниш ва тушунтиришдан иборатдир. Бундай қарашга кўра, нутқ маданияти тилшуносликнинг тилдаги хатоликларни, чалкашлик ва нуқсонларни ахтарувчи, уларни тўпловчи ҳамда бундай ҳодисаларга қарши фақат «кураш» олиб борувчи соҳасидир. Масалан, бундай тушуниш ва тушунтириш нутқ маданиятининг ўз илмий қарашларига эга бўлган мустақил лисоний соҳа эканини шубҳали қилиб қўяди. Умуман нутқда йўл қўйилган турли хил нуқсонларни аниқлаш ва унга қарши курашиш тилшуносларнинг вазифасига киради. Аммо бу масаланинг фақат амалий томони бўлиб, ўз назарий асосларини ишлаб чиқишни талаб этади.

Нутқ маданияти деб юритилаётган соҳа тилшунослик фанида ўз ўрнини топиши ва мавқеини эгаллаши учун, бизнингча, у назарий жиҳатдан асосланиши, унинг текшириш объекти, муаммолари, илмий услуби амалий аҳамияти сингари масалалар аниқлаштирилиши, исботланиши керак.

Баъзи тилшунослар нутқ маданиятини соф назарий муаммо деб тушунсалар, баъзи тилшунослар уни фақат амалий маса-

<sup>1</sup> Веселитский В. В. О некоторых понятиях правильной речи. Вопросы культуры речи, № 6,—М., 1961, с. 69 (бундан кейин «ВКР»).

ла ва соҳа сифатида талқин этишади. Бундай асарлар орасида нутқ маданияти масалалари этикавий категория, психологик ёки методик-педагогик муаммо тарзида талқин этилган ишлар ҳам учрайди.

Нутқ маданияти тушунчаси ва муаммосини лисоний йўналишда тушуниш ҳам унчалик изчил белгиланган эмас. «Нутқ маданияти» сарлавҳаси билан нашр этилган ва этилаётган асарларнинг кўпчилигида, асосан тилшуносликнинг шу кунгача қадар у ёки бу бўлимларида ўрганиб келинган тушунчалар ҳақида маълумотлар берилади. Натижада нутқ маданияти соҳаси билан тилшуносликнинг бошқа бўлимлари ўрганувчи масалалар орасидаги ўхшашлик юзага келадик, бу нутқ маданияти тушунчасининг ўзига хос мустақил масала ва соҳа эканини шубҳали қилиб қўяди. Шу сабабли ҳам ҳар ҳолда нутқ маданияти соҳасининг мустақил муаммо тарзида яшаш ҳуқуқига эгаллигини исботлаш лозим бўлади.

Айтилганлардан кўринадики, нутқ маданияти деб юритилаётган тушунчани тил ҳодисаси сифатида, фан тушунчаси яъни илмий тушунча сифатида ва ниҳоят амалий тил жараёни — нутқий жараён сифатида аниқлаштириш лозим бўлади. Мана шу мақсадда қуйида нутқ маданияти тушунчасининг келтирилган йўналишларига қисқача тўхтаб ўтилади.

Нутқ маданияти деб юритилаётган ҳодиса бир қатор мураккаб, аммо мавжуд тил фактлари, илмий, илмий-амалий тасаввурлар, аниқ нутқий жараён кўринишлари ва талаблари билан алоқадордир. Мана шунга кўра нутқ маданиятини:

- 1) тилдаги мавжуд тил ҳодисасининг номи;
- 2) нутқ маданияти талабларига жавоб берувчи аниқ нутқий жараённинг, яъни аниқ нутқий кўринишнинг номи;
- 3) маданий нутқ ва у ҳақида кишилар (сўзловчилар) онгида мавжуд бўлган аниқ норматик тасаввурларнинг номи;
- 4) тилшуносликнинг илмий-тадқиқот объекти бўлган нутқ маданияти ва у ҳақидаги мавжуд илмий тасаввурларнинг, муаммонинг номи;
- 5) нутқ маданияти муаммосини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган тилшунослик соҳасининг — нутқ маданияти соҳасининг номи тарзида талқин қилиш мумкин.

## **НУТҚ МАДАНИЯТИ — МАВЖУД (РЕАЛ) НУТҚИЙ ҲОДИСА**

Кишиларнинг ўзаро алоқа қуроли бўлган тил анчагина қадимий тарихга эга бўлгани учун сўзловчиларнинг бу тилга муносабати ҳам кўҳна ҳодисалар жумласига киради. Чунки тил кишиларга доимо ўзаро алоқа, муносабат, маданий-маънавий зарурият, жамоа бўлиб бирлашиш, курашиш қуроли бўлиб хизмат қилган. Шу сабабли суҳбатдошлар (оилада, жамоада, расмий доираларда) нутқнинг бир-бири учун тушунарли бўлиши, керакли ўринларда эса нутқнинг ўткир, таъсирчан, мақсадга мувофиқ бўлиши объектив зарурият ҳисобланган.

Бунга эришиш учун қадимий даврларда ҳам кишилар шубҳасиз, тилнинг кўпчилик учун тушунарли бўлган ва ўзаро суҳбат учун норма тусига кирган воситаларини тўғри танлаш ва тўғри қўллаш қоидаларига амал қилишган. Табиий равишда, объектив эҳтиёж туфайли кишиларда тилга муносабатнинг муайян нормалари, муайян тил жамоаси амал қилишга одатлана борган кўникмалар, қоидалар юзага кела бошлаган. Бундай одат ва кўникмаларнинг икки муҳим томон билан алоқадор бўлганлиги ҳам шубҳасиз: биринчидан, тилдаги табиий ва аслида мавжуд имкониятларни эгаллаш, ундан ўринли фойдаланишга интилиш; иккинчидан, сўзловчиларнинг муайян нутқий талаблар, нормаларга амал қилиши. Агарда, биринчи ҳолатда тил ва унинг мавжуд ифода воситалари (лексика, грамматик структура, фонетика, талаффуз ва б.) эгаллаш малакалари, кўникмалари шакллана борган бўлса, иккинчи ҳолатда нутқнинг тил билан боғлиқ бўлмаган бошқа томонлари ҳам намоён бўла борган. Масалан, сўзловчининг ва тингловчининг гапирганда муайян одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиши, таъсирчан ва чиройли гапиришга интилиши, тилга ҳурмат, ўз гапи ва ўзгалар гапига эътиборли бўлиш, ўринли (ўз ўрнида) сўзлаш, сўзлаш маданияти ва тинглаш маданияти, суҳбат маданияти, мунозара маданияти, тилга эътибор ва эҳтиёткорлик ва бошқалар. Келтирилган талаблар асосида қадимий даврларда яшаган тил жамоаларида ҳам маълум нутқий-ахлоқий талаблар, амал қилиниши шарт деб ҳисобланган муайян қонун-қоидалар юзага келган ва бу қоидалар тил соҳасидаги умумнорма, умуммажбурият даражасига кўтарилган.

Қадимий давр кишиларида нутқ маданияти ва тилни эгаллашнинг кўринишлари табиий ҳолда, табиий инстинкт ва кўникма тарзида, ўз-ўзидан (стихияли равишда) яшаган ва ривожланган. Қадимий даврларда нутқ маданияти куртаклари кўпроқ тил одоби (нутқ одоби) тарзида намоён бўлган. Тилни эгаллаш, умуман тилдан, нутқ воситаларидан ўринли фойдаланиш, тилга муносабат ва ҳурмат қадимда, асосан, ахлоқий нормалар орқали бошқарилиб турган. Бундай ахлоқ-одоб нормаларининг мазмуни, унинг асосий таянчлари ва талаблари халқнинг ижоди бўлмиш мақолларда, туркий халқларнинг қадимий ёзма обидаларида бу масалага оид билдирилган фикрларда, шунингдек, Шарқ, Ўрта Осиёда яшаган донишмандлар, ёзувчи ва шоирларнинг, тарихнависларнинг асарларида тил, нутқ, нутқ одобига оид битилган сатрларда яхши ифодаланган ва бизгача етиб келган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қўнғуров Р. Нутқ маданияти ҳақида халқ мақоллари ва афоризмлар. Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари.— Тошкент: Фан, 1966, 30—35-беглар; Бегматов Э. Нутқ одоби. Ўқитувчилар газетаси. 1969, 25 май; Содиқова М. Нутқ этикаси (сўз одоби).— Тошкент, 1972.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида «Эрдам боши тил», яъни одобнинг боши тил дейилган мақол келтирилган<sup>1</sup>. Ушбу мақол ўтмиш даврларда туркий халқлар нутқ маданияти борасида амал қилган етакчи омил — инсон одобининг (ахлоқининг) бошланиши тилда (нутқда) кўринади, дейилган доно мазмунни ажойиб тарзда ифодалаган. Нутқ одоби борасида қадимий туркий халқлар, жумладан ўзбеклар амал қилган асосий қонун-қоидалар, расм-русмлар ва жамоа нормалар қадимий туркий тил, эски ўзбек тилида ёзилган баъзи ёзма обидаларда яхши сақланиб қолган. Масалан, «Қобуснома» асарида, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиббатул ҳақойиқ», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» асарларида бунини ёрқин кўриш мумкин. Ўзбек шоири Алишер Навоийнинг тил ва нутқ, нутқ одоби, нутқий маданият, нутқ санъати ҳақида айтган фикрларида қадимий туркий халқларнинг нутқ маданияти борасидаги бой ва ноёб мероси маҳорат билан умумлаштирилган<sup>2</sup>.

Алишер Навоий асарларида чунончи, нутқ одобининг талаблари ҳақида фикрлар бор.

1. Тилни, сўзни қадрла, уни ҳурмат қил:

Донау дур сўзини афсона бил,  
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил

(*Хамса, 34-бет.*)

2. Яхши сўзлай олиш (нутқ) — санъатдир, ноёб ҳунардир. Уни эгаллашга интилин:

Эрдин сўз ҳунар, энчидин бўз ҳунар.

(*«Маҳбул-қулуб», 82-бет.*)

3. Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир: Сувнинг мазаси муз била, ошнинг мазаси туз била, одам яхшилиғи сўз била.

(*«Маҳбул-қулуб», 79-бет.*)

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,  
Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,  
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин,  
Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

(*«Назм-жавоҳир» дан, 41-бет.*)

4. Қишининг сўзи (нутқи) унинг ақлий камолотидан дарак беради:

Одамки демак бирла киромийдиру бас,  
Сўз дурри ишининг интизомидиру бас,  
Сихҳат ончаки, ақли ақл комидиру бас,  
Ақлиға далил анинг каломидиру бас.

(*«Назм-жавоҳир» дан, 25-бет.*)

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк, I том. — Тошкент, 1960, 138-бет.

<sup>2</sup> Самадов Қ. Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби, 1962, № 1, 19—22-бетлар; Умурқулов Б. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби, 1981, № 2, 26-бет.

5. Сўзлаганда дилинг билан тилинг бир бўлсин, чунки дилдаги тилга чиқади:

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг,  
Тилу кўнглунгни бир қилиб биррўй,  
Нуқта сурсанг шукуфтау хандон,  
Зист қилсанг, кушодоу хушрўй.

(«Арбаин» дан, 59- бет.)

Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,  
Тили поку сўзи поку ўзи пок.

(«Хамса», 175- бет.)

Тилки фасиҳ ва диллазир бўлғай — хуброқ бўлғай,  
агар кўнгул била бир бўлғай.

(«Маҳбубул-қулуб», 60- бет.)

6. Сўзлаганда ўйлаб сўзла, тушуниб, билиб гапир: Сўзни кўнглунгда пишқармагунча тилга келтурма, Ҳарнаким кўнглунгда бўлса тил сурма.

(«Маҳбубул-қулуб», 83- бет.)

7. Хушмуомала, ширинсўз бўл. Тилинг билан кишиларга озор берма:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар неки ағёр дурур ёр айлар,  
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар.  
Юшмоғи кўнгуллари гирифтор айлар.

(«Назмул-жавоҳир»дан, 43- бет.)

8. Чин, тўғри сўзла, нутқингда ҳалол бўл. Елғон сўз бахтсизлик келтиради. Чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар... сўзки фасоҳат зеваридин муайян эмасдур, анга чинлик зевари басдур. Елғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳ.

(«Маҳбубул-қулуб»дан, 63-бет.)

Хирадманл чин сўздин ўзга демас,  
Вале бари чин ҳам дегулук эмас.  
Киши чинда сўз деса зебо, дурур,  
Неча мухтасар бўлса авло дурур.

(«Маҳбубул-қулуб», 83- бет.)

9. Яхши, эзгу сўз (нутқ) кишига обрў, бахт келтиради. Эзгу сўзли бўл:

Ким истаса мазҳари каромат бўлмоқ,  
Ҳар навъ ишда истиқомат бўлмоқ,  
Сўздир анга мужиби ғаромат бўлмоқ,  
Тил забтидадур анга саломат бўлмоқ.

(«Назмул-жавоҳир»дан, 30- бет.)

10. Тилдан тухмат учун фойдаланма. Тухматчидан қоч, ундан нафратлан:



Бировким ёлгон сўзни бировга боғлағай, ўз қаро бўлгон юзин ёғлағай. Қабира гуноҳдур — оз сўз ҳамки ўтрукдур, захра гуноҳдур — оз сўз ҳамки ўтрукдур, захри муҳликдур — агарчи миқдори ўксукдур.

(«Маҳбул-қулуб»дан, 61- бет.)

Эл айбини айтурга бировким узотур тил,  
Ўз айбини фош айлагали тил узотур бил.

(«Маҳбул-қулуб»дан, 69- бет.)

11. Тилингни тий. Кўп сўз, эзма ва вайсақи бўлма. Бу зарарлидир.

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдин қайтма. Оз деган оз янчилур, оз еган оз йиқилур.

(«Маҳбул-қулуб»дан, 82-бет.)

Тил илдамидин бўлур фаромат ҳосил,  
Юз навъ надомату маломат ҳосил.  
Оз сўзлагандин истиқомат ҳосил,  
Соқитлигидин вале саломат ҳосил.

(«Назмул-жавоҳир»дан, 31-бет.)

12. Сўзлаганда шароитни, суҳбатдошингни ҳисобга ол, беўрин сўз айтма... «...Золим ва бе дард суҳбатида нуқта сурма, наммом ва номард мулояматида дам урма. Доно иликдин боргондин сўз айтмас, ўтган йигитлик орзу билан қайтмас.

(«Маҳбул-қулуб» дан, 84-бет.)

13. Бўшоғиз бўлма, суҳбат сирларини сақлашга ўрган:

Қайси мажлисдаким эшитсанг сўз,  
Билгил ул сўз санга омонатдур,  
Гар ани ўзга ерга нақл этсанг,  
Ул омонатга бу хиёнатдур.

(«Арбаин» дан, 57-бет.)

14. Гапирганда қайтариқлардан қоч, чунки улар фикрнинг таъсирини сусайтиради:

Бир деганни икки демак хуш эмас,  
Сўз чу такрор топти дилкаш эмас.

(«Хамса», 484-бет.)

Нутқ одобининг қайд қилинган маданий-ахлоқий талаб ва асослари нутқ нормалари сифатида қадимий даврлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ушбу нутқий нормаларнинг сақланиши, ўзлаштирилиши ва яшаб келишида оилавий анъаналар, бир тил жамоаси доирасида амал қилинган анъанавий қоидалар, суҳбатдошлар (сўзловчи ва тингловчилар)нинг бир-бирини ўзаро назорат қилиши, таълим тарбия, ўғит-насиҳат жараёни, шунингдек нутқий одоб нормалари ҳақида ёзилган адабиётларни мутолаа қилиш асосий ўрин тутган.

Демак, кишиларнинг қандайдир тўғри, таъсирчан, чиройли ва яхши гапиришга интилиши ва унга оид одатий қоидалар қадимий тарихга эгадир. Бундай одат қадимий ўтмишдан ҳозирга қадар мангу анъана сифатида яшаб ва такомиллашиб келган. Бироқ, нутқ маданияти тушунчаси билан боғлиқ ушбу нутқий одатлар турли даврларда муайян хусусиятлари билан фарқланиб турган. Айниқса, адабий тил пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлган нутқ одоби (нутқ маданияти) тасаввурлари, адабий тил пайдо бўлгандан кейинги давр нутқ маданияти тасаввуридан фарқланади.

## АДАБИЙ ТИЛ — МАДАНИЙ ТИЛ

Адабий тил пайдо бўлгунга қадар нутқ маданияти борасида амал қилган талаб ва тасаввурлар адабий тил пайдо бўлгандан кейинги давр, яъни адабий тил билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти тасаввурларидан фарқланади. Чунки нутқ маданияти чинакам маънода адабий тил ва унинг нормалари билан боғлиқдир. Аввало адабий тил тушунчасининг моҳиятига қисқача тўхтайлик.

Адабий тил ҳақида гап борганда аввало адабий тил — халқ тилининг, миллий тилнинг олий шакли дейилган таърифга дуч келамиз. Адабий тилнинг олий шакллиги бу тилнинг ўзига хослигида, унинг ўзига хос белгилари ва вазифасида кўринади.

Адабий тил халқ тили негизида юзага келади. Адабий тилнинг пайдо бўлиши ва уни яратишдан мақсад умумхалқ оммавий алоқа воситасини яратишдир. Адабий тилдан расмий давлат тили сифатида фойдаланиш бу тилнинг ижтимоий-сиёсий соҳалар тили, расмий муомала ва ёзишмалар тили, идоравий ишлар ва ҳужжатлар тили, дипломатик алоқалар тили, радио ва телевидение тили, оғзаки тарғибот ва ташвиқот тили, илмий услублар тили, бадиий адабиёт ва саҳна тили, маориф, маданият тили каби кўп йўналишларда ривож топиши учун йўл очади. Бу ҳол адабий тилда кўп вазифали хусусиятини юзага келтиради. Адабий тилнинг кўп қиррали ва мураккаб вазифалари адабий тилнинг услубан тармоқланишига, адабий тил доирасида хилма-хил нутқий услубларнинг юзага келишига олиб келадики, бу миллий адабий тилларга хос муҳим хусусиятлардан биридир.

Адабий тил ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларида алоқа қуроли даражасига кўтарилади. Бу ҳол адабий тилни маданият ва цивилизациянинг воситачисига, бунга доир тушунча ва тасаввурларни ифодаловчи, ўзида сақловчи ва кейинги наслларга етказувчи қуролга айлантиради. Адабий тилда ижтимоий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларига оид бой билимлар мужассамланган бўлади. Шунингдек, адабий тил абстракт ва мантиқий фикрларнинг амалга оши-

шида ҳам восита вазифасини бажаради. Адабий тилга хос келтирилган хусусиятлар адабий тилнинг оғзаки шакли учун ҳам хосдир. Чунки ҳозирги пайтда сўзланган оғзаки нутқ матнларини ўз ҳолида ёзиб олиш ва узоқ давр сақлашнинг кенг техникавий усул ва имкониятлари мавжуд.

Адабий тил вазифасининг кенгайиши, унда мураккаб услубий тармоқланишнинг юзага келиши адабий тил восита ва имкониятларининг ривож топишини ва бой бўлишини тақозо қилади. Шу сабабли ҳам адабий тил халқ тилининг бошқа кўринишларига нисбатан бой луғавий фонди, такомиллашган грамматик қурилишга эгаллиги ҳамда услубий тармоқларининг ривож топганлиги билан фарқланади. Адабий тилда мана шу услублар талабига кўра синонимик воситалар, луғавий вариантлар, кўп маъноли сўзлар, хилма-хил маъноларни ифода қилувчи луғавий бирликлар, сўз шакллари ривож топади. Буларнинг барчаси адабий тилга кўпқиррали мураккаб тушунчалар ва фикрларни тушунарли ва осон ифодалаш имконини беради. Аммо адабий тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилиши жуда кўп сонли ва бой воситаларнинг шунчаки йиғиндисидангина иборат эмас. Адабий тилнинг луғат таркиби, грамматик тузилиши лаҳжа ва шевалардан фарқли равишда муайян қонун-қоидаларга бўйсунди, улар сараланган, ишланган, баҳоланган бўлади. Лисоний норма тилнинг барча кўринишларида мавжуд ҳодисадир. Лисоний норма адабий тил учун ҳам, лаҳжа ва шевалар, турли ижтимоий жаргонлар учун ҳам хосдир. Аммо адабий тил нормали тилгина эмас, нормаланган — муайян нормаларга солинган тилдир. Нормаланганлик, нормалашга муҳтожлик адабий тилнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Адабий тилнинг луғавий (сўз қўллаш) нормалари, морфологик ва синтактик нормалари, имловий ва талаффуз нормалари мавжуд. Адабий тил нормаси табиий шаклланган нормалар билан бир қаторда онгли ишланган, онгли баҳоланган нормалардан ҳам иборатдир. Бу нормалар муайян грамматик қоидалар, дарслик ва қўлланмаларда, лексикографик тадқиқотларда жамланган бўлади. Адабий тилда ёзувчи ва сўзловчи шахс мана шу қоидалар асосида адабий тилни ўрганади, унинг нормаларини эгаллайди. Адабий тил доимо ўз нормаларининг шаклланиши, турғун ҳолатга келишига интилади. Шу сабабли бошбошдоқлик адабий тилга зиддир.

Адабий тилнинг нормаланиши, бу нормаларнинг муайян қоидаларга олиниши аслида адабий тилнинг умумхалқ қуроли, умумхалқ мулки эканлиги билан боғлиқдир. Адабий тил ўзаро алоқа воситаси сифатида ўзи хизмат қилаётган миллатнинг барча вакили учун умумийдир. Адабий тилнинг қабул қилинган, қоидалаштирилган нормаларига барча жойда, барча кишилар (ёзувда ва сўзловчилар) томонидан бир хилда амал қилинади. Чунки адабий тил барча томонидан миллий тилнинг намунали ва ишланган шакли деб қабул қилинади ва

тан олинади. Шунга кўра ҳам адабий тилнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган ва маъқулланган нормаларига, бу нормаларга доир қоидаларга амал қилиш, унга бўйсунуш ҳамма учун мажбурийдир.

Бундай умуммажбурий нормалар ва қоидалар адабий тилнинг сўз қўллаш ва сўз ясаш, гап тузиш, сўзларни ёзиш ва талаффуз қилиш каби барча соҳаларида ҳам мавжуддир. Адабий тилда тўғри сўзлаш ва ёзиш учун мана шу нормалар, улар ҳақидаги қоидаларни билиш, ўзлаштириш лозим.

Баъзан адабий тилни бир ёқлама ва нотўғри тушуниш ва тушунтириш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бунда адабий тил деб фақатгина рўзнома тили, илмий асарлар тили ва бадий адабиёт тили кўзда тутилади. Бунда адабий тилнинг оғзаки шакли ҳисобга олинмайди. Шунингдек, баъзи ҳолларда адабий тил фақатгина ёзма тил орқали қолипга солинади, адабий тил нормалари ёзма нутқдагина тўла сақланади, дейилган мулоҳазалар ҳам билдирилади. Келтирилган фикрлардан адабий тилнинг оғзаки шакли нормаланган эмас экан-да, адабий тил оғзаки шаклида адабий тил нормаларига тўлиқ риоя қилиш шарт эмас экан-да, дейилган нотўғри фикрга келиш мумкин.

Адабий тилни нормалаш ҳақида гап борар экан, баъзи олимлар, ҳатто адабий тил доирасида бир хил, ягона талаффузга эришиб бўлмайди, адабий тилда талаффузнинг ягона намунаси йўқ деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, бундай мулоҳазалар баъзи тадқиқотчиларнинг нотиқлик маданияти учун ягона рецепт йўқ, нутқнинг қандай бўлишини аниқ шароит белгилайди, деган фикрларини эслатади. Келтирилган тарзда фикрлаш, албатта, бир ёқламали бўлиб, *оғзаки нутқ маданиятини* такомиллаштириш ишига зарар еткази.

Қишилардан нутқ маданиятини, яъни тўғри сўзлаш ва ёзишни талаб қилиш учун мана шундай сўзлаш ва ёзишга восита бўла олувчи қуролни белгилаш лозим бўлади. Бундай қурол — *адабий тилдир*. Адабий тилсиз нутқ маданиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Адабий тил нутқ маданиятининг — тўғри сўзлаш ва ёзишнинг ўлчови, мезонидир. Аммо адабий тил тайёр ҳолда қаердандир пайдо бўлган, бирдан тайёр ҳолда осмондан тушган ҳодиса эмас. У аслида нутқ маданиятининг таркибий қисми, ўзи ҳам маданийликка интилувчи ҳодисадир. Шунинг учун ҳам, масалан, «Прага лингвистик тўғараги» деб юритилувчи илмий мактабнинг вакиллари бўлмиш тилшунослар нутқ маданияти тушунчасини тил маданияти, адабий тил маданияти деб номлашади. Улар нутқ маданияти дейилганда аввало адабий тил маданиятини тушунишади: «*Адабий тил маданияти* деганда биз адабий тилни онгли равишда қайта ишлашни тушунамиз»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Пражский лингвистический кружок, 394- бет.

Адабий тилни қайта ишлашнинг нима зарурияти бор, дейилган савол туғилади. Адабий тил ва унинг нормалари ривожига онгли равишда аралаштириш ва қайта ишлаш, бир томондан, адабий тилнинг пайдо бўлиши учун, иккинчидан адабий тил нормаларининг такомиллашуви ва силлиқланиши учун, учинчидан эса, бу нормаларнинг кишилар томонидан тан олиниши, кундалик нутқий ҳаётда қўлланиши учун зарур.

Хўш, *адабий тилни қайта ишлаш* дейилганда нимани тушуниш зарур, адабий тилнинг қайси томонлари қайта ишланади дейилган саволлар туғилади. Бу саволга жавобни ўзбек адабий тилининг бир неча йиллардаги ривожига тарихидан бемалол топиш мумкин. Масалан, ўзбек ёзуви 1930 йилга қадар анъанавий араб алфавити асосида бир неча бор такомиллаштирилди, 1930 йилдан эса латин алифбоси асосидаги, 1940 йилдан эса рус алифбоси асосидаги ёзувга ўтказилди; ўзбек тилининг имло қоидалари яратилди, имло луғатлари тузилди ва улар бир неча маротаба қайта ишланди ва такомиллаштирилди. Ўзбек адабий тилининг луғавий нормалари ҳам онгли равишда бошқарилди. Бир қанча икки тилли луғатлар, терминологик луғатлар тузилди ва уларда сўз қўллашнинг адабий нормалари муайян даражада белгилаб берилди. Имло қоидалари, имло луғатлари, норматив дарслик ва қўлланмалар ёрдамида ўзбек тилининг морфологик ва синтактик нормалари ҳам муайян қоидалар остига олинди. Адабий тилнинг лаҳжавий базасини белгилаш, унинг таянч шеваларини аниқлаш ўзбек адабий тили товуш ва талаффуз нормаларининг белгиланиши ва такомиллашувига йўл очди ва б.

Ўзбек адабий тилини онгли ишлаш, бу тил нормаларининг шаклланиш ва такомиллида 1920—1940 йилларда ижод қилган етакчи ўзбек ёзувчилари, журналистлар, турли фан олимлари, айниқса тилшунослар, шунингдек радио муҳим роль ўйнади. Натижада ўзбек адабий тили такомиллашган миллий, адабий тил даражасига кўтарилди. Унинг тўғри ёзиш ва тўғри сўзлаш учун лозим бўладиган тил воситалари такомиллашди ва силлиқланди. Адабий тилнинг мана шу ҳолати *тил маданиятини, яъни маданияшган тилни* билдиради. Поляк тилшуноси Б. Гавранек мана шу маънода қуйидагиларни ёзган эди: «Адабий тилни, зикр этилганидек, онгли ишлашнинг натижаси *маданияштилган тил* ва бу тилдан амалда фойдаланувчи шахсларнинг нутқий фаолияти *тил маданиятидир*»<sup>1</sup>. Демак, тилни онгли равишда қайта ишлаш натижасида маданият тил юзага келади. Бу маданият тил — адабий тилдир. Маданий адабий тилни юзага келтириш учун олиб борилувчи фаолият жараёни адабий тил маданияти учун ҳаракат, курашдир. Шунинг учун *адабий тил маданият тил* деб аталади. Адабий, яъни маданият тилни юзага келтиришдан мақсад — тўғри сўзлаш, тўғри

<sup>1</sup> Пражский лингвистический кружок, 389- бет.

ёзиш қуролини юзага келтиришдир. Бу қурол фаол фойдаланилгандагина ва жамият аъзоларининг ўзаро алоқаси учун муваффақиятли хизмат қила олгандагина унинг ҳақиқатан ҳам маданий тил эканлиги тасдиқланади. Демак, маданий адабий тил бўлиш билан бир қаторда бу тилдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган нутқий жараён, фаолият ҳам мавжуддир.

Бу фаолият олдида қўйиладиган муайян талаблар ҳам мавжуддир. Тил маданияти туфайли маданий тил — адабий тил яратилган экан, энди бу маданий қуролдан тўғри, ўринли фойдаланиш лозим, дейилган талаб ўртага қўйилади. Бу талаб адабий тил учун норма деб қабул қилинган тил воситаларига, қоидаларига амал қилган ҳолда сўзлаш ва ёзиш билан боғлиқдир. Адабий тил билан амалий нутқий фаолият орасидаги мана шу боғлиқлик, жараённи *нутқ маданияти*, поляк тилшунослари фикрича эса, *тил маданияти* деб юритиш мумкин. Саводхонлик ва саводхон, аксинча саводсизлик ва саводсиз, тўғри имло ва нотўғри имло, тўғри ёзиш ва нотўғри ёзиш, имло хато, имло хатосиз, имло хатолари кўп; услубий хато, пунктуацион хато, сўзни тўғри қўллаш (ишлатиш), тўғри сўзлаш каби кўпгина атамалар нутқий фаолият, яъни нутқ маданияти билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди.

Адабий тилнинг нормалари, бу нормаларга оид қоида ва кўрсатмалар доимо ва юз фоиз тўғри бўлавермаслиги, уларнинг айримлари нутқий фаолиятга сингмаслиги мумкин. Адабий тил нормаларидаги бундай ҳолатлар тилнинг барча кўринишларида мавжуд. Аммо улар, айниқса алифбода, ёзув ва талаффузда қисман сўз қўллаш соҳасида аниқроқ кўзга ташланади. Адабий тил нормаларидаги бундай нуқсонларни қайта баҳолаш ва бартараф қилишга тўғри келади. Масалан, ўзбек алифбосидаги, имловий ва пунктуацион қоидалардаги тинимсиз мунозараларга сабабчи бўлаётган ҳолатлар бунга ёрқин мисолдир. Шу сабабли ўзбек алифбосини янада такомиллаштириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда, ўзбек имлоси ва пунктуацияси асосий қоидаларининг янги лойиҳалари тузилмоқда ва қайта-қайта кенг муҳокама қилинмоқда.

Кўринадикки, адабий тил нормаларидаги баъзи нуқсон ва ҳолатларни вақти-вақти билан қайта кўришга ва уларни илмий баҳолашга тўғри келади.

Демак, *адабий тил маданияти* учта ҳодиса (тушунча)ни ўз ичига қамрайди: 1) адабий тилни онгли ишлаш (нормалаш);

2) адабий тилнинг ишланган, яъни маданийлашган ҳолати;

3) маданий адабий тил нормаларидаги баъзи ҳолатларни янада қайта ишлаш ва такомиллаштириш.

Юқорида айтилганлардан икки ҳодисанинг мавжудлиги аниқ бўлиб қолади: 1. *Тил маданияти*, яъни адабий тил мада-

нияти. 2. Маданий адабий тилдан тўғри фойдаланиш билан боғлиқ бўлган *нутқ маданияти*. Демак, нутқ маданияти маданий адабий тилни юзага келтириш ва нутқий фаолиятда бу тил нормаларига амал қилишдан иборатдир.

### НУТҚ МАДАНИЯТИ — НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ ВА НУТҚИЙ МАЛАҚАДИР

Нутқ маданияти тушунчасининг аниқ мавжуд ҳодиса эканлиги, кўриб ўтилганидек, унинг адабий тил ва адабий тил маданияти билан боғлиқлигида бўлса, иккинчи томондан, кишиларнинг кундалик нутқий фаолияти билан алоқадорлигидадир. Адабий тилнинг (муайян нормаларга солинган, силлиқланган маданий тилнинг) мавжудлигининг ўзигина ҳали нутқ маданиятини ташкил этмайди. Адабий тилдан, унинг маданийлашган воситаларидан бу тилда гапирувчи кишилар жамоаси ўз нутқий фаолиятларида фойдалангандагина адабий тил мавжуд нутқий ҳодисага, нутқ маданиятининг кучли воситасига айланади. Масалан, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида таълим-тарбия ишлари олиб борилади, илмий ва бадий адабиётлар нашр этилади, рўзнома ва ойномалар чиқарилади. Радио ва телевидение эшиттиришларида ушбу тил нормаларига амал қилинади. Ёзма нутқда, яъни ёзганда биз ўзбек тилининг имло қондаларига, гапирганда эса, адабий талаффуз нормаларига амал қиламиз ва ҳоказо. Ўзбек адабий тили, унинг маданий воситалари умуммажбурий норма сифатида ўқитилади ва ўргатилади. Адабий тил, унинг ёзма ва оғзаки шакли нормалари бу тилда сўзловчиларнинг кўпсонли шахсий нутқлари ва бу нутқлар йиғиндисидан иборат бўлган умум норма сифатида намоён бўлади. Масалан, ўзбек адабий тилида минглаб, миллионлаб кишилар гаплашади. Бу кишиларнинг ҳар бири алоҳида шахс, алоҳида нутқ эгаларидир. Аммо уларнинг барчаси учун умумий бўлган нутқий қурол — ягона ўзбек адабий тилидир. Мана шу кўпсонли шахслар, бир томондан, ягона битта адабий тил — ўзбек адабий тилидан фойдаланишига кўра, иккинчидан эса, битта тил атрофида бирлашаётганликларига кўра муайян умумийликка, уюшганликка эга. Мана шу умумийлик тилшуносликда *тил уюшмаси (жамоаси)* деб юритилади. Муайян тил уюшмасини муштарак қилиб турадиган асосий омил алоқа қуроли бўлган тилнинг ягоналиги ва бу тил адабий нормаларининг умуммажбурийлигидир.

Адабий тил ва унинг нормалари аввало ўрта ва олий мактаб таълими орқали, қолаверса оиладаги тарбия орқали ўзлаштирилади. Адабий тилни эгаллашда мустақил шуғулланиш, айниқса бадий адабиётларни, рўзнома ва ойномаларни ўқиш, радио ва телевидениени тинглаш муҳим роль ўйнайди. Демак, адабий тил, адабий тил маданияти ўқиш-ўрганиш, тинимсиз шуғулланиш орқали эгалланадиган нутқий ҳодисадир.

Адабий тил маданиятини эгаллашда тилга эътибор, унга чи-накам ҳурмат ва муҳаббат муҳим роль уйнайди. Адабий тил ва нормаларини шунчаки қизиқиш ва у билан номигагина шу-ғулланиш билан эгаллаб бўлмайди. Ўрта мактабда олиб бо-риладиган таълим-тарбиянинг турлича натижалари бунга ёр-қин мисол бўла олади. Битта мактаб ва битта синфда ўқиган ўқувчилар орасида ўзбек адабий тилида равон гапирувчи, нуқ-сонсиз ёза оладиган ўқувчиларни ҳам, билим савиясига кўра унинг аксини кўрсатадиган ўқувчиларни ҳам учратиш мум-кин. Демак, бу ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёти дарсла-рини ўзлаштиришига кўра, ўз адабий нутқлари устида шуғул-ланишларига кўра фарқланадилар.

Адабий нутқ ва у билан боғлиқ бўлган адабий тил мада-нияти — бу аввало *нутқий кўникма*, *нутқий малакадир*. Ада-бий нутқ малакасига — адабий тил нормаларини эгаллаш ор-қали эришилади. Ўрта мактаб таълимида *нутқ малакаси*, *нут-қий кўникма*, *ёзма нутқ кўникмаси*, *оғзаки нутқ кўникмаси*, *нутқ маданияти малакаси* сингари тушунчалар мавжуд. Асли-да бу тушунчаларнинг барчаси адабий тил маданиятини эгал-лаш билан боғлиқдир.

Нутқ маданияти малакасига адабий тил нормалари, бу нормаларга оид қонун-қоидалар, назарий билимлар, амалий машғулотлар устида тинимсиз ва қайта-қайта шуғулланиш ор-қали эришилади. Нутқ маданияти малакаси шунчаки билиб, англаб олинган билим, назария эмас, балки кишининг ўз нут-қий фаолиятида амал қилишга, қўллашга эриша олган кўник-масидир. Демак, мана шу маънода нутқ маданияти — реал нутқий фаолият, аниқ нутқий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Қўринадики, адабий тил (адабий тил маданияти) билан бу тилнинг амалда фойдаланилган ҳолатлари, яъни нутқий фао-лият ўзаро узвий боғлиқликка эга бўлган ҳодисалардир. Ма-даний тил, яъни адабий тилсиз маданий нутқий фаолият бў-лиши мумкин бўлмаганидек, жамият аъзоларининг кундалик нутқий фаолиятида ишлатилмаган, фойдаланилмаган адабий тил ва унинг воситалари ҳам жонсиз ҳамда ўликдир. Демак, адабий тил ва унинг нормаларга солинган воситаларининг қан-чалик мақсадга мувофиқ эканлиги реал нутқ кўринишларда синалади. Адабий тилнинг нутқий ҳаётга сингмаган, нутқий талабларга жавоб бера олмаган воситалари, улар ҳақидаги қоидалар эскиради, истеъмолдан чиқади. Бунга ўзбек тили-нинг имло қоидаларидан, луғавий ва морфологик нормалари-дан кўпгина мисоллар келтириш мумкин.

Қўринадики, адабий тил нормаларини қайта ишлаш, онгли бошқариш қанчалик зарур бўлса, бу нормаларни амалда си-наб кўриш ва баҳолаш ҳам шунчалик зарурдир. Мана шундай сабабга кўра адабий тил нормаларини белгилаш, уни қайта ишлаш, силлиқлаш бирдан бошланадиган, бирдан ҳал бўла-диган ва тезда тугайдиган жараён эмас, балки доимо ва мут-



тасил давом этадиган ишдир. Демак, адабий тил доимий ғам-хўрликка муҳтождир. Шундай қилиб, *нутқ маданиятини эгаллаш* — *нутқ маданияти кўникмасини ҳосил қилишдир*. Бу кўникма ўзбек адабий тили, унинг оғзаки ва ёзма шакли нормаларини ўрганиш ва эгаллаш билан боғлиқдир. Нутқ маданияти кўникмаси — адабий тил ва унинг нормаларини пассив эмас, балки фаол эгаллашдир. Тилни фаол эгаллаш — тилни онгли равишда ўзлаштириш ва ундан оғзаки ҳамда ёзма нутқ амалиётида унумли ва хатосиз фойдалана олиш демакдир. Баъзи кишиларнинг ўзбек тилида нуқсонсиз ва равон ёза олмаслиги ёки адабий тилда эркин сўзлай олмаслиги уларнинг ўзбек адабий тилини фаол эгалламаганлигидан дарак беради.

Адабий тил ва унинг норматив воситалари, улардан фойдаланиш ҳақидаги қоидалар барча учун бир хилда *мажбурий*, *ягона* ва *умумхалқийдир*. Уларни ҳар ким ўзича, ўзи билганича ўзгартириб қўллаши мумкин эмас. Масалан, китоб сўзини баъзиларнинг *китоп*, бошқа бировларнинг *китаб* ёки *кутоп* тарзида нотўғри ёзишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, *йўқ*, *хол* сўзларини бошқа бировларнинг *жўқ*, *қол* тарзида нотўғри талаффуз қилишига ҳам йўл қўйилмайди ва б. Демак, тил маданиятига амал қилиш ўша тилда ёзадиган ёки сўзлайдиган барча кишилар учун бир хилда тегишлидир. Шу сабабли ҳам адабий тил нормалари шевалар нормасидан *умумхалқийлиги*, *умумқўлланувчанлиги* билан ажралиб туради. Аммо адабий нормалари қандайдир қотиб қолган (ўта консерватив) нарса эмас, балки нутқий фаолиятнинг, нутқий кўринишлари, нутқий услубларнинг хусусиятига кўра муайян қирраларга эга бўлувчи, товланувчи мураккаб ҳодисадир.

Адабий нутқ кўпқиррали хусусиятларга эгадир. Бу хусусият аввало нутқий фаолиятнинг ўзи мураккаблиги ва кўптомонли экани билан изоҳланади. Аввало адабий тил ва унинг вазилавий шаклининг ўзи икки кўринишга эга: 1) ёзма адабий тил; 2) оғзаки адабий тил. Адабий тилнинг бу шакллари нутқий фаолият нуқтаи назаридан: *ёзма нутқ ва оғзаки нутқ* деб ҳам юритилади.

Нутқнинг бу иккала шакли ҳам ягона адабий тил нормаларига таяниб иш қўради. Шу сабабли уларда муштарак луғавий нормалар, умумий морфологик, синтактик восита мавжуд. Аммо ёзма нутқ амал қиладиган имловий, пунктуацион нормалар оғзаки нутқда, оғзаки нутқ амал қиладиган талаффуз нормалари, оҳангий (интонацион) нормалар ёзма нутқда йўқ ёки етакчи роль ўйнамайди. Мана шундай фарқли томонлар ёзма ва оғзаки нутқнинг синтактик қурилишида, сўз шакллариининг тўлиқ ва нотўлиқ қўлланишларида, имо-ишора билан боғлиқ (паралингвистик) воситаларнинг ишлатилиш хусусиятларида ҳам кўринади. Булар ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини эгаллашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканига далилдир.

Шу сабабли ҳам нутқ маданияти соҳасида *ёзма нутқ маданияти*, *оғзаки нутқ маданияти* дейилган тушунчалар мавжуд. Бу тушунчалар ўзида ёзма ва оғзаки нутқ шакллари олдига қўйиладиган нутқ маданияти талабларини ифодалайди.

Ёзма нутқ доирасига илмий нутқ, расмий нутқ, публицистик нутқ, қисман бадий нутқ, шунингдек радио ва телевидение учун тузилган ёзма матнлар тили киради. Қелтирилган ёзма нутқ кўринишларининг ўзаро фарқ қиладиган норматик томонлари бор. Шунга кўра, бу нормаларга амал қилиш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти талаблари ҳам мавжудлиги шубҳасиз. Нутқнинг келтирилган вазифавий типлари баъзан илмий тил, расмий тил, бадий тил деб ҳам юритилади.

Оғзаки нутқ дастлаб икки типга ажралади: 1) *оддий сўзлашув нутқи*; 2) *адабий сўзлашув нутқи*.

Оддий сўзлашув нутқи ўзбек тилида табиий ҳолда мавжуд бўлган оғзаки нутқ кўринишларидан иборат. Масалан, турли ўзбек шева ва лаҳжалари тили, яъни диалектал нутқ кўринишлари, шевачилик унсурлари таъсирида бўлган кундалик сўзлашувнинг бошқа хил кўринишлари ва б.

Оддий сўзлашув нутқининг тил базасини адабий тил ташкил этмайди. Шу туфайли оддий сўзлашувдан биз талқин қилаётган маънодаги нутқ маданияти талаб қилинмайди. Оддий сўзлашув олдига қўйилувчи нутқий талаблар аниқ лаҳжа ва шеваларнинг табиий нормалари билан кўпроқ лисоний талаблар билан боғлиқ бўлади.

Адабий сўзлашув нутқи адабий тилнинг оғзаки нутқ доирасидаги вазифаларидан юзага келади. Бошқача қилиб айтганда адабий сўзлашув нутқи — адабий тил маданиятига, яъни адабий тил нормаларига амал қилган ҳолда гапиришдир. Аммо адабий тилда сўзлаш адабий тилда ёзишга нисбатан анча қийинчилик билан эришиладиган жараён дир. Бунинг бир қатор сабаблари бор: 1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади; 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади. Чунки оғзаки нутқ ёзма нутқдан тезкор (автоматик) жараён экани билан фарқланади; 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд.

Чунончи гап бўлакларининг тушиб қолиши, қисқариб кетиши, ўрин алмашиши, аксинча кераксиз унсурларнинг, такрорларнинг бўлиши ва б; 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим роль ўйнайди; 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ; 6) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади; 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноқсиз шахсий (индивидуал)

фаолиятдир. Унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва пайқалмаган ҳолда беиз йўқолиб кетади; 8) оғзаки нутқнинг лисоний хусусиятлари фанда ёзма нутққа нисбатан кам ўрганилган; 9) оғзаки нутқни нормалаш ишларига шунга қадар фанда ниҳоятда кам эътибор берилди; 10) киши сўзлаганда ўз нутқига худди ёзаётгандаги каби етарли эътибор беравермайди ва б.

Оғзаки нутқнинг қўйидаги вазифавий (функционал) кўринишлари мавжуд:

1. *Кундалик адабий сўзлашув нутқи кўринишлари.* Бунга адабий тилда гапирувчи шахсларнинг кундалик сўзлашув нутқини киритиш мумкин.

2. *Лекторлар нутқи.* Бу кўринишга ўрта ва олий мактаб ўқитувчиларининг, тарғиботчи лекторларнинг, олимларнинг маърузалари, чиқишларини киритиш мумкин. Оғзаки нутқнинг бундан хили асосан, монологик нутқ характерида бўлади.

3. *Радио ва телевидение нутқи (тили).* Бу кўринишга радио ва телевидение орқали адабий тилда сўзланган нутқлар киради. Радио ва телевидение нутқи асосини дикторлар, радио ва телевидение изоҳловчилари нутқи ташкил қилади. Радио ва телевидение орқали адабий тилда олиб борилган эшиттиришлар, кўрсатувлар, суҳбатлар тили ҳам радио ва телевидениенинг ўзига хос талабларига бўйсунди ва баъзи ўзига хос норматив томонларга эга.

4. *Саҳна нутқи.* Оғзаки нутқнинг алоҳида тури саҳна нутқидир. Саҳна нутқида ижро этилаётган асарнинг тил хусусиятларини сақлаган ҳолда, томошабинлар учун умумтушунарли бўлган тилда сўзлашга интилиш мавжуд. Саҳна нутқининг умумтушунарли бўлишини таъминлайдиган асосий оми адабий тилда сўзлашдир. Бунда адабий талаффуз айниқс муҳим урин тутади. Саҳна нутқи нутқнинг юқорида қайд қилинган кўринишларидан диалогик характерга эгаллиги билан ҳам фарқланади.

Нутқий турларни баъзан ижтимоий табақалар ва гуруҳлар тили нуқтаи назаридан номлаш ҳам учрайди. Чунончи: *ўқитувчилар нутқи, ўқувчилар нутқи, ёш-талабалар нутқи, болалар нутқи (боғча болалари нутқи)* каби.

Нутқнинг юқорида келтирилган хиллари ҳам нутқ маданиятининг асосий талабларига бўйсунди. Чунки уларнинг тили асослари ҳам адабий тил нормаларидир. Шу туфайли ҳам бундан нутқий кўринишлардан талаб қилинувчи нутқ маданияти ҳақида ҳам алоҳида гапириш мумкин. Мана шу асосга кўра ўқувчиларнинг нутқ маданияти, ўқитувчиларнинг нутқ маданияти, саҳна нутқи маданияти, лектор нутқи маданияти, радио нутқи маданияти, телевидение нутқи маданияти, умуман кен маънода оғзаки нутқ маданияти ҳақида ҳам гап юритиш асослидир. Аммо келтирилган нутқ хилларининг асосий лисоний хусусиятлари, улар амал қилувчи адабий нормалар бу нутқлард

йўл қўйилаётган баъзи нуқсонларнинг объектив ва субъектив сабаблари ўзбек тилшунослигида деярли ўрганилган эмас. Танқидий руҳда ёзилган баъзи мақолаларда адабий талаффузни бузиш билан алоқадор баъзи камчиликлар танқид қилинади, ammo бу нуқсонларни тузатишнинг самарали илмий ва амалий йўллари етарли равишда кўрсатиб берилмайди.

## ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ — НУТҚ МАДАНИЯТИНИНГ АСОСИ. АДАБИЙ ТИЛНИНГ НОРМАТИВЛИГИ

Тил нормасини илмий нуқтаи назардан ўрганиш ўзбек тили нутқ маданияти муаммоларини назарий жиҳатдан асослашнинг муҳим шартларидан биридир. Чунки «тил нормаси — нутқ маданияти назариясининг марказий тушунчасидир»<sup>1</sup>. «Адабий тилнинг ривожланиш қонуниятларини, адабий тил нормаларининг умумий ҳолатини, ундаги турғун ва нотурғун ҳодисаларни чуқурроқ текширмай туриб адабий тилнинг нутқ маданияти ҳақида гапириш, адабий-норматик тавсиялар бериш асло мумкин эмас»<sup>2</sup>.

Ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган ишларда гап қўпинча нутқимизда учрайдиган камчиликлар ҳақида боради. Лисоний бирликларни худди шу шаклда қўллаш камчилик эканлигини нимага асосланиб айтамыз? Тилшунослик мана шундай қўлланишнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини кўрсатувчи маълум ўлчов бўлиши керак. Бу ўлчов *адабий тил нормасидир*. Қўлланган тил бирлигини тўғри ёки нотўғри дейилганда ана шу норма нуқтаи назаридан иш тугилади.

Хўш, норма нима? Бу саволга берилган айрим жавобларни келтирамыз. «Тил нормаси» китобининг муаллифи В. А. Ицкович ёзади: «Норма бу сўзнинг маълум пайтда, маълум жамоада объектив мавжуд бўлган маъноси, унинг фонетик тузилишидир, сўз ясаш ва сўз ўзгартиш қолиплари ҳамда уларнинг реал кўринишлари, синтактик бирликлар — сўз бирикмалари, гапларнинг реал кўринишларидир»<sup>3</sup>.

С. И. Ожеговнинг фикрича, «... норма — бу ижтимоий жараёнда бирга мавжуд бўлган, бор бўлган, янги пайдо бўлган ёки ўтмишнинг кам ишлатиладиган тил унсурларини (луғавий, талаффуз, морфологик, синтактик) танлашнинг натижаси сифатида шаклланган, жамиятга хизмат қиладиган фойдаланиш («тўғри», «маъқул») тил воситалари йиғиндисидир, кенг маънода бу унсурларни баҳолашдир»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Основы культуры речи: Хрестоматия.— М.: Высшая школа, 1984, с. 12.

<sup>2</sup> Бегматов Э. ва бошқалар Адабий норма ва нутқ маданияти.— Тошкент: Фан, 1983, 5-бет.

<sup>3</sup> Ицкович В. А. Языковая норма.— М.: Просвещение, 1968, с. 5.

<sup>4</sup> Ожегов С. И. Очередные вопросы культуры речи.— Основы культуры речи: Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1984, с. 220.

Б. Н. Головин: «Норма — бу тил бирликларини ўзаро яхши тушуниш зарурати туфайли ундан фойдаланадиган халқ томонидан яратилган, тил қурилишининг амалда бўлган хусусиятидир. Айнан мана шу зарурат тил системасининг ягоналигига эришиш йўлида одамларга бирон вариантни маъқул кўриш, бошқасидан воз кечиш истагини туғдиради. Жамиятнинг ана шундай ягоналикка эришиш йўлидаги интилиши билан биргалликда тил нормаси миллий адабий тилда юқори даражага кўтарилиб, мустаҳкамланиб боради<sup>1</sup>.

Демак, норма деганда тил унсурларининг халқ ўртасида кўпчиликка маъқул бўлган вариантини қўллаш тушунилади. Шунинг учун ҳам норма тушунчаси тил қурилиши, умуман тил тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, тилда турғунлик касб этади ва узоқ муддат яшайди. Аммо бу норма ўзгармас ҳодисалар деган гап эмас. Давр ўзгариши билан одамларнинг билими, дунёқараши, ҳаётга бўлган талаби ўзгариши билан норма ҳам ўзгариб бориши мумкин. Масалан, 1917 йилларда *мухторият, жумҳурият, байналминал, йўқсил, фирқа, кашшоф* каби сўзларни ишлатиш норма ҳисобланган бўлса, кейинчалик улар истемолдан чиқди. Уларнинг ўрнига *автономия, республика, интернационал, пролетар* каби русча-байналмилал сўзлар қўлланадиган бўлди. Ҳозирда аввалги атамалар тилимизга яна қайтиб кирмоқда.

Яна бир мисол: *домла* сўзи революциядан илгари диний мактаблар (мадрасаларда) мударрислик қилувчи кишиларга нисбатан ишлатилган. Ҳозир эса бу сўз бутунлай бошқа маънода — олий мактабларнинг ўқитувчиларига нисбатан айтилмоқда. Унда ҳеч қандай ёмон маъно йўқ, маънода силжиш юз берган ва шундай ишлатилиши халқ томонидан норма сифатида қабул қилинган.

«Нормани тадқиқ этишда шу нарсани қаттиқ ёдда тутиш керакки, тилнинг тараққиёт қонунлари объектив жараённинг ифодаси сифатида кишиларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда амал қилади»<sup>2</sup>.

Одатда, нормани фақат адабий тилга нисбат бериб тушунадилар. Бу уни тор маънода тушунишдир. Норма ҳодисаси,— дейди В. А. Ицкович,— тилнинг барча яшаш шакллари учун хосдир<sup>3</sup>. Умумтил бойлиги доирасида қараладиган диалектизмлар, шева унсурлари, жаргон ва арголар, касб-ҳунарга оид кўпгина сўзлар ўзбек халқининг ҳаммасига тушунарли бўл-

<sup>1</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980, с. 18—19.

<sup>2</sup> Ожегов С. И. Очердные вопросы культуры речи.— В кн.: Основы культуры речи: Хрестоматия: М.: Высшая школа, 1984, с. 219.

<sup>3</sup> Ицкович В. А. Языковая норма.— В сб.: Общее языкознание. М., 1970, с. 565.

маса ҳам, ўша шева ва лаҳжаларда сўзлашувчи кишилар ёки маълум ижтимоий гуруҳ учун тушунарлидир. Масалан, *дўппини* Самарқандда қалпоқ, Хоразмда тақя, Бухорода *каланўш*, Фарғона ва Тошкентда *дўппи* дейиш ўша лаҳжалар учун норма. Адабий тил учун эса уларнинг биттаси — дўппи танлаб олинган. Ёки *якан* — *пул*, *ханжар* — *қорин*, *хит* — *оч*, *ҳасут* — *қон*, *даҳ* — *яхши* эканлигини фақат отарчилар; *ҳариф* — *ўғрилиқ* объекти, *лигави* — *милиция* эканлигини фақат ўғрилар тушунади. Шундай қўллаш бу тор доирадаги ижтимоий гуруҳ лугати учун норма ҳисобланади. Умумхалқ тили доирасида қараладиган, бу турли кўринишдаги гуруҳларга хос бўлган лисоний нормаларни адабий тилнинг нормаси билан асло тенглаштириб бўлмайди. Чунки улар миллат ичидаги маълум бир гуруҳ ёки гуруҳчиларнинг талабига жавоб берса, адабий тил нормаси бутун бир миллатнинг эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади.

Баъзи тилшунослар ўзбек тили доирасидаги нормаларни иккига бўлиб ўрганишни тавсия қилади: 1. Тилнинг умумнормаси ёки умумий норма. 2. Тилнинг хусусий нормалари ёки хусусий норма.

Умумий норма маълум тилнинг, масалан, ўзбек тилининг барча кўринишларида қўлланаётган нормалар системасининг йиғиндисидан иборат.

Хусусий норма — умумий норманинг нутқ кўринишлари, шаклларидаги, тилнинг шаклларидаги аниқ кўринишларидир. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилининг қуйидаги хусусий нормалари ҳақида гапириш мумкин:

- 1) ўзбек адабий тили нормаси;
- 2) ўзбек лаҳжа ва шевалари нормаси (диалектал норма);
- 3) ўзбек сўзлашув нутқи нормаси;
- 4) ўзбек тилининг ижтимоий тармоқлари, яъни «ижтимоий диалектлар», «ижтимоий арголар» нормаси (жаргонлар, профессионал нутқ кўринишлари, аргонинг бошқа хилларига хос нормалари)»<sup>1</sup>.

Бизни, албатта, нутқ маданияти нуқтаи назаридан адабий тил нормаси қизиқтиради. Ана шу норма туфайли тил, юқорида таъкидлаганимиздек, умумхалқ тилининг яшаш шаклларида фарқ қилади. Тил унсурларини норматив ҳолатга келтиришга интилиш адабий тилнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, бу жараён мунтазам давом этиб туради. Аммо «тил нормаси, — деб таъкидлайди Л. И. Скворцов, — фан томонидан ишлаб чиқилмайди, улар объектив равишда мавжуд бўлади, луғатларда, грамматикаларда, умуман тил ҳақидаги фанда нормалашгунга қадар пайдо бўлади. Норманинг табиий тараққиётига фаннинг ёрдамлашиши ёки қаршилиги, ҳосил бўлган норма

<sup>1</sup> Бегматов Э. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти. — Тошкент: Фан, 1983, 19-бет.

системасини мустаҳкамлаши умуман норманинг амал қилишига таъсири — бу бошқа масаладир»<sup>1</sup>.

Хуллас, нормативлик адабий тилнинг яшаш шартларидан биридир. Адабий тилда мавжуд бўлган товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари, турли қўшимчалар, синтактик қурилма нутқ жараёнида маълум қонун-қоидаларга атайлик, келишилган, кўпчилик томонидан маъқулланган, норма деб тан олинган кўрсатмаларга бўйсунган ҳолда амал қилади. Мана шу қонун-қоидаларнинг бузилиши ёки улардан четлашиш тилда норманинг бузилиши, унга амал қилмаслик деб баҳоланади. Демак, «адабий тил муайян конкрет норматив воситалар, имкониятлар, уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган қонун-қоидалар, кўрсатмалар йиғиндисидан иборатдир»<sup>2</sup>.

Энди ўзбек адабий тилининг аниқ нормалари ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Ўзбек адабий тили нормалари илмий асарларда қуйидагича тасниф қилинади: 1) лексик-семантик нормалар — лексик (сўз қўллаш) нормалари; 2) талаффуз (орфоэпик) нормалар; 3) акцентологик (сўз ва формаларда урғунинг тўғрилиги) нормалар; 4) фонетик нормалар; 5) грамматик (морфологик ва синтактик) нормалар; 6) сўз ясаиш нормалари; 7) имловий нормалар; 8) ёзув (графика) нормалари; 9) пунктуацион нормалар; 10) услубий нормалар<sup>3</sup>.

Қуйида ушбу нормалар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

**Фонетик норма.** Ҳозирги ўзбек адабий тили учун 6 та унли ва 25 та ундош товушнинг қўлланиши норма ҳисобланади. Бу товушлар йиғиндиси ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг талаффуз ва ёзишдаги эҳтиёжларини қондириб келаётган бўлса ҳам, у айрим камчиликларга эгадир. Ўзбек адабий тили нормасининг такомиллашувига тўсқинлик қилаётган бу камчиликлар нутқ маданиятига бағишлаб ўтказилган Республика конференциясида ҳақли равишда қайд қилиб ўтилди. Конференцияда ўзбек алифбосини туркий халқлар алифбосига яқинлаштириш масаласи қўйилди. *а* ни *э* билан, *у* ни *о* билан, *о* ни *а* билан алмаштириш тавсия қилинди.

Иккинчидан, эътибор талаффуз ва ёзишдаги номувофиқликларга қаратилди. Масалан, *журнал* сўзидаги *ж* ни *жала* сўзидаги *ж* дан фарқлаш кераклиги айтилиб, алфавитда *ж* ва *ж* - ҳарфлари бўлиши, алифбога *нг* ўрнига *н* ҳарфи, *х* ва *ҳ* нинг яқинлиги ҳисобга олиниб *ҳ* ўрнига *һ* ни қабул қилиш лозим деган фикрлар баён қилинди.

Ҳар қалай, алифбодаги бу камчиликлар ўқиш-ўқитиш жараёнига ҳам, нутқ маданияти тараққиётига ҳам салбий таъсир

<sup>1</sup> Основы культуры речи: Хрестоматия.— М.: Высшая школа, 1984, с. 39.

<sup>2</sup> Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги. Тошкент: Ўзбекистон, 1980, 13-бет.

<sup>3</sup> Бегматов Э. ва бошқ. Адабий норма ва нутқ маданияти.— Тошкент, Фан, 1983, 75-бет.

кўрсатаётганга ўхшайди. Масаланинг «Алфавитимизга қўшимча ҳарфлар киритиш ёки чиқариш билан нутқ маданиятимизни ошириш учун имконият яратилмай, балки нутқ маданиятимиз такомиллашувида янада чалкашлик содир бўлиши мумкин эмасми? Чунки, минг-минглаб ўқувчи ва талабалар, зиёли ва хизматчилар, колхозчи ва ишчилар ҳозирги кундаги алфавитимизда таҳсил кўришган. Шу каби, ҳозирги алфавитимиздаги миллионлаб китобларни қайта нашр қилдириш — давлат ва халқимизнинг зарурий эҳтиёжлари учун ишлатиладиган маблар устида ўйлаш ҳам керак бўлади»<sup>1</sup> тарзида қўйилиши ҳолатлари ҳам мавжуд. Ўзбек алифбосини такомиллаштириш ҳаётий зарурат, аммо унинг қандай ҳал қилиниши жумҳурият давлат арбоблари, олимлари ва маориф ходимларининг ҳаракатига, ташаббусига боғлиқ.

*Талаффуз нормалари.* Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакли бўлгани каби, нутқда ҳам имловий ҳамда талаффуз нормалари мавжуддир.

Талаффуз нормалари, яъни адабий талаффуз нормаси тил бирликларининг оғзаки нутқ жараёнида адабий тил нормасига мувофиқ келишидир. Ёзув туфайли ўзбек тилининг имловий нормаси анчагина дуруст ҳолга келтирилган бўлса ҳам, талаффузда камчиликлар ҳали анчагина. Талаффузда ҳанузгача ҳар хилликлар давом этиб келмоқда ва бу ҳол ўзбек тили нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабаблари нимада? Сабаб сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбек адабий тилининг оғзаки нормаларини барча бир хилда мукамал эгаллаш қолмагани сезилиб туради. Оғзаки адабий тилни эгаллаш ёзма адабий тилдан фойдаланишга кўра сустроқдир.

2. Адабий тилда сўзловчилар нутқида муҳаллий шевалар таъсири кучли. Бу айниқса, лаҳжавий талаффуз ва лаҳжавий акцентларда сезилиб туради.

3. Ўзбек адабий талаффузи доирасидаги кўзга ташланувчи хусусиятлардан бири кекса ва ёш авлод нутқидаги тафовутдир...

4. Адабий тил оғзаки шакли нормаларининг қатъийлашувида ёзма нутқ, ёзилган матнлар, талаффуз (орфоэпик) ва имло луғатлари ижобий роль ўйнаб келди... Шу билан бирга, ёзма нутқ таъсири оғзаки адабий нутқ доирасида баъзи бир нуқсонларни ҳам юзага келтирди. Оғзаки нутқда ёзма нутқ учунгина хос бўлган ибора ва узун жумлалар юзага келди. Бир қатор сўзлар ёзилган шаклида, сунъий талаффуз этиладиган бўлди...

<sup>1</sup> Фозилов Э. Нутқ маданиятининг баъзи бир назарий проблемалари.— «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами, Тошкент: Фан, 1973, 66—67-бетлар.



5. Оғзаки нутқ нормалари доирасида ҳали етарли қатъий лашмаган, талаффузи иккиланиб турувчи бир қатор ҳодисала мавжуд. Чунончи, русча-байналмилал сўзлар талаффузид иккиланишларни туғдирувчи уч хил ҳодиса, айниқса, равшан сезилиб туради: 1) русча-байналмилал сўзларни диалекта шаклида талаффуз қилиш; 2) сўзни ёзилгандек, яъни ёзм шаклига тақлидан айтиш; 3) қабул қилинган сўзни ўзбекча акцент билан айтиш ёки аксинча, уни ўзбекча акцентда ғалати туюлувчи русча акцент билан айтиш ва бошқалар<sup>1</sup>.

Бу камчиликларнинг ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблари бор, албатта. Тилимиз жуда кўп шевалардан ташкил топганлиги, сўзлашув нутқида уларнинг таъсири кучли эканлигини ва бу ҳолат тилимизда ҳали давом этиши мумкинлигини эътирос этиш лозим бўлади. Тилимизнинг луғат таркибида, форс-тожикча, арабча, русча-байналмилал унсурларнинг анчагина эканлиги ҳам талаффузда бир қанча чалкашликка олиб келади. Маълум қоидаларни амалга тадбиқ қилишда тилшунос олимлар ўртасида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, С. Иброҳимов «Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар» номли мақоласида<sup>2</sup> 1956 йилда қабул қилинган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»даги айрим фикрларга эътироз билдиради, *Ман, даф, шар, шуур, матла, мисра, манба, мақт* шаклларида ёзилган сўзларнинг охирида апостроф ҳам, э ҳам ёзилмайди, деган қоида шу тиндаги сўзларнинг маъно ва талаффузининг бузилиб кетишига сабаб бўлди, дейди. С. Отамирзаева «Ўзлаштирилган сўзларнинг орфоэпиясига доир баъзи масалалар» номли мақоласида араб, форс тилларидан қабул қилинган айрим сўзлардаги айин ундошининг ўзбек тилида йўқлиги ва у артикуляцияси параметри билан ўзбек тили товуш системасига тўғри келмаслигини кўрсатиб ўтади<sup>3</sup>.

Айтилганлардан хулоса шуки, чет тиллардан қабул қилинган ва қилинаётган сўзлар истемолда ўзбек тилининг ички ривожланиш, амал қилиш қонун-қоидаларига бўйсунishi керак.

Талаффуз нормаларининг бузилишига яна қуйидаги субъектив сабабларни кўрсатиш мумкин. Баъзи кишилар маданийроқ гапиряпман деб ўйлаб *мен, сен* олмошларини *ман, сан* тарзида қўллайдилар. Улар бу сўзларнинг илмий ва бадий адабиётларда қандай ёзилганлигини кўрган ва ўқиган бўлсалар ҳам

<sup>1</sup> Асомиддинова М. ва бошқ. Ўзбек адабий талаффузи луғати.— Тошкент: Фан, 1984, 6—7-бетлар.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. И. Ўзбек тилининг нутқ маданиятига оид масалалар.— «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. Тошкент: Фан, 1973, 23-бет.

<sup>3</sup> Отамирзаева С. Ўзлаштирилган сўзларнинг орфоэпиясига доир баъзи масалалар.— «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. Тошкент: Фан, 1973, 88-бет.

шундай қиладилар. Тўғри, йеланувчи шеваларда бу олмошлар ман, сан шаклида мавжуд. Аммо бу гапимиз желанувчи шева вакиллари бўлган зиёлиларга тегишлидир. Яна бир мисол: Самарқанд вилоятидаги желанувчи шеваларнинг айрим вакиллари *йўқ*, *юрак* типидagi сўзларнинг *й*, *ю* товушларини ж билан айтишни шевачилик хатоси деб биладилар ва уни ўзлари сезмаган ҳолда бошқа сўзларга ҳам тадбиқ қилиб адабий тилда гапириш мақсадида *жура* сўзини ҳам *йура* тарзида талаффуз қиладилар.

Ўзбек тили талаффузида учрайдиган бу каби камчиликларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо бу билан мақсадга эришиб бўлмайди. Энг аввал бу борада қилинаётган ишларни маълум бир системага солиш зарур. Гарчи шу вақтга қадар ўртага қўйилмаган бўлса ҳам, биринчи навбатда ўзбек тилининг талаффуз нормалари назарий жиҳатдан асосланиши, талаффуз ва имлодаги тафовутларнинг қонуниятлари очилиши, чет сўзларнинг талаффуз нормаси маълум бир системага келтирилиши лозим. Хуллас, ўзбек тилининг талаффуз қонуниятлари умумлаштирилган ҳолда жамоатчиликка етказилиши керак. Улар нима учун сўзлар ёзувда бир хилу, талаффузда бошқача эканлигининг сабабларини тушунсинлар. Тўғри, бу фикрлар илмий грамматикаларда, олий ва ўрта мактаблар учун чиқарилган дарсликларда мавжуд. Аммо, уларда айтилган фикрларни оммабop ҳолга келтириб, рисоалар тарзида халққа етказилиши фойдадан ҳоли бўлмайди<sup>1</sup>. Ана шунда улар нима учун сўзлар *мактаб*, *китоб* ёзилади-ю, *мактап*, *китоп* тарзида; *адабиётчи* ёзилади-ю, *адабиётчи* тарзида талаффуз этилишини; чет сўзларни қандай айтиш кераклигини билиб оладилар ва бу билан адабий талаффуздаги камчиликлар бирмунча бартараф этилади.

Тан олиш керакки, кейинги йилларда адабий тилнинг оғзаки шакли бирмунча нормаллашиб, ёзма нутққа яқинлашиб бормоқда. Бу халқимиз маданий савиясининг янада ўсганлигидан далолатдир. Бу борада одамлар намуна оладиган, ўшалардай гапиришга ҳаракат қиладиган олимлар, педагоглар, умуман зиёлиларнинг, олий ва ўрта таълимнинг хизматлари сезиларлидир. Ана шу таъсирни янада кучайтирилиши, тарғиботнинг оммавий воситалари — радио, телевидениедан, театр, кино санъатидан, матбуотдан, бадий адабиётдан унумли фойдаланилиши керак. Буларнинг ҳаммаси талаффуз нормаларини ўз-

---

<sup>1</sup> С. Иброҳимов, О. Усмонов, Э. Бегматов, У. Усмонова каби олимларнинг айрим ишлари ана шу масалаларни ёритишга қаратилган. Бу ҳақда маълумот олиш учун қаранг: Қўнғуров Р., Каримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич.— Самарқанд: СамДУ нашри, 1984.

лаштиришга кумаклашади. Тилшунослигимизда яратилган орфоэпик луғатларнинг<sup>1</sup> аҳамияти беқиёсдир.

*Имловий норма.* Имловий норма, яъни ёзув нормаси адабий тилнинг маданийлик даражасини белгиловчи асосий мезондир. Имловий норма талаффуз нормасидан фарқли ўлароқ стихияли равишда шаклланмасдан тил вакиллари томонидан онгли равишда келишилган ҳолда юзага келтирилади ва унинг амал қилиниши махсус имло қоидалари орқали йўлга қўйилади. Маълум норма сифатида тавсия этилган тил унсурларидан фойдаланиш миллат вакиллари учун мажбурий саналади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ёзув нормалари Ўзбекистон Олий Совети Президиуми 1956 йил 4 апрелда тасдиқлаган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»га таянади. Унда унли ва ундошлар имлоси, айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгилари имлоси, узак ва негизлар, қўшимчалар, қўшма, жуфт ва қисқартма сўзлар имлоси, бўгин кўчириш ва бош ҳарфларни ёзиш тартибини кўрсатиб берувчи 72 параграфдан иборат қоида киритилган<sup>2</sup>. Бу қоидалар ҳозиргача амалда бўлиб, имловий нормаларни тартибга келтиришга, мукамаллаштиришга хизмат қилиб келмоқда. «Асосий қоидалар»нинг қабул қилинганлигига 30 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Гарчи у шу пайтга қадар ўзбек халқининг тил эҳтиёжини қондириб келаётган бўлса ҳам, унинг маънавий жиҳатдан эскирганлиги, айрим камчиликларнинг борлиги маълум бўлиб қолмоқда. Бу камчиликлар нутқ маданиятига бағишлаб ўтказилган Республика тилшунослик конференцияси қатнашчилари томонидан қисман қайд этилди. 1981—83 йиллар ва ундан кейинги йилларда «Ўқитувчилар газетаси» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари саҳифаларида «Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мунозаралар ҳам ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилгандир. Жумладан, анжуман қатнашчиси Ж. Ҳамдамов қўйидаги мулоҳазаларни ўртага ташлади: «Асосий қоидалар»да юкламаларнинг бир қисмини (-чи, -да, -а, -я, -ю, -ку, -э юкламалари) ни дефис билан ажратиб ёзиш, иккинчи қисми (-ми, -оқ, -ёқ, -гина юкламаларини) ни сўзга қўшиб ёзиш тавсия этилди. Бизнингча, бундай икки хиллик ноқулайлик келтириб чиқармоқда. Амалий ёзувда шу қоидага гоҳ амал қилиш, гоҳ амал қилмаслик ҳоллари юз бермоқда.

Юқоридаги унсурларнинг ҳаммаси юклама бўлгани учун уларни бир хил қоида билан ё ажратиб, ё қўшиб ёзишни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, уларни қўшиб ёзиш маъқул...

<sup>1</sup> Содиқова М., Усмонова У. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1977; Асомиддинова И. ва бошқа. Ўзбек адабий талаффуз луғати.— Тошкент: Фан, 1984.

<sup>2</sup> Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари.— Тошкент; Фан, 1956.

Тартиб сон ясовчи **-нчи, -инчи** лар ўрнида чизиқча қўйиш, қўймаслик қоидаларида ҳам икки хиллик бор: 1960 йил 10 май тарзида ёзилганда кўп кишилар (чунончи, Самарқандда): Бир минг тўққиз юз олтмиш йил, ун май ўқийдилар. Бинобарин, бу қоидаларнинг ҳам қайтадан кўрилиши мақсадга мувофиқ.

«Ўзбек орфографияси ва пунктуациясининг асосий қоидалари» лойиҳаси муҳокамасида ҳам асосий тортишувлар чизиқча (дефисни) қўллаш, хусусан сифатнинг интенсив формалари (*ям-яшил, кўм-кўк, тўппа-тўғри*), кўринишидан такрорга ўхшаб кетадиган *кетма-кет, кўндан-кўн, қўлдан-қўлга* кабиларнинг имлосида дефисни қўллаш ёки қўлламаслик ҳамда қўшма сўзлар имлоси, уларни қўшиб ёки ажратиб ёзиш атрофида бўлди. Профессор А. Ҳожиевнинг «Ўзбек орфографияси асосий қоидалари лойиҳасининг муҳокамасига доир»<sup>1</sup> номли якунловчи мақоласида бу мунозараларда айтилган фикрлар умумлаштирилди. Жуда кўплаб фикрлар «Лойиҳа»ни қайта кўриб чиқишда инobatга олингани айтилиб, юқоридаги мунозараларга ҳам якун ясалди. Бундай сўзларда дефиснинг ишлатилиши илмий асосга эга эмаслиги исботланиб, «Лойиҳа»да дефиссиз берилганлиги, қўшма сўзларни эса доимо қўшиб ёзиш ёки доимо ажратиб ёзиш мумкин эмаслиги, тилимизда ҳар икки ҳолатнинг ҳам мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Хуллас, «Лойиҳа» қонун кучига кирса, имлодаги кўпгина чалкашликларга барҳам берилиши шубҳасиздир. Адабий тилдаги норматив ҳолатларни мустақкамлашда луғатларнинг, хусусан имло ва изоҳли луғатларнинг хизмати каттадир. Ўзбек тили изоҳли, имло ва орфоэпик луғатлари яратилди. Бу луғатларнинг аҳамияти шундан иборатки, халқ уларда берилган тил унсурларига ўлчов сифатида қарайди, ёзишда ва ўқишда ўша формалар тарзида фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам луғатлар халқ вакиллари учун тилдан фойдаланиш йўллари кўрсатувчи ўзига хос қонунлар мажмуасидир.

**Грамматик норма.** Ўзбек тили грамматикаси тилшуносликнинг назарий жиҳатдан бирмунча мукамал ишланган, сўз шакллари, қўшимчалар, сўз бирикмалари ва гап тузилиши анча нормаллаштирилган бўлими саналади. Ўзбек тилшунослигида шева ва диалектлар билан қиёсланган ҳолда адабий тил учун турловчи, тусловчи ҳамда сўз ясовчи қўшимчаларнинг энг маъқул вариантлари тавсия этилган ва морфологик норма сифатида белгиланган. Аммо нутқда бу нормаларга ҳамма вақт ҳам риоя қилинмаяпти. Уларнинг айримларигагина тўхталиб утамиз.

Нутқда кўпинча қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари фарқланмасдан, **-нинг** ўрнида **-ни** қўлланмоқда. Масалан: *Марямхоним... Дод, золимни дастидан* (Ҳамза, Асарлар, 115-

<sup>1</sup> Ҳожиев А. Ўзбек орфографияси асосий қоидалари лойиҳасининг муҳокамасига доир.— Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1983, 18 март; 1983, 25 март.

бет). Қодировани ёнғинга учраши кўрсатадики, хиёнат ҳурматдан ҳам, халқдан ҳам кучлироқ экан (Н. Маҳфуз). Қуйидаги мисолни қиёслаш орқали уларнинг ўртасидаги фарқни яққол сезишимиз мумкин: *Директорни хонасида кўрдим — Директорнинг хонасида кўрдим*. Биринчи мисолдан директорнинг ўзини, иккинчи мисолдан эса бошқа бир кишини кўрганлик тушунилади. Шунинг учун ҳам бу келишикларни фарқламаслик қўпол хатодир.

Сифат ясовчи -ли ва от ясовчи -лик қўшимчалари ҳам нутқда баъзан фарқланмаяпти. Қиёсланг: *Хоразмлик пахтакорлар — Хоразмли пахтакорлар, гуручли овқат — гуручлик овқат*.

Жарангсиз ундош билан тугаган феълларга қўшилиб, ортирма даража шаклини ҳосил қилувчи -каз ва -қаз қўшимчалари ҳам оғзаки нутқда баъзан фарқланмаяпти: *дарахт ўтқазishi — электр линияларини ўтқазishi*.

Адабий тилнинг сўз ясаш шакллари ҳам шевалардан фарқ қилади: *олайлик — олали, кетайлик — гетали, илгак — илғай, алдоқчи — алдовчи, алдамчи* каби. Шевалардаги сўз ясовчи қўшимчалар сони адабий тилдагига нисбатан кўп. Чунки унда ҳар хиллик мавжуд. Аммо нутқда адабий тилдаги норматив ҳолатдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Яхши, намунавий нутққа қўйиладиган биринчи талаб унинг грамматик жиҳатдан тўғри бўлишидир. Бу жиҳатдан оғзаки ва ёзма нутқ ҳамда шеърий нутқ ўзига хос фарқларга эга. Ҳар қандай ҳолатда ҳам гап тузиш қоидаларини яхши билиш ва улардан тўғри фойдаланиш, гапда сўз ва қўшимчалар ўртасидаги муносабатнинг тўғри бўлиши, эга-кесим мослиги ҳамда иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланишига эътибор бериш, гапда сўзлар тартибига — нормал ҳолат ва инверсия қоидаларига риоя қилиш лозим бўлади.

Аммо нутқда ҳар доим ҳам сўзловчи ана шу синтактик нормаларга амал қилмаяпти. Шукрулло, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Пўлат Мўмин асарларининг айримлари синтактик хусусиятларини таҳлил қилган тилшунос олим Ф. Исҳоқов «Эътиқодимиз ҳам бор, эътирозларимиз ҳам» номли мақоласида<sup>1</sup> бу шоирларимиз ижодида баъзан синтактик нормаларнинг бузилаётганлигини ҳақли равишда танқид қилади. Мақоладаги айрим мисолларни келтирамиз: сўзлар тартиби нотўғри ўзгартирилган: *Отадек фарзандига* ким куяр ахир, О, нақадар оғир фарзанднинг доғи (Шукрулло), Ғалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур, Пистанинг ҳам қаттиғидан *очиқ оғзи* соз бўлур (Шукрулло), эга ва кесим мослашмаган: *Нима етишмасди? Етишмасди фақат* Мангу баҳор олиб келувчи бизлар (Мирмуҳсин). Ф. Исҳоқов шоир Туроб Тўла ижодида, ҳатто унинг

<sup>1</sup> Исҳоқов Ф. Эътиқодимиз ҳам бор, эътирозларимиз ҳам.— Нутқ маданиятига оид масалалар тўплами. Тошкент: Фан, 1973, 112—119-бетлар.

прозаик асарларида инверсиянинг ҳаддан ташқари, чекланмаган даражада кўп ишлатилишини ачинаб гапирди. Мана айрим намуналар: *Мана ким бўлса, дейди фарзандим инсон. Домла йўлаб туриб, бу «Садраш» бўлсин деди, бўлмаса.*— *Ушанда ўша шоир украин тилида «Пушкин ва чақмоқ» деган шеър ўқиб кетди, ёдаки бирданига...*

Шеърый синтаксисда инверсия нормал ҳодиса саналади. Аммо унга мурожаат қилишда ҳам мезон керак. Гапдаги ҳар қандай ўрин алмаштиришларни ҳам инверсия деб бўлмайди. Инверсия қофия, вазн, ҳис-туйғу талаби билан онгли равишда, мазмунга путур етказмаган ҳолда ўрин алмаштиришдир. Демак, нутқда грамматик норма талабларига қатъий риоя қилиш лозим бўлади.

**Луғавий норма.** Адабий тилда миллий тилнинг яшаш ва амал қилиш қонуниятларидан келиб чиқиб сўз танлаш имкониятлари унинг лексик нормасини белгилайди. Умумхалқ тилидан ўсиб чиққан адабий тил унда мавжуд бўлган сўз вариантларидан луғавий норма сифатида энг маъқулини — ҳамма учун тушунарли бўлган кўринишини танлаб олади, қолган вариантлар эса шева ва лаҳжаларда, ижтимоий гуруҳлар тилида яшайверади. Ҳар бир шевада ўша шева учун сўз қўллашнинг ўз луғавий нормаси бўлгани каби адабий тил нормасида ҳам шеваларда учрагани каби ўзига хосликлар бор. Масалан, шеърый асарлар тилида *висол, рухсор, сийна, фалак, яноқ, қалб, ҳижрон* каби сўзлар шева ва лаҳжалар ва ҳатто жонли сўзлашув тили учун хос эмас.

Ижтимоий ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар энг аввало лексикада ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам лексиканинг бойиб бориши тилдаги бошқа унсурларга қараганда бирмунча фаолдир. Бу ҳол лексик норма масаласи билан тилшунослиқда мунтазам шуғулланиш лозимлигини тақозо қилади.

Ўзбек адабий тилининг луғавий нормаси бирмунча тартибга келтирилган бўлиб, у имло луғатларида ўз ифодасини топган. Шу туфайли ёзма нутқда сўз қўллаш бирмунча турғун ҳолатда бўлиб, нормани бузишлар унчалик сезилмайди. Аммо оғзаки нутқда сўз қўллаш нормасига ҳамма вақт ҳам етарли даражада амал қилинапти деб бўлмайди. Уларнинг айримларини кўриб ўтамиз.

Гарчи адабий тилда норма сифатида белгиланган сўз мавжуд бўлса ҳам, айрим ҳолатларда бу сўзларнинг шева вариантлари қўлланилаяпти. Бу ҳол ҳатто шоир ва ёзувчиларимиз ижодида ҳам кўзга ташланиб қолади. Масалан: *Мана, йўл ўртасида товушқон кўриб, Помешчикнинг овчиси қувди шу маҳал* (Зулфия).

Тилда паронимлар деган қатлам мавжуд<sup>1</sup>. Улар талаффуз-

<sup>1</sup> Маъруфов А. Паронимлар луғати.— Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

да бир-бирига яқин сўзлар бўлиб, бошқа-бошқа тушунчаларни англатади: *арчиш — артиш, ўтқазмиш — ўтказиш, аср — асир, ёриқ — ёруғ* каби. Уларни фарқламасдан қўллаш нутқда ҳа-толикка олиб келади.

Баъзан сўзлар рус тилидан кўр-кўрона калька қилинган ҳолда қўлланилади. *Бугунги тантананинг айбдорлари, бошлиқ ўзларидами, мен ўзимда бўламан* каби. Бу гапларни *бугунги тантананинг сабабчилари, бошлиқ хонасидами* (ёки кабинетидами), *мен ўз кабинетимда* (ёки хонамда бўламан) тарзида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Тўғри, *мен ўз хонамда бўламан* дейишдан кўра нутқнинг содир бўлишидаги вазият, вақтни тежаш нуқтаи назаридан *мен ўзимдаман* ёки *ўзимда бўламан* дейиш осонроқ. Аммо гап фақат тежамлилиқ ва тушунарли бўлишдагина эмас. Агар масалага шундай қарайдиган бўлсак, бу фикрни маълум вазиятда ҳатто имо-ишора билан ҳам тушутириш мумкин. Бу ерда гап «ўз» сўзига юклатилган кучма маънонинг тўғри ёки нотўғрилигида, фикрни шундай ифодалашнинг тилимиз учун нормал ёки нормал эмаслигида борапти. Вақти келиб у нормага айланиши мумкиндир. Аммо фикрни шу маънода ифодаловчи воситалар тилимизда бўлган ҳолда, сунъийликка йўл қўйиш мақсадга мувофиқ эмас.

Нарсанинг ўзбекча номи бўла туриб, уни ифодаловчи русча сўзнинг таржимаси ноўрин қўлланилади. Масалан, *Етти қа-роқчи* дейилмасдан *Қатта айиқ* дейиш.

Ўзбек тилида *идеология — мафкура, интеллигент — зиёли, автор — муаллиф, редактор — муҳаррир, философия — фалсафа* каби лексик дублетлар деб аталувчи сўзлар ҳам ишлатилиб келинмоқда. Атамалар соҳасида ҳам ана шу каби параллелликка кўплаб дуч келамиз: *поэзия — назм, шеърият — проза — наср, традиция — анъана* каби. Кейинги пайтларда бу сўзларнинг миллий вариантлари устунлик қилмоқда. Баъзи ўзлашган сўзлар лексик муқобиллик доирасидан чиқиб, бир-бирларининг синонимларига айланиб қолганлар. Мисолларни қиёсанг: *температура — ҳарорат, градус — даража, пирамида — эҳтиром, энциклопедия — қомус, университет — дорилфунун, капитан — дарға.*

**Семантик услубий норма.** Маълумки, сўз бир ёки бир неча маънода бўлиши, ўзининг тилда мавжуд бўлиши давомида ундаги маъноларнинг ўзгариб бориши мумкин. Шу маъноларнинг қайси бири ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма ҳисобланади? Ана шу саволга жавоб бериш сўзнинг маъно нормасини белгилаш ҳисобланади. Мисол учун биргина *андоза-андаза* сўзини олиб кўрайлик. Ҳозирги ўзбек тилида унинг қуйидаги маънолари норма сифатида қаралади: 1) кийим-бош, пойафзал ёки бошқа бирор нарса бичиш учун қоғоз ёки картондан ишланган шакл, шаблон; 2) тайёр қолип, намуна; 3) ўлчов, меъ-

ёр, меъзон<sup>1</sup>. Алишер Навоий эса уни қуйидаги маъноларда ҳам қўллаган.

1) солиштириш, ўхшатиш

Темурдин ясаб анда дарвозае,  
Фалак тоқидин тоқи андозае.

2) юксаклик, баландлик

То қолибдурсен кўнгул парвозидин,  
Шоҳ қасри томининг андозасидин<sup>2</sup>.

Сўзларнинг маъно нормаси тилнинг изоҳли, икки тиллик ва атама луғатларида ўз ифодасини топган бўлади.

Адабий тилнинг услубий нормаси тил бирликларининг нутқда вазият, кўзда тутилган мақсаддан келиб чиқиб энг маъқулини қўллаш заруратидан пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам услубият деганда сўз (умуман тил бирликларини) қўллаш маҳорати ҳам тушунилади.

Ўзбек тилининг услубий нормаларини белгилаш тилшунослигимиз, хусусан ўзбек услубияти олдидаги энг долзарб масалалардан биридир.

Хўш, услубий нормалар нималарга асосланиши керак? Бу саволга шундай жавоб берса бўлади: У биринчидан тавсия қилинаётган тил воситалари (шакли, сўзи, қурилмаси) умум томонидан қабул қилинсин, кўпчилик тилида қўллансин, ягона ва муштарак ҳамда типик бўлсин; иккинчидан, кўп йиллар ва замонлардан бери барқарор қўлланиб келган бўлсин ва умум-тил системасидан жой олиб, она тилининг ҳамма соҳалари билан узвий боғланган бўлсин<sup>3</sup>. Бу жавоб қанчалик ишончли бўлишидан қатъи назар тилнинг услубий нормасини аниқлашда тил бирлиги қўлланилаётган контекстга қараб ҳукм чиқариш муҳим эканлигини унутмаслик керак. Чунки ҳар бир birlik фақатгина нутқ жараёнида ўзининг у ёки бу стилистик имкониятини намоён қилиши мумкин. Тилда эса бундай имкониятлар чексиздир. Масалан, синонимларнинг имкониятларини олайлик. Атоқли шоиримиз Мақсуд Шайхзоданинг ушбу сўзларини келтирамиз: «Маънодош сўзларни ўрнида ишлатиш сўз санъаткори учун фарз. Масалан, луғатларда «одам», «киши», «инсон» синоним сўзлардек талқин қилинади. Аммо жонли тилда шундай эмас. «Беш инсон келди» эмас, балки «беш киши келди» дейилади; «Кишичилик шундай бўлади» эмас, «Одамгарчилик шундай бўлади» дейилади. Тилимизнинг шўтовланиб туришида шоир учун не-не битмас-туганмас хазина-

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, I том.— М.: Рус тили. 1981, 46-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий асарлари. тилининг изоҳли луғати. I том.— Тошкент, Фан, 1983, 95-бет.

<sup>3</sup> Абдураҳмонов Ғ. Стилистик нормалар ҳақида.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 52-бет.



лар бор»<sup>1</sup>. Демак, синоним сўзларни қўллашдан олдин қай маъно пазарда тутилаётгани эътиборга олинishi керак. Сўловчи ўз объектга салбий муносабат билдирыптими ёки ижбий муносабат билдирыптими? Синоним қатордаги сўз ўз отте касига қараб ана шу маънони беришга хизмат қилади. БИ ҳолатда *инсонни* қўллаш, иккинчи ҳолатда *кишини*, учинчи бИ ҳолатда *одамни* ишлатиш услубий норма саналади. Дема юқорида айтиб ўтилганидек, сўзнинг, умуман, тил унсурлар нинг услубий нормасини уни ишлатишдан кўзда тутилган ма сад ва нутқ амалга оширилган вазият белгилайди.

Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан, сўзларни н ўрин такрор қўллаш, баъзан ноаниқ ишлатиш услубий жиҳа дан нотўғрилиқ, бинобарин, услубий норманинг бузилиши с налади. Масалан, Уйғуннинг «Парвоз» драмасида *турган жойида узоқ туриб қолади* деган муаллиф ремаркаси бор<sup>2</sup>. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор «бир ўринда» сўзини ноаниқ қўлловчи ёзувчиларни қаттиқ қоралайди. М. Ҳакимнинг «Рашк» ҳикоясидаги «*Мен ҳам сизни яхши кўраман... Нимага шекилли? Ўзим ҳам билмайман*», *...жаланглаб турган қора кўзлари кўзимга санчилар эди*» жумлаларни таҳлил қилиб, «Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишининг бошини қотирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак»<sup>3</sup> деб уқтиради, шу муаллифнинг «Учрашув» ҳикоясидаги «Отни жадаллатди» дейиш ўрнига «Отнинг жиловини силтаб, тезлашни қистади» тарзида ёзиш китобхонни гангитади, деб ҳисоблайди. Абдулла Қаҳҳорнинг тилга бўлган талабчанлигига унинг ёзган ҳар бир асари гувоҳдир.

Услубият вазифавий услублар нормасини белгилаш ҳам муҳим ўрин тутати. Дарҳақиқат, вазифавий услублар доирасидаги ҳар бир услубнинг оддий сўзлашув, расмий, илмий, публицистик ва бадий услубларнинг ўзига хослигини белгиловчи мезон ҳам уларнинг ҳар бирининг тил бирликларини қўллашдаги ўзига хос нормага эга бўлишидадир<sup>4</sup>.

Хуллас, норма тилнинг ижтимоий вазифа бажаришининг асосий шarti бўлиб, унга амал қилиш шу тилда сўзлашувчи ва ёзувчилар учун мажбурийдир. Ўзбек тилининг қанчалик нормага келтирилганлиги ва унга қанчалик амал қилиниши умуммиллий ўзбек маданиятининг тараққиёт даражасини белгиловчи омиллардан биридир.

<sup>1</sup> Фикр «Совет Ўзбекистон» газетасининг 1965 йил, 7 март сонидан олинди.

<sup>2</sup> Уйғун. Асарлар, V том, Тошкент, 1978, 126-бет.

бет.  
<sup>3</sup> Қаҳҳор А. Ешлар билан суҳбат.— Тошкент: Еш гвардия, 1968, 47-бет.

<sup>4</sup> Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси.— Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари.— Самарқанд: СамДУ нашри, 1984; Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек тилининг илмий стили.— Тошкент; Фан, 1984.

## НУТҚНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Нутқ, олдинги саҳифаларда таъкидланганидек, сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейишганда айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчи ва китобхонга тўлиқ бориб етиши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра нутқ олдига маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг мантиқ жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, мақсадга мувофиқ бўлишидир. Бу белгилар нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари деб қаралади.

Рямликлар қадимги даврлардаёқ яхши, намунавий нутқнинг сифатларини акс эттирувчи қоидаларни ишлаб чиққанлар. Масалан, Цицерон фикрича, аниқлик ва тозалик нутқ учун шунчалик зарурки, уларни асослаб ўтиришнинг ҳам зарурати йўқ. Аммо нотик тингловчиларни ўзига жалб қилиши учун нутқнинг бу сифатларигина етарли эмас. Бунинг учун нутқ жозибадор бўлиши ҳам керак. Нотик Дионис Галикарнас эса нутқда мақсадга мувофиқликни муҳим деб ҳисоблаган. Хуллас, қадимги рим нотиклик санъати назариётчилари асосий эътиборни нутқнинг ҳар томонлама яхши бўлишига қаратганлар.

Таъкидлаш керакки, нутқ маълум шарт-шароитларда амалга оширилади. Бунда жой, вақт, мавзу ва алоқа жараёнининг мақсади каби омиллар ҳам аҳамиятлидир. Шундай қилиб, нутқнинг алоқавий (коммуникатив) сифати деганда қуйидаги ҳолатларни назарда тутиш лозим бўлади: нутқнинг тўғрилиги, тозалиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлиги. Қуйидаги нутқнинг ана шу сифатларига алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

**Нутқнинг тўғрилиги.** Нутқнинг тўғри бўлиши — бу унинг бош алоқавий сифати саналади. Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг — сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқ тўғри бўлмаса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантиқий ҳам бўлмайди. «Тўғрилик деганда, — деб ёзади В. Г. Костомаров, — нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий лўғат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади»<sup>1</sup>. Демак, нутқнинг тўғри бўлиши, энг аввало, унинг адабий тил нормаларига мувофиқ келишидир. И. М. Михайловнинг фикрлари ҳам шу маънодадир: «Норматив грамматика, лексикология ва талаффуз талабларига мос келадиган нутқни тўғри нутқ деб аташ мумкин. Тўғри нутқда

<sup>1</sup> Костомаров В. Г. Культура речи и стиль.— М., 1960, с. 24.

маънога мос равишда қўлланган сўз адабий талаффузни сақлаб қолади ва тузилиши (яъни грамматик ва интонацион) тўғри бўлган гап ҳосил қилади»<sup>1</sup>. Хуллас, нутқнинг тўғрилиги унинг тил қурилишининг амалда бўлган тил нормасига мувофиқ келишидир.

Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки нормага — урғу ва грамматик нормага қаттиқ амал қилишни тақозо қилади.

Сўзлардаги айрим бўғинларнинг зарб билан айтилиши, талаффуз қилиниши, яъни урғу ҳамма тилларда ҳам бир хил хусусиятга эга эмас. Масалан, рус тилида урғу сўзлардаги ҳар хил бўғинларга тушиши, эркин бўлиши мумкин бўлгани ҳолда<sup>2</sup>, ўзбек тилида у, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Сўзларга қўшимчалар қўшила бориши билан урғунинг ўрни ҳам ўзгариб бораверади. Масалан: мактаб — мактабӣ — макбимӣз — мактабимизда — мактабимиздагӣ — мактабимиздагилар — мактабимиздагилардан каби. Демак, талаффузда ана шу нормани сақлаш лозим бўлади. Бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчидан сўзлардаги урғунинг кўчиши билан маънонинг ҳам баъзан ўзгариб кетиши мумкинлигини унутмаслик керак. Ўзбек тилида шундай ҳодисани кузатиш мумкин. Масалан: *олма* сўзини олайлик. Бу сўзни алоҳида урғусиз олиб қараганда унинг қандай маънода қўлланаётганини аниқлаш қийин. Фақат урғу ундаги маънонинг аниқланишига кўмаклашади, яъни олма тарзида урғу биринчи бўғинга тушганда ҳаракат, олма каби охириги бўғинга тушганда эса меванинг бир тури маъноси англашилади. Тилимизда бундай сўзлар анчагина. Қатлама — қатлама, ҳозир — ҳозир, йигитча — йигитча, ўқувчимиз — ўқувчимиз, янги — янги сўзларининг маъноси ҳам фақатгина урғу ёрдамида ойдинлашади. Уларни, яъни урғуни қаерга қўйишни фарқламаслик сўз маъноларининг бузилишига бинобарин, сўзлашув нутқида адабий — норманинг бузилишига олиб келади. Сўзлар талаффузидаги бундай нонормал ҳолатларга, айниқса, маданият ва маориф ходимларининг йўл қўйишларини асло кечириб бўлмайди.

Гапдаги айрим олинган сўзга тушадиган урғу, яъни мантиқий (логик) урғунинг ҳам маънони фарқлашда хизматлари катта. Ҳамма тилларда ҳам қайси маъно алоҳида назарда тутилаётган бўлса, шу маънони ифода этаётган сўз алоҳида урғу билан талаффуз қилинади. Масалан, *Мен китоб ўқидим* гапида ким ўқиганлиги, нима ўқиганлиги ёки нима иш қилинганлиги назарга олиниб, бу гапдаги сўзларнинг ҳар учаласидан бирига урғу туша олади. *Мен китоб ўқидим, мен китоб ўқидим, мен китоб ўқидим* (томоша қилганим йўқ маъносида). Бундай урин-

<sup>1</sup> Михайлов И. М. Культура русской речи.— Чебоксары: Чебоксар. кн. изд-во, 1966, с. 123.

<sup>2</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980, с. 52.

ларда мантиқий урғу маънони таъкидлаш учун керак. Аммо шундай ҳолатлар ҳам борки, бўғин урғусида бўлгани каби, мантиқий урғуни ҳам тўғри ишлата билиш керак, чунки бунда хатога йўл қўйилса, назарда тутилган маъно англашилмай қолиши мумкин. Масалан, *онасиз бола ўйнамас* гапани олайлик. Онаси ёнида бўлмаган бола ўйнамайди дейиляптими ёки онаси бўлмаган бола ҳақида фикр юритиляптими, тингловчи ёки ўқувчига қоронғи бўлиб қолади. Бу баҳсни сўзга берилган урғу ҳал қилади, холос. У (урғу) фақат *онасиз* (сўзи)га тушса, биринчи маъно, *бола* (сўзи)га тушса, иккинчи маъно англашилади. Демак, нутқни тўғри ифодалаш учун ҳам сўз, ҳам мантиқий урғунинг тўғри ишлатилишига амал қилишимиз зарурдир.

Оҳанг туфайли сўзларнинг маъно ифодалаш имкониятлари кенгайди. Шунинг учун ҳам сўзларга қай йўсинда урғу берилишига қараб маъно қирралари ўзгариб бориши мумкин. Масалан, *келинг* сўзига оҳанг ёрдамида ҳам самимият, ҳам пичинг, ҳам масхаралаш, ҳам норозилик қирраларини бериш мумкин. Шу ўринда А. С. Макаренконинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринли: «Мен «бери кел» сўзини 15—20 хил турда гапиришга ўрганиб олганимдан кейингина ҳақиқий маҳорат эгаси бўлиб қолдим... ва ушандан кейин бирор кимсанинг менга яқинлашмаслигидан ёки керакли нарсани сезмай қолишлигидан чўчимайдиган бўлдим»<sup>1</sup>.

Грамматик норма тўғрисида «Ўзбек тилининг нормативлиги» деб аталувчи бобда ҳам фикр юритилган эди. Грамматика деганда энг аввало нутқ қурилишининг грамматик шакллари, тартибини тўғри тузиш ва уларнинг нутқда ишлатилишини ўз ичига олувчи, қатъий қарор топган системаси тушунилади. Бу системага адабий тилда гапирувчилар, айниқса, ёзма нутқ ва матбуот учун мажбурий саналган грамматик нормалар киради. «Грамматика — нутқ оқимидаги сўзларнинг ўзгариши ва уларнинг гапдаги бирикувининг хилма-хил қоидалари йиғиндиси» дидир. Фақат грамматик қоидаларга риоя қилишгина нутққа қатъий маъноли ва мантиқий изчил характер бериш имконини яратади. Чунки сўз ўз-ўзича ҳамма имкониятларини оча олмайди. У фақат бошқа сўзлар билан бириккандagina, ҳар сафар (кўрганимиздек) янги маъно касб этиб, фикр ва ҳиссиётларнинг нозик қирраларини ифодалаб, тулиқ ва ҳар тарафлама яшайди»<sup>2</sup>.

Хуллас, грамматик нормаларга риоя қилиш деганда гап тузиш қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги боғланишнинг табиийлиги, эга-кесим мослиги, иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланиш қонуниятлари кабиларни эътиборга олиш лозим бўлади.

<sup>1</sup> Бу фикр қуйидаги китобдан олинди: Аҳмедов А. Тил бойлиги.— Тошкент, 1968, 23-бет.

<sup>2</sup> Блиннов И. Я. О культуре речи.— М., 1959, с. 14.

**Тилимизда** морфологик, синтактик чалкашликлар тез-тез учраб туради. Кўпчилик ҳолатларда келишик қўшимчалари фарқланмасдан ишлатилади. Бу эса баъзан мазмунда хатоликка олиб келиши мумкин: *Умрини тоғларда ўтказган одамнинг табиат тилини билмайди, дейиш қийин* («Қишлоқ ҳақиқати»). *Унинг хаёлини яна директор хотини бўлди* (Шухрат). Ўзбек тили бойликларининг моҳир билимдони А. Қаҳҳор ҳам қаратқич ва тушум келишигининг баъзан фарқламай ишлатилиши ҳолатидан ўзининг «Санъаткор» ҳикоясида асар қаҳрамонининг саводсизлигини фош этишда усталик билан фойдаланади: *Пожарний «гугуртни ерга ташламанг» деди, режиссёримиз эса «гугуртнинг ерга ташламанг» деди. Қандай чиройлик! Кўпчилик қўшимчаси-ларни қўллашда ҳам чалкашликлар сезилади. Масалан: Ветеран ўқитувчининг юзлаб шогирди ҳозирги кунда турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, мураббийга обрў-эътибор келтирмоқдалар* («Шарқ тонги»). Қиёс: *шогирди... обрў-эътибор келтирмоқдалар (?!) Абдулла Қаҳҳор ёзиш у ёқда турсин, бундай ҳолда ҳатто бировга дастхат ҳам бермас эдилар. Умунан ёзувчилик улар учун ниҳоятда муқаддас иш эди* («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»). Синонимик ҳолатда бўлган аффиксларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳам ҳамма вақт муваффақиятли чиқавермайди. Масалан, *-дан ўрнида -ликни қўллаш*.

Она тили хазинасидан керакли грамматик шакллари танлаш ва уларни жой-жойида ишлатиш, яъни нутқнинг тўғри тузилишига эришиш нутқ маданиятининг асосий талабларидан биридир. Бу ҳақда Г. О. Винокур ёзади: «Менинг назаримда, лисоний тарбия ва тил маданиятини кўтариш ишида биринчи даражали вазифа айнан грамматик услубият зиммасига тушади»<sup>1</sup>.

**Нутқнинг аниқлиги.** Аниқлик ҳам нутқнинг асосий алоқавий сифатларидан бўлиб, яхши нутқнинг шаклланиш шартларидан биридир. Агар тўғри нутқнинг юзага келишида фақат лисоний фактор зарурий белги сифатида қаралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда унинг шаклланишига хизмат қилувчи, тилдан ташқарида бўлган ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бу, энг аввало, тил ва тафаккур диалектикасидир. Чунки, аниқлик дейилганда табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар билан уларнинг нутқдаги атамаси бўлган материали ўртасидаги мутаносиблик тушунилади. Шундан келиб чиқиб Б. Н. Головин ёзади: «Аниқликни «нутқ — воқелик» ва «нутқ — тафаккур» муносабати асосида белгилаш мумкин»<sup>2</sup>.

Табиат ва жамиятдаги турли воқеа-ҳодисалар, нарсалар, оламнинг жўғрофий тузилиши, кишиларнинг ҳис-туйғулари, ҳа-

<sup>1</sup> Винокур Г. О. Культура языка. В кн.: «Основы культуры речи: Хрестоматия. М.: Высшая школа, 1984, с. 168.

<sup>2</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980, с. 126.

ракат ва ҳолатлари ҳар бир тилда ўзининг лисоний ифодасига эга. Ана шу лисоний ифода ёрдамида бу ҳодисалар инсон томонидан англанади, тушунилади, идрок қилинади ва фикр алмашинади. Шунинг учун ҳам нутқ олдида у аниқ бўлиши керак деб талаб қўйилганда лисоний бирлик ҳамда у ифодалаётган табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги аниқ мувофиқлик тушунилади: «...Агар инсон тафаккурининг энг юксак ютуқлари, энг чуқур билимлари сўзда аниқ ва очиқ-ойдин ифодаланмаган бўлса, улар барибир одамларга номаълум бўлиб қолаверади. Бизнинг вазифамиз айтадиган фикримизнинг бошқалар томонидан қабул қилинишига эришишдан иборатдир. Қабул қилиш эса кўп жиҳатдан бизнинг ўз нутқимизни қандай ифода қилишимизга боғлиқдир»<sup>1</sup>. Ана шу талаблардан келиб чиқиладиган бўлинса, нутқнинг аниқ бўлиши нутқ маданиятининг, нутқ масъулиятининг ғоят зарур шартидир. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор каби ўзбек сўз усталарининг тилга бўлган муносабатларини ана шу масъулият самараси деб тушунмоқ керак. Бу жиҳатдан ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди ва тил маҳорати ҳақидаги айрим фикрлари диққатга сазовордир. У ёзувчи Маъруф Ҳакимнинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ҳикоясини таҳлил қилиб, «Ботир белига қатор бешта бомба қистириб...», «Қўлида бомба ушлаган ҳолда кўчага югурди» жумлаларидаги *бомба* сўзининг нотўғри қўлланилганлигини, ёзувчининг бомба ва гранатани фарқламаслигини танқид қилади. А. Қаҳҳор таҳлилида давом этиб, ҳикоядан яна мисоллар келтиради: Ботир «Султон аканинг оёқларини силаганда қўлига елимга ўхшаган бир нарса ёпишганлигини сизди: қоронғида нима эканини билолмай қолди». Шу ернинг ўзида: «Женя... йигитнинг кўзига узоқ тикилиб қолди». Қўлга теккан қон кўринмаган қоронғида кўз кўринадими?— дейди А. Қаҳҳор<sup>2</sup>. У яна ёзади: «Адабиётда ёлғоннинг катта-кичиги йўқ. Ҳаммаси ҳам барабар зарардир. «Учрашув» (М. Ҳаким) да мана бундай ёлғон гап бор: «Аҳмад осмонга қаради. Ҳақиқатан кўкни булут босган. Биронта ҳам юлдуз йўқ эди!» Шундан беш сатр пастда «Аҳмад осмонга назар ташлади. Ҳақиқатан узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутларнинг кўриниши хунук эди». Узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутларни кўриш учун ҳаво қисман бўлса ҳам очиқ бўлиши керак. Бу ерда ё «кўкни булут босган»и, биронта ҳам юлдуз йўқлиги ёлғон ёки «узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутлар» тўғрисидаги гап беҳуда»<sup>3</sup>.

Демак, *аниқлик* — бу сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. «*Аниқликни* бошқача ту-

<sup>1</sup> Аҳмедов А. Тил бойлиги.— Тошкент: ЎзКП МК бирлашган нашриёти, 1968, 8-бет.

<sup>2</sup> Қаҳҳор А. Ешлар билан суҳбат.— Тошкент: Еш гвардия, 1968, 46-бет.

<sup>3</sup> Қаҳҳор А. Ешлар билан суҳбат.— Тошкент: Еш гвардия, 1968.

шуниш ҳам мумкин,— дейди Б. Н. Головин,— бу сўз ва унинг кўпчилик томонидан қабул қилинган маъноси ҳамда унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келишидир. Қўринадики, аниқлик нутқнинг хусусияти сифатида энг аввало тил система-сидаги луғавий даража билан боғланади<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, нутқ аниқлиги термини остида воқелик ва унинг тилдаги ифодаси бўлган луғавий бирлик — сўз ўртасидаги ўзаро мослик англашилади.

Нутқ жараёнида бу мослик ва мувофиқлик ҳамма вақт ҳам сақланмаётганлигини юқорида қайд қилиб, унинг объектив сабаблари кўрсатилди. Бу номувофиқликларнинг содир бўлишидаги характерли ҳолатлар қайсилар? Қайси лисоний восита яхши нутқнинг яратилишига кўпроқ хизмат қилади?

Энг аввало нутқда синонимларга муносабат масаласини олайлик. Ҳар бир тилнинг, жумладан, ўзбек тилининг синонимик имкониятлари жуда кенг<sup>2</sup>. Гап фақат унинг маънони ифода этиш нуқтаи назаридан энг мақсадга мувофиғини топиб ишлатишда. Адабиётшунос А. Макаров «Эпитет аниқлиги» мақоласида шундай бир характерли мисол келтиради. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтида поэтик маҳоратга бағишлаб ўтказилаётган семинар дарсларининг бирида доскага А. Фетнинг «Қалдирғоч» шеъри ёзиб қўйилади. Шеърда поэтик аниқловчилар — эпитетлар туширилиб қолдирилган бўлиб, уларни топиб ўз ўрнига қўйиш вазифаси тингловчиларга топширилади. Аммо ҳеч ким лозим эпитетни топиб, ўз ўрнига қўйиб А. Фет айтмоқчи бўлган фикрни бера олмайди<sup>3</sup>. Чунки синонимик қатордаги эпитетлардан талабалар ўзлари тушунганларича фойдаланган эдилар.

Синонимик қатордаги сўзларни фарқламасдан ишлатиш каби ҳолатларга айрим мисоллар келтирамиз: *салқин* ва *совуқ* сўзлари фарқланмайди: *Ошхона ва кондитер маҳсулотлари, яримфабрикатлар, шарбат ва турли хил салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш чоралари кўрилди* («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»); *кейинги, охирги, сўнги* сўзларини фарқламаслик: *Охирги йилларда бу масалага янада жиддийроқ эътибор бермоқдамиз* (радиодан) ва ҳоказо. *Охирги, сўнги* лексикалари, *охирги сўз, сўнги сўз* бирикмаларида бир-бирларида синоним бўлса ҳам *охирги йилларда* бирикмасида у *сўнги* сўзига синоним бўла олмайди.

Эътиборингизни қаратишимиз лозим бўлган иккинчи масала бир қараганда гўё бир-бирига яқиндай кўринган, аммо маънода фарқланадиган сўз ва бирикмаларни нотўғри қўллашдир.

<sup>1</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980, с. 126.

<sup>2</sup> Туркий тил билимдони улуғ Алишер Навоий ҳам бунини ўз даврида яхши пайқаб, «Муҳокаматул луғатайн» асарида алоҳида таъкидлаган эди.

<sup>3</sup> Макаров А. Точность эпитета.— Вопросы литературы.— М., 1960, № 1.

Масалан, катта ва узун, қадам қўймоқ ва қадам ташламоқ жуфтларни олайлик: **Бўйи мендан каттароқ, ўзи сап-сарик** (У. Ҳошимов). Узун-қисқалик ва катта-кичиклик икки хил ўлчовдир. Бирида икки нуқта орасидаги масофа; иккинчисида ҳажм ўлчанади. Шунинг учун бўйни катта деб бўлмайди. Балки баланд ёки паст дейиш маъқул. Яна: **Мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёшларимиз ЗАГСдан ўтгандан кейин колхоз марказидаги Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларининг хотираси адабийлаштирилган ёдгорлик пойига ҳурмат-эҳтиром билан гулчамбарлар қўядилар** («Шарқ тонги»). Уқиганда маънодаги нозиклик гўё сезилмаётгандек туюлса ҳам, бу ўринда қадам қўймоқ иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки қадам қўймоқда ҳаракатни энди бошлаш маъноси мавжуд, қадам ташламоқ эса ҳаракатдаги бу чегарани кўрсата олмайди. Мана бу: **Мени янги ишга йўртаклаган ҳамқишлоқларим, шунингдек, устоз Маърифат Рафиевалар фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамларини мендан аямай, касбни ўзлаштириб олганимча мададкор бўлиб турдилар**. Мисолдаги йўртакламоқ сўзи умуман нотўғри қўлланилган. У ўргатмоқ, жалб қилмоқ маъноларини ҳам бера олмайди, ишга йўртакламоқ деб ибора тузиб ҳам бўлмайди.

Учинчидан, сўзларнинг кўп маънолилиқ имкониятларидан кенг фойдаланиб, турли ўринларда улардан турли маъно оттенкаларини беришга бўйсундириш ҳам нутқда аниқликка хизмат қилади. Зулфия ижодидан мисол келтирамиз. Шоира **симоб** сўзининг маъно нозикликларини фарқлаб, қуйидагича фойдаланган: а) ялтироқлик маъносида: **Симоб тўлқинлари тутиб осмонни**, Муттасил ёмғирлар зериктирса ҳам; б) тоза, мусаффо маъносида: **Куйни тинглаб симобдай чашма**, Жилвирланиб қилди карашма; в) белги кучайтирилади: **Оқ симоб ранг булутдай силжиб**, Биз томонга келар куйлар галаси.

Сўзлардаги кўп маъноли қирраларини пайқамаслик фикрнинг ноаниқ, баъзан нотўғри ифодаланишига олиб келиши мумкин. **Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора қисқараётир** («Гулистон», ж.) мисолида **қисқараётир** сўзи мақсадни аниқ ифодамай олмайди. Чунки бу сўз одатда узунлик, миқдор ва ҳажмнинг конкрет ўлчовига алоқадордир. Тафовут эса абстракт тушунча бўлиб, унга нисбатан камаймоқ сўзини қўллаш маъқулдир.

Тилнинг алоқавий имконияти аниқликни маълум маънода нисбий тушунишни ҳам тақозо қилади. Бунинг сабаби шундаки, тил халқ ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларида кенг равишда амал қилади. Кўпчилик сўзларнинг кўп маъноли бўлиши туфайли табиий равишда ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида маълум маънони аниқ ифодалаган сўз бошқа соҳада ноаниқ маънога эга бўлиши, тушунарли бўлмаслиги ва, ҳатто, баъзан нотўғри маънога олиб келиши мумкин. Масалан: **Берилди ушбун Аҳмедов Нарзуллога шу ҳақдаким, мазкур Паст-**



дарғом район «Улус» совхозининг № 2 фермасида туғилган ва ҳозир ҳам шу фермада яшайди (Абитуриентга берилган маълумотномадан).

Аниқликни вазифовий услублар доирасида тушуниш ҳам ўзига хос. У сўзлашув услубида вазиётга боғлиқ бўлади. Расмий иш қоғозлари стилида эса аниқлик тилдаги тайёр, қолипсўз ва иборалардан фойдаланишни тақозо қилади. Илмий услубда атама ва унинг ифодаланиш аниқлиги асосий ўринда туради. Публицистик ва бадиий нутқ услубида эса сўз ва иборалар фақатгина бадиий-эстетик вазифовани бажаришдан ташқари ёзувчининг маслаги ва ғоявий мақсадига мос келиши ва шунга хизмат қилиши керак.

Ана шу сабабларга кўра сўз қўллаш аниқлигининг чегарасини белгилаш ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, у аввало ўзбек тилини яхши, мукамал билишни ва унинг ижтимоий воқеликдаги қўлланиш доирасини яхши ўрганишни тақозо қилади.

Ў Нутқнинг мантиқийлиги. Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари — тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келиши мумкин. Нутқни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан ҳатто мантиқсизлик юз беради. Қўйидаги мисолга эътибор қилинг: «Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш планларини муддатдан олдин бажардилар (газетадан). Гапда сўзларнинг тартиби тўғри бўлмаганлиги, «олти ойлик» бирикмасининг «сотиш» сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етаяпти, ҳатто хато фикр ифодаланаяпти.

Нутқнинг мантиқий бўлиши, энг аввало сўзловчи ва ёзувчининг тафаккур уқуви, қобилияти билан боғлиқ. Шунинг учун мантиқийлик фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки нолисоний ҳодиса сифатида ҳам намоён бўлади, яъни бунда нотикдан фақатгина тилни яхши билишгина эмас, ўзи мулоҳаза юритаётган мавзу атрофида кенг билимга эга бўлиши ҳам талаб қилинади. Шу ўринда А. Г. Чернишевскийнинг «Нимани ноаниқ тасаввур қилсанг, шуни ноаниқ ифода этасан, ноаниқлик ва ифодани чалкаштириш фикрлар чигаллигидан далолатдир»<sup>1</sup> деган фикрини келтириш ўринлидир.

Мантиқий тафаккур проблемаси материалистик мантиқнинг марказий тушунчаларидан бўлиб, бу ҳақда олий мактабларда талабаларга етарли даражада билим берилади. Уларнинг ана шу билимларига таянган ҳолда бу ўринда талабаларнинг асо-

<sup>1</sup> Розенталь Д. Э. Культура речи.— М. Изд-во МГУ, 1960, с. 4.

сий диққатини нутқнинг мантиқийлигидаги лисоний жиҳат  
га қаратишга ҳаракат қилайлик.

«Нутқ маданияти асослари» уқув қўлланмасининг муаллифи  
Б. Н. Головин мантиқийликни икки гуруҳга бўлиб, нарса ва  
тушунча мантиқийлиги тарзида ўрганишни тавсия этади. Нар-  
са мантиқийлиги нутқдаги тил унсурлари билан реал воқелик-  
даги нарса ва ҳодисаларнинг мазмуний алоқаси ҳамда муно-  
сабатидир. Тушунча мантиқийлиги эса нутқда мантиқий  
тафаккур қурилишини ва унинг тил унсурлари маънавий ало-  
қадорлигида мантиқий ривожланишнинг акс этишидир, дей-  
ди у<sup>1</sup>. Қўринадики, сўзарнинг ўзи ифодаланаётган нарса-ҳодиса-  
ларга мос равишда фикрни аниқ ифодалаши нарса мантиқий-  
лиги бўлса, сўз бирикмаларининг гапларнинг, бошланмалар  
(абзац)ларнинг, ҳатто бутун-бутун матнларнинг бир-бирига  
мослиги, фикрни изчил давом эттиришга бўйсундирилиши ту-  
шунча мантиқийлигидир.

Тушунча мантиқийлиги ҳақида айтилган фикрдан хулоса  
қилинадиган бўлса, нутқ мантиқийлигининг асосий лингвистик  
шарти — бу лексик-семантик ва синтактик нормага амал қи-  
лишидир.

Услубий нормага амал қилиш, биринчи навбатда, бирикма-  
лар ўртасидаги грамматик алоқани тўғри шакллантиришидир.  
Қуйидаги мисолга эътибор беринг: *Энди куй ва рақслар тинг-  
лаб дам олинг* («Телевидение»дан). Куй тинглаш мумкин, аммо  
рақсни тинглаб бўладими? Куй ва рақс сўзларининг диктор  
томонидан автоматик тарзда уйғунлаштирилиши мантиқийлик-  
нинг бузилишига олиб келган. *Ҳаммомда қатиқ ва шиша идиш-  
лар истеъмол қилиш ман этилади* («Муштум» ж.) мисоли ҳа-  
қида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Баъзан эса сўзлар тушириб қолдирилади. Масалан: 22-сак-  
киз йиллик мактаб буфетчиси *Тожи Иброҳимов бир китобга  
5 тийиндан қўйиб сотмоқда* («Муштум»). Китобгами ёки ки-  
тобнинг нархигами? Сўзларни бундай ташлаб кетишлар айрим  
ҳолатларда қўпол хатоликларга олиб келиши ҳам мумкин:  
*Ойпош холага горчечник қўйиб бўлиб, кетмоқчи эди, Даврон  
уни қўярда-қўймай чойга ўтқазди* (М. Жалолиддинова).

Гапдаги сўзлар, бирикмалар тартибининг нутқ мантиқийли-  
гида аҳамияти катта. Бу ҳақда «Адабий тилнинг нормативли-  
ги», мавзуида батафсил тўхталганмиз. Яна бир мисолга эътибор  
берайлик: *Суратга олинган акула қуруқликдаги сут эмизувчи-  
ларга ўхшаб, тухум қўймайди, балки тирик бола туғади* («Фан  
ва турмуш»). Шу ҳолатда гапдан қуруқликдаги сут эмизув-  
чилар ўлик бола туғар экан деган хулоса чиқаришимиз мум-  
кин. Муаллиф эса асло бундай демоқчи эмас. Шундай экан,  
гап «Суратга олинган акула тухум қўймайди», балки қуруқ-

<sup>1</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980,  
с. 145.

ликдаги сут эмизувчиларга ўхшаб тирик бола туғади» тарзида тузилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. **«Ташаббускор район меҳнаткашлари... ички резервларни ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга сафарбар этмоқдалар»** (Газетадан.) мисолида ҳам сўз тартибининг нотўғрилиги оқибатида мантиққа ҳалал етган. **Ташаббускорлик меҳнаткашларга** тегишли бўлиши керак эди.

Кўр-кўрона қилинган таржималар ҳам кулгили ҳолатни юзага келтиради: **Эркак пайпоқлар нархи 30 фоиз арзонлашди** («Муштум».) Пайпоқнинг эркак-урғочиси бўлмаслигини ҳамма билади. Буни фақат нутқдаги эътиборсизлик деб тушунмоқ керак. Қуйидаги мисол ҳам бу фикрни тасдиқлайди: **Бугун Тошкентда ноль даража иссиқ бўлади.** («Муштум».)

Нутқий мантиқ талабига мувофиқ гаплар ўртасида ҳам изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчисида давом эттирилиши керак. Бу ҳолат маълум бир фикрнинг тугашига қадар давом этиши лозим. Гаплар ўртасида фикрий изчиллик йўқолиши билан мантиқийликка путур етади. Айрим мисоллар келтирамиз: **Редакцияга келган шеърларни йқиб, буниси яхши, буниси ёмон дейишга тилимиз бормади. Уларда авторларнинг нимадир демоқчи бўлишаётгани сезилиб туради** («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»). **Висолингга етишни азалдан жазм этардим. Жозиба ярашмиш сизга шунчалар.** (П. Мўмин.) Езувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясидаги қаҳрамон «нафис адабиёт муаллими» Боқижон Бақоевнинг нутқи мантиқсиз нутқ учун характерли мисолдир. Эътибор беринг: **«Чеховми? Ҳимм... буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни... ҳимм. Мукаррам, товуққа мойя қўйдингми? Қўйиш керак, бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ — мойя қўйсанг туғади! Нима учун мойя қўйсанг туғади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?»**.

Езувчи ана шундай нутқ ёрдамида бадий характер яратган. Шу ўринда А. Қаҳҳорнинг «Палағда гаплар» мақоласида айтилган фикрни эслаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади: **«Услубни бузадиган нарсалардан бири муболағани ишлата билмасликдир, муболаға қилишда жиддий асарларда қанча эҳтиёт керак бўлса, ҳажвда ҳам шундай бўлиши керак. Бир нарсани англашда бўлганидан бир оз ортириб кўрсатиш муболаға бўлади. Бироқ муболағани қолипдан чиқариб юбориш ҳар қандай асарни совуқ қилиб юборади. «Қайғули кечалар» да: ...«Кўкда қизарган булутни кўргач, бу менинг кўзимдан оққан қоннинг аксидир», «Икки оғайнимни қўлтиққа қистириб йўрғалаб қолдим» (жуда тез юрдим демоқчи бўлса керак),**

«Новвойдан бир қадоқ нон олсам ичидан бир курак мих билан иккита олти газлик арқон чиқди...» Мана булар жуда қалбсиз муболағалар»<sup>1</sup>. Езувчи бундай муболағаларни «қалбсиз муболағалар» деганида ҳақ эди. Чунки улар мантиқсиз гапларнинг ўзгинасидир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, матндаги бошланмалар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш бўлиши керак. Одатда маълум бир фикр тугаб, иккинчиси бошланган жойда улар бошланма билан ажратилади. Бу ерда фикр тугаллиги деганда яхлит фикр назарда тутилади ва у умумий матн мазмунининг бир қисми саналади. Тилда бошланмаларни бир-бирига боғлайдиган *куринадики, демак, хулоса қилганимизда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки* каби сўз ва бирикмалар мавжуд. Худди ана шу сўз ва бирикмалар бир бошланма ичида ҳам фикрларни бир-бирига боғлашга, изчилликка хизмат қилиши мумкин.

Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантиқий изчиллик бўлишини тақозо қилади. Аммо бу талабни нутқий жараённинг ҳамма кўринишларида ҳам ўртага қўйиб бўлмайди. Масалан, вазифавийлик услубларда, хусусан илмий ва бадий нутқ услубларида бу талабга қандай амал қилинишини олиб кўрайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий қисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир ҳалқага бирлашади. Матнда баён қилинаётган фикрлар қатъий изчилликда баён қилинади. Бадий нутқ тузилиши эса бир оз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинди-ю, бирданнига узилиш юз беради ва энди бошқа воқеалар ҳикоя қилиниб кетилади. Бу нарса гўё мантиқий изчилликка путур етказгандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадий асарларда, хусусан қисса, роман каби жанрлардаги кенг планлилик тасвир қурилишини ана шундай тузишни тақозо қилади. Мантиққа путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади.

Яна шу нарсани ҳам таъкидлаш керакки, бадий асарларнинг тузилишидагина эмас, алоҳида олинган сўзлар ўртасидаги мантиқий грамматик муносабатда ҳам изчиллик бузилгандай бўлиши мумкин. Масалан, А. Қаҳҳор пьесаларидан бирининг номини «*Тобутдан товуш*» деб атаган. Тобут ва ундан чиқадиган товуш ўртасида мантиқий қарама-қаршилиқ мавжуд. Ҳ. Олимжон ёзади: «Билсинларким, йўлдошим бўлмас (*«Кўзда ёши билан кулганлар*). Тиллари бор, ўзлари ҳаёт, (Лекин юрак бағри ўлганлар. Бу ерда кўздаги ёш қувонч ёши эмас, шунинг учун унинг мазмуни кулгига зид. Аммо бадий ижодда бундай мазмуний қарама-қаршилиқка йўл қўйилади. Ана шу

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Палағда гаплар.— Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1984, 7 декабрь.

«қарама-қаршилиқлар» ёрдамида шоир ва ёзувчилар сўзларга фавқулодда мажозий тус беради, фикрлар, ғоялар кўринишини ўртага ташлайди ва шу асосда бадий образлар, характерлар яратади, асарнинг эстетик қимматини оширади.

Хулоса қилганимизда, нутқнинг мантиқийлиги деганда яхлит бир система асосида тузилган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ мақсадга мувофиқ равишда ишлатилган нутқни тушунамиз.

**Нутқнинг тозаллиги.** Нутқнинг тозаллиги деганда энг аввало, унинг адабий тилнинг лисоний нормасига мувофиқ келиш-келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, яхши, идеал нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши, турли тил, ғайриадабий тил унсурларидан холи бўлиши керак. Бу масаланинг лисоний томони бўлиб, нутқий тозаллиқнинг нолингвистик жиҳатлари ҳам ундан кам бўлмаган аҳамиятга эга.

Хўш, нутқимизнинг тоза бўлишига халақит бераётган лисоний унсурлар қайсилар? Булар асосан диалектизмлар ва варваризмлардир. Тўғри, улар тилимизда ишлатилиши керак, бусиз бўлмайди. Чунки бадий адабиёт тилида *диалектизм* ва *варваризмлар* билан маълум бадий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий калоритни бермоқчи ёки асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилишида диалектизм ва варваризмларга мурожаат қилиш ҳатто зарурдир. Масалан: *Ёшулли санинг қизинг бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қара бадкирдор, на сабабдан мундоқ ёмон сўзларни элга тарқатдинг.* (Мирмуҳсин.) Ушбу мисолда диалектизмлар территориал калоритни беришга хизмат қилаётгани каби қуйидаги мисолда варваризмлар — чет сўзлар характер яратишда ёзувчига кўмаклашган. Дубора яна борди бир ишга шул, (Сўкиб — нет, — деди, келма дуррак, пошул! (Муқимий.) Ёки Х. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги қозининг нутқини олайлик. Ўзининг билимсиз киши эканлигини яшириш учун атайлаб арабча-форсча сўзларни ишлатишга интилади: *Қози, Айни ҳикмат сўзлайсиз! (Ғофирга.) Ҳозирги инодинг айни ҳамоқат!*

Лаҳжавий сўзларнинг бадий адабиётда ўрни билан ишлатилиши фақатгина мақсадга мувофиқ бўлиб қолмасдан, адабий тилимизнинг бойиб боришига, умумхалқ тилидаги айрим унсурларнинг сақланиб қолишига хизмат қилиши ҳам мумкин. Мисол: Сўри ғичирлади. Қудрат бобо *дамсар урди.* Юзини силаб қўйиб, телпагини ечди... Яна:— Қудрат бобо кеча кечқурун *қайтиш қилдилар.* Бугун тушдан кейин чиқарамиз! (Н. Қобул.) Аммо бу ўринда нутқнинг тозаллиги ва унинг диалектизм, варваризм каби луғавий унсурларга муносабати ҳақида гапирилаётганда уларни қўллашдаги мақсадга мувофиқлик асосий эътиборга олинапти. Агар шу нарсага бадий адабиётда эҳти-

Эж сезилар экан, уларни ўрни билан, масалан персонажлар нутқида ишлатиш мумкин. Бу унсурларга нутқнинг тоза бўлишига халал берувчи унсурлар сифатида қаралаётганда эса уларнинг ноўрин қўлланиши назарда тутиляпти. Айрим кишилар гапириш жараёнида ўз нутқини мутлақо назорат қилмайдилар. Эътиборсизлик, масъулиятсизлик натижасида адабий тил нормаси бузилади, шевачиликка йўл қўйилади. Бу, айниқса, оғзаки нутқда яққол сезилади. Худди ана шу эътиборсизлик туфайли айрим ўртоқлар тилида асоссиз ва ўринсиз равишда аслида араб, форс ва бошқа тилларга тегишли сўзлар ишлатилади. Агар мазкур тушунчани ифодалайдиган сўз ўзбек тилида бўлмаса бошқа гап эди. Қолаверса, умуман дейиш ўрнига *вообще, ҳиш* ўрнига *так* дейиш сўзловчига қандай енгиллик беради?

Идоравий атамалар (канцеляризмлар) ҳам нутқнинг тозалигига доимо хавф солиб туради. Тўғри, улардан фойдаланиш зарур. Улар расмий иш қоғозлари услубида фикрни ифодалаш учун жуда қулай. Илмий услубда ҳам тайёр жумлалар, шаблон иборалардан фойдаланилади. Аммо бу каби сўз ва ибораларни сўзлашув ва бадий нутқда қўллаш нутққа путур етказишдан бошқа нарса эмас. Бу ҳақда ёзувчи А. Қаҳҳор «Қуюшқон» асарида қуйидагиларни ёзади: «...Ҳозирги вақтда, тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эринган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўриб юрган бир туркум қалам аҳлининг «фаолияти», чала мулла баъзи олимларнинг «илмий хулоса»лари натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилда ҳеч ким гапирмайди, зотан, гапириш мумкин ҳам эмас, фақат ёзиб ўқиб бериш мумкин. Бу тилда ёзилган нарсани бир қиёмда ўқимасдан ҳам илож йўқ. Бу тилнинг ҳеч қаерга ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра «яхши овқат едим!» деб ёзиб бўлмайди, албатта «сифатли овқатландим» деб ёзиш шарт. «Папирос чекадиган киши гугуртни олиб юриши керак» деб ёзиш тўғри эмас, «Папирос чекиш одатига эга бўлган киши ўзини тегишли гугурт билан таъминлаб юриши керак» деб ёзилса тўғри бўлади. Бу тилда латифа айтиб бўлмайди, ёзиб бўлмайди! Бу тилда ҳазилга, мақолга, маталга, ажойиб халқ ибораларига ўрин йўқ. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа лекторни ғурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради.

...бир талай журналистлар, редакторлар, нотиклар, лекторлар, агитаторлар сингари бу одам ҳам мазкур тилни расмий, қаердадир тасдиқланган тил деб билар, бу тилда сўзланадиган ўлик нутққа жон киргизгани қилинадиган ҳар бир ҳаракатни «қуюшқондан ташқари чиқиш» деб ҳисоблар экан.

Лекторни, агитаторни гурбатнинг уясига, нутқни оғир юкка айлантирадиган бу «қуюшқон»ни қанча тезроқ улоқтириб ташласак, шунча яхшироқ!»

Демак, расмий сийқа (шаблон) сўз ва ибораларнинг ноурин ишлатилиши нутқнинг нотабийлигига, ишончсиз чиқишига олиб келади. Газетадан олинган қуйидаги мисолга эътибор беринг:— Пахтакорларимиз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллик байрамини барча майдонлардаги ғўзани дастлабки культивациядан чиқариш билан кутиб олмоқчилар,— дейди совхоз директори А. Тўраев. (Газетадан.) Газета хабарининг расмий характерда бўлишига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Германия фашизми устидан қозонилган Ғалаба ҳам кишиларимизнинг ёдидан ҳеч қачон чиқмаслиги аниқ факт. Аммо шу байрам арафасида амалга оширилган ҳар бир фаолиятни **фақат шу ғалаба билан** боғлаш, уни газеталарда берилиб борилаётган минглаб хабарларда қайта-қайта тилга олиш тарғибот ва ташвиқотнинг табиийлигига, ишонтириш кучига, сал бўлса-да, салбий таъсир кўрсатишини ҳам ўйлаб кўриш керак бўлади.

Нутқнинг тозалиги, унинг кераксиз сўз ва иборалардан ҳоли бўлиши сўзловчи ва тингловчи учун ҳам, ёзувчи ва ўқувчи учун ҳам сув ва ҳаводек зарурдир. Тил воситалари вазият ва шароитга қараб ишлатилган, ҳеч қандай сийқа сўз ва ибораларсиз ҳосил қилинган нутққина табиий ва самимий бўлади, тингловчи ва ўқувчининг қалбига бориб етади. Улкан сўз устаси Абдулла Қаҳҳорнинг юқорида айтган фикрлари батамом мукамал бўлиб, уни бошқача қилиб ўзгартишга ҳожат йўқдир. Ёзувчи тилдан фойдаланишдаги табиийлик шартларини жуда чуқур англайди. Унинг «Нутқ» ҳикоясида табиийлик ва самимиятдан ҳоли бўлган нутқнинг бадий образ яратиш воситасига айлантирилиши бунинг исботидир: «Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тулган кунда сизни бевосита табрик қилишга!» Эътибор беринг: суҳбатда ўнлаб, ёки юзлаб киши эмас, икки киши — эр ва хотин иштирок этапти. Аввал хотин бу гапларни ҳазил деб ўйлайди, «қийқириб чапак чалади». Аммо нотиқ жиддий қиёфада сўзида давом этади. «Биринчидан», «иккинчидан» деб оилада бир йил давомида юз берган ютуқ-камчиликларни расмий равишда санаб ўтади ва нутқини қуйидагича якунлайди: «Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиламиз бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажасига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг!»

Нотиқ нутқини тугатгандан кейин яна аслига қайтади. Хотини унинг ҳар бир сўзидан завқланади, кулади. Нима учун

нотиқ бир вазиятда ўзини икки хил тутяпти? Шунинг учунки, у гарчи ўзини «кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган нотиқ» деб ҳисобласа ҳам, қайси ҳолатда, вазиятда қандай гапириш кераклигини билмайди. Тилнинг амал қилиш қонуниятларини ниҳоятда саёз тушунади. Шунинг учун ҳам унинг нутқи нотабийй ва кулгилидир.

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар асосан сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотиқнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади. Масалан, айрим кишилар ўзлари сезмаган ҳолда *демак*, *хдиш* каби сўзларни қайтараверишга ўрганиб қолганлар. «Бир докладчининг бир соатлик нутқида,— деб ёзади А. Аҳмедов.—«ўртоқлар» сўзи 101 марта, «яъни» сўзи 73 марта, «демак» сўзи 60 марта такрорланганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Қаранг, бир соатлик нутқда 234 та ортиқча, «бекорчи» сўз ишлатилган-а»<sup>1</sup>.

Қўпол (вульгар) сўзларнинг ишлатилиши ҳам нутқимиз тозалигига салбий таъсир қилади. Оғзаки нутқда баъзан учраб қоладиган сўкиниш, ҳақорат сўзлари жамиятнинг ахлоқ нормаларига мутлақо тўғри келмайдиган ҳодисадир. Аммо бадий адабиётда персонажларнинг кучли ҳаяжонини, ғазабланганлигини ифода этиш мақсадида дағал сўзлардан фойдаланилади. Масалан: Қарғиш учун сўз тополмади, / Ғазабини ҳеч босолмади, / Уйнаш» сўзини ҳадеб ҳижжалаб, / Охир деди «Фоҳиша...». (Ҳ. Олимжон). Имкон борича бадий адабиётда ҳам дағал сўзларни ишлатишдан қочиш керак. Чунки, бадий адабиёт кишиларга эстетик таъсир ўтказиш воситаси бўлиши билан бирга тарбия манбаи эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Хуллас, «тилнинг тозаллиги, маъно аниқлиги ва ўткирлиги учун кураш маданият қуроли учун курашишдир. Бу қурол қанчалик ўткир, қанчалик аниқ йўналтирилган бўлса, у шунчалик ғолиб бўлади»<sup>2</sup>. Нотиқ ўз устида тинимсиз ишлаши билан бирга, нутқ жараёнида доимо уни назорат қилиб борсагина, тилга масъулият билан ёндошсагина нутқнинг тозаллигига эриша олади.

**Нутқнинг таъсирчанлиги.** Маълумки, нутқнинг юзага чиқишида аниқ бир мақсад — тингловчи ва ўқувчи онгига таъсир этиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ва қолаверса, тўғрилиқ ва аниқлик ҳам, мантиқийлик ва тозаллик ҳам тингловчига таъсир этишга қаратилган бўлади. Бу санаб ўтилган сифатларда лисоний факторлар биринчи планда турса, улар-

<sup>1</sup> Аҳмедов А. Тил бойлиги.— Тошкент, 1968, 27- бет.

<sup>2</sup> Горький М. Собр. соч., в 30 т., с. 27.— М.: Гослитиздат, 1953, с. 170.



нинг ҳаммасидан фойдаланган ҳолда таъсирчанлик кенг доирада нолингвистик омилларни ҳам қамраб олади.

Бу нолингвистик шарт-шароитлар қайсилар? Энг аввало, нотиқнинг мавзу атрофида етарли билимга эга бўлиши. Мавзуни яхши билмаган нотиқнинг таъсирли нутқ сўзлаши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни, нотиқ тингловчиларни ҳисобга олиши, кишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, нутқ ижро этилаётган пайтдаги кайфиятигача кузатиб туриши, ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини назорат қилиши лозим бўлади. Профессионал билимга эга бўлган кишилар олдида жун, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражадаги маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш керак эмас. Хуллас, нотиқдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифода-ламоқчи бўлган фикрни туласича тингловчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади.

Хўш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушунмоқ керак? Унга Б. Н. Головин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига айтилади, ўз навбатида шу хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан саналади».

Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиқлар олдида қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, мавзуни яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни бошлаш лозим. Вақтни ҳисобга олиш нотиқлик фазилатларидандир. Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, тингловчилар зерикмайди.

Сўзловчининг ўз нутқиға муносабати ҳам муҳимдир, чунки шундай бўлгандагина қуруқ расмиятчиликдан қочиш мумкин бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши бўлади. Нотиқ фикрларини ўзи ёки тингловчилар ҳаётдан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонarli ва таъсирли чиқади.

Тингловчига ҳиссий таъсир ўтказишга эришиш нотиққа материални уларга тулиқ етказишга кўмаклашади. Машҳур рус нотиғи, проф. В. О. Ключковский бу ҳақда шундай деган эди:

«Жамоат орасида гапирганимизда тингловчиларнинг қулоғига, ақлига мурожаат қилманг, шундоқ гапирингки, улар сизни тинглаб туриб, сўзларингизни эшитсин, нарсаларни сиз билан кўриб, сизнинг ҳолатингизга киришсин. Тингловчилар сизнинг тасвирингизсиз ҳам ақли, юраги, фикри билан шу нарсани яхшироқ кузатади.

Нутқда фикрни ривожлантира бориб, дастлаб унинг тузилишини тингловчининг ақлига етказиш, кейин унинг тасаввурига яққол таққосларни тақдим этиш керак, ниҳоят, чиройлик лирик тасвирлар билан эҳтиёткорона уни тингловчининг юрагига жо қилинг, ушанда тингловчи — асирингиз қочиб кетмайди, ҳатто сиз уни эркин қўйиб юборсангиз ҳам сизнинг абадий итоатгўй мижозингиз бўлиб қолади»<sup>1</sup>.

Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги гап маълум маънода нутқ сифатлари ҳақида айтилган гапларга яқун ясашдир. Чунки, яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоларни таҳлил қилиш пировард натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қилади. Нутқдаги фикрларнинг тингловчиларга ёки ўқувчиларга тўлароқ етказишнинг хилма-хил йўллари ва воситалари мавжуд. Уларни ёрдамчи воситалар деб ҳам аташ мумкин. Масалан, юморни олайлик. Нутқдаги узлуксиз илмий «оммабоп фикр оқими, унинг бир маромда баён қилиниши тингловчини ҳам, китобхонни ҳам зериктириб қўйиши мумкин. Шундай пайтда юмор нотикқа жуда қўл келади. Юморнинг нутқ мазмунига мос ҳолда келтирилиши яна ҳам яхшидир. Шундай қилинса тингловчи ҳам дам олади, ҳам фикрни осонгина уқиб олади.

Аммо, бу гаплардан нутқда юмор албатта зарур экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. У нутқнинг таъсирчан бўлиши учун ёрдамчи восита эканлигини унутмаслигимиз керак. Унинг ноўрин ишлатилиши зўрма-зўракиликни келтириб чиқариши мумкин. Мисол тариқасида Инна Гамазкованинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида босилган «Юмшоқ магнитофон» ҳажвиясини тўлиқ келтирамиз:

— «Яхши қиз, нонингиз иссиқми?»

— Ҳа, ҳозир келди,— деди табассум билан сотувчи қиз.

— Синглим, нонингиз иссиқми?»

— Иссиқ. Ҳозиргина келди,— деди яна ним табассум билан.

— Яхши қиз, нон иссиқми?»

— Иссиқ.

— Яхши қиз, нон иссиқми?»

— Иссиқ!!

— Нега қўполлик қиласиз, яхши қиз? Мен фақат нон иссиқми, йўқми, шуни сўраяпман.

<sup>1</sup> Фикрлар қуйидаги манбадан олинди: Разумова Л., Шаров В. Лектор нутқининг таъсирчанлиги.— Тошкент: Ўзбекистон, 1973, 21-бет.

— Мен ҳам сизга жавоб бераяпман. Ис-сиқ!!!  
«Уф-ф, бунақада асабларим тамом бўлади-ку. Топдим», деди-да катта-катта ҳарфлар билан «Иссиқ нон» деб ёзиб қўйди.

— Яхши қиз, нон иссиқми?

— Кўрмаяпсизми?— деб ёзиб қўйган қоғозига ишора қилди у.

— Нонингиз иссиқми-а?

Яна ўша қоғозга ишора қилди.

— Мен сиздан сўраяпман, иссиқми-йўқми?

Тушлик пайтида у югуриб бориб уйдан магнитофон олиб келди. «Қандай яхши-я, ўйларди қиз, энди фақат савдо қиламан, пул оламан, чек бераман. Пул оламан, чек бераман».

Магнитофондан бўлса «Иссиқ нон... Юмшоқ нон... Иссиқ нон... Янги...» деган овоз эшитилиб турибди.

— Яхши қиз, бу нима, магнитофонми?

— Бу гапираётган магнитофонми, яхши қиз?

— Яхши қиз, магнитофонингиз қаерники?

— Ҳа, магнитофон... Магнитофон ўзимники... Магнитофон ҳозир келди... Магнитофон иссиқ... Магнитофон юмшоқ...»

Нутқда мавзу доирасида баъзи фикр келтириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бундай фикрлар нотик фикрининг тўғрилигини, ҳаққоний эканлигини исботлаш учун керак, фақат улардан фойдаланишни суистеъмол қилмаслик лозим. Бадий адабиёт намуналаридан, халқ мақоллари, маталлари, ҳикматли сўзларидан, тилдаги ифода — тасвир воситаларидан нутқда ўрни билан фойдаланиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотикнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам роли бор. Самимийлик, хушмуомалали, одоблилик, тингловчиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг кишилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Юқорида намунавий нутқнинг асосий талабларига қисқача тўхталиб ўтилди. Улардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, яхши нутқ сўзловчи ва ёзувчидан катта меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараёндир. «Нутқнинг ўткирлиги, ёрқинлиги ва оригиналлиги тингловчи ва ўқувчида ҳис-туйғу ва қизиқиш уйғотиш, унинг эътиборини қаратиш, айтилаётган нарсанинг мазмунини яхшилаб етказиш учун зарурдир. Нутқдаги бир хил шакл, бир оҳанглик (монотонлик), нутқий воситаларнинг қайтарилиши нутқни фаол бўлишидан маҳрум қилади, китобхонни ҳатто айтилаётган фикрга ҳам фарқсиз қилиб қўяди»<sup>1</sup>.

Демак, нутқ аниқ ва равон бўлиши, грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бўлиши, адабий талаффуз қоидаларига бўй-

<sup>1</sup> Костомаров В. Г. Культура речи и стиль.— М., 1960, с. 64.

суниши бошдан-оёқ изчил баён қилиниши лозим. Ана шундай нутқгина тингловчи ва ўқувчи қалбига бориб етади. Шундай нутқгина маданий нутқ талабларига жавоб беради. Бунинг учун эса ёзувчидан ва омма олдида нутқ сўзловчи кишидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, филологик билим ва муттасил нутқий машқ талаб қилинади.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ

Нутқ маданияти тушунчасининг моҳиятини, илмий йўналиш сифатида бу соҳанинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш кўп жиҳатдан нутқ билан нутқий услублар, нутқ маданияти соҳаси билан услубият фани орасидаги муносабатни тўғри белгилашга боғлиқдир. Ҳозирга қадар бу икки ҳодиса ва тушунча орасидаги умумий ҳамда фарқли томонлар етарли равишда ўрганилган эмас. Илмий адабиётларда нутқ маданияти ҳақида гап борганда кўп ҳолда бу соҳа билан услубият биргаликда талқин қилинаётганини кўрамиз. Бу ҳол нутқ маданиятига оид муаммоларга қўйилган сарлавҳаларда ҳам аниқ кўзга ташланади<sup>1</sup>.

«Нутқ маданияти асослари» программаларида нутқ маданияти билан услубият орасидаги муносабатни ёритишга алоҳида ўрин берилган<sup>2</sup>.

Бу икки соҳа орасидаги муносабатни белгилашда фанда 4 хил нуқтаи назар олдинга сурилади:

1. Нутқ маданияти — бу услубиятнинг ўзидир;
2. Нутқ маданияти — бу амалий услубиятдир;
3. Нутқ маданияти билан услубият ўзаро зич боғлиқ бўлган соҳалардир;
4. Нутқ маданияти ва услубият ўзаро зич алоқадор, аммо ҳар қайси ўзича мустақил илмий соҳалардир.

Келтирилган қарашларни тасдиқлайдиган баъзи фикрларни қисқача таҳлил қилиб кўрайлик.

В. В. Виноградовнинг нутқ маданияти муаммосига бағишланган мақолаларида «тил маданияти» ва «нутқ маданияти» атамалари баравар қўлланилади. Унинг фикрича, тил маданияти ёки нутқ маданияти деб юритилувчи фан назарий ҳамда амалий соҳадир<sup>3</sup>. Бу соҳа, унинг фикрича, адабий тил услубиятидан тил услубияти билан нутқ услубияти оралиғида турувчи бир фан эканлиги билан фарқланади: «Тил маданияти ва нутқ маданияти ҳақидаги фан тил услубияти ва нутқ услу-

<sup>1</sup> Бегматов Э. А., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари.— Тошкент, 1987.

<sup>2</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Изд-во МГУ, 1979; Қунғуров Р. «Нутқ маданияти асослари» курсининг программаси, Самарқанд, 1983, 8—9-бетлар.

<sup>3</sup> Виноградов В. В. Проблемы культуры речи и некоторые задачи русского языкознания. Вопросы языкознания, 1964, № 3, с. 3—18.

бияти билан чегарадош бўлиб назарий ва амалий соҳа (ёки тадқиқот доираси)дир. У тилнинг кейинги давр ривожига жонли ва жадал таъсир этиш мақсадида адабий тилнинг асосий эстетик нормаларини шакл ва анъаналарини бадий адабиёт услублари ўсуви билан боғлиқ ҳолда умумлаштиради ва хулосалайди»<sup>1</sup>.

В. В. Виноградов услубиятнинг ўзини «тил услубияти» ва «нутқ услубияти», «бадий адабиёт услубияти»га бўлади<sup>2</sup>. Унинг фикрича, услубиятнинг нутқ маданияти муаммолари билан боғлиқ тури нутқ услубиятидир. Нутқ услубиятининг асосий вазифаси ва илмий йўналиши ҳақида у шундай ёзади: «Нутқ услубияти ҳозирги давр оғзаки ва ёзма нутқидаги ижтимоий муносабатлар ва жанрий хусусиятлар билан боғлиқ энг нозик маъно, экспрессив — услубий турларни ажратиши ва ўрганмоғи керак. Чунончи, оғзаки нутқнинг мунозаравий нутқлар, лекция, маслаҳат, матбуот конференцияси, маъруза, турли тингловчилар билан суҳбат сингари тузилма шакллари бири иккинчисига ўтиб турувчи алоқадор ҳодисалардир»<sup>3</sup>.

Тилшуносликда нутқ маданияти соҳасининг вазифаси амалий услубиятнинг вазифаси билан бир хилдир деювчи нуқтаи назар ҳам мавжуд. Ушбу қарашга кўра, нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти амалий услубият вазифаларидан фарқ қилмайди.

Кейинги пайтларда амалий услубият билан нутқ маданияти соҳаси орасидаги алоқадор томонлар, шунингдек, фарқларга маълум аниқликлар киритилди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

— услубият ва нутқ маданияти тилшуносликнинг бир-бирига алоқадор, аммо алоҳида мустақил соҳаларидир;

→ услубият соҳаси айниқса амалий услубият нутқ маданиятини кўтаришга ёрдам берадиган омиллардан биридир;

— нутқ маданияти соҳаси нутқни ва умумий тил ҳодисаларини услубий планда, тилнинг барча услубий кўринишларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиши лозим.

Кейинги икки фикрни аниқлаш академик В. В. Виноградовнинг хизматларидан бўлди. У адабий тил услубияти билан нутқ маданияти соҳасининг ўзаро фарқини шундай белгилайди: «Тил маданияти муаммоси... адабий нутқ услубиятининг вазифаси ва принциплари билан бутунлай мос келади, деб ўйлаш нотўғридир. Масаланинг асосий моҳияти шундаки, нутқ маданиятининг текшириш доираси муайян даврда адабий

<sup>1</sup> Виноградов В. В. Проблемы культуры речи и некоторые задачи русского языкознания. Вопросы языкознания, 1964, № 3, с. 3—18.

<sup>2</sup> Виноградов В. В. Русская речь, ее изучение и вопросы речевой культуры. Вопросы языкознания, 1961, № 4, с. 12.

<sup>3</sup> Виноградов В. В. Русская речь, ее изучение и вопросы речевой культуры, с. 13.

нутқ ва адабий тил системаси доирасига кирмаган **ижтимоий-услубий** нутқий доираларни ҳам ўзида қамрайди»<sup>1</sup>.

Демак, тил услубияти билан нутқ маданияти соҳасининг ўрганиш объекти айнан бир хил эмас. Улар фарқланади. Аммо нутқ маданияти тадқиқотлари «Услубий асосларга» таяниши (В. Г. Костомаров) нутқ маданияти бобида «Услубий йўналишнинг муҳим роль уйнаши» (В. Г. Костомаров ва В. С. Шварцкопф) шубҳасиздир.

Мавжуд адабиётларда нутқ маданияти билан амалий услубиятнинг мақсад ва вазифаларини деярли бараварлаштирган ҳолда тушуниш учрайди. М. М. Михайловнинг ёзишича, услубиятни тил услубияти ва нутқ услубияти деб иккига ажратишда катта маъно бор. У аввало тил услубиятининг асосий вазифаларини шундай белгилайди:

«Тил услубияти, тилнинг услубий тузилишини, яъни унинг услубий системасини даврий (синхроник) ҳамда тарихий планда ўрганади»<sup>2</sup>.

Кейин у нутқ маданияти масалаларини ишлаш билан боғлиқ бўлган услубият соҳаси ҳақида шундай ёзади:

«Амалий услубият нутқ услублари доирасидаги ҳодисадир. Амалий услубият — услубиятнинг норматив соҳасидир ва халқ нутқий маданиятининг ўсувига кўмаклашиш унинг асосий мақсадидир. Амалий услубият шароитга, мазмун ва мақсадга кўра нутқни турлича тузиш йўллариини ўрганади.

Амалий услубият тил услубиятига суянгани ҳолда жумладан намунали нутқнинг хусусиятларини ҳам махсус ўрганади. У нутқда нима яхши ва нима ёмон эканини белгилайди»<sup>3</sup>.

Шуни айтиш керакки, нутқ маданияти соҳасини услубият, амалий услубият ёки амалий тилшунослик сингари номлар билан юритиш тилшуносликдаги янги ҳодиса эмас. Бундай фикр ва мулоҳазалар тилшуносликда 1920—1930 йиллардан мавжуд. Чунончи, Г. О. Винокур «Тил маданияти» асарида ушбу тушунчани ифодалаш учун «амалий тилшунослик» услубият («стилистика») атамаларидан фойдаланган ва унинг тил маданиятига алоқадорлигини таъкидлаган эди<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, услубият ёки амалий услубиятни нутқ маданиятини ўрганувчи ва ўргатувчи соҳа деб бйлиш ҳам янги фикр эмас. Аммо кейинги вақтда фанда услубиятнинг нутқ маданияти билан боғлиқ муаммолари ва вазифаларини белгилашга интилиш ҳаракати анча кучайди. Масалан, баъзи тилшунослар фикрича, кишиларда гапира олиш малакасини, маҳоратини тарбиялаш услубиятнинг вазифасидир.

<sup>1</sup> Виноградов В. В. Проблемы культуры речи и некоторые задачи русского языкознания, Вопросы языкознания. 1964, № 3, с. 15.

<sup>2</sup> Михайлов М. М. Культура русской речи.— Чебоксары, 1966, с. 120—121.

<sup>3</sup> Михайлов М. М. Уша асар, 121- бет.

<sup>4</sup> Винокур Г. Культура языка, 1929, с. 36.

Услужият фани оғзаки ва ёзма нутқ маданияти билан шуғулланар экан, кишиларни сўз санъатига, нутқ воситалари устида ишлай олиш йўлларига ҳам ўрганмоғи керак»<sup>1</sup>.

Нутқ маданиятини кўтаришнинг усул ва воситаларини услублар соҳасидан ахтариш, буни бирдан-бир омил деб билиш бошқа бир қатор тилшуносларнинг ишларида ҳам учрайди. Чунончи, тилшунос А. В. Степановнинг фикрича: талабаларнинг нутқ маданиятини кўтариш ва тарбиялашнинг асосий воситаси амалий услубиятни ўқитишдир. Амалий услубият, А. В. Степановнинг алоҳида ўқитишича, фақат филология факультетларидагина эмас, балки техникавий факультетларда, тиббиёт факультетларида ҳам ўқитилиши зарур. У амалий услубият курсининг номи вазифаси ҳақида қизиқарли мулоҳазалар баён қилади. Чунончи у бу курснинг номланиши ҳақида ёзади:

«... амалий («практическая») атамаси тўғри эмас. У ортиқча, чунки маънисиз. Тушунарлики, гап сўзни эрмак қилиш устида эмас, балки унинг моҳиятини, гўзаллигини тушуниш; бундан ўз амалий нутқида, услубида фойдаланиш ҳақида бор-япти. Услужият бу она тилининг назарияси ва амалиётидир. Шу сабабли бу соҳа номини «Ҳозирги рус тилининг услубияти ва маданияти» деб юритиш лозим, бу ҳам илмий, шунингдек ҳам амалий нуқтаи назардан тўғри бўлар эди»<sup>2</sup>.

А. В. Степанов фикрича, услубиятнинг асосий вазифаси бундай:

«Услужият ўқитилувчи фан сифатида рус тилининг барча ижтимоий қўлланиш доирасини, унинг барча: илмий, расмий газета-журналларга хос публицистик ва ш. к. услубларини қамрамоғи керак. Энг асосийси, у талабани ўз нутқини илмий қилиб ёза олиш, туза олиш ва тушуна олишга ўргатмоғи керак»<sup>3</sup>.

А. В. Степановнинг юқорида келтириб ўтилган мулоҳазалари ўз вақтида Ленинград Давлат университетининг филология факультетида муҳокама қилинган. Бу ҳақда журнал редакцияси томонидан берилган хабарда шундай характерли сатрлар бор:

«Услужият курсини барча факультетларга киритиш ҳақидаги А. В. Степановнинг таклифи шубҳаларга ва норозиликларга сабаб бўлди. Бундай курс турли факультетларнинг ўқув планлари билан қандай боғланади? Умуман у қандай ўқитилади? Ахир, уни идрок этиш учун қандайдир база керак»<sup>4</sup>.

Хуллас, нутқ маданияти соҳаси билан услубият, аниқроғи «амалий услубият» орасидаги муносабат ҳали етарли ойдин-

<sup>1</sup> Ефимов А. И. О культуре публичной речи.— И.: Знание, 1956, с. 3.

<sup>2</sup> Степанов А. В. О культуре речи и практической стилистике. Вестник высшей школы, 1963, № 6, с. 46.

<sup>3</sup> Степанов А. Уша мақола, ўша бет.

<sup>4</sup> Вестник высшей школы, 1963, № 6, с. 47.

лашган эмас. Ушбу фикрни ўзбек тилшунослиги борасида ҳам айтиш мумкин. Ўзбек тилшунослигидаги нутқ маданиятига доир адабиётларда, бир томондан услубларнинг нутқ маданиятидаги роли таъкидланмоқда<sup>1</sup>. Иккинчи томондан эса «Ўз номи билан амалий курс» бўлган амалий услубиятнинг нутқ маданияти билан боғлиқлик томонлари кўрсатилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, кўпчилик тилшунослар нутқ маданиятини амалий услубият билан боғлашади. Амалий услубиятга оид дарслик ва қўлланмаларга мурожаат қиладиган бўлсак, уларда, асосан, функционал услублар ҳақида қисқача маълумотлар берилади ҳар бир услубни характерлайдиган луғавий морфологик, синтактик, фонетик хусусиятлар тушунтирилади ва ушбу хусусиятларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи машқлар тавсия этилади<sup>2</sup>. Мана шундай ҳол Э. Қиличевнинг «Ўзбек тилининг практик стилистикаси» қўлланмасида<sup>3</sup> ҳам ёрқин кўринади.

У ёки бу услубга хос тил нормаларини эгаллаш ва мустаҳкамлашда услубий машқларнинг муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Нутқ маданияти билан услубият нутқий услубларга ёндошиши ва уларни объект сифатида қамрашига кўра ҳам фарқланади. Услубият тил ва нутқнинг барча услубий кўринишларини батамом ва тўла ҳисобга олади ва ўрганади. Унинг учун илмий услуб ҳам, сўзлашув услуби ҳам, унинг адабий сўзлашув услуби ҳам, содда (жўн) сўзлашув услуби ҳам (тил материалдан қатъи назар) бу соҳанинг тадқиқот объектидир. Бундан фарқли равишда нутқ маданияти тушунчаси ва соҳаси учун эса кўпроқ адабий тил доирасидаги, адабий тилга мансуб бўлган услублар аҳамиятлидир. Чунки нутқ маданияти соҳасини кишиларнинг адабий тил услубларини эгаллаши кизиқтиради. Нутқ маданияти соҳаси услубларга адабий тил нормалари, ахлоқий эстетик талаблар нуқтаи назаридан ёндашади. Мана шу маънода нутқ маданияти адабий тил учун нормал ҳисобланадиган лаҳжавий унсурларни, этикавий нормаларга жавоб бермайдиган тил воситаларини (жаргонлар, вульгаризмлар, варваризмлар) инкор қилади, уларни нутқ маданиятини бузадиган ҳодисалар деб баҳолайди. Нутқ маданияти сўзларнинг ёзилиш ва айтилишига кўра нотўлиқ, бузилган вариантларини салбий баҳолайди, аксинча нутқни безайдиган унинг чиройли, таъсирчан бўлишини таъминлайдиган тил воситаларини қўллаб-қувватлайди. Услубият тилнинг келтирилган воситаларини услубий вазифасига кўра ўрганади

<sup>1</sup> Жуманиёзов Р. Ўқувчиларнинг нутқ маданияти ҳақида.— Тошкент, 1957, 5-бет.

<sup>2</sup> Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского языка.— М.: Высшая школа, 1976; Розенталь Д., Теленкова М. Практическая стилистика русского языка.— М., Русский язык, 1976.

<sup>3</sup> Киличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси.— Тошкент, Ўқитувчи, 1985.



ва баҳолайди. Бунинг устига услубият тил нормаларини ўргатишни ва ўргатишни кўзда тутади, аммо уларни маданий нутқий фаолият нуқтаи назаридан нормалашни, онгли равишда бошқаришни кўзда тутмайди. Масалан, услубиятни ўзбек алфавитини, орфографиясини, шунингдек адабий талаффузини нормалаш ва янада такомиллаштириш иши қизиқтирмайди. Услубият учун жорий ҳарфлар, имловий нормалар ва талаффуз шакллариининг услубий вазифалари аҳамиятлидир. Нутқ маданияти ўз мақсад ва вазифалари доирасига кўра анча кенг соҳадир. Услубият эса унга нисбатан олинганда анчагина тор, жузъий соҳадир.

Ҳар бир вазифавий услубнинг ўзига хос тил хусусиятларини билиш, уни онгли ўзлаштириш, эгаллаш нутқ маданиятини кўтариш учун аҳамиятли экани шубҳасиздир. Масалан, баъзи муаллифларнинг ўз ишларини илмий тил ва услуб талаблари даражасида ёза олмаслиги, уларнинг илмий-публицистик, илмий оммабоп услубни том маънодаги академик илмий услубдан фарқлай олмасликлари, шунингдек, баъзи бадий асарларни эса газета тилига, илмий-публицистик услубга яқин бир тилда ёзилаётгани ёки ўзбек тилида ёзилаётган расмий-идоравий ҳужжатлар тилининг расмий услуб нормаларига жавоб бера олмаслиги, улар тилининг пишиқ-пухта эмаслиги ва бошқалар аслида илмий услуб, илмий-публицистик услуб, илмий-оммабоп услуб, бадий услуб, расмий услуб нормалари ва улардан фойдаланиш мезонини билмаслик натижасидир. Мана шу маънода нутқ маданиятини кўтариш, аслида ҳар бир аниқ нутқий услубнинг ўзига хос тил маданиятини кўтариш ҳамдир. Вазифавий услублар уларнинг ҳар бирига хосланган тил воситалари ва бу воситаларни танлаш ва қўллаш мезонини билмасдан туриб услубларнинг тил маданиятини кўтариш мумкин эмас. Демак, адабий тилни нормалаш бўйича нутқ маданияти соҳасида олиб бориладиган ишлар ва бу ишнинг натижалари ҳар бир нутқий услуб доирасида ўзига хос гавдаланади. Адабий тилни нормалаш бўйича амалга ошириладиган ишлар бу тилда мавжуд бўлган вазифавий услубнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу сабабли ҳам адабий тилнинг ягона, умуммажбурий нормаларида синонимияга, луғавий, морфологик ва синтактик вариантларга, фикрни параллел равишда икки хил ифодалаш усулларига, сўз ясалиши, сўз ишлатилишида муайян эркинликка йўл қўйилади. Бунда ушбу нутқий воситаларнинг турли услубларда аниқ бир услубий эҳтиёжга кўра танланиши ва қўлланиши кўзда тутилади. Мана шу маънода нутқий услублар адабий тил (маданий тил) турғун нормаларининг маълум даражада вариантдор, кўпқиррали ва кўп вазифали бўлишини ҳам талаб қилади. Лекин нутқ маданияти (маданий нутқ) учун биринчи навбатда адабий тил доирасида шаклланивчи услублар — илмий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий услуб,

илмий-публицистик услуб, адабий-сўзлашув услуби, шунингдек бадиий услуб ва улар таянувчи нормалар муҳимдир.

Тилшунос Д. Э. Розенталнинг мана бу гапларида жон бор: «Амалий услубиятнинг норматив бўлиши, уни филологиянинг кенг соҳаси бўлмиш нутқ маданияти билан яқинлаштиради»<sup>1</sup>.

Нутқ маданияти билан услубиятнинг ўзаро муносабати ҳақида гап борганда тил ҳодисаси бўлган нутқ маданиятини, нутқий услубларни илмий соҳа бўлган нутқ маданияти ва услубиятдан фарқлаш лозим бўлади. Буларнинг биринчиси табиий ҳолда, реал мавжуд бўлган тил ҳодисаларини англатса, иккинчиси ўша ҳодисаларни ўрганувчи фан тармоқларини англатади.

Шундай қилиб, нутқ маданияти билан нутқий услублар тенг ҳодиса бўлмаганидек, тилшуносликнинг нутқ маданияти, услубият деб юритилаётган соҳалари ҳам батамом тенг ҳодисалар эмас. Аммо улар бири иккинчисини тўлдирувчи, ўзаро алоқадор бўлган лисоний муаммолардир.

## УЗБЕК ТИЛИНИНГ ВАЗИФАВИЙ УСЛУБЛАРИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Кишиларнинг тил бирликларидан, яъни фонетик, грамматик луғавий ва фразеологик воситалардан фойдаланишида доимо ўзига хослик мавжуд бўлиб, бу нарса сўзловчининг ўзига хос услубини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам «услуб — бу инсондир» деган афоризм маълум маънода ҳақиқатга жуда яқиндир.

*Стиль*, яъни *услуб* термини<sup>2</sup> жуда қадим замонлардан буён ишлатилиб келинаётган бўлиб у турли даврларда турли соҳаларда турлича тушунилди ва изоҳланди. Аслида *стиль* грекча *stulos* сўзидан олинган бўлиб, ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқчани билдирган. Қадимги римликлар, грецияликлар услубга кишиларни ишонтириш санъати сифатида қараганлар. Ҳиндлар уни нутқни безаш воситаси деб билган бўлсалар, араблар бу сўз билан ўзларининг диний эътиқод ва қоидаларига тўғри келадиган кийимларини ҳам атаган эдилар. «Стиль» сўзининг филологик термин сифатида ишлатилиши кейинги асрлардангина бошланди<sup>3</sup>.

Қўплаб адабиётшунос ва тилшунос олимлар мазкур тушунчага таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Бу таърифларда бир-бирига қарама-қарши фикрлар, масалага турлича ёндошишлар ҳам йўқ эмас. Тилшунос олимларнинг кўпчилиги кейинги йилларда тан олганларидек, В. В. Виноградов томо-

<sup>1</sup> Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского языка.— М.: Высшая школа, 1977, с. 9.

<sup>2</sup> Узбек тилшунослигида «стиль» ва «услуб» терминлари бир хил маънода ишлатилгани учун, бошқа тилшуносликларда ҳам кенг тарқалганлигини ҳисобга олиб, биз бу ўринда асосан услуб (стиль) терминини қўллаймиз.

<sup>3</sup> Соболевский А. О стиле — ж. Мирный труд. Харьков, 1909, с. 9.

нидан берилган таъриф бу ҳодисанинг табиатини анча дуруст ва тўғри очиб беради: «Услуб — бу жамоатчилик томонидаг англаб етилган, вазифавий жиҳатдан келишилган (шартлашилган), қўлланиш воситаларининг ички уюшган (бирлашган) услуб йиғиндиси, нутқий муомала воситаларининг у ёки бу умумхалқ, умуммиллий тил доирасида, ифоданинг ижтимоий нутқ амалиётида худди шундай бошқа бир вазифани бажарадиган, маълум мақсадга хизмат қиладиган воситаларга нисбатан танланиши ва уйғунланишидир»<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида услубиятнинг назарий масалалари га бағишланган асарлар бармоқ билан санарлидир. Бу асарларнинг баъзиларида услуб деганда маълум бир ёзувчининг воқеа-ҳодисани бадиий тасвирлаш тарзи, тил фактларига мушоақат қилишдаги ўзига хос хусусияти назарда тутилса, иккинчи бир хилларида сўзлар, грамматик шакллар ва синтактик қурилмаларнинг кўчма маъноларида ишлатилиши услубий ҳодиса сифатида талқин қилинади.

Рус ва ўзбек тилшунослигида айтилган фикрларга асосланиб *услуб (стиль)* тушунчасига шундай таъриф бериш мумкин. *Услуб* тилнинг жамият ижтимоий фаолиятининг маълум томони билан боғланган ўзига хос луғати, фразеологик бирикмалари, грамматик қурилмалари билан нутқнинг худди шундай бошқа турларидан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб турувчи *кенжа системаси* (подсистема) дир<sup>2</sup>.

Демак ҳар бир услуб *кенжа система* бўлиб, бошқа услубдан — кенжа системалардан ўзига хос луғавий қатлами, турғун бирикмалари, морфологик ҳамда синтактик тузилиши билан фарқланиб туради. Аммо, бу услублар ўзига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан тамоман фарқ қилади, деган гап эмас, албатта.

Ҳар бир тилдаги услуб кўринишлари учун умумий бўлган шу тилнинг умумий луғат жамғармаси шакллар ва синтактик қурилмалари, эркин ва турғун бирикмалари бўлади. Бу эса услуб турларининг ҳаммасини бир миллий-адабий тил доирасига бирлаштиради.

Лисоний услублар тўғрисида баҳс юритилганда, асосан вазифавий услублар назарда тутилади. Хўш, вазифавий услуб нима, ўзбек тилида унинг қандай турлари мавжуд?

Вазифавий услублар, уларнинг таснифи масаласида «тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир» деган фикрдан келиб чиқиш керак. Тил пайдо бўлганданоқ кишилар учун худди шу вазифани бажара бошлади. Жамият тараққиёти билан тилнинг ижтимоий вазифаси ҳам тараққий этиб, ривожланиб

<sup>1</sup> Виноградов В. В. Итоги обсуждения вопросов стилистики.— Вопросы языкознания, 1955, № 1, с. 73.

<sup>2</sup> Қаранг: Виноградов В. В. Итоги обсуждения вопросов стилистики.— Вопросы языкознания.— М., 1955, № 1.

борди. Шунинг учун ҳам, вазифавий услубларни ҳосил қилувчи асосий омиллар кишиларнинг ижтимоий фаолияти ва бунинг доиралари ҳисобланади.

Хўш, ижтимоий фаолият соҳасига нималар киради? Масалан, суд жараёнини ёки қурилиш, табобат соҳаларини олайлик. Уларда тил бирликларининг ўзига хос қўлланилиши алоҳида услуб ҳосил қилиш хусусиятига эгами?

Ижтимоий фаолият соҳаси маълум тил эгалари фаолиятининг шундай кўринишики, уни ижтимоий онгининг маълум соҳаси билан боғлаш мумкин. Масалан, илмий фаолият ҳам кишилар ижтимоий фаолиятининг бир кўриниши ҳисобланади. Чунки у объектив борлиқни билишнинг маълум бир шакли саналади. Оғзаки сўзлашув, публицистик ва бошқа услублар тўғрисида ҳам худди шу мазмунда гапириш мумкин. Лекин юқорида айтганимиздек қурилиш, тиббиёт ёки одил судлов соҳасида бундай деб бўлмайди. Чунки уларда услуб ҳосил қилувчи ўзига хослик оғзаки сўзлашув, илмий ёки публицистик услубдагидек ёрқин эмас.

Вазифавий услублар деганда тилдан фарқ қиладиган қандайдир алоҳида нарса тушунилмайди, балки шу аниқ адабий тил системасининг ичида қараладиган, ўзига хос хусусиятлари, хизмат қилиш доираси билан бир-бирларидан фарқ қилиб турадиган ёрдамчи система тушунилади.

Бой адабий анъаналарга эга бўлган миллий тилларда вазифавий услублар қатъийлашган бўлади ҳамда у кузатувчи кўзи олдида диалектик бирлик сифатида гавдаланади. Шундай қилиб, тил услублари адабий тилнинг вазифавий-услубий табақаланиши (қаватланиши, қатламланиши)нинг асосий кўриниши ҳисобланади.

Тилнинг ҳар бир вазифавий услуби хусусий ифода системасига эга бўлиши билан бирга ўз навбатида ҳар бир услуб умумхалқ тилининг ягона умумий системасига киради.

Тил услубларининг ҳаракатда олиниши, аниқ амалга ошиши *нутқ услуби* деб юритилади. Сўзловчи ёки ёзувчи нутқининг характери нутқнинг қандай муҳитда, қандай мақсадда бажарилаётганлигига боғлиқдир. Демак, маълум соҳа, шароит, мақсад ва вазифалар билан боғлиқ равишда сўзловчи тилнинг аниқ воситаларини ишлатади. Бу воситаларнинг алоқанинг айрим олинган бир соҳасида доимий равишда ишлатилиши, бошқача қилиб айтганда, тилнинг бу воситалари услубий тармоқланиши натижасида вазифавий услублар шаклланади.

Илмий адабиётларда, дарсликларда вазифавий услубларга нисбатан «тил стиллари», «нутқ стиллари», «функционал нутқ стили», «тилнинг стили», «нутқнинг стили» каби терминлар ишлатилади. Тил ва нутқ услублари, уларнинг таркиби, бу услубларнинг фарқлари, мезонлари, оғзаки сўзлашув нутқи, бадий адабиёт тилининг услубий мақоми масалаларида ҳам олимлар бир фикрга келишган эмас. Кўпгина асарларда «тил-

нинг функционал стиллари», «нутқнинг функционал стиллари» тушунчалари бир хил ҳодиса сифатида тушунилади ва тушунтирилади. Аслида эса улар бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, Р. А. Будаговнинг фикрича, тил услублари «умумхалқ тилининг тарихий шаклланган ва ҳаммага маълум белгиларнинг йиғиндиси билан характерланувчи кўринишларидир»<sup>1</sup>. Нутқ услублари эса тил услублари фонида кўринади.

Баъзи бир тилшунослар уларни биргаликда олиб, бир ҳодиса сифатида қарайдилар<sup>2</sup>.

Турли хил изоҳлар бериб ўтиришдан кўра, услублар ҳақида гапирганда, бизнингча, *тил услублари* терминидан фойдалана бериш лозим. *Нутқ услублари* деганимизда, юқорида эслатганимиздек, тил услубларининг алоқа жараёнида қўлланиши тушунилади. Бундай вақтда тил фактларида бўлган жамғарма имкониятлар майдонга чиқади. Бошқача қилиб айтганда, нутқ услублари тил услубларининг ҳаракатдаги формасидир.

Ҳозирги вақтда тилшуносликда тил услублари таснифида вазифавий услублар (*функционал стиллар*) тан олинади. Ҳар бир алоҳида олинган услуб (*функционал стиль*) ўзининг услубий бўёғи билан бошқа услублар учун хос бўлган тил бирликларидан фарқ қиладиган, у ёки бу даражада улар билан услубий рақобат ҳосил қиладиган маълум бир системага эга бўлади. Академик В. В. Виноградов айтганидек, тилнинг уч хил энг муҳим ижтимоий вазифаси мавжуд: *алоқа, хабар, таъсир этиш*. Ана шу уч вазифани бажаришда тарихий жиҳатдан тилнинг ҳар бири ўзига хос лугавий фразеологик ва грамматик воситаларига эга бўлган кенжа системалари шаклланади. Ана шулар тилнинг вазифавий услубларидир. В. В. Виноградовнинг бу умумий таснифи асосида тил услублари шундай турларга ажратилади: 1) сўзлашув нутқи услуби (тилнинг алоқа-аралашув функцияси), 2) илмий услуб, 3) расмий иш қоғозлари услуби (тилнинг хабар, ахборот бериш функцияси), 4) публицистик услуб, 5) адабий-бадий нутқ услуби (тилнинг таъсир қилиш, тарғибот, ташвиқот функцияси).

Маълум матннинг қайси услубга тегишли эканлигини услубият тўғрисида маълумотга эга бўлмаган киши ҳам ўз сезгисига асосланган ҳолда аниқлаб олиши мумкин. Чунки, ҳар қандай аниқ нутқ у ёки бу вазифавий услубнинг нормаларига мос равишда майдонга келади. Унда бошқа айрим услублар белгилари ҳам бўлишидан қатъи назар, ўзининг қайси услубга тегишли эканлигини кўрсатиб туради.

<sup>1</sup> Будагов Р. А. Литературные языки и языковые стили.—И., 1967, с. 68.

<sup>2</sup> Морен М. К., Тетеревникова Н. Н. Стилистика современного французского языка.—М.: Изд-во литературы на иностранных языках. 1960, с. 17; Хованская З. И. Стилистика французского языка.—М., 1984, с. 189; Чижик—Полейко А. И. Стилистика русского языка, часть I.—Воронеж: изд-во Воронежского ун-та, 1962, с. 114.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш лозим бўлади. Баъзи илмий ишларда алоҳида мустақил вазифавий услуб сифатида рўзнома услуби, нотиклик, мактубий, техникавий услуб тарзидаги гуруҳлашлар ҳам учрайди. Бизнингча, уларни мустақил услублар сифатида эмас, балки бошқа услублар ичида, уларнинг яқинлигини ҳисобга олиб қаралса мақсадга мувофиқ бўлар. Масалан, мактубий услубнинг жанрлари оғзаки сўзлашув услуби билан боғланган бўлса (дўстига, ўртоғига ёзилган хатлар), иккинчи бир хиллари иш қоғозлари услубига алоқадор (ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалари), учинчи бир хиллар, публицистик услуб билан яқинлашади (масалан, редакцияга ёзилган очиқ хатлар). Шунинг учун мактубий услубни расмий услуб ичида кенжа услуб сифатида қараш ва унинг бошқа услубларга муносабатини аниқ кўрсатиш мумкин.

Хуллас, тил услубларини аниқлаш, уларнинг сон жиҳатидан таснифини беришда ҳамда ҳар бир вазифавий услубнинг ички бўлинишларини белгилашда, тил услублари ва нутқ услублари масаласида олимлар фикри ҳозирча бир нуқтага бирлашган эмас. Ҳар қалай, В. В. Виноградов қарашларига асосланган таснифга таяниб (унда ҳам айрим ноқисликлар бор)<sup>1</sup> вазифавий услубларни ўзбек тилшунослигида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қуйида услуб турларига қисқача тўхталамиз.

**Сўзлашув услуби.** Сўзлашув услуби кишиларнинг кундалик норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос амал қилувидир.

Нутқда тил унсурларининг иштирок этишига кўра китобий услуб сифатида қаралувчи илмий, расмий иш қоғозлари ва публицистик услубларга сўзлашув услуби қарши туради дейиш мумкин. Сўзловчи ва тингловчи ўртасида нутқий алоқанинг бевосита амалга ошуви, нутқий жараённинг олдиндан тайёрлаб қўйилмаганлиги, нутқий муносабатда бўлаётган кишилар ўртасида расмий муомаланинг бўлмаслиги сўзлашув услубини бошқа вазифавий услублардан кескин чегаралайди. Шунинг учун ҳам сўзловчилар ўртасида расмий муомала бўлганда уларнинг нутқи ҳам китобий услубнинг реаллашишига ўхшаб қолади.

Сўзлашув услубининг яна бир фарқи шундаки, унда лисоний ва нолисоний омилларнинг муносабати бошқа вазифавий услублардагига кўра мустаҳкамдир. Шу сабабли мазкур услубнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда бу икки факторни узвий алоқадорликда олиб қараш керак бўлади. Ҳўш, сўзлашув услуби қандай ўзига хосликларга эга?

Биринчидан, бундай нутқ кўпинча эллиптик характерга эга бўлади. Сўзлашув жараёнидаги вазиятга кўра баёнотнинг маъ-

<sup>1</sup> Қаранг: Кожина М. Н. Стилистика русского языка.— М.: Просвещение, 1977, с. 37—38.

лум қисми нутқда қолдирилиб кетилавериши мумкин. Албатта бундай ҳолатда ҳам тингловчиларга фикр тушунарли бўлади. Чунки у олдин айтилган фикрларнинг мантиқий давоми бўлади. Масалан, *қорамми? кўкми?* типдаги бир пайтда биргаликда бериладиган саволни икки шароитда олиб кўрайлик. Агар биз уни уй бекаси тилидан эшитсак, *қора чой дамлайми?* ёки *кўк чой дамлайми?* деган маънода тушунишимиз мумкин. Худди шу саволларни биргаликда магазин сотувчиси тилидан эшитсак, *қора чой оласизми? ёки кўк чой сотиб олмақчимисиз?* маъносида тушунишимиз ҳам мумкин.

Иккинчидан, сўзлашув нутқида тил бириклари ўзининг экспрессивлик имкониятларини кенг намоиш қилади. Масалан, *улгурмаймиз* дейишдан кўра *улгуриб бўлмиз, улгурмоқ қаёқда, улгуриб ҳам бўлдик* каби жавоб қайтариш бирмунча табиий ва экспрессивроқ бўлиб чиқади.

Учинчидан, бу услубда оҳангнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Нутқий оҳанг оғзаки нутқнинг амалга ошувида тил бирикларидан кейинги муҳим, ҳал қилувчи восита бўлиб, нутқнинг тезлиги пауза, тон, мелодия, товуш тембри, мантиқий урғу ва сўз урғуси каби интонациянинг кўринишлари маънони фарқлашда, унинг қирраларини ажратиб кўрсатишда, ҳаяжонни кучайтиришда катта хизмат қилади.

Сўзлашув услуби фонетик, лексик, грамматик ўзига хосликларга ҳам эга.

Нутқда товушларнинг уйғунлашуви (ассимиляция), бир товуш ўрнида иккинчисининг талаффуз қилиниши (диссимиляция), товушларнинг ўрни алмашиши (метатеза), товушларнинг орттирилиши (протеза, эпентеза, эпитеза) ёки туширилиб қолдирилиши (прокопа, синкопа, апакопа, редукция) каби фонетик ҳодисалар энг аввало сўзлашув усулида намоён бўлади. Уларга айрим мисоллар келтириш билан чегараланамиз: ассимиляция — *кетти, отган, йигичча*; ассимиляция — *зарил, биронта*; метатеза — *турпоқ, айналмоқ*; протеза — *ўрамол, ўраза*; эпентеза — *фиқир, дакалад*; эпитеза — *киоска, отпуска, банка*; прокопа — *ағач, ирик*; синкопа — *директир, тирактир*; апакопа — *газет, бурни, эғни* кабилар.

Барча вазифавий услублар учун умумий бўлган адабий ҳолис луғавий қатлам сўзлашув нутқи учун ҳам хосдир. Шу билан бирга, сўзлашув услуби луғавий қатламга диққат қилинса, унда икки қатлам, айниқса, кўзга ташланиб туради. Биринчи қатлам — бу кундалик турмуш муомаласида фаол қўлланиладиган, уй-рўзғор буюмлари билан боғлиқ сўзлар. Бундан ташқари «... сиёсат, санъат, маданият, спорт ва сўзловчининг касб-ҳунарга мансуб хилма-хил нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи умумадабий лексика кўплаб ишлатилади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ш о ма қ с у д о в А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси.— Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 15-бет.

Аммо *пижам*, *халат*, *калтача*, *мастава*, *қирғи*, *рапида*, *мизғиб олмоқ*, *қатиқламоқ* каби сўз ва иборалар ҳам борки, уларда оғзаки нутққа хос бўёқ сезилиб туради. Бу бўёқ контекстуал шартланган услубий бўёқдир. Иккинчи қатлам экспрессив бўёққа эга бўлган оғзаки сўзлашувга хос сўзлардир. Улар нейтрал қимматдаги сўзлар билан синонимик муносабатга кириша олади: *кичкина* (болагина) *йиқилди* (қулади), *бузоқ* (иш билмас, галварс), *оғзи очиқ* (йиғлоқи) каби.

Бу услуб ўзига хос фразеологизмлар, идеоматизмларга ҳам бой: *бурнини кўтармоқ*, *бурнининг тагидаги нарсани кўрмаслик*, *кўзини ёғ босмоқ*, *қўли калталиқ қилмоқ* каби.

Сўзлашув услубининг яна бир хусусияти шундаки, унда икки ёки уч сўздан ташкил топган номлар биргина сўз билан, ҳатто баъзан биргина бўғин билан алмаштирилади, айрим ҳолатларда қўшимчалар туширилиб қолдирилади. Масалан: *Абдурахмон — Раҳмон* ёки *Абди*, *Алибек — Бек*, зачет книжкаси — *зачетка*, *Зулайхо — Зули*, *Тамара — Тамар* каби.

Сўзларни метонимик қўллаш ва бу стилда кенг тарқалган: *аудиториядаги одамлар кулди* дейиш ўрнига *аудитория кулди*, *бугун бизда илмий кенгашнинг йиғилиши бўлади* дейиш ўрнига *бугун бизда кенгаш* дейилади. Нутқий шароит унинг тушунилмаслигига йўл қўймайди. Умуман, сўзлашув услубида нутқий шароитнинг аҳамияти катта. Чунки фикр маълум шароитдагина сўзловчи ва тингловчи томонидан бир хил тушунилиши мумкин.

Айрим морфологик категория ва шакллар фақат маълум бир услуб учун хос бўлиб, шу услубга хос услубий бўёққа эга бўлса, бошқа бир хиллари маълум бир услубда сон жиҳатдан кўп ишлатилганлиги учунгина у услубга хосликни кўрсатувчи белги ҳисобланади. Уларда махсус услубий бўёқ бўлмайди. Улар фақат шу услубда кўпроқ ишлатилади, холос. Сўзлашув услуб учун эса бу икки хусусият ҳам характерлидир. Масалан, субъектив баҳо формалари, сўзлашув ва бадий нутқ стили учун хос *салом*, *алайкум*, *хайр*, *ҳа*, *йўқ*, *албатта*, *аҳа*, *ана* каби релятивлар деб аталувчи махсус сўзлар гуруҳи гарчи услубий бўёғи бўлмаса ҳам, улар сўзлашув услубида кўп ишлатилади.

Сўзлашув нутқининг синтактик хусусиятлари ўзбек тилшунослигида анча дуруст ишланган<sup>1</sup>. Бу услубнинг синтактик хусусияти ҳақида гапирганда, фақат индивидуал нутқ учун характерли бўлмай, балки умуман тил учун тегишли бўлган турғун қолиплар асосида қурилган қурилмаларни ҳам ҳисобга олиш керак. Сўзлашув нутқи услубига хос гапларнинг типларига келсак, бу нутқнинг ўзига хос эканлиги янада очиқ-ойдин кўриниб қолади: бунда гапнинг ҳамма тузилмалари бор,

<sup>1</sup> Бу ҳақда тулароқ маълумот олиш учун қаранг: Уринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари.— Тошкент: Фан, 1975.



улар турли йўллар билан реаллашади. Бошқа баъзи услубларда эса, жумладан, ёзма нутқнинг китобий шаклида қурилмаларини бу хил фойдаланиш ҳолати йўқ. Бир нана гапларни олиб қарайлик: *асал, бармоғингни тишлаб оласан; иш, фақат тугмачани боссанг бас; кечадай кеча, боладай бола* каби.

Қитобий нутқ учун боғловчисиз қўшма гаплар одатда хос эмас, оғзаки сўзлашув нутқи учун эса, аксинча, у характерлидир. Сўзлашув нутқидаги содда гаплар кўпинча феъл билан ифодаланган кесимининг йўқлиги билан характерланади. Ҳатто баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бундай гапларга феъл-кесимни қўйиб ҳам бўлмайди. Масалан, *биз сизникига, биз магазинга; мен, одатда, ишга автобусда, ишдан пиёда* каби.

**Расмий иш қоғозлари услуби.** Расмий иш қоғозлари услуби ҳозирги ўзбек адабий тилининг маъмурий ва юридик ишларда амал қиладиган бир кўринишидир. Қонунлар матнлари, фармонлар, буйруқ ва қўлланмалар, шартномалар, ижозатномалар, актлар, ҳар хил расмий ҳужжатлар, ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалар, судлардаги чиқишлар, юридик характердаги оғзаки ахборотлар, маълумотномалар расмий иш қоғозлари услубида ёзилади ва гапирилади.

Мазкур услубнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Бу энг аввало фикрни аниқ ифода қилиниши ва ифоданинг бир хил қолипда баён этилишида кўринади.

Фикрнинг содда, қисқа, аниқ ифода этилиши расмий иш қоғозлари услубининг асосий талабидир. Қуйидаги мисолга эътибор беринг: Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари топширишга рухсат олган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари сақланмаган ҳолда отпускаи берилади. Олий ўқув юртларига (шу жумладан завод — олий техника ўқув юртларига) кириш имтиҳонлари топширишга рухсат олганларга 15 календарь кунни давомиди, ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга эса 10 календарь кунни давомиди отпускаи берилади: ўқув юрти жойлашган ерга келиш ва қайтиб кетиш вақти бу ҳисобга кирмайди. (Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодекси, 223-модда).

Расмий иш қоғозлари услуби вазифавий услублар доирасидаги бошқа услублардан луғавий ва грамматик хусусиятлари жиҳатдан фарқланади.

Ушбу услуб лексикаси асосан китобий ва холис (нейтрал) сўзлардан иборат бўлиши билан бирга шу услуб бўёғига эга бўлган *юқорида кўрсатилганлар, қуйидаги имзо чекувчилар, йўлланади, қабул қилиб олувчи, мазкур* каби сўз ва турғун бирикмаларни ҳам ўз ичига олади.

Расмий иш қоғозлари услуби лексикасининг яна бир хусусияти унда профессионал (юридик, дипломатик, маъмурий ва бошқалар) терминологиянинг мавжудлигидир: *акт, гувоҳнома, қарор, ҳал қилув қарори, қидириш, айбни оғирлаштирадиган*

хато, аҳдлашувчи олий томонлар, элчи, элчихона, мухтор элчи, ишончли вакил, нота, шартнома, баёнот, декларация, визит, халқаро вазият ва ҳоказо. Мазкур услубдан кўплаб маъмурий ва адлия соҳаларда қўлланилгани учун у кўп жанрли услуб саналади.

Бу услубда жаргонлар, оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар, диалектизмлар, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўзлар деярли ишлатилмайди. Бу нарса танланган сўзларнинг ва ҳатто гап қурилишининг расмий муносабатни ифодалашга бўйсундирилганлиги билан изоҳланади.

Расмий иш қоғозлари услубида эскирган сўз ва иборалар ўрни билан ишлатилиши мумкин. Масалан: *жаноб, ҳазрати олийлари, жаноби олийлари, юқори мартабали меҳмон, шоҳ, шаҳзода, малика* каби. Бу каби сўз ва ибораларни ишлатиш ҳозирги ўзбек адабий тили учун хос бўлмаса ҳам уларни қўллашда мурожаат қилинаётган томоннинг (адресатнинг) ва қолаверса халқаро муносабат хусусиятлари эътиборга олинади.

Ушбу услубнинг грамматик ўзига хосликлари қуйидагиларда кўринади.

1. Тилга олинаётган кишилар ўз номи билан аталмасдан, бунинг ўрнига уларнинг белгиси ёки бирор ҳаракати, бир нарсага муносабатини ифодаловчи отлар ишлатилади: *ижрочи, уйни ижарага олувчи, ўғил қилиб олувчи, гувоҳ, даъвогар, жавобгар* ва бошқалар.

2. Ноаниқликка йўл қўймаслик мақсадида, одатда, отлар олмош билан алмаштирилмайди. Мисол: *Қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг* ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиб бермоқлари зарур (Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодекси, 272-модда). Худди шу гапнинг давомида:

*Қорхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари ишчи ва хизматчилар* киритган танқидий мулоҳаза ва таклифларни ўз вақтида қараб чиқиб, кўрилган чоралар ҳақида уларга маълум қилишлари шарт.

3. Феълнинг ишлатилиши бошқа стиллардагига қараганда, айниқса, фарқланиб туради. *Олдини олиш, чора кўриш, айбни очиш, ҳукм чиқариш* каби инфинтив форманинг, *кўрилади, борилади, бажарилади* деган мажҳул нисбат формаси шарт, *берилсин, бўшатилинсин, тайинлансин* сингари буйруқ майли формаларининг фаол қўлланиши фикримизнинг далилидир.

4. Бу стилда уюшиқ бўлакли содда гаплар кенг қўлланилиб, айрим ўринларда бўлақлар сони 8—10 тага етиши мумкин.

5. Қўшма гаплардан, хусусан, шарт эргаш гапли қўшма гаплардан кенг фойдаланилади ва бу билан гап қўллаш тартиби илмий стилга ўхшаб кетади. Масалан: *Агар кассацион шикоят — протест беришда шу Кодекснинг 313-моддаси ва 314-моддасининг талаблари бузилган бўлса ёки давлат поштинаси*

тўлашдан озод қилинмаган шахс поштинани тўлаган бўлса, кассацион шикоят ёки протест ҳаракатсиз қолдирилади... (Ўзбекистон ГПК, 315- модда).

6. Сўз тартиби ҳам илмий стилдаги каби бўлади, ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма ҳисобланган одатдаги тартибга риоя қилинади.

**Илмий услуб.** Илмий услуб<sup>1</sup> фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган вазифавий услубдир. У ўз ичида яна илмий-техникавий, илмий-ҳужжат, илмий-оммавий, ўқув-илмий, публицистик каби бир неча соф илмий турларга бўлинади.

Илмий-техникавий услуб ифодада қатъий илмий-академизм услуби билан характерланади. Бу турнинг типик жанрлари мақола, монография ва илмий маъруза кабилардир. Бу услуб ичида яна унинг ўқув-илмий услуби деб аталувчи турини ажратиш мумкин.

Илмий-ҳужжати услубга эса ихтиро учун олинадиган ҳужжат (патент)нинг ёки шу патентга тегишли адабиётларнинг тасвирланиши, баён қилиниши асосдир. Бу услубнинг асосий вазифаси — илмий ахборот тўғрисида маълумот бериш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишдир.

Илмий-оммабоп услуб илмий маълумотни, ахборотни оммабоп қилиб тушунтиришдир. Бунда кўпроқ маълум соҳа тўғрисида гапирилганда бу соҳа бўйича мутахассис бўлмаган кишилар назарда тутилади.

Ҳар бир ёрдамчи илмий услуб ўз ичида тил хусусиятлари, нутқий воситалар таркиби, ифодалаш, баён қилиш усули билан бир-бирларидан фарқланиб туради. Масалан, илмий-техникавий услубда баён қилинадиган физика, кимё, тарих, математика каби фанларнинг тили бир хил эмас. Чунки, уларнинг ҳар бири ўзига хос атамалари, луғавий ва фразеологик воситаларга эга. Лекин бу фарқлар уларнинг ҳар бирини алоҳида услуб сифатида ажратишга имкон бермайди. Бу фарқлар, энг аввало, фанларнинг мундарижаси, ўрганиш объекти билан боғланган бўлиб, илмий ифода услуби улар учун умумий ҳисобланади.

Илмий услубнинг ҳозирги замон тараққиёти билан боғлиқ равишда қуйидаги умумий хусусиятларини кўрсатиш мумкин: а) ахборотнинг объективлиги, аниқлиги; б) нутқнинг маълумотларга бойлиги; в) фикрнинг қисқа, лўнда ифодаланиши.

Илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда муаллиф ҳолисона интилиши натижасида муаллиф индивидуаллиги сезилмас даражага келади. Субъектив — эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ унсурлари, умуман ғайри-услубий унсурлар кам ишлатилади. Муаллиф иложи борича

<sup>1</sup> Бу борада ўзбек тилшунослигида монографик тадқиқотлар олиб борилган. Қаранг: Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили.— Тошкент: Фан, 1984.

фикрни бир хил нормада ифдолашга интилади. Аммо илмий фикр юритилаётган манба, мавзу билан, муаллифнинг шахсий услуги билан боғлиқ равишда баъзан илмий услубда ҳам образли ифодалардан фойдаланишлар кўзга ташланади. Масалан: Дифференциал тенгламаларнинг хусусий ҳосилалари физикага *чўри бўлиб ишга кирди*, кейин *у чўридан бекага айланиб кетди*. (Р. Бекжонов.)

Фикрни аниқ қилиб беришга интилиш бу нутқда атамаларни, ҳар хил чизма, рамз ва жадвалларни кўп ишлатишга олиб келади. Матнда маълумотни кўпроқ беришга интилиш сиқик синтактик қурилмаларни танлаш, ортиқча сўзларни ишлатмасликни тақозо қилади. Бинобарин, гапларнинг ана шундай тузилиши илмий услубнинг талабларидан биридир.

Илмий нуқтанинг китобий услубга тегишлилиги унда айтиладиган фикрнинг олдиндан ўйлаб қўйилишида, унинг монологик характерга эга бўлишида, мантиқийлик, фикр баёнотининг қатъий тартибда, адабий тил нормаларига қатъий амал қилишда, услубий бир хиллик характерига эга эканлигида кўрилади.

Фаннинг у ёки бу соҳасига тегишли тушунчаларни ифодаловчи атамаларга бойлиги илмий услубнинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Масалан: *теорема, аксиома, синус, косинус* каби. Атамалар илмий услубнинг ўзига ҳослигини кўрсатувчи асосий луғавий хусусият ҳисобланади. Илмий услубда атамавий характерга эга бўлмаган сўзлар, асосан мавҳум маънони ифодаловчи сўзлардан ташкил топади. Бу эса объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни умумлаштириб акс эттирадиган тушунчани шакллантирувчи илмий тафаккурнинг характерни билан изоҳланади.

Илмий услуб лексикаси учун кўпроқ китобий, нейтрал сўзларни тўғри (номинатив) маъносида қўллаш характерлидир. Бу услуб учун бегона унсурларни (жумладан, оддий сўзлашув нутқи унсурлари, лаҳжавий сўзлар, жаргонлар), тилнинг образли воситаларини қўллаш, одатда, характерли эмас. Илмий услубда ишлатиладиган фразеологизмлар ҳам нейтрал характерда бўлади ва унда таркибли атамалар (масалан, *қайнаш нуқтаси, ижтимоий-иқтисодий формация, қўшма гап* каби), типиклашган нутқий оборотлар (масалан, *ана шулардан маълум бўладики, шундай қилиб, хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки* каби) кўп бўлади. Бундан ташқари илмий услуб китобий бўёққа эга бўлган тасвирий оборотларга (масалан, *эксперимент ўтказмоқ, таъсир кўрсатмоқ, реакцияга кирмоқ*, каби) бой бўлади. Умунан, илмий нутқ фразеологияси услубий бир хиллик билан характерланади. Китобий бўёққа эга бўлиб, унда эмоционал-экспрессив оборотлар одатда бўлмайди.

Илмий услуб ўзининг қуйидаги морфологик хусусиятлари билан ҳам ажралиб туради: а) турли хил тушунчаларни ифодаловчи отларнинг кўп ишлатилиши; б) адабий тилда одатда

бирлик шаклда қўлланувчи санаш мумкин бўлмаган нарсаларни «нав», «тур» маъносида кўплик аффикси билан ишлатиш (масалан, *сувлар, мойлар, тупроқлар* тарзида); в) отларни, асосан, бирликда ишлатиш каби. Бу услубнинг синтактик ўзига хослиги шундаки, кўпроқ ахборот етказиш ва мураккаб далилларни ифодалаш учун қўшма ва мураккаб гапларга тез-тез муурожаат қилинади. Илмий услубда қўшма гаплардан *шу сабабли, шундай бўлса, бундай вақтда, шунга қарамасдан* каби воситалар ёрдамида боғланувчи эргаш гапли қўшма гаплар кўпроқ ишлатилади. Чунки бундай гаплар сабаб ва натижа ҳамда бошқа муносабатларни аниқ ифодалай олади. Боғловчисиз қўшма гаплар бу услубда камроқ ишлатилади.

Илмий матн қурилишининг мантиқий изчил бўлиши унда бошланмалар, гап қисмларини боғлаш учун *шундай қилиб, шу сабабли, бундан кейин, кўринадик, шунга кўра, шу билан бирга, айтилганларга кўра* каби сўз ва сўз бирикмаларининг қўлланишини шартлаб қўяди. Кўп қўлланадиган *биринчидан, бир томондан, иккинчи томондан, хуллас, демак* типдаги кириш булаклар ҳам юқоридаги мақсадларга бўйсундирилган бўлади. Бу услубнинг аниқ китобий (ёзув) ҳамда қатъий норматив характерда бўлиши эллиптик (оғзаки нутқ учун хос) гапларга нисбатан тўлиқ гапларнинг, инверсияга нисбатан тўғри тартибнинг бўлишини тақозо қилади.

Илмий нутқда фикрнинг аниқ бир шахс томонидан баён қилинаётгани сезилмайди. Унда кўпроқ феълнинг мажҳул нисбатидан фойдаланиб, *материаллар фойдаланилади, фактлар келтирилган, тажриба ўтказилади* типдаги қурилмалар кўп ишлатилади.

Юқорида санаб ўтганларимиз илмий услубнинг ўзига хос лисоний белгилари бўлиб, бу белгилар уни вазифавий услублар доирасидаги бошқа услублардан фарқлаш имконини беради.

**Публицистик услуб.** Публицистик асарларнинг (масалан, хабар, репортаж, корреспонденция, мақола, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола ва бошқаларнинг) услубий чегараланиши уларнинг, энг аввало, алоҳида лисоний белгиларга эга эканлигида кўринадди. Ана шу лисоний белгилар ўзбек тилининг публицистик асарларда амал қилишида маълум маънода ёпиқ система мавжуд эканлигига далилдир. Бу ёпиқ система, яъни чегараланиш публицистик асарлар тилининг услубий ўзига хослиги бўлиб, ўзбек тили вазифавий услублари доирасида публицистик услуб номи билан юритилади.

Хўш, тил бирликларини қўллашда ўзига хос системани ташкил этувчи публицистик услуб қандай алоҳида лисоний белгиларга эга ва унинг бошқа вазифавий услубларга алоқадорлиги нимада?

Энг аввало бу услубнинг бошқа вазифавий услубларга алоқадорлигини кўриб ўтайлик. У тил бирликларининг образ-

лиликни, эмоционал-экспрессивликни юзага келтиришга хизмат қилишига кўра бадий нутқ услубига, ифоданинг лўнда ва аниқлиги ҳамда атамаларнинг фаол қўлланилиши билан эса илмий услубга яқин туради. Ижтимоий-сиёсий масалаларни кўтариб чиқиши, таҳлил усули, мантиқий давомлилиги, китобхонни ишонтириш кучи, ижтимоий масалаларни ҳал этишга ундашнинг кучлилиги, ўзига хос атамаларнинг қўлланиши сингари хусусиятлар публицистик ва илмий услубнинг характерли ўхшаш томонларидир.

Публицистик ва бадий услубнинг ҳам ўхшаш томонлари бор. Ҳар иккала услубда ҳам эмоционаллик, экспрессивлик, образли ифодалар, тасвирий воситалар, бадий тил имкониятларидан фойдаланишга интилиш кучли.

Сўз ва атама сиёсий маъносининг бадий услуб унсурлари билан қоришган, уйғунлашган ҳолда ифодаланиши публицистик нутқни янада кучайтиради ва унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, публицистик услуб бошқа услублардан жиддий фарқларга ҳам эгаки, бу фарқлар унинг ўзига хос лисоний белгиларидир. Адабий тилимизнинг бойишида публицистик услубнинг роли катта. Чунки ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда рўй берадиган воқеа-ҳодисалар одатда, биринчи навбатда публицистик асарларда ўз аксини топади.

Публицистик услуб ижтимоий-сиёсий билимларни тарғиб қилиш ва кенг халқ оммасига етказувчи восита сифатида бу услуб тилининг ранг-баранглиги орқали кишилар онгига кўпроқ таъсир этади.

Бу услубнинг яна бир хусусияти шундаки, унда қисқалик (лаконизм) марказий ўринлардан бирини эгаллайди, яъни қисқа, лўнда, тушунарли, ёрқин, ихчам тилда ёзиш асосий талаблардан ҳисобланади.

Публицистик услубда газета тили алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки газета ва публицистика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, газета услуби публицистик услубнинг бир тармоғи ҳисобланади.

Публицистик услубнинг ўзига хос белгиларидан яна бири шундаки, унда баъзи грамматик воситалар, равишдош, сифатдош оборотлар, феълнинг шарт майли шаклларининг алмашииб ишлатилиши, риторик мурожаат, ундов, бир составли гапларнинг қўлланиш даражаси бошқа вазифавий услубларга нисбатан устунроқ (буларнинг қўлланилиши лисоний воситаларнинг частотаси орқали белгиланади). Тилнинг бу воситалари публицистик услубда ўзининг услубий имкониятларини кенгайтиради.

Публицистик услуб ижтимоий-сиёсий атамаларни ўзида мужассам этиши (хабар, маърузалар, турли чиқишлар, рапортлар, табрикномалар, қарорлар, ҳукумат ноталари) билан расмий иш-қоғозлари услубига яқинлашгандек бўлади. Расмий иш қоғозлари услубига хос сўз ва атамалар публицистик услубда

ҳам учраб туради, баъзилари эса фаол қўлланиши ҳам мумкин. Масалан, умумистеъмолдаги «овоз» сўзи кейинги пайтларда расмий иш қоғозлари услуби учун характерли бўлиб қолган сўзлардандир: *очиқ овоз, ёпиқ овоз, ҳал қилувчи овоз, маслаҳат овози, овоз бермоқ (голосовать), овозга қўймоқ, қарши овоз* ва бошқалар. Ана шу «овоз» сўзи публицистик услубда энди ўзига хос вазифани бажаради, яъни семантик стилистик доираси кенгайди: Ҳамид Олимжон ўзбек адабиётида ўзига хос публицистик *овозга* эга; Бу эшитилаётган овозлар қатор йиллардан бери ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашаётган ватанпарварлар *овозидир*. (*Газетадан.*)

Публицистик услубда тил воситаларидан фойдаланишда муаллифнинг индивидуал услуби деярли ажралиб ёки сезилиб туради. Айниқса, бу ҳолат очерк, памфлект, фельетон, бадий публицистик мақолада тез кўзга ташланади. Бадий услубда ҳам бу ҳолат мавжуд. Лекин расмий иш қоғозлари услубида эса бундай хусусият йўқ.

Публицистик услубнинг характерли белгиларидан бири нутқнинг кўпинча I шахс номидан ифодаланишидир. Маълумки, бадий услубда (ҳикоя, повесть, роман ва бошқ.) ҳикоя ёки баён қилиш одатда III шахс томонидан бажарилади (I шахс номидан баён этиш кам). Яъни баённинг III шахс томонидан ифодаланиши муаллифнинг позиция имкониятини анча кенгайтиради. Шунингдек, роман, қисса ёки ҳикоядаги муаллиф нутқи, одатда, муаллифнинг «шахсий» нутқи эмас. Бундай пайтда муаллиф у ёки бу даражада персонаж тили унсурларини қўллаши мумкин. Публицистик услубда ҳам аҳён-аҳёнда, ўрни билан баён III шахс томонидан ифодаланади. Лекин бундаги баённинг моҳияти, мазмуни ва вазифаси бошқача бўлади. Публицистик услубдаги «мен» бу муаллиф ниқоби ёки услубий мақсад эмас, балки ифодаланаётган, берилаётган ахборот, хабарнинг кишиларга, ўқувчиларга очиқ етказиш имкониятига эга бўлган ҳақиқий муаллиф «мен»идир. Масалан: Қўлимда Ватан уруши давридан хотира сифатида бир сурат сақланмоқда. Хаёл мени беихтиёр 1943 йил августидаги Москвага етаклайди. Аксариятимизнинг эгнимизда охори тўкилмаган форма — эндигина янги погонни таққанмиз... (М. Муҳамедов. «Бир сурат тарихи».)

Баъзи ҳолларда «мен» ўрнида «биз» формаси ҳам қўлланилади.

Публицистик услубда, одатда, фақат биргина муаллифнинг нутқий баёни мавжуд бўлади. Агар баъзи ҳолларда кўчирма гап қўлланилса-да (интервью ва репортажларда), у муаллиф нутқи билан аралаштирилмайди. Ўзиники бўлмаган кўчирма гап (нутқ) унсурлари публицистик услубда жуда кам қўлланилади. Шундай қилиб, соф лисоний омиллар муаллиф нутқи назарини тўғри ва очиқ ойдин ифодалашга имконият яратади.

Қайд қилиш лозимки, қолипланган тил бирликлари бошқа вазилавий услубларда ҳам мавжуд. Масалан, илмий ва расмий иш қоғозлари услубидаги турғун тил бирликлари ва воситаларига назар ташланг. Ҳар бир услуб ўзига хос турғун тил бирликларига эга. Публицистик услубда қуйидаги турғун воситалар кўп кўзга ташланади: *қонли тўнтариш, вазиятни кескинлаштириш, илғор аънаналарга содиқлик, сиёсий иқлимни нормаллаштириш, илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш, интенсив ривожланиш йўли, ишлаб чиқариш потенциали, рационализаторлик ҳаракати, иқтисодий тежамкорлик* ва бошқалар.

Публицистик услубнинг белгиларидан яна бири унда баҳолаш маъноли сўзлар ва доимий эпитетларнинг кенг қўлланишидир: *муносиб* (улуш), *тарихий* (ўзгаришлар, воқеалар), *ҳар томонлама* (муносабат, тараққиёт), *оғишмай* (амалга ошириш), *дўстона* (суҳбат, учрашув), *фидокорона* (меҳнат), *улкан, буюк* (иншоот, ишлар).

Публицистик нутқнинг турли жанрларида бадий нутққа хос тантанавор сўзлар ёки сўз бирикмалари ишлатилади: *ижодкор ёшлар, мўхташам, улуғвор, зафар қучмоқ, букилмас, иродали, баркамоллик, шижоаткорлик*. Шунингдек, публицистик нутқнинг ўзигагина хосланган салбий маъно оттенкали бирликлар ҳам мавжуд: *жиноятчилар тудаси, талон-тароғ, ўғирлик, қотиллик, текинхўрлик, эскилик сарқитлари, сурбетлик* ва бошқалар.

Публицистик услуб морфологик ва синтактик хусусиятлари билан ҳам бошқа услублардан ажралиб туради. Морфологик хусусиятларидан бири сўз ясалишида кўзга ташланади. Бу услубда сўз ясалиши, асосан икки йўл билан: а) рус тилидан қабул қилинган сўзлар таркибидаги қўшимчалар ўзбек тилидаги қўшимчалар билан алмаштирилиши ёки мослаштириб олиниши (самоса+чи, сандино+чи, сепарат+чи, монополия+чи, пропаганда+чи, милитарист+ларча, рейган+ча); ички имконият ёрдамида, яъни янги сўз ясалиши (давлат+хона, пахта+чи, қурултой+чи, дил+дош, қўл+дош, пахта+шунос, омилкор+лик) туфайли ҳосил бўлмоқда.

Ясовчи қўшимчалар орқали публицистик услубда кўчма маъно ҳам ҳосил қилинади: *давлатхона* — ҳукумат уйи, *рўзномахона* — рўзнома муҳарририяти, *бахтхона* — бахт уйи, *даъватнома* — ҳукумат нотаси, *мусибатнома* — аянчли ўтмишимизни акс эттирувчи тарихий асар, *баракахона* — туғруқхона, *сандиночилар* — ўз озодлиги йўлида курашган Никарагуа партизанлари, *зиёкорлар* — ўқитувчилар, *шаҳарсозлар* — қурувчилар ва ҳоказо.

Янги ясалган фавқуллода (оқказионал) маъноли шеърӣ сўзларнинг публицистик услубда қўлланиши натижасида баён этилаётган фикрга экспрессивлик, эмоционаллик бағишланганлиги ва унинг таъсир кучи ошганлигини кўраимиз: *асрдош, дил-*



дош, қўлдош, жаҳоний, фанний, азмкор, ҳиссадор, урушбоз, чароғбон ва ҳоказо.

Публицистик услуб мавҳум маъноли от ясовчи -лик қўшим-часи орқали ясалган сўзлар анчагинаки, улар кўпинча ушбу услубнинг бош мақола жанрида сиёсий публицистик мақола-ларда кўп қўлланилади: илгорлик, пешқадамлик, омилкорлик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, унумдорлик, ишчанлик, тийран-лик, ватанпарварлик, фаоллик, ҳамкорлик, қўпорувчилик, му-росасизлик, собитқадамлик, маҳаллийчилик, оғмачилик ва ҳо-казо.

Публицистик услубда оғзаки-сўзлашув услубига хос бўл-ган эллиптик гаплар, қурилмалар кўп қўлланилади. Мусоба-қага кенг йўл!, Меҳнат зафарларимиз — шонли юбилейга!, Та-биат бойликлари — эл хизматида!, Қишлоқликлар — шаҳарлик-ларга!, Янги муваффақиятлар сари! ва ҳоказо.

Публицистик услубнинг синтактик хусусиятлари яна қуйи-даги ҳолларда яққол кўринади.

1. Сўроқ гаплар кўп ишлатилади. Бунда услубий мақсад кўзда тутилади. Масалан: *Мен унинг ерини жавоҳир, тупроғи-ни олтин дедим. Ҳўш, бизнинг шу муҳаббатимизга, ихлос ва садоқатимизга бу ер нима билан жавоб берди? Ўйларимизни хароб, дилларимизни хуноб этгани биланми? Бу — сен, умринг бўйи меҳр қўйган, хизмат қилган севгилинг кутмаган маҳалинг-да қайрилиб сенга бир тарсаки туширишга ўхшамайдими? Ҳа, албатта, ўхшайди.* (М. Шайхзода.)

Кўпинча публицистик услубда сўроқ гаплар мурожаат ва диалог формасида бўлади, яъни савол берувчи ҳам, жавоб бе-рувчи ҳам муаллифнинг ўзи бўлади: *Шу шарафли, сурурбахш айёмда ҳар биримизнинг қалбимиз қонуний ғурурга тўлмасли-ги мумкинми? Шонли меҳнатимиз ва сурункасига давом этиб келаётган заҳматимиз шу даражада шавкатли яқунларга олиб келганини кўрган ҳар кўз янада равшанлашиб кетмаслиги мумкинми?*

Диалогнинг бу шакли асосан публицистик услубга хос бў-либ, бундай пайтда у публицист томонидан маълум бир вази-фани бажаришга, масалан, ўқувчи диққатини ифода этилаётган фикрга янада жалб қилишга хизмат қилади. Бу услуб қўлла-нилган савол-жавоб шаклидаги гаплар кўпинча занжирли тарзда бўлади ва жавобнинг деярли кўпчилиги *ҳа, йўқ* сўзлари билан бошланади. Бу билан публицист ифода этилаётган во-қеа-ҳодисага ўқувчининг эътибори ёки салбий муносабатини оширишга ҳамда воқеликнинг ҳаққонийлигини таъминлашга эришади. Баъзи ҳолларда публицист берилган саволга жавоб аниқ чиқиши учун таъкид юкламалари иштирок этган гаплар-дан фойдаланади. У бир неча гапда кетма-кет ифодаланади. Масалан: *Бизнинг дўстлигимизнинг кучи нимада? Бизни бир-биримизга маҳкам боғлаган, бирлаштирган нарса нима? Биз-нинг дўстлигимизни бузилмас қилган нарса нимадир? Бу дўст-*

*лик натижасида эришган озодлигимиздирки, бизнинг ундан ажралгимиз ва ҳеч кимга бой бергимиз келмайди. Бу бизнинг узоқ йиллик меҳнат билан топган бахтимиздирки, биз уни йўқотишни истамаймиз. Бу бизга дунёни танитган ва болаларимиз тарбия топаётган мактаблардирки, биз уларни беркитмоқчи эмасмиз... (Ҳ. Олимжон.)*

2. Уюшиқ бўлакли гаплар кенг қўлланилади. Бундай пайтда публицист томонидан бир гап бўлагига хос бўлган сўзларнинг уюшган ҳолда ишлатилиши маълум мақсад касб этади, яъни ўқувчи диққат-эътибори шу ифодаланаётган воқеа-ҳодисага кўпроқ жалб этилади. Шу билан бирга, публицист ифодаланаётган ҳодисага антипатия ёки симпатия билан қараш учун шу сўзларни айнан уюшган ҳолда қўллайди. Маълум нуқтаи назар билдиради. Айрим эпитетлар кетма-кет уюшган ҳолда қўлланиши воситасида ифодаланаётган фикр бўрттириб кўрсатилади, публицистик руҳ бағишланади. Масалан: *Усадиган ёш авлоднинг билимдон, тарбияли, одобли, интизомли, иродали, ахлоқли, садоқатли, олижаноб бўлиб тарбияланишига саркорлик қилиш — маориф-маданият ходимларининг, фан ва санъат арбобларининг шарафли бурчи!* (М. Шайхзода.)

3. Ундов гаплар кўп ишлатилади. Публицистик услубда қўлланилган ундов гаплар кишиларни келажак сари ундайди, янгиликлар яратишга, жамиятнй янада ривожлантиришга, меҳнаткашларни янги меҳнат зафарларига эришишга чақиради. Бундай гаплар кўпинча публицистик мақолаларнинг, бош мақолаларнинг охирида қўлланилади. Ҳукуматимизнинг чақириқларининг деярли барчаси ундов, мурожаат гаплардан иборат бўлиб, халқни руҳлантирувчи публицистик куч уларда балқиб туради. Публицистик услубда қўлланилган ундов гапларнинг айримларида буйруқ маъно аниқ сезилиб туради. Шунингдек, мурожаат маъносида ҳам бўлади.

4. Кириш бўлакли, кириш қурилмали гаплар кенг қўлланилади. Айрим публицистик мақолаларда иштирок этган гапларнинг деяли кўпчилиги кириш бўлак билан бошланади. Фикрнй тасдиқловчи ва ижро этувчи *ҳа, йўқ* сўзлари, *албатта, модомики, мана, масалан, эҳтимол, биринчидан, чунончи, кўринадики, сингари* кўрсатиш олмошлари, модал сўзлар кириш бўлак сифатида келиб, ифодаланаётган фикрнй реаллаштиришда хизмат қилади. Масалан: *Ҳа, биз ўз пахтаимиз билан фахрланишга, бундан зиёда эса пахтакорларимиз билан ифтихор қилашга сазовормиз.* (М. Шайхзода.) *Афсуски, бизнинг планетамизда унда яшашга ҳақи бўлмаганлар ҳам бор.* (В. Зоҳидов.) *Хуллас, эрк деса ўлим юбордилар, шифо деса захар тутдилар, нон деса ўқ уздилар, одамийлик ва адолат, мактаб ва маърифат деганда ер қаърига улоқтирдилар.* (В. Зоҳидов.)

5. Шахси умумлашган гаплар кўп ишлатилади. Бунда кўпинча публицист иккинчи шахсга мурожаат қилгандек туюлади. Аслида эса II шахс орқали у бутун оммага мурожаат

қилади. Айрим публицистик мақолалар деярли шахси умумлашган гаплардан иборат бўлади. Бунга мисол тариқасида Ҳамид Олимжоннинг «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман» публицистик мақоласини келтиришимиз мумкин: *Ватан учун жангда жон олиб, жон бераётган ўзбек йигити, бизни эшит! Сенинг Ватанинг букун Амударё билан Сирдарё орасидагина эмас... Ватан урушининг кўз илгамас фронтларида букун сенинг қадаминг тегмаган ер йўқ... Сенинг киндигингининг қони томган ер муқаддас. У ерларни душман харом қилибди экан, сен уни ўлдир. Сен уни ўлдир — бунинг учун сен ҳеч ким олдида жавобгар бўлмайсан... Сенинг халқинг тоғдай бўлиб орқангда турибди... (Ҳ. Олимжон).*

Келтирилган бу мисолда публицист гўё иккинчи шахс — ўзбек жангчисига мурожаат қилгандек туюлади. Ана шу иккинчи шахс орқали у бутун жангчиларга, солдатларга, шу билан бирга, халққа мурожаат қилмоқда.

**Бадий нутқ стили.** Вазифавий услублар тизимида қараладиган бадий нутқ услуби<sup>1</sup> ҳам юқорида кўриб ўтганимиз услубларда бўлгани каби ўзининг алоҳида лисоний белгиларига эгадир. Тил материаллини қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча луғавий birlikларнинг ҳамда бошқа вазифавий услуб унсурларининг иштирок этавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага — эстетик вазифани бажаришга хизмат қилишини бадий нутқ услубининг ўзига хос хусусияти деб қараш керак бўлади. Чунки ана шундай имконият бошқа вазифавий услубларда чегаралангандир.

Бадий адабиёт тили адабий тил билан бирга умумхалқ тили бойликларини ҳам қамраб олади. Яъни, асарнинг жанр ва мавзу талаби билан, ёзувчининг индивидуал услубига боғлиқ ҳолда бадий нутқда умумхалқ тилидаги барча луғавий қатламлар иштирок этаверади. Худди шу маънода, бошқача айтганда, тил материаллини қамраб олиш имкониятига кўра бадий адабиёт тили адабий тил доирасидан чиқиб кетади ва умумхалқ тили бойлигининг деярли барча хусусиятларини ўзида акс эттиради. Масалан, адабий тилда диалектизмлар, жаргонлардан, варваризмлардан, дағал сўзлардан, эскирган сўзлардан, оддий сўзлашув тили элементларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмагани ҳолда уларни бадий нутқда ўрни билан қўллаш мумкин. Масалан, эскирган сўзлар: *Ҳақорат, ғазаб, алам билан айтилган узук-юлуқ гаплардан бу ғалаён.*

<sup>1</sup> Илмий адабиётларда «бадий адабиёт тили», «адабий-бадий стиль», «адабий-беллетристтик стиль», «бадий нутқ» каби терминлар учрайди. Бу терминларнинг барчаси бадий нутқда тил воситаларидан у ёки бу даражада, маълум мақсадни кўзда тутиб фойдаланиш маъносини ифодалагани учун улар синоним сифатида қаралади. Биз кўпчилик олимлар томонидан маъқулланган ва асосий лингвистик адабиётларда ишлатилиб келинаётган термин — «бадий нутқ стили» терминидан фойдаланишни маъқул деб ҳисоблаймиз.

нинг асли сабабини уқиб ола билди: подшоҳ ва бир кўп вазирлар Ҳиротни тарк этиши билан, закот ишларини идора қилувчи Хўжа Абдулло, Хўжа Қутбиддин, Низомиддин Бахтиёр ва ҳоказо маъмурлар ўз билганларича халққа яна солиқ солдилар. (Ойбек.)

Бадий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, сўз санъаткорлари фақатгина умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўз ва иборалардангина фойдаланиб қолмасдан, уларни қайта ишлаб, янги-янги маъноларда қўллайдилар, маъноларини кенгайтирадилар, бойтадилар. Тилимизнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги сўз ва иборалар яратадилар<sup>1</sup>. Мисол: *Сезаман ўқиган ва уққан онимда, Нур йўлдай дилпараст шеърлардан шоирнинг кўзини.* (Зулфия.)

Демак, бадий нутқ услуби қонуниятлари тилимизнинг таъриқий қонунлари билан ҳамроҳандир.

Адабий тилнинг нутқий имкониятлари тўлалигича бадий нутқ услубида намоён бўлади дейиш мумкин. Вазифавий услубларнинг ҳеч бирида, бадий нутқ услубидагичалик, тил ўзининг тузилиш жиҳатлари, луғат таркиби, яъни сўзнинг маъно бойлиги ва ранг-баранглигини, тўғри ва кўчма маъноларини намоиш қила олмайди, грамматик қурилиши, яъни гапларнинг барча типлари билан иштирок этолмайди. Тил воситаларининг қўлланишида ана шундай кенг планлилик бўлиши билан бирга, бадий нутқ услуби доирасида уларни қўллашнинг маълум қоида-қонунлари ҳам амал қилинадими, ана шу қоида-қонунлар уни бошқа услублардан чегаралашга, фарқлашга, имкон беради. Бу, энг аввало, бадий нутқ услубининг фонетик луғавий ва грамматик хусусиятларида кўзга ташланади.

Бадий нутқ услубининг луғавий ўзига хослиги уни илмий услуб билан таққослаб ўрганганда яққол намоён бўлади. Илмий услубда луғавий бирликларнинг қўлланиши бирмунча чегараланган бўлиб, сўзлар асосан бир маънода ишлатилади, матнда тез-тез такрорланади. Матндаги асосий сўзларни атамалар ва турғун бирикмалар ташкил қилади. Бадий нутқ услубида эса умумистеъморда бўлган барча луғавий бирликлар эркин ишлатилаверади ва уларни ўз ва кўчма маъноларда бемалол қўллаш мумкин бўлади. Масалан, *нон, сув, ўт, ер, осмон, қуёш, ой, юлдуз, ўрмон, дала, ишламоқ, юрмоқ, турмоқ, ўтирмоқ* каби «ноль» бўёққа эга бўлган нейтраль лексиканинг илмий услубда қўлланилиши бирмунча тор доирада бўлса, бадий нутқ услубида ўзининг луғавий маъносини англаганидан ташқари ўрни билан ҳам бадий-эстетик функцияни бажаради, ҳам кўчма маъноларда қўлланилади. Масалан: *Юлдузларга кеча-кундузлар,* (Ракеталар учди басма-бас). *Эй одамлар —*

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Қўчқортоев И. Бадий нутқ стилистикаси. Тошкент: ТошДУ, 1975, 62—75-бетлар.

юккак юлдузлар, Сизга учиб етсам, менга бас. (Р. Гамзатов.) Умуман, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш бадий нутқ услубининг ўзига хос хусусиятидир. Бадий матнда, сўз маъносининг ўзгариши, кенгайиши, кўп кўринишли бўлиши ва ҳатто луғатларда қайд этилмаган маънолар касб этиши мазкур нутқ услуби учун қонуният саналади.

Бадий нутқ услуби лексикасидаги ўзига хосликлар синоним сўзларга бўлган муносабатда янада очиқ кўзга ташланади. Илмий услубда синонимик қатордаги сўзларнинг нисбатан нейтрал бўёққа ва аниқ бир маънога эга бўлган варианты ишлатилади. Бадий нутқ услубида эса ўрни билан уларнинг ҳаммаси, асосан ҳиссий экспрессив бўёғи бўлган шакли кўп ишлатилади. Демак, бу услубда синонимларни танлаб ишлатиш имконияти бирмунча кенг бўлади. Бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини аниқлаш учун ҳисоб-китобга мурожаат қиламиз. Зулфия ижодидаги бир неча синонимик қаторларни қиёс қилганда уларнинг қўлланиш даражаси қуйидагича бўлади: а) *нур*-186, *шуъла*-24, *зиё*-11, *ёғду*-3; б) *қайноқ*-19, *жўшқин*-14, *қизғин*-8; в) *фақат*-57, *танҳо*-25, *ёлғиз*-22, *холос*—6; г) *кўкрак*-22, *кўкс*-62, *бағир*-43, *сийна*-5, *тўш*-2, *ўмров*-1; д) *кулги*-22, *табассум*-24, Мисоллардаги биринчи сўзлар услубий жиҳатдан нейтраль сўзлар бўлиб, иккинчилари ҳиссиёт экспрессив маънога эга, қолганларида ҳам у ёки бу даражада услубий бўёқ сезилиб туради.

Синоним сўзларнинг бундай услубий хусусиятларидан қуйидаги хулосага келишимиз мумкин бўлади: бадий нутқ услубида нейтраль лексиканинг ишлатилиши фаолдир. Бу нарсатилнинг, қайси ўринда бўлмасин, энг аввало, хабар беришлик характерда эканлигини тасдиқлайди. Ҳиссий экспрессив бўёғи кўпроқ бўлган сўзлар — китобий лексиканинг маҳсулдор ишлатилиши эса бадий нутқ услубининг ўзига хос хусусиятидир.

Луғавий бирликлардан ташқари фразеологик бирликларнинг фаол ва кенг равишда ишлатилиши ҳам бадий нутқ услубининг асосий белгиларидан саналади. Илмий услуб ва расмий ҳужжатлар услуби учун фразеологик бирликларнинг ишлатилиши хос эмас. Сўзлашув услубида кўпинча тилдаги тайёр бирликлардан фойдаланилса, бадий ижодда шоир ва ёзувчилар улардан фойдаланибгина қолмасдан, ижодий ўзлаштирадилар, ўрни билан янгиларини яратадилар. Масалан, *Зулфия игна билан қудуқ қазимоқ* ибораси замирида *хотира қудуғини қазимоқ* фразеологизмини яратади: *Сен ўзинг жим ёқма, бу кенг дунёда*. Ҳали кўрар шодлик, қилар ишинг кўп. *Қитъадан-қитъага кездинг пиёда*, Хотиранг қудуғин — қазिश керак хўп.

Ўзбек тилидаги ҳар бир вазифавий услуб ўзининг грамматик белгиларига эга бўлиб, бу энг аввало, грамматик шаклларни, сўз туркумларини қўллашда, гап қурилишининг ўзига хослигида кўринади. Кичик грамматик бирлик — қўшимчалар-

ни кўздан кечирайлик. Бу ерда ҳам бадий нутқ услубининг луғавий хусусиятларида кўрганамиз каби грамматик шакллари кенгроқ қўллашда кўзга ташланади. Масалан, отларнинг кўплик шакли-лар бадий нутқ услубида кўплик маъносини англатишдан ташқари, унга боғлиқ равишда яна бир неча маъноларни ифодалайди<sup>1</sup>. Бу каби хусусиятлар илмий ва расмий услубларга хос эмасдир.

Бадий нутқ услубида маълум грамматик шаклнинг барча кўринишлари — шева ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланаверади. Яъни бадий нутқ услубида грамматик синонимлардан ҳам ганлаб олиб ишлатиш имконияти мавжуд. Масалан, қаратқич келишигининг адабий шакли *-нинг* билан параллел ҳолда бадий нутқда *-ин* ва *-им* шакллари ҳам ишлатилаверади. *Дунё бўлди чаманим маним, Ўзбекистон Ватаним маним* (А. Орипов).

Бундан ташқари ўзбек тилидаги бир қатор аффикслар фақатгина бадий нутқ услуби учун хосдир<sup>2</sup>. Масалан: *-ажак* (боражак), *-гуси*, *-ғуси* (бўлғуси), *-гали* (тергали), *-гай* (юргай, куйгай), *-кин* (бормикин), *-миш* (қолмиш), *-н* (гуноҳин ювмоқ), *-на* (устина), *-он* (қўйибон), *-қали* (таққали), *-гил* (қуйгил), *-қил* (боққил) ва ҳоказо.

Бадий нутқ услубида барча сўз туркумларининг иштирок этиши бу услуб учун нормал хусусиятдир. Аммо уларнинг бадий нутқда қайси бири фаол ёки нофаол эканлигини аниқлаш махсус статистик кузатишни тақозо қилади<sup>3</sup>. Шунинг учун сўз туркумларини қўллашда бўртиб турган айрим хусусиятларининг санаб ўтамыз<sup>4</sup>.

Бадий нутқ услубида отларни қўллашдаги ўзига хослик энг аввало уларнинг *-ча*, *-чак*, *-чоқ*, *-чиқ*, *-кай*, *-гина*, *-қина*, *-лоқ*, *-жон* *-хон*, *-ой*, *-бека*, *-пошша*, *-биби*, *-бону*, *-нисо*, *-гул* каби субъектив баҳо формаларини<sup>5</sup> олишида кўринади.

Отларни қўллашдаги яна бир хусусият эгалик категориясида кўзга ташланади. Бадий нутқ услубида эгаликнинг аниқ бўлиши грамматик жиҳатдан тўғри, аммо мазмунан умумга

<sup>1</sup> Фуломов А. Кўплик категорияси.— Тошкент, 1944; Ўзбек тили грамматикаси, I том.— Тошкент: Фан, 1975, 126-бет; Зулфиев Я. *-лар* аффиксининг сўз таркибида қўлланиш хусусиятлари.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, № 5, 67—69-бетлар.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Фуломов А., Тихонов А., Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг морфем луғати.— Тошкент: Ўқитувчи, 1977, 399—447-бетлар.

<sup>3</sup> Головин Б. А. Язык и статистика.— М., «Просвещение», 1971, с. 63—91.

<sup>4</sup> Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Қўнғуров Р., Каримов С. А., Қурбонов Т. И. Ўзбек тилининг функционал стиллари. Ўқув қўлланмаси.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1984, 54—59-бетлар.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Қўнғуров Р. Ўзбек тилида субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари.— Тошкент: Фан, 1980, 64—145-бетлар.

тегишли бўлиши мумкин. Масалан: Ҳарорат не ўзи? (Ҳарорат, ҳарорат.) *Бир жаҳон оғушида сезасан ўзингни.* (Зулфия.)

Маълум грамматик категория доирасида бир грамматик шаклнинг иккинчи бир грамматик шакл маъносини англатиши феъл сўз туркумида ҳам бор. Масалан, аниқлик майли формаси шарт маъносини ёки, аксинча, шарт майли шакли аниқлик майли маъносини англатиши мумкин: *Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда, Ҳаётни куйлайман чекинар алам. Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда, мен ҳаёт эканман ҳаётсан сен ҳам.* (Зулфия.)

Бадий нутқ услубида феълнинг барча нисбатлари иштирок этса ҳам, аниқ нисбатда қўлланган феъллар сони кўпдир. Илмий нутқда эса, аксинча, феъллар асосан мажҳул нисбатда қўлланилади.

Бадий нутқ услубида бир нисбат формасида бўлган феъл баъзан бошқа бир нисбат маъносини беради. Бундай қўлланишда муаллиф аниқ бир услубий мақсадни кўзда тутди. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясида амин Қобил бобога қараб шундай дейди:— Ўзи қайтиб келмасмикин?.. Биров олиб кетса қайтиб кела бер, деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? А? Йиғланмасин! Бундай мурожаат қилишнинг сабаби шуки, Қобил бобони сенлай деса у аминдан катта, шу даражадаги амалда бўла туриб, бир камбағални сизлагиси келмайди. Феълнинг мажҳул нисбат шаклида берилиши яхши услубий востита вазифасини ўтаган.

Бадий нутқ услубида бошқа сўз туркумларининг ишлатилишида ҳам ўзига хосликлар мавжуд. Масалан, сифатларнинг ишлатилиши бадий нутқда от ва олмош каби фаолдир. Чунки сифатлар матнда кўпинча эпитет вазифасини бажаради. Олмошлардан кишилик ва кўрсатиш олмошларининг қўлланиши унинг бошқа турларига нисбатан маҳсулдор. Сонлар бадий нутқ услубида одатда аниқ маъноларни англатиш билан бирга маъноси кенгайган ҳолда ҳам қўлланади.

Ундов ва тақлидий сўзларнинг вазифавий услубларда учраши ҳам характерли. Бундай сўзлар илмий ва расмий услублар учун хос эмас, публицистик услубда кам ишлатилади. Сўзлашув ва бадий нутқ услубларида эса уларнинг қўлланиши маҳсулдор. Айтайлик, мумкинки, бадий нутқ услубининг «ўз» ундовлари бор: *оҳ, эҳ, фу, тфу, дод, бе-е, э-воҳ, вой-бўй, вой-дод, ҳаҳ, эҳ аттанг, ҳайҳот* каби сўзлар кўпроқ бадий нутқ учун хос. Худди шу ҳолат модал сўзларда ҳам кузатилади. Масалан, *шаксиз, дарҳақиқат, дарвоқе, шубҳасиз, табиий, зотан, зора, зеро, даркор, кошки, ҳолбуки, ваҳоланки, бешак, ғолибо, шояд* каби сўзлар бадий нутқ услубида кўпроқ ишлатилади.

Вазифавий услуб. . фақатгина лексик ва морфологик жиҳатдангина эмас, синтактик жиҳатдан ҳам бир-бирларидан фарқ қилади. Аммо бадий нутқ услубининг синтактик хусу-

сиятлари ҳақида бу услубда ёзилган асарларнинг жанр бўлинишларини эътиборга олмасдан туриб гапириш қийин. Чунки, ҳар бир жанрнинг синтактик тузилиши ўзига хосдир.

Адабиёт назариясига оид асарларда<sup>1</sup> адабий тур ва жанрлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Аммо бу ишлардаги тур ва жанрлар таснифи лингвистик таҳлил учун қулай эмас. Масалан, эпик тур доирасида қараладиган асарларнинг айримлари (айтайлик дostonлар) ҳам прозаик, ҳам шеърӣ йўл билан ёзилган. Бу нарса лингвистик жиҳатдан қийинчилик туғдириши мумкин. «Адабиёт назарияси» асарининг муаллифлари бадий асар тилини тузилишига кўра фарқлайди ва уни иккига — прозаик ва шеърӣ асарлар тилига бўлади<sup>2</sup>. Бадий нутқ услуби синтаксисини ўрганишда ҳам ана шу таснифга таяниш бирмунча мақсадга мувофиқ бўлади.

Прозаик асарлар синтаксиси ҳозирги ўзбек адабий тилининг синтактик нормаларини ўзида акс эттиради. Грамматикага оид адабиётларда, хусусан «Ўзбек тили грамматикаси» (Тошкент, 1976) да ўзбек тилида сўз тартиби асосан эркин бўлиши, шу билан бирга айрим бўлақларнинг муайян ўринларда келиши қайд қилинади. Масалан, эга ўзига оид сўзлар билан гапнинг бошида, кесим ўзига оид бўлақлар билан гапнинг охирида келади. Иккинчи даражали бўлақлар — аниқловчи одатда эгадан олдин, тўлдирувчи ва ҳол одатда кесимдан олдин келади. Проза синтаксиси ҳам шу тартибга бўйсунгандир. Аммо мазмун ва эмоционаллик талаби билан прозаик нутқда ҳам инверсияга йўл қўйилади. Мисол: *Бунинг ҳаммасига чидаб, сизинди бўлиб юришга бардоши етишмаслигини энди очик сезган Бобур:— Йўқ,— деди.— Ҳаммасидан кечдим! Жаноб Қосимбек, мен энди шоҳ эмасман! Керак эмас менга хон қабули! Бас! Улоқтиринг ҳаммасини.* (П. Қодиров.)

Дарак, сўроқ ва буйруқ гапларнинг вазифавий услубда ишлатилиши бир хил эмас. Дарак гапнинг ишлатилиши барча услубларда фаол. Сўроқ ва буйруқ гапларнинг қўлланилиши эса чегараланган. Масалан, илмий нутқда бундай гапларга фақат китобхоннинг диққатини тортиш керак бўлган ҳолатлардагина мурожаат қилинади. Бадий нутқ услубида бундай гаплар матн синтаксисининг ажралмас қисмини ташкил қилади.

Ундов гаплар ҳам бадий нутқ услуби учун характерлидир.. Улар китобхонга эстетик таъсир ўтказишда ёзувчи қўлида кучли қурол ҳисобланади. Мисол: *«Мирзо Улуғбекнинг кўзлари яна жиққа ёшга тўлди. Худога шукурлар бўлғайким оқибатли фарзанд ато қилмаса-да, сендай ўғил ато қилди. Йлойим бошинг тошдан бўлғай. Моварауннаҳр бахтига, илм-маърифат ва*

<sup>1</sup> Султон И. Адабиёт назарияси.— Тошкент, Ўқитувчи, 1980, 392-бет; Адабиёт назарияси, II том.— Тошкент: Фан, 1977, 184—304-бетлар; Шукров Н. ва бошқ. Адабиётшуносликка кириш.— Тошкент: Ўқитувчи, 1984, 194—240-бетлар.

<sup>2</sup> Адабиёт назарияси, I том.— Тошкент: Фан, 1977, 357-бет.



*аҳли ирфон бахтига умринг боқий бўлғай, ўғлим!— Мирзо Улуғбек кўз ёшларини артиб, қучоғини очди. Устод билан шогирд, гуё абадул-абад дийдор кўриша олмасликларини сезгандай, унсиз йиғлаб узоқ видолашишди. (О. Ёқубов.)*

Гап тузилиши ҳам вазифавий услубларда турлича. Расмий ва илмий услубларда кўпроқ қўшма гаплар, уларнинг боғланган ва боғловчисиз боғланган турлари, сўзлашув услубида содда гаплар, айниқса уларнинг тўлиқсиз формаси ишлатилиши хос бўлса, публицистик ва бадий нутқ услубида гапнинг ҳар икки тури ҳам аралаш ҳолда келаверади. Аммо бадий матннинг синтактик тузилиши ҳақида гапирганда муаллифнинг ижодий манерасига ҳам аҳамият бериш керак. Чунки ҳар бир ёзувчининг тасвирлаётган воқеани тушуниши, тилга муносабати, тасвирлаш усули бўлади. Ана шу нарса уларнинг тилдан фойдаланиш услубини белгилайди.

Бадий нутқ услубининг яна бир ўзига хос хусусияти уни илмий нутқ билан қиёслаганда кўринади. Илмий нутқда фақатгина муаллиф иштирок этади. Бадий нутқнинг шаклланишида эса муаллиф билан бирга персонажлар ҳам қатнашаверади. Демак, илмий нутқда фақат монологик нутқ ҳукмрон бўлса, бадий нутқ учун ҳам монологик, ҳам диалогик нутқ хосдир.

Прозаик асарлар тилда муаллиф ва персонаж нутқининг мавжуд бўлиши, улар орқали яна бошқалар нутқининг берилиши бадий нутқ услубида гапларнинг турли хил қурилмаларда ишлатилишини тақозо қилади<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бадий нутқда муаллиф гапидан ташқари кучирма гап, ўзлаштирма гап ва ўзиники бўлмаган гапларнинг кўплаб намуналарини учратиш мумкин.

Гарчи прозаик нутқ ҳам, шеърий нутқ ҳам баб-баравар эмоционал нутқ саналса-да, шеърий нутқ табиати эмоционаллик юқори даражада бўлишини талаб қилади. Албатта, шеърий асарларда ҳиссийликни таъминловчи воситалар анчагина. Шеърнинг маълум тартибда — бармоқ ёки аруз вазнида ёзилиши ҳам, унда ритм ёки қофиянинг бўлиши ҳам асарнинг эмоционаллигини таъминлашга хизмат қилади. Аммо шеърий асарнинг эстетик таъсир ўтказишда поэтик синтаксиснинг хизматлари ҳам алоҳида.

Услубий фигуралар деб аталувчи тасвир воситалари — инверсия, такрор, антитеза, грададация, эллипсис, жим қолиш, риторик сўроқ, риторик мурожаатларнинг шеъриятда фаол қўлланилиши, поэтик синтаксиснинг ўзига хос структураси мавжудлигини кўрсатади. Тилимизнинг муҳим бойлиги саналадиган тасвирий воситалар — ўхшатиш, сифатлаш, метафора, ме-

<sup>1</sup> Бу гапларнинг лингвистик хусусиятлари О. Исроиловнинг «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ўзга гап» (Самарқанд (1981) номли ишида кўрсатиб ўтилган.

тономия, синекдоха, жонлантириш ва бошқаларнинг функционал услубларда иштироки турличадир. Расмий ҳужжатлар услуби ва илмий услубда тасвирий воситалар қўлланилмайди. Сўзлашув услуби ва публицистик услубда улардан бемалол фойдаланиш мумкин. Бадиий нутқ услубида ёзилган асарларни эса тасвирий воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хулоса қилганимизда, тил воситаларининг вазифавий чегараланиши уларни нутқ жараёнида ҳам фарқлаш заруриятини келтириб чиқаради. Демак, нутқда — ёзиш ва сўзлаш жараёнида масалага нутқ мавзуси ва хусусияти нуқтаи назаридан ёндошилиб, вазифавий услубларнинг амал қилиш қонуниятлари ва талабларини эътиборга олиш лозим бўлади.

## ТИЛНИНГ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Сўзловчи ёки ёзувчи ўзи баён қилаётган фикрни тингловчига ихчам, аниқ, таъсирчан ва тушунарли қилиб етказиб беришга ҳаракат қилади. Масалан, кўпинча бирор нарса белги, хусусиятини тингловчи ёки ўқувчига тушунарли, аниқ қилиб тасвирлаб бериш учун узундан-узоқ ва бирдан ортиқ гапларга мурожаат қилишга тўғри келади. Шундай вақтларда сўзловчи ёки ёзувчи айтиш шу фикрни баён қилиб беришда айтганимиздек бирдан ортиқ узундан-узоқ гапларни қаторлаштириб ташлашдан қочадию, аммо шу фикрни бошқа воситалардан (жумладан, ўхшатиш, сифатлаш, киноя, аллегория, эллипсис ва ҳ.) фойдаланган ҳолда лўнда ва аниқ қилиб тушунтиришга эриша олади. Бундай воситаларни тилшунослик ва адабиётшуносликда *ифода-тасвирий воситалар* дейилади.

Махсус ифода-тасвирий воситалар *троплар* ва *фигуралар* деб иккига бўлинади. Махсус ифода-тасвирий воситалари тилда образлилик, ҳиссийлик келтириб чиқаради. Улардан фойдаланиш билан муаллиф тингловчининг сезгисига таъсир қилади. Бундан ташқари баёнда қисқаликка, аниқлиликка эришилади. Бунинг учун эса маълум шарт-шароитлар керак бўлади: биринчидан муаллиф (нотиқ ёки ёзувчи) ифода тасвирий воситаларнинг табиатини, хусусиятини яхши тушунган, билган бўлиши керак; иккинчидан, ифода тасвирий воситаларга, нутқни бўяш, кўр-кўрона, ҳаддан ташқари кўп, ўринли-ўринсиз мурожаат қила бермаслиги керак. Яъни уларнинг ишлатиш ўрни, пайти, вазифасини яхши тушуниш керак. Акс ҳолда нутқ маданияти бузилади, тингловчи ёки ўқувчида ўша нутққа, у орқали муаллифга нисбатан салбий муносабат уйғониши мумкин.

Ифодалилик, экспрессивлик ва аниқлиликни таъминлаш нияти-да бирор нарсанинг номини, белгисини иккинчисига кўчириш, ўхшатиш ёки сўзларни шу мақсадда умуман кўчма маънода ишлатиш *троплар* дейилади.

Метафора, ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, синекдоха, му болаға, кичрайтиш, киноя, аллегория, жонлантириш, перифраз каби усуллар тропларнинг турлари бўлса; такрор, антитеза, градация, эллипсис, жим қолиш, риторик сўроқ, боғловчисизлик, кўп боғловчилилик фигураларнинг (стилистик фигураларнинг) кўринишлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирига қуйида алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

## Троплар

Троп нутқда сўз ёки ибораларни кўчма маънода ишлатиш дир. Қандайдир хусусияти билан бир-бирига яқин икки тушунчани қиёс қилиш тропларга асос қилиб олинади.

Қуйида тропаларнинг турларига тўхталамиз.

**Эпитет** (сифатлаш). Грекча бўлиб изоҳловчи деган маънони англатади. Эпитет поэтик аниқловчи. У бошқа доимий аниқловчилардан экспрессивлик ҳосил қилиши, кўчма маънода ишлатилиши билан фарқ қилади.

Оддий, доимий, анъанавий эпитетлар кишида ҳаяжон, ҳиссий тўлқин уйғотмайди. Буларга кўм-кўк осмон, қора кўз, олтин куз бирикмалари таркибидаги аниқловчиларни мисол тариқда кўрсатиш мумкин.

Бадий ифодалиликни кучайтириш учун хизмат қилиши эпитетларнинг услубий вазифасини кўрсатади.

Услубий эпитетда муаллиф таъсирланаётган нарса ёки воқеанинг ўзи зарур деб ҳисоблаган томонини маълум нуқтаи назардан туриб баҳолайди. Масалан, Ҳ. Олимжон:

Мен бир қора тунда туғилдим,  
Туғилдиму шу он буғилдим.

дер экан, тун олдидан оддий сифатловчи қора сўзини келтиради. Аммо бу сўзни шоир кўчма маънода (туғилган вақтидаги турмушни «қора тун»га ўхшатади) ишлатади ва экспрессивликни таъминлайди. Эски турмушни танқидий баҳолайди.

Ҳақиқий бадий эпитет кўчма маъно асосида пайдо бўлади. Бундай эпитетлар метафорик эпитетлар деб ҳам аталади.

Мисоллар:

Навқирон бир теракнинг чуққисиди ошиён —  
Кеч куз тонготарини салом билан олқишлар.

(*Ғ. Ғулум.*)

Ғурурланиб поезд қичқириб, узоқларга томон учади,  
Оқ буғлари енгил сузилиб, муздай ҳаволарни қучади.

(*Уйғун, «Оқ қирлар».*)

Эпитетлар сифатида, одатда сифатлардан фойдаланилади. Аммо улар отлардан (велосипед — кўзойнак, пулат от, бахмал қир), сифатдошлардан (яшнаган дала, ошиб келган, тошиб келган, қалқиб келган қорқизим) ҳам эпитет сифатида ишлатилиши мумкин.

**Ўхшатиш.** Нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ, бўрттириброқ кўрсатиб бериш *ўхшатиш* дейилади.

Ўхшатиш энг қадимий ва кўп қўлланадиган тасвирий воситалардандир. У, асосан, нутқий ҳодиса ҳисобланади. Яъни, бир нарса маълум ўринда бошқа бирор нарсага ўхшатилса, иккинчи ўринда бошқа нарсага ўхшатилиши мумкин. (Мас: Гоголь бировнинг юзини куракка, яна бировнинг юзини боднингга ўхшатади.)

Лекин шу билан бирга юзни ойга, қизни гулга қиёс қилинадиган доимий ўхшатишлар борки, одатда уларнинг баҳолаш қиймати анча хиралашган бўлади. Бу тип ўхшатишларга тил ҳодисаси сифатида қаралиши керак.

Ўхшатиш тўрт асосий қисмдан таркиб топади: 1) ўхшатилган нарса; 2) ўхшатиладиган нарса; 3) ўхшатиш асоси белги; 4) ўхшатиш воситаси. Масалан: *Шоирнинг қўшиқларидан илҳомланган ўзбек йигитлари фронтга бориб, шердай жанг қилдилар.* (Х. Олимжон, «Ўзбек халқининг адабиёти», 1948, III.) *Нима ўхшатилаяпти?— Йигитлар нимага ўхшатилаяпти?— шерга ўхшатишга асос — жанг, ўхшатиши воситаси-дай.*

Бошқа мисол:

Тоғлардаги қип-қизил лола  
Бўлиб гўё ёқут пиёла,  
Булоқлардан узатади сув,  
Эл кўзидан қочади уйқу.

(Х. Олимжон.)

Ўхшатилган нарса — *лола*, ўхшатиладиган нарса — *пиёла*, ўхшатиш асоси *ёқут*, ўхшатиш воситаси *-гўё*.

Ўхшатишда чоғиштирилаяётган нарса ҳам, чоғиштириладиган нарса ҳам асосан ўзининг тўғри маъносиде қолади.

Ўхшатишнинг тузилиши ранг-баранг:

1) ўхшатиш иборалари оборотлари: *«Мана Ўктам ҳаяжонланиб, гўё бутун далани қучоқлагиси келгандай, қизгин ва баланд руҳ билан теримга кира бошлади* (Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар»);

2) ўхшатиш эргаш гаплар: *Эркаланиб ётади, У Ватан тупроғида. Еш бола ётгандай, Онанинг қучоғида* (Х. Олимжон, «Жангчи Турсун»);

3) изоҳловчи — изоҳланмиш муносабатидаги ўхшатишлар туғилган *ой* — туғралган май; *дала* — супра, ҳар поя худди ўқловдай... (С. Абдуқаҳҳор, «Масаллар.»);

4) фразеологик бирикма шакли: *кўз қорачиғидек сақламоқ, сувга тушган мушукдек;*

5) ўхшатишнинг чиқиш келишиги аффикси ёрдамида ифодаланган шакли: *Тўғри сўз қиличдан ўткир* (Мақол.); *Ҳаёл эса тездир, Ҳар бир қанотдан. Орзу эса учқур, Ҳар қандай отдан* (Х. Олимжон);

6) -дай (-дек), -симон, -она, -омуз, -га, -часига (-асига), ларча каби аффиксал морфемалар ёрдамида ифодаланган шакл: *болаларча, ҳарбийчасига, стахановчасига, тоғдек, гулдек, ойдаи, гулдаи, мардона, шоирона, одамсимон* (маймун), *кинояомуз каби*;

7) сифат (ўхшаш, тенг), кўмакчи (каби, сингари, қадар), боғловчи (гўё, гўёки), олмош (ўзи), равиш (мисоли, янглиғ, айнан) каби сўзлар ва ёрдамчилар воситасида ифодаланган шакл;

8) эмас тўлиқсиз феъли ёрдамида ифодаланадиган шакл: *Шаҳар эмас, жаҳаннам бу* (М. Ибрагимов. «Шундай кун келади».);

9) бирдан ортиқ восита иштирок этган шакл: *Бу тасодифий йиғилиш худди колхоз мажлисига ўхшаб кетди*. (Б. Кербобоев, «Ойсултон».) *Овқат еб ётганида худди чўчқанинг ўзи бўлиб қолар эди*. (С. Айний, «Судхўрнинг ўлими».) *Ана шу ҳақиқат гўё Адолатни уйқудан уйғотгандек бўлди*. (И. Раҳим. «Чин муҳаббат».)

**Метафора** — грекча сўз бўлиб, кўчим деган маънони билдиради.

Нутққа образлилик, экспрессив бўёқ бериш ниятида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўз ёки ибораларни кўчма маънода ишлатиш метафорадир. Масалан, киши умрининг ёшлигини «ғунча», йигитлик даврини «баҳор» сўзлари, ҳаётдан кўз юммоқ-ўлмоқ маъносида «сўлди», «хазон бўлди» сўзлари ишлатилади. Бундай ўринда юқоридаги «ғунча», «баҳор», «сўлмоқ», «хазон бўлмоқ» сўзлари кўчма маънода ишлатилганлиги сезилиб туради. Демак, ғунча ва ёшлик, баҳор ва йигитлик, ўлмоқ ва сўлмоқ сўзлари англаган маънода қандайдир яқинлик мавжуд.

Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин. Чунки метафорада ҳам, ўхшатишда ҳам, асосан бирор нарса ёки ҳодиса бошқаси билан қиёс қилинади. Аммо уларга бир ҳодиса сифатида қараш мумкин эмас: юқорида кўрганимиздек ўхшатишда ҳар доим икки аъзо (ўхшатилган ва ўхшатиладиган) юзада бўлади. Метафора фақатгина бир аъзодан ташкил топади — унга ўхшатилган нарса қоладию, ўхшаган нарса туширилиб қолдирилади, аммо нутқий матндан туширилиб қолдирилган аъзони билиб олиш, сақланган аъзо орқали идрок этиш мумкин. *Мард боболар авлодидан баҳодир! Арслон кучи билан тўлсин ҳар томир. Уқ ёмғирин, ўлим дўлин ёғдириб, Қўтир итлар галасини тоза қир*. (Ойбек, «Йигитларга».) *«Равшан, Қўсадовнинг сўзи — ўчмас оламдир, Мард йигитга майдон деган не ғамдир! Тулкиларни сиртлон бўлиб қувмасак, Онамизнинг оппоқ сути ҳаромдир*. (К. Яшин, Асарлар, 1- том, 180- бет.)

Метафора тузилишига кўра икки хил: *содда, кенгайган* Содда метафора биргина сўздан ташкил топса, кенгайган метафора икки ёки ундан ортиқ сўзлардан тузилади. Масалан

*гумбаз* (осмон маъносида), *илон* (совуқ одам маъносида), *арслон*, *лочин* (кучли одам маъносида), *тулки* (маккор маъносида) каби метафоралар содда; *пўлат от*, *зангори кема* (пахта териш машинаси маъносида), *оқ олтин* (пахта), *зангори олтин* (газ), *пўлат қуш* (самолёт маъносида) каби метафоралар эса кенгайган метафоралардир.

Метафораларни қўллаётганда сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ҳамда улар ўртасидаги яқинлик, ўхшашликни яхши билиш лозим. Акс ҳолда айтилаётган фикр тингловчи ёки ўқувчида нотўғри тасаввур ҳосил қилиши ҳам мумкин. Қўйидаги мисолда метафоранинг энг яхши намуналарини кўрамиз:

Бор лочиним, бор, шунқорим, яхши бор!  
Бор, арслоним, ифтихорим, яхши бор!

(Уйғун, «Хайрлашув».)

Агар метафора нарса ёки ҳодисанинг номига айланиб кетса, у тил факти сифатида тилшуносликнинг объекти ҳисобланади. Бадий метафора эса ёзувчининг индивидуал услубига хос бўлиб, уни кўпроқ адабиётшунослик ўрганadi. Мас: *ёй* — асли ёмғир ёққандан кейин турли хил физик, химик ҳодисалардан сўнг кўринадиган ярим доира шаклидаги ранг-баранг чизиқ. Унинг номи ов учун қўлланадиган қуролга ҳам ўтган.

**Метонимия** — грекча сўз бўлиб, *бошқача*, *ном бериш* деган маънони билдиради. Метонимия ҳам сўзларнинг кўчма маъносига асосланади. Бунда ташқи ёки ички томондан бир-бирига алоқадор нарса ёки ҳодисанинг номи бошқа нарса ёки ҳодисага кўчирилади. Агар метафорада бир-бирларига ўхшаш нарсалар белгилари кўчирилса, метонимияда икки нарса бир-бирлари билан қандайдир алоқада бўлса ҳам, умуман ўзаро фарқланувчи (бир-бирига ўхшашликка асосланмаган) нарсалар белгилари чоғиштирилади, кўчирилади. Нрсалар ўртасидаги ички ёки ташқи алоқа боғланиш, нарсаларнинг номини бошқа нарсаларга ўтказиш бир неча хил кўринишларга эга. Жумладан:

1. Нарса (идиш) ичидаги нарсанинг маъноси ўша нарсага (идишга) ўтказилади. Масалан: *Бир товоқ* (лаган) *палов едим* дейиш ўрнига, баъзан *Бир товоқни туширдим*; *Бир коса қимиз ичдим* дейиш ўрнига, *Бир косани туширдим* деймиз. Бунда *палов ва қимиз* маъноси *товоқ* ва *косага* кўчирилган.

2. Муаллифнинг номи асарининг номи билан қўлланилади: *Ҳамзани ўқидим*. *Навоийни ўқидим*, *Ойбекни ўқидим* каби. Бу ўринда Ҳамза асарларини, Навоий асарларини, Ойбек асарларини ўқидим деган маъно тушунилади. Мас: *Дарсдан кейин А. Қодирийни сўраб олиш умидида синфдан оғайним билан бирга уларникига бордим*. (О. Ёқубов, «Излайман».)

3. Ҳаракат ёки унинг натижаси шу ҳаракатни бажаришдаги восита, қурол билан алмаштирилади: *Унинг пероси қасос*

*ўти билан ёнарди.* (А. Н. Толстой.) *Мазкур гапларнинг ҳаммаси устоз С. Айний қаламига тегишли.* (Оғзаки нутқдан.)

4. Бирор нарсани у ясалган материал билан алмаштириш: *Қўлда пўлат ширқиллар* (қиличи демоқчи); *Энди сенга тимсол айтай бир алвон, Олмос пўлат белда, эғнида қалқон.* («Хиламан»)

5. Маълум мамлакатда, давлатда ёки маълум ўринда яшаб турган кишилар маъноси шу ерга, давлат ёки мамлакатга кўчирилади: *Мажлисга бутун қишлоқ келди.* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироқлари».) *Январнинг 15 ларида бутун қишлоқ тўғон қуришга отланди.* (Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар»)

6. Алоҳида олинган аниқловчи тўлиқ нарсани алмаштиради: *Ялқов Мамажон самоварда ётиб туш кўради.* (П. Қодиров, «Халқ тили ва реалистик проза», 109-бет). *Ҳамма байроқлар бизга меҳмонга келади.* (А. С. Пушкин.)

7. Аниқ тушунча номи ўрнида мавҳум маъноли от қўлланилади:

Мажлис ботир, кескин сўзла, дағдағадур,  
Шу рапортни бериш учун қилди қарор.

(*Ғ. Ғулом, «Кўкан».*)

*...Мажлис раисга хўмрайиб қарайди.* (А. Қаҳҳор, «Синчалак».) *Мажлис қарор қилди, мажлис қарайди* гапларидан мажлисда иштирок этаётган одамлар қарор қилди, мажлисдаги кишилар қаради тушунчаси англашилади.

**Синекдоха.** Синекдохода нарсаларнинг сон ёки бутун ва қисмлари орасидаги муносабат назарда тутилади:

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,  
Нахл тарин англа, қуругон утун.

(*Навоий.*)

*Буюк армиянинг солдати! Қуйидагиларга амал қилсанг сенга ўқ тегмайди, енгилмайсан.* (А. Қаҳҳор, Танланган асарлар, 1 том.)

Баъзи шеваларда бизнинг уйга (ҳовлимизга) келинг дейиш ўрнига бизнинг эшикка келинг дейдилар. Бу гапда эшик синекдохадир. Лаҳжавий унсур сифатида бундай ҳодиса баъзан бадий асар тилида ҳам учраб қолади: *Эшикка киринг, ака чой-пой ичиб кетинг.* (С. Аҳмад, «Уфқ».)

Шундай қилиб, синекдоханинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Бутун ўрнида қисм: Оғзаки нутқда баъзан кишиларни чақираётганда уларнинг исм ёки фамилияларини айтмасдан, бирор ажралиб турган белгисига қараб — қорни катта бўлса «эй қорин», калласи жуда катта бўлса «эй калла», соқол қўйган бўлса «эй соқол» тарзида мурожаат қилишларга дуч келамиз. Бунда ана шу айтилган қисм орқали киши ёки унинг исми

тушунилади. Мисоллар: *Калнинг нимаси бор — Темирдан та-роғи бор.* (Мақол.) Каллик белгиси кишининг бошидаги соч тукилган қисмга нисбатан.

— *Н-нима?— деди мўйлов туюқиб.— Нима деяптилар ака-си ўргилсин.* (О. Ёқубов, «Диёнат».) *«Соқол» гўё Акрамнинг ўйларини тасдиқлагандай... ўзбек қизларининг қирқ кокиллари ва уятчан табассумларини мақтарди.* (О. Ёқубов, «Қанот жуфт бўлади.»)

2. Қисм ўрнида бутун. Илгарилари «пиво» сўзи умуман ичимлик маъносини англатган, ҳозир эса у ичимликнинг бир турини англатади. Бунга жинс ва тур муносабати тарзида ҳам қаралиши мумкин.

3. Кўплик ўрнида бирликни ишлатиш: *Сотувчи, харидор билан хушмуомалада бўл!* (Оғзаки нутқдан.) *Айбни Аҳмад қилади, калтакни Раҳмат ейди.* (Мақол.)

4. Жинс ўрнида тур: Пушка ўрнида қурол, бедана ўрнида қуш, сазан ўрнида балиқ сўзларининг ишлатилиши бунга мисол бўла олади.

*Луғавий ва шеърий синекдоха фарқланиши керак: Луғавий синекдоха ҳиссиёт уйғотиш хусусиятини йўқотган.* (Уол Стрит, «Оқ уй хати».) Шеърий синекдоха эса сийқаланмаганлиги, ҳис-туйғу уйғотиши билан фарқланади: *Жангчи ўзбек! Сен билан бизнинг орамиз узоқ. Лекин кўнглимиз яқин. Биз сенинг нафас олганингни ҳамини эшитамиз. Сен ҳам бизни эшитасан.* (Х. Олимжон, «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман».) *Гуноҳи не эди бу тилла бошининг. Гуноҳи не эди порлоқ қуёшнинг.* (И. Султон, Уйғун, «Алишер Навоий».)

**Муболаға ва кичрайтиш.** Муболаға орттириб, бўрттириб кўрсатиш, маҳоват қилиш маъносини билдиради. Айрим адабиётларда бу атама ўрнида гипербола атамаси ҳам ишлатилади. Кичрайтиш деб нарса ва ҳодисаларни ўз ҳолатига нисбатан ҳаддан ташқари кичрайтириб тасвирланишига айтилади. Баъзи лисоний- адабиётларда «кичрайтиш» ўрнида литота (грекча соддалик демак) атамасидан фойдаланилса, бошқаларида *метозис* терминининг ишлатилганлигини кўрамиз. Классик адабиётимизда бу санъат *тафрий* деб юритилган. Муболағада бирор нарса, унинг белги ёки хусусияти ошириб кўрсатилса, *литотада* унинг акси юз беради. Ҳар иккаласи ҳам кўчма маънога асосланади. Лекин тропнинг бошқа турларидаги кўчма маъно асосида қандайдир ўхшатиш, қиёс ёки бошқа бирор нарса воқеа-ҳодиса тушунилса, муболаға ва кичрайтиш санъати тўғри маънода тушунмасликни талаб қилади. Бу фикрни қуйида келтирилган мисолларимиз тасдиқлайди.

Муболаға: *Биров боласини йўқотиб шайдо, Биров жудо бўлган қариндошлардан. Юзларча денгизлар бўларди пайдо, Ота-оналарда оққан ёшлардан.* (Х. Олимжон, «Шарққа кетганда».)



Узоқ йилларда қора чашмангдан, Оққан сиёҳларни ўлчасак, агар,— Қўлласам классик муболаға ман — Дер эдим: тенг келар Қора денгизга! (М. Шайхзода, «Сиёҳдоним».)

Кичрайтиш:

Бу сўзнинг маъноси шу қадар теран,  
Денгизлар бир хўплам унинг қошида.

(Уйғун, «Тинчлик куйлари».)

Тирноқлари чу ерга урди, Тирноқ — тирноқча ерлар уйди.

(Навоий, «Лайли ва Мажнун».)

Қадимги адабиётимизда муболаға бадий маҳорат, асар учун зарурий фазилат саналган. Шу сабабли шоирлар ҳам муболағага кўп мурожаат қилганлар, ҳатто баъзан уни ошириб ҳам юборганлар.

Беҳад кучайтирилган, бўрттирилган муболаға *ифрат* ёки *ифрак* дейлади. Муболаға ҳақиқатга маълум даражада мос келиши керак, акс ҳолда бадий бўёқ йўқолади, укувчида ишочсизлик ҳосил қилади.

Классик адабиётда муболағанинг *таблиғ*, *ифроқ*, *гуллув* каби кўринишлари ҳам ишлатилган. Муболағали тасвир ҳақиқатга яқин келганга ўхшаб кўринади, аммо унинг амалга ошиши мумкин бўлмайди. Муболағанинг бу тури классик адабиётда *таблиғ* деб юритилган: *Агар муҳаббат шундай кезларда тукиладиган кўз ёши билан ўлчанса, юзта Ширину, юзта Лайлининг муҳаббати буникига урноқ ҳам бўлмас эди.* (А. Қаҳҳор, «Хотинлар».)

Агар муболағали тасвирланган нарсани фақат тасаввур қилиш мумкин бўлиб, амалда бажарилиши ҳеч ҳам мумкин бўлмаса, муболағанинг бундай кўриниши *ифроқ* деб аталган: *Ойгул туриши билан, Сарой чарақлаб кетди, Ҳаммаёқ бўлиб рашан, Уйлар ярақлаб кетди.* (Ҳ. Олимжон, «Ойгул билан Бетиёр».)

Муболағанинг учинчи бир тури *гуллув* деб юритилган (либ, унда тасвирланаётган нарса ёки ҳодисани амалда бажариш мумкин эмас, ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин бўлмайди.

*Одам тушмас унинг айтган тилига, Беш юз қулоч арқо, етмас белига.* («Алпомиш».)

*...Қуёшни беркита оларди тузон, Ҳатто дарёлардан чиқа, эди чанг.* (Ҳ. Олимжон, «Шарққа кетганда».)

**Аллегория.** Грекча сўз бўлиб киноя, қочириқ, кесатиш деган маънони англатади.

Аллегорияда мавҳум тушунчалар аниқ нарса билан алмаштирилади. Бунда тасвирланаётган нарсанинг асосий хусусияти билан ишора қилинаётган тушунча бир-бирига маълум даражада мос келиши керак. Масалан:

Элга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,  
Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни.  
(Мақол.)

Кўрпангга қараб оёқ узат.

(Мақол.)

*Сиддиқжон билан сўзлашиб турганини эмас, боққа тушганини билса ҳам терисига сомон тикәди. Бу хусусда отасининг қамчисидан қон томар. (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироқлари».) Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига. (Мақол.)*

Мазкур мисоллардаги *ит, кўрпа, сичқон, қамчи, сомон* сўзлари ўзларининг аниқ бир нарсалик маъносида ишлатилмаганлиги бемалол сезилиб туради. Худди шу ўринда *ит* — ёмон киши, *кўрпа* — аҳвол, *терисига сомон тикмоқ* — қаттиқ койиш, таъқиблаш, қиличидан қон томмоқ — шафқатсиз, бераҳм каби тушунчаларни англатиш ниятида ишлатилган.

Аллегорияга кўпроқ бадий усулнинг масал, эртак жанрида, публицистик услубда тез-тез мурожаат қилиб турилади. Масалан, С. Абдуқаҳҳорнинг «Дарё билан жилға» масалида бирлашган ўзар, бирлашмаган тузар тушунчаси *дарё* ва *жилға* образлари орқали берилган. (Дарё жилғага «бизга қўшил» дейишига қарамай, манманлик қилиб, чўлларга томон йўл олади. Аммо йўлда қумлоққа дуч келиб, унга сингиб кетади.) Сўз билан иш бирлиги ғояси унинг «Ваъзхон айиқ» масалида илгари сурилади. Айиқ ваъзхонлик қилиб, қуён сен сабзини барги билан е, тошбақа йўлдан юр, экинларни босма дейди-ю, аммо ўзи уйига қайтишда экинларни поймол қилиб кетади: *Айиқбой кетди секин, Пайхон этиб, босиб экин...*

Масалларда тулки образи орқали лаганбардорлик, айёрлик танқид қилинса, очкўзлик, жосуслик, бевафолик бўри, илон, чаён образлари орқали ифодаланади.

**Символ.** Тропнинг бир тури сифатида бадий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсалар ифодаси учун шартли равишда кучма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси *рамз* (*символ*) дейилади. Масалан, *тонг* — ёшлик, қувноқлик, бахт рамзи: *тун* — бахтсизлик, ўлим рамзи: *қора* — совуқлик рамзи.

Рамз нарса ёки воқеанинг кўриниши, шакли эмас, балки шу ҳақда ёзувчи кўрганидан қолган сезги ва таассуротларга асосланади.

Ҳаётда рамз кўп ишлатилади. Унинг турмуш билан боғлиқ равишда янги-янги турлари пайдо бўлади. Масалан, беш қиррали юлдуз — беш қитъа рамзи сифатида маълум.

**Ирония** (кесатиқ). Грекча *зимдан кулиш, кесатиш* маъносини билдиради. Баъзан сўзловчи бамайлихотир, жиддий ҳолда гапирадию, аммо сўзларни ўз асл маъносига қарама-қарши маънода қўллаб, бирор киши, унинг қилиғи ёки ҳодиса устидан кесатиб, масхараомуз кулади.

Сўз ва ибораларни кесатиш, масхараомуз кулиш ниятида, ўз маъноларига қарама-қарши маънода ишлатилиши *кесатиқ* (ирония) дейилади.

Ҳақиқатда ҳам итвачча, малъун, аблаҳ, қабиҳ, бемаъни типдаги дағал маъноли сўзларни ўринли-ўринсиз ишлата бериш нутқни нурсизлантиради, унинг кучини, таъсирини пасайтиради.

Сўзловчи худди шу дағал сўзларга юкланган вазифани баъзи сўзларни кинояли ишлатиш билан янада кучли таъсир ҳосил қилиши мумкин. Мас: *Тожихон сиз айтинг, нима учун ҳозирги одамлар Ҳожибобонинг ақлларига сиғмайдиган ишларни қилишади? Айтинг, сиз ҳам стахановчи-ку? Тожихон қип-қизариб кетди. Мурад кеча театрда ўтириб, «Сенинг қаншарингда қистирма кўзойнак турмайди» деган мазмунда шама қилиш билан «хунуксан» демоқчи бўлган эди; бугун «сиз стахановчи-ку деб кесатяпти. Тожихонга кечаги шамадан ҳам бугунги кесатиқ алам қипти».* (А. Қаҳҳор, «Йиллар».)

Айтганимиздек, кесатиқда сўзловчи жиддий гапираётганга ўхшайди, аммо унинг тагида ҳақиқий маънога қарама-қарши бўлган яширин кулги ётади. Мисол: *Навой, Қўрқма!* (Узукни олиб томоша қилади) *Қимматбаҳо узук! Катта хизматлар эвазига мукофот қилиб берса арзийдиган узук. Ма!* (И. Султон Уйғун, «Алишер Навой».)

**Антифраза.** Ирониянинг бир кўриниши бўлиб, бирор шах ёки нарсага хос бўлган у ёки бу ижобий хусусият кулгили оҳан билан инкор қилинади, ёзувда у қўштирноқ ичига олинади.

Мисоллар: *Мулла Норқўзи сафарга кетадиган бўлиб қолди: кетишдан бир кун илгари хотинига айтиб, ўша «фарош та»ни олдирди ва ўрта эшик олдига бориб «қиёматлик сингли си»дан илтимос қилди: синглим мен ўн кунда қайтиб келаман келгунимча ўртоғингиз билан бирга бўлинг.* (А. Қаҳҳор, «Йиллар».) *Эртасига элликбоши Қобилбобони бошлаб қайнотаси — Эгамберди пахтафурушининг олдига олиб борди. Пахтафуруш чолнинг ҳолига кўп «ачинди» ва ерни ҳайдаб олгани битта эмас иккита ҳўкиз берди, лекин «кичкинагина шарти» бор. Бу шар кузда маълум бўлади.* (А. Қаҳҳор, «Ўғри».) А. Қаҳҳор «фарошта», «қиёматлик сингил», «ачинди» каби сўз ва бирикмаларни усталик билан ўз асл маъносига қарши қўя олган. Ш. билан мулла Норқўзи ва Эгамберди пахтафурушларнинг устидан кулади.

Махсус муҳитда, махсус оҳанг билан айтилганда ҳар қандай сўз антифразага айланиши мумкин. Масалан, *Эшикдан чиқаётган бўйи паст кишига қараб: «Сизга қийин бўлди-да. Ян бошингизни эшикнинг пештоқига уриб олманг, кейинги вақт бўйингиз узун бўлиб кетмоқда» дейилса, «узун» сўзини ўз маъносига қарши (бўйингиз паст маъносида) маънода ишлатилаётганлиги аниқ кўринади. Ёки мана бу мисолга эътибор бериш са:— *Яшанг! Хотинингиз ҳам кайфи ошса, ҳиқичоқ тутиб, ху**

ди ўзингиздай жуда «ширин» бўлар экан. (А. Қаҳҳор, «Йиллар.») Бу ўринда ширин сўзи ўз маъносида ишлатилган эмас.

**Сарказм.** Грекча сўз бўлиб, аччиқ заҳарханда, истеҳзоли таъна, пичинг демакдир. Сарказм сўзловчининг мурожаат қилинаётган кишига нисбатан устунлик ҳиссиётига асосланади. Сарказм биз кўрсатган хусусиятлари билан иронияга яқинлашади. У кўпроқ сатирик асарларда, сатирик тасвирда қўлланади. Бунда шахс, нарса ёки воқеа-ҳодисанинг салбий томонлари фош қилинади:

Навоий. *Хафа бўлма, Гулим, замон янглишлар билан тўла. Итнинг боши мис табоқда, азизларнинг боши эса ерда депсалади. Ваъдалар унутилади. Ариқлар бузилади, гулистонлар чўл бўлади.*

Ҳусайн (боши қуйи солинган). *Нечун аввалроқ билмадим. Янглишдим.*

Навоий. *Раҳнамо иблис бўлгач, янглишиш табиийдир. Тушган йўлингиз ғоят мудҳиш йўл. Бу йўлдан борувчининг қонлардан кечиб, каллаларни депсиб ўтмай иложи йўқ.*

Ҳусайн (оғир). *Етар, Алишер... Мен сиздан бунчалар таъналарни кутмаган эдим.*

Навоий. *Мен сизни, мени Балхга юбориб, бунчалик марҳаматлар қиласиз, деб ўйламаган эдим. (И. Султон, Уйғун, «Алишер Навоий».)*

*...мулла Норқўзининг хотини покдомон... Унинг биттаю битта ўртоғи бор. Бу хотин тўғрисида мулла Норқўзи шундай фикрда: агар фаришта илгари ўтган бўлса, шунинг онаси, энди туғилган бўлса — шунинг боласи бўлади, агар ҳозир ер юзида шу хотиннинг ўзи...*

— *Бу фаришта эркак киши эди.*

— *Ҳа, бу кишининг хотини майиз емаган. (А. Қаҳҳор, «Майиз емаган хотин».)*

**Перифраз** — грекча айлана, атроф, бошқача гапираман демакдир. Нарса ва ҳодисаларнинг номларини уларнинг муҳим белги ёки хусусиятини тасвирлаб кўрсатувчи воситалар ёрдамида баён қилиш перифраз дейилади.

Перифразда нарса ва у алмаштирилган тасвирий ифода ўртасида боғлиқлик, яқинлик бўлиши керак:

*...шу билан муҳтарам устод менга гўё муборак кўзойнақларини бердилар. (А. Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртақлар».)*

А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртақлар»ини ўқиган киши муҳтарам устод бирикмаси А. П. Чехов ҳақида эканлигини яхши тушуниб олади.

«Қуллар»нинг муаллифи (С. Айний), «Навоий»нинг муаллифи (Ойбек), қадимги сўғдиёнанинг маркази (Самарқанд) тарзидаги перифрастик ибораларни тез-тез учратиб тураемиз.

Перифраз фикрга аниқлик киритади. Масалан, ... *ўзбек ада-*

*бий тилимизнинг байроқдори* дейилганда кўз олдимизга албатта улуғ Алишер Навоий келади.

Фақат отлар эмас, феъл, сифат, олмош, ҳатто фразеологизмлар ҳам перифрастик қўлланиши мумкин: овқатландим ўрнида *тамадду қилдим*, мен дейиш ўрнида *ушбу сатрларнинг муаллифи...*

Анқов маъносидаги *аммамнинг бузоғи* фразеологизми; гап кўп, кўмир оз; бўш қоп тик турмас типдаги мақоллар ҳам перифрастик маънога эга.

Перифразларга ҳаддан ташқари кўп мурожаат қилиш тилда ҳам, бадий адабиётда ҳам ижобий ҳодиса ҳисобланмайди.

**Жонлантириш.** Жонсиз нарсаларни инсон каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлаш *жонлантириш* дейилади. Жонлантиришга шеърий асарларда, эртак ва масалларда кўпроқ мурожаат қилинади.

Титраб-титраб унда-мунда юлдузлар,  
Шошиб-пишиб, ётоғига кетгали,  
Даргоҳига еткали,  
Олтин шохи этагини судрайди...

(*Уйғун*, «Товуш».)

Вокзалда соат учдир. Москвада интизом,  
Терлаб-пишиб ҳансираб, тўхтади паровоз ҳам.

(*Ғ. Фулом*, «Тошкент».)

Жонлантириш кўп томонлари билан аллегория ва апострофага ўхшаб кетади. Чунки аллегорияда ҳам, апострофада ҳам жонлантириш борга ўхшайди. Аммо жонлантириш аллегория ва апострофа ўртасида муҳим фарқлар мавжуд. Масалан, аллегорияда ҳайвон-жониворлар инсонлар каби ҳаракат қилади, улардек гапиради. Ўқувчи эса ўз эътиборини шу ҳайвонлар ҳарати орқали тасвирланаётган инсоний образларга (кишиларга) қаратади. Бунда одамларнинг қилиқлари, хусусиятлари ҳайвонларга кўчирилади, аммо шу ҳайвон-жониворлар ҳаракати, ҳолати орқали ўқувчи одамларни тушунади.

Демак, аллегорияда образлар системаси икки қатор ҳисобланади: асарда тасвирланаётган ҳайвонлар образлари қатори ва улар орқали тасаввур этиладиган шу характердаги кишилар образлари қатори.

Гулханийнинг «Туя билан бўталоқ», «Тошбақа билан чаён» «Маймун билан нажжор», Криловнинг «Квартет», «Бўри билан кўзичоқ» асарлари аллегорияга классик мисол бўлади. «Туя билан бўталоқ»ни ўқир эканмиз, аввало, туя, бўталоқ каби

ҳайвонлар ҳаракатини кўз олдингизга келтирасиз, сўнгра шу орқали феодализм даврида оғир меҳнат остида қолиб кетган ҳуқуқсиз она, шу меҳнат оғирчиликларининг жабрини тортаётган гўдак бола ҳам гавдаланади. Ёки «Тошбақа билан чаён»да дўст, меҳрибон киши (тошбақа образи орқали) ва яхшиликка ҳам ёмонлик қиладиган (чаён образи орқали) баъзи «ниш уришни» ўзига касб қилиб олган кишини тушунамиз.

Жонлантиришда эса хусусият, белги жонсиз нарсаларга кўчирилади, лекин улар орқали одамлар тушунилмайди, унда образлар тизими бир қатор бўлади.

**Апострофа** янада бошқача хусусиятга эга. Бунда жонсиз нарса ҳаракат қилмайди, балки унга жонли нарсадек мурожат қилинади. Яъни бу ўринда жонлантирилаётган нарса мурожат қилаётган кишига нисбатан сушт характерда бўлади.

Сенинг билан сўз бермадим мен ёвга,  
Сенинг билан бирга бордим ҳар овга.  
Сен дингиллаб олиб бординг Москвага  
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.

(Ҳ. Олимжон, «Дўмбиранинг мақтови».)

Сиёҳдон, омон бўл, ишчан ҳамдамим,  
Ишонки, сўққабош бўлмагайсан ҳеч!  
Сени кўп безовта қилди қаламим,  
Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч!

(М. Шайхзода, «Сиёҳдон».)

## УСЛУБИЙ ФИГУРАЛАР

Тилшуносликда бу ҳодиса учун *стилистик фигуралар* поэтик синтаксис, баъзан эса риторик фигуралар терминларидан фойдаланилади.

Услубий фигуралар ҳақида гапирилганда тингловчига умумий ҳиссиёт таъсир кўрсатувчи, нутқнинг мана шу таъсирини оширувчи махсус синтактик қурилмалар назарда тутилади.

Услубий фигуралар ва троплар бир-бирларини тўлдиради, бири иккинчисига аниқликлар киритади.

Такрор, тинч қолиш, сукут, риторик сўроқ, антитеза, градация, кўп боғловчилик ва боғловчисизлик, инверсия, эллипсис кабилар услубий фигураларнинг асосий кўринишларидандир.

**Антитеза** — грекча сўз бўлиб, *қарама-қарши қўйиш* маъносини билдиради.

Антитеза ифодалиликни кучайтириш учун қарама-қарши тушунчаларни, фикр, образ, нарсаларни, шахсларнинг характерларини қиёслаш ёки бир хил нарса-ҳодисаларнинг даража жиҳатидан қарама-қарши ҳолатини тасвирлаш учун фойдаланилади. Икки қарама-қарши қўйилган белги ёки хусусият эса бири иккинчисини инкор қилади.

Негиб ўлмайки сабрин оздин-озу шавқ кўптин-кўп,  
Ул оининг ҳусни кўптин-кўп, вафоси оздин-оз эрмиш.

(Навоийдан.)

Антитезани тушунишда бир-бирига қарама-қарши қўйилган нарса ёки ҳодисаларга нисбатан тингловчининг диққати ҳам характерлидир. Масалан, иссиқ — совуқ, баланд — паст, жасур — қўрқоқ, сахий ва хасис, ҳақиқат ва ёлғон, тун ва кун каби синонимларнинг ҳар бири ўрни билан ўзига хос туйғу уйғотади. Тасвирланаётган ҳодисага сўзловчи ёки ёзувчи қайси томондан туриб ёндошишининг ҳам катта аҳамияти бор.

Бир ҳодисани турли томондан ёндошиб тасвирлаш, тингловчида унга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат уйғотади.

Маишатман кайфу сафо бир ёқда  
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда.

(Эргаш Жуманбулбул.)

Антитеза ҳамма вақт ҳам антонимларга асосланавермайди. Унда кўпроқ фикр қарама-қаршилиги назарда тутилади. Баъзан айни қурилма билан антитезани юзага келтирган сўз ўзaro антоним бўлмаслиги мумкин. Мисол: *Таажжуб, Янгича аза, янгича базм. Кўзларида ёш, лабларида кулку. Эгниларида қора либос, қўлларида қизил шароб тушқунликнинг мужассам тимсоли!* (И. Султон, Уйғун, «Алишер Навоий».)

Ўзбек тилида кулгу ва йиғи, қора ва оқ бир-бирларининг типик антонимлари. Лекин келтирилган мисолда кулку сўзи билан ёш, қора сўзи билан қизил сўзлари қарама-қарши қўйилиб, яхши *антитеза* ҳосил қилинган.

Янги бир маъно келтириб чиқариш ниятида юзаки қараганда бирликда (бирлаштириб) қўллаш мумкин бўлмаган, бир-бирларига тамоман зид бўлган икки сўз бирлаштирилади. Буни тилшуносликда *аксиморон* дейилади: тирик мурда, виждонли ўғри, пессимистик оптимист, аччиқ шодлик каби. Мисоллар:

Русия, Русия, сўнги йўқ тупроқ,  
Эй, буюк вайрона, эй кафангадо!

(Ҳ. Олимжон, «Пушкин»).

Соқчилар золим хонни,  
Бу ажойиб ҳайвонни  
Оғилда ушладилар.  
Ўлгидай муштладилар.

(Ҳ. Олимжон, «Ойгул билан Бахтиёр».)

Мисоллардаги *буюк* ва *ажойиб* сўзлари умуман вайронага, умуман ҳайвонга нисбатан ишлатилганида оддий аниқловчи бўлиб қолаверади, аксиморон ҳосил қилмас эди. Аммо бу ўринда буюк сўзи улуғ маъносида, ажойиб ҳайвон бирикмаси эса золим бойга нисбатан ишлатиляпти. Шу сабабли, яъни вайрона, улуғ бўлмаслиги, золим хон ажойиб (яхши маъносида)

бўла олмаслиги билан уларни бир жойда бирлаштириб *буюк вайрона, ажойиб ҳайвон* тарзида ишлатиш аксиморон ҳосил қилмоқда. Ажойиблик кишида ижобий туйғу, золимлик эса салбий туйғу уйғотади.

Антитезада икки қарама-қарши қутб бири иккинчисини инкор қилади. Аксиморонда икки қарама-қарши маъноли сўз бири-бирига бирлаштирилади. Бири иккинчисига нисбатан аниқловчи сифатида қўлланади: *Ҳа, олиб боринг мен уйда кийикчага катта уйча ясайман. Ён-верига кўз ташлаган чумчуқ баҳайбат бир қулчанинг ўзига қараб яқинлашиб келаётганини кўрди.* (Ш. Саъдулла, «Командирнинг бошидан кечирганлари».)

**Градация.** Лотин тилидан олинган бўлиб, *зинапоя* (аста-секин юқорига кўтарилиб бориш ёки юқоридан пастга қараб бориш) маъносини билдиради.

Градация нарса, белги, хусусият ёки ҳаракатини биридан иккинчиси кучлироқ ёки кучсизроқ маъно оттенкали синонимик ёки бир хилдаги сўзлар воситасида кучайтириб ёки камайтириб бориш орқали тасвирлашдир.

Навбатдаги сўз олдинги сўзнинг маъносини кучайтириб борса, унга *климакс*, аксинча сусайтириб борса *антиклимакс* деб юритилади.

Була

юмшоқ,

семиз,

сероб

сийналарида

Янги давр юрагининг ўти кўкарган...

Ювиб,

тараб,

севиб,

ушиб,

қучиб,

опичлаб

Эй бахтларни балоғатга

етказган оча.

(Ҳ. Олимжон, «Бахтлар водийси».)

*Йигит шилқимлик қила берганидан кейин, хотин қочиб, нариги уйга кириб кетди. Винони кўтариб йигит ҳам кирди. Бирпасдан кейин хотиннинг товуши эшитилди:*

— *Жинни бўлманг! Олинг қўлингизни! Бу нимаси?! Қўйиб юборинг. Қўйиб юбор дейман! Тфу, аҳмоқ!* (А. Қаҳҳор, «Йиллар»).

Мисоллардан кўринадики, градацияга фақат сўзлар зинапоysi эмас, балки гаплар зинапоysi (кучайтирилиши) ҳам бўлар экан.

Градациянинг *климакс* шакли кўпроқ кўтаринки руҳ билан ёзилган шеърий асарларда учрайди. Бу эса *градациянинг* ўз характери билан боғлиқ.

Градациялар ўзига хос махсус оҳангига эга бўлади: агар градация кўтарилиб бориш (климакс) характерига эга бўлса,



ҳар бир навбатдаги сўз аввалгисидай баландроқ оҳанг билан талаффуз қилинади, пасайиб бориш (антиклимакс) характерига эга бўлганда эса ҳар бир навбатдаги сўз еки иборада товуш тони пасайиб боради. Юқоридаги А. Қаҳҳордан келтирилган мисолга эътибор беринг.

**Риторик сўроқ. Риторик хитоб.** Риторик сўроқ услубий приём сифатида ўқувчининг ёки тингловчининг диққатини маълум бир мавзу ёки унинг қисмига жалб қилиш учун ишлатилади.

Одатда сўроқ гап тингловчидан жавоб талаб қилади, риторик сўроқ гапларда эса жавоб талаб қилинмайди. Риторик сўроқ гапларда оҳанг катта роль ўйнайди, оҳанг ёрдамида кўпинча сўроқ гапнинг ўзи айни шаклда тасдиқни ифодалаб туради:

*Қани бирон холис одам бўлса айтсин: бутун Ўзбекистонни қидирганда Нурматжонга ўхшаган йигитдан яна биронтаси топилармикан? Уйда ўтириб, ғиштдан, тошдан тилла қиладиган хотин кимга ёқмайди? (А. Қаҳҳор, «Йиллар».)* Мисоллардаги топилармикан сўзини топилмайди сўзи билан *кимга ёқмайди* бирикмасини ҳаммага ёқади бирикмаси билан функционал синонимик муносабатга киритиш мумкин.

Оҳангнинг тасвирийликни оширадиган, таъсирчанликни таъминлайдиган омил сифатида келиши риторик ундовларда янада яққолроқ кўринади. У сўроқ ёки ҳиссиёт характерига эга бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам у сўзловчи ёки ёзувчининг кўтаринки ҳиссиётини ифодалайди.

**Кўп боғловчилик ва боғловчисизлик.** Нутққа кескинлик, шошилиш тус, тезлик характерини киритиш учун нотиқ ёки ёзувчи гапда лозим бўлган боғловчиларни атайлаб тушириб қолдиради, гап бўлаклари орасидаги алоқа интонация ёрдамида ифодаланади: «...ўз элини, ўз тупроғини, ўз тилини, ўз маданиятини жон дилида кўрмаган одам ўзга халқларни, ўзга ўлкаларни, ўзга тил ва ўзга маданиятни кўкларга кўтара олмайди, ҳурмат қила билмайди, йўқ асло!» (С. Азимов, «Сўнгсиз хаёл».)

Маллалар, саллалар,  
Урфонсиз каллалар,  
Шайтонлар, иблслар,  
Бурхонсиз даллалар.  
Дўзахлар, жаннатлар,  
тоатлар, яллалар,  
Ғазаблар, аллалар,  
Макрлар, ҳйллалар,  
Иллолар, биллолар,  
бус-бутун қуюндек қувилди.

Шодиёна урилди,  
байроқлар қурилди.  
Эскилик улди,  
Янгиллик кулди.

(Ҳамза, «Кутлуғ бўлсин».)

Кўп боғловчилилик вазифа жиҳатидан боғловчисизликка қарама-қарши туради. Яъни, айтганимиздек, боғловчисизлик кескинлик, ҳаракат тезлигини кўрсатиш учун хизмат қилса, боғловчилар такрорланиши нутққа сокинлик, таъкидлаш маъноси-ни киритиш учун хизмат қилади ва секинлаштирилган оҳанг ва тўхтамлари билан ҳам узига хос хусусият касб этади. Мисол: *Менинг халқимни рўёбга чиқарган, шод ва бахтиёр қилган, нон ва ош, кийим ва уст-бош, эътибор ва обрў берган нарса, бу дустликдир. Шунинг учун ҳам у бу дустликни узининг кўз қорачиғидек сақлайди.*

Эллипсис (грекча сўз бўлиб, *тушириб қолдириш* демақдир).

Эллипсис ёзма ва оғзаки нутқда тезлик, кескинлик, шошилинчлик хусусиятини белгиловчи воситалардан ҳисобланади.

Нутқий матндан осонгина билиб олинадиган сўзнинг ёзувчи томонидан атайлаб тушириб қолдирилиши *эллипсис* дейлади.

Эллипсис ихчамликни таъминлайди. Эллипсиснинг энг оддий турлари сифатида ушбу турларини: Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар!, буйруқ характеридаги қичқириқларни — Олға! Отларга! Бекининг! Ётинг!.. кўрсатиш мумкин.

Юқоридаги гапларда изоҳ, аниқлик киритиш учун хизмат қиладиган чопинг (олға), мининг (отларга), ётинг (ерга) сўзлари тушириб қолдирилган.

Бадий адабиётда эллипсис кўпроқ диалогик нутқда кўрилади.

Эллипсис халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар, фразеологизмларда ҳам тез-тез кўзга ташланади: ер — олтин, меҳр кўзда, дўстим — белбоғим.

Эллипсисга айниқса оғзаки нутқда кўпроқ мурожаат қилинади. Сабаб: суҳбатдошларнинг бир-бирларига яқин туриши, улар фойдаланган имо-ишоралар, имо-ишораларнинг фикрни аниқ, тўғри тушунишга ёрдам бериши.

**Жим қолиш.** Сўз ёки сўзлар гуруҳининг гап охирида тушириб қолдирилиши *жим қолиш* дейилади. У эллипсиснинг бир кўриниши сифатида қаралиши мумкин.

Баъзан сўзловчи айтмоқчи бўлган фикрини охиригача етказмайди, яширади, тингловчини уйлашга мажбур қилади:

Ишимизни тездан ёпган яхшироқ,  
Энди биргина йўл, бир илож қолди.  
Мана қоғоз, қалам, ёзгин ариза,  
Ўз хоҳишим билан бўшайман дегин.  
Ҳозирча... бўлмайдик изза.  
Бошқа ишга ўзим жойлайман, кейин!

(С. Абдуқаҳҳор, «Каламуш билан сичқон».)

**Такрор.** Илмий адабиётларда аллитерация, анафора, эпифора, рифма (қофия), ассонанс, консонанс, монорим, плеоназм, тавтология, нақорат кабилар бадий такрорнинг турли хил кўринишлари сифатида талқин қилинади.



Наҳотки йўқ булиб кетса шунча қон,  
Фашист ҳоким бўлса бизларга наҳот?!

(Ҳ. Олимжон, «Шарққа кетганда».)

Ҳалқанинг тескари кўриниши ҳам мавжуд. Унда биринчи мисра охиридаги товуш ёки сўз иккинчи мисра бошида такрорланади. Бунда *уланиш*, *бирикиш* деб юритилади. Умуман бунда анафора ва эпифора қўшилгандай бўлади. Шу сабабли бу ҳодисани *эпанафора* деб юритилади. Мисоллар:

Она ўз ўглини севади фақат,  
Фақат севадию эртак айтади.

(Ҳ. Олимжон, «Она».)

Тонг отади улкада ҳар кун,  
Ҳар кун чиқар ярқираб офтоб.

(Ҳ. Олимжон, «Дустимға».)<sup>1</sup>

## НУТҚ МАДАНИЯТИНИ ЭГАЛЛАШНИНГ УСУЛ ВА ЙУЛЛАРИ

Жамият аъзоларининг ўзаро фикр олишув жараёнида тилдан фойдаланиши ва фойдалана олиш қобилияти ўзининг маълум қонуниятларига эга. Бундаги бир умумий ҳолат шундан иборатки, ҳар бир киши ҳам ўз она тилиси ёки ўзи эгаллаган бошқа бирор тилдан эҳтиёжига яраша фойдаланиш кўникмасига эгадир. Ушбу кўникма кўп замонлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келувчи инсоний мушоҳада ва тафаккур анъаналарининг ҳар бир шахсда такрорланувчи интеллектуал хусусиятларига таянади. Адабий тил пайдо бўлмасдан олдин кишилар уруғ ва қабила тилида фикрлашган даврларда ҳам ёки улар адабий тилда, шунингдек маълум шевада сўзлашганларида ҳам мана шу интеллектуал шахсий қобилият туфайли ўз мақсадларига эриша олади, бири иккинчисини бемалол тушунади. Бундай қобилият шахснинг ўзи гапираётган тил ёки тил шаклининг норматив системасини эгаллаганлиги, уни ижодий идрок эта олиши билан боғлангандир. Масалан, ҳар қандай уруғ ва қабила тили ҳам, ҳатто унинг ҳозирги давр кўринишлари бўлган шева ва лаҳжа ҳам бир-биридан маълум даражада фарқланувчи воситаларга эгадир. Ушбу тил қонуниятларини эгаллаган, яъни гапираётган шева ёки лаҳжанинг норматив белгилари асосида ёшликдан сўзлай олиш малакасига эришган ҳар бир киши ҳеч қандай ёрдамсиз ўша тилда фикрлаша олади. Аммо шахснинг ўзи эгаллаган тилни қайси даражада (оддий ёки чуқур) билиши ушбу шахснинг ўз фаолияти, инти-

<sup>1</sup> Такрорнинг яна бир неча хил кўринишлари мавжуд. Улар ҳақида қarang: Р. Қўнғуров. *Ўзбек тилининг тасвирий воситалари.*— Тошкент, Фан, 1977; *Ўзбек тили стилистикаси.*— Тошкент, 1983.

лиши, ҳаётӣй тажрибаси ҳамда ҳаётӣй эҳтиёжига боғлиқ бўлган масаладир.

Демак, одамларнинг ёшлиқдан маълум бир тилда сўзлай олиши табиий-шахсий ва объектив қобилиятдир. Шу туфайли ҳам нутқ маданияти соҳаси кишиларни умуман сўзлашга, маълум тил воситасида фикр алмашишга ўргатиш вазифасини кўзда тутмайди. Чунки қайд этилганидек, инсоннинг ўз она тилида сўзлай олиш қобилияти аввалдан бор бўлган табиий инстинктдир. Хуш, шундай экан, нутқ маданияти соҳасининг мақсади нима? Нутқ маданияти соҳаси умуман она тилида эмас, балки жамият аъзоларини *она тилининг махсус шаклида* (маданий шаклида) гапира олишга ўргатишни кўзда тутлади. Тилнинг бундай шакли маълум бир миллий тилда гаплашувчи ижтимоий гуруҳларнинг барчаси учун муштарак бўлган тил — *адабий тилдир*. Шу туфайли нутқ маданияти учун кураш бу кишиларнинг ўзаро ҳар қандай фикр алмашишини маданийлаштириш (масалан, шева ёки лаҳжаларда гаплашиши) учун кураш эмас, балки бутун миллат аъзолари учун ягона бўлган адабий тилда тўғри фикр алмашиш учун курашдан иборатдир.

Адабий тил ва нутқ маданияти соҳаси бўлмаса кишилар ўзаро фикр алмаша олмайди ёки бир-бирини яхши тушунмайди, деб уйлаш ҳам уринсиздир. Нутқ маданиятига доир ташвиқот ва тарғиботсиз ҳам одамлар бир-бирлари билан, ўзлари ёшлиқдан ўрганган тил формаси воситасида, бемалол гаплаша олади. Бу ўринда тилшунос Ф. Н. Филиннинг ушбу фикрларини келтириб ўтиш уринлидир:

«Ҳар қандай жамият нутқий амалиётида ҳам қандай қилиб тўғри гапириш мумкин ёки мумкинмас дейилган масала у ёки бу тарзда ўртага қўйилган ва ҳал этилган бўлиши керак... Илмий тилшунослик юзага келгунга қадар тажрибада, «тил диди»га таяниб иш қўрилган, нормаларни белгилаш стихияли бўлган. Аммо, шунга қарамасдан кишиларнинг бир-бирини тушунмаслиги туфайли жамиятнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлувчи ҳодисалар юзага келмади»<sup>1</sup>.

Шу сабабли нутқ маданияти соҳаси ва бу соҳа мутахассисларининг тилга, шахсларнинг нутқий фаолиятига таъсирини, ролини умуман маданий тилнинг жамият аъзолари ҳаётида тутган ўрнини керагидан ортиқ бўрттириш ва муболаға қилиш ўринсиздир.

Тилшунос Г. О. Винокур қишлоқ жойларда лисоний тарбия соҳасида 1920 йилларда олиб борилувчи ишлар ҳақида гапирар экан, ҳаттоки оддий деҳқонда ҳам қандайдир табиий «нутқий интилиш, ҳаракат» борлигини таъкидлаган эди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Филин Ф. Н. Несколько слов о языковой норме и культуре речи. Вопросы культуры речи. 1966, № 7, с. 15.

<sup>2</sup> Винокур Г. Культура языка, 1929.— с. 168—169.

Тилшунос Е. Ф. Петришеванинг нутқий нормативлик ва унинг ўзига хос табиийлик ҳолати ҳақида айтган фикрлари ҳам келтирилган мулоҳазаларга ҳамоҳангдир: «Тил фактларига ёндошиш фақат тилшуносларгагина хос эмас. Қандай гапириниш мумкин ва мумкинмас деган тасаввур чаласавод кишиларнинг нутқий онгида ҳам мавжуд. Ушбу тасаввурга стихияли равишда ўз нутқида ҳар бир киши ҳам амал қилади. Бу ҳолат мазкур тасаввур эгаси учун одатланмаган тил фактларига дуч келганида, айниқса равшан сезилади»<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, масалан, ўзбек тилининг фарғона гуруҳи шеваларида гаплашувчи кишиларнинг ҳар қайси бир томондан ўзи учун она тили бўлган шеванинг ўзига хос имкониятларини эгаллаган ва билади. Шу билан бирга у ўз нутқида ва ўша шевада гаплашувчи ўзгалар нутқида она шева нормасидан четга чиқишларни пайқайди. Худди шунингдек, Фарғона шеваларидан бирида гаплашувчи киши учун Хоразм шеваларининг ёки Самарқанд воҳасидаги қипчоқ шеваларининг бирортаси учун хос кўпгина хусусиятлар ётир. Шу сабабли фарғона шевасига мансуб шахс бундай ҳолатни ҳатто анормал ва хатолик деб баҳолаши ҳам мумкин. Шу туфайли ҳам В. А. Ицковичнинг «Ҳар қандай тил муҳитида, диалектал муҳитда ҳам тўғрилиқ ва нотўғрилиқ ҳақидаги интуитив тасаввур мавжуд деган»<sup>2</sup> гапларида ҳаққонийлик бор.

Демак, кишиларда табиий ва анъана тусига эга бўлган она тилини ёшлиқдан эгаллай олиш ва ундан ўринли, танқидий фойдалана олиш қобилияти бор экан, унда нутқ маданияти соҳаси кимларни кўзда тутиб иш олиб боради, деган қонуний саволнинг туғилиши табиийдир. Бу саволга берилган жавоблар ҳозирги замон тилшунослигида жуда кам. Мавжуд жавобларда эса ушбу масала турлича талқин этилганини кўрамиз. Булар ичида учтаси характерлидир.

1. Нутқ маданияти соҳаси бутун миллатни (халқни) кўзда тутиб иш олиб боради.

2. Нутқ маданияти фақат зиёлилар (ўқимишли омманинг) нутқини яхшилашни кўзда тутати.

3. Нутқ маданияти соҳаси, биринчи навбатда, ёш авлод нутқини тўғрилашни кўзда тутиб иш кўради.

Ҳар учала қараш тилшунослик фанида ҳали махсус равишда ўрганилган ва етарли исботланган эмас.

Тилшуносликда ушбу масалани ана шу тарзда махсус қўйиб ҳал этишга интилган мақолалар ҳам учрамайди. Аммо айрим ишларда келтирилган муаммолар бўйича йўл-йўлакай айтилган фикрлар мавжуд. Уларнинг айримларига тўхтаб ўтамиз.

<sup>1</sup> Петришева Е. Ф. К вопросу о критериях нормативности. «Вопросы культуры речи». — М.: Наука, 1967, № 8, с. 39.

<sup>2</sup> Ицкович В. А. Языковая норма. — М., Просвещение, 1968, — с. 6.

Тилшунос Г. Винокур нутқ маданияти ҳақида фикр юритар экан, бу муаммо «барча, умум учун тегишли» чора эканини таъкидлаган. Шу сабабли ҳам у бу масалага оид вазифаларни фақат шаҳар аҳолиси, зиёлилар доирасидагина олиб борилувчи иш эмас, балки қишлоқда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тарбия деб билган<sup>1</sup>. У бундай тарбиянинг натижаси аҳоли турли қатламлари вакилларининг адабий тил нормасини эгаллашини таъминлашдан иборатдир деб тушунган<sup>2</sup>. Маълумки, шу кунга қадар адабий тил ва унинг нормасини бутун аҳоли бир хилда эгаллаган жамиятнинг ўтмишда ҳам ва ҳозирда ҳам бўлганлиги тилшунослик фани учун маълум эмас.

Нутқ маданияти тушунчаси ҳозирги илмий маънода адабий тил билан боғлиқдир. Шу туфайли адабий тилни эгалламаган ва унда сўзлай олмайдиган кишининг нутқий маданияти ҳақида гапириш ҳам ортиқчадир. Англашиладики, олдин ҳам қайд этилганидек, нутқ маданияти соҳаси адабий тилда гапирувчилар, адабий тилни эгаллаган ва эгаллаётганлар нутқини, нутқий фаолиятини кўзда тутган ҳолда иш кўради. Аммо ҳозирда адабий тил умумхалқнинг сўзлашув қуролига айланаётган бизнинг жамиятимизда ҳам аҳолининг кўпчилик қисми маҳаллий лаҳжа ва шеваларда ёки адабий тил билан ўз шеваларининг қандайдир қоришмасидан иборат бўлган бир тилда сўзлашмоқдалар. Масалан, ўзбек миллатига мансуб кишилар кундалик фаолиятларида ўзбек адабий тилидан қай даражада фойдаланаётганига кўра қуйидаги гуруҳларга ажралиши мумкин:

1) ўзбек адабий тилида нормал гапира олувчи ва ёза олувчи кишилар гуруҳи;

2) ўзбек адабий тилида ёза олувчи, аммо оғзаки нутқда адабий тил нормаларига тўлиқ амал эта олмайдиган кишилар гуруҳи;

3) расмий доираларда адабий тилда сўзлай оладиган, аммо оддий сўзлашувда, айниқса оилада шевада ёки шева билан адабий тилнинг аралашмасидан иборат бир тилда гапирувчи шахслар гуруҳи;

4) маҳаллий шеванинг кучли таъсири сезилиб турадиган нутқ эгаси бўлмиш кишилар гуруҳи;

5) маҳаллий шеванинг кучсиз таъсири (асосан талаффузда, айрим сўзларни танлашда) сезилиб турадиган тилда сўзлайдиган кишилар гуруҳи;

6) адабий тилни «билмайдиган» ва ўз маҳаллий шевасида гаплашадиган кишилар гуруҳи.

Ўзбек аҳолиси нутқининг келтирилган кўринишлари оғзаки нутқ маданиятини барчадан бир хилда талаб этиб бўлмаслигига ёрқин далилдир. Кишиларнинг «адабий тилни билмаслиги» тушунчаси нисбий ҳодиса бўлиб, уни адабий тилни тамоман ту-

<sup>1</sup> Винокур Г. Культура языка, 1929,—с. 113; 187.

<sup>2</sup> Сборник: Язык и стиль.—М.: Мысль, 1965,—с. 52.

шунмайди маъносида эмас, балки улар адабий тилдан тўла маънода фойдаланмайди, бу тилда гапиришга ва ёзишга тамоман одатланмаган деган маънода тушуниш лозим. Аммо шундай бўлганда ҳам келтирилган олтинчи гуруҳ кишиларнинг мавжудлиги, ҳаттоки уларнинг ўзбек аҳолиси кўпчилиги қисмини ташкил этиши нутқ маданияти талабларини бутун ўзбек миллати доирасида қўйиш мумкинмаслигини кўрсатиб турибди. Бунга сабаб ўзбек аҳолисининг маълум қисми ҳали адабий тилда гаплашишга ўтмаган ва бундай нутқий фаолиятга ҳали тўлиғича кўникмаган.

Мана шу каби сабаблар туфайли бўлса керак, нутқ маданияти соҳасининг иш тутиш доирасини (нутқ маданияти ҳақида гап кетганда кимларни кўзда тутиш лозимлигини) белгилаш фанда мунозаралидир. Чунончи баъзи тадқиқотчилар нутқ маданияти, асосан, ўқимишли кишиларни, (зиёлилар оммасини) кўзда тутиб иш кўради деган фикрни олдинга сурадилар: «Ўзбек адабий тилидан фойдаланиб иш олиб борадиган ва нутқ маданиятлари юқори бўлиши шарт деб ҳисобланувчи кишилар деганда, биринчи навбатда олимлар, матбуот ходимлари (журналистлар), адиблар, шоирлар, артистлар, лекторлар, давлат арбоблари, идора ва ташкилот хизматчилари, адабий тилнинг оммавий оғзаки шакли бўлган радио, телевидение, кинонинг диктор ва нотиқлари; педагоглар, агитаторлар ва пропагандистлар кўзда тutilади»<sup>1</sup>.

Нутқ маданиятини эгаллаши лозим бўлган кишилар доираси ҳақида тилшунос И. К. Белолед бошқачароқ фикрдадир. Унинг фикрича, «Нутқ маданиятини барча сўзловчилар эгаллашлари лозим»<sup>2</sup>.

Нутқ маданияти тарбияси ва тадбирларини аҳолининг барча табақалари орасида бирдек олиб боришнинг мумкин эмаслиги фақат лаҳжа ва шеваларда гаплашувчи кишиларнинг кўпчилик эканлигидагина эмас, балки маълум лаҳжавий нутқ кўникмасига ўрганиб қолган кишилар нутқини ўзгартириш уларни тамоман адабий нутқ шаклига кўчириш ва ўргатишнинг анча қийинлигида ҳамдир.

Лаҳжавий нутқ кўникмаси шаклланиб, қотиб қолган кишилар жамиятда ўрта яшар ва кекса авлод кишиларидир. Бу ўринда нутқ маданияти соҳасида олиб борилувчи ишлар, нутқ маданияти тарбияси кекса авлод вакилларини ҳам кўзда тутадими, дейилган саволнинг туғилиши табиийдир. Ушбу масала фанда ҳали атрофлича ўрганилган эмас. Шу туфайли ҳам

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Нутқ маданиятимиз ҳақида. Ўзбекистон маданияти, 1969 йил 16 май, 3-бет. Ўша муаллиф. Ўзбек миллий тилининг нутқ маданияти масалалари. // Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган республика тилшунослик конференцияси. Доклад тезислари.— Тошкент: Фан, 1969, 26-бет.

<sup>2</sup> Белолед И. К. Развитие языков социалистических наций СССР. Киев: Наука и Думка, 1969.— с. 206.



баъзи олимлар нутқ маданияти масаласига, асосан ёш бўғинни тарбиялаш билан алоқадор муаммо деб қарайди. Чунончи, А. А. Леонтьев умуман кекса авлод нутқини (шевада гаплашишга одатланиб қолганлар кўзда тутилади) тўғрилаш, маданий нутқ талабларига мослаш мумкинлигига шубҳа билан қарайди: «Кекса авлоднинг нутқий фаолиятидаги тил жараёнларини онгли бошқариш (тўғрилаш), меининг назаримда, жуда муаммолидир»<sup>1</sup>.

Кекса авлод тилини (нутқини) адабийлаштиришнинг мумкин эмаслиги кўп жиҳатдан ёшликда ҳосил қилинувчи нутқий малаканинг ғоятда турғун, мустаҳкамлиги сабаблидир. Бу масалага оид олимлар олиб борган баъзи кузатишлар шундай хулосага олиб келган: «Илк болаликда атрофдагиларга тақлид қилиб ўзлаштирилган нутқий артикуляцион база ва бошқа хил нутқий малакалар ҳаддан ташқари мустаҳкам бўлади. Борди-ю кейинчалик бошқа артикуляцион — нутқий базага ўтишга тўғри келса бу ҳаммага ҳам ва ҳар доим муяссар бўлавермайди (кўп ҳолларда мутахассис — тилшуносларда ҳам шева — субстрат хусусиятларининг сақланишини кўрамиз). Ҳолбуки, улар ўз нутқлари устидан тўла равишда назорат қилувчи ва уни кузатиб борувчи кишилардир»<sup>2</sup>.

Кўпчилик муаллифлар келтирилган сабабларга кўра нутқ маданияти соҳасининг тарбияси доирасига лаҳжавий нутқ малакаси қотиб қолган шахслар кирмайди деб ҳисоблашади. Улар фикрича, нутқ маданияти фаолияти асосан, ёш авлод (болалар) нутқини тарбиялашни кўзда тутди. Мана шундай омиллар туфайли нутқ маданиятини тарбиялаш, уюштириш ишида мактаб ва бошқа хил тарбия масалаларининг роли ҳал этувчи бўлиб қолади.

Айрим тадқиқотчилар ҳақли равишда таъкидлаётганларидек, «нутқ маданияти — ижтимоий маданиятни, кишилик жамияти маданиятини акс эттирувчи бир кўзгудир»<sup>3</sup>. Аммо ушбу «кўзгу» барчанинг нутқини маданийлашни кўзда тутмайдир. Шунингдек ушбу «кўзгу» ҳозирда жамият барча аъзоларининг маданий-нутқий фаолиятини ўзида акс эттира олмайди. Бунга сабаб ҳозирда адабий тил билан бирга маҳаллий шеваларнинг ҳам яшаб турганлиги, соф адабий тил билан бирга маҳаллий шевалар таъсирида бўлган адабий нутқий шаклнинг ҳам мавжудлиги, адабий тилда гапирувчилар билан бир қаторда шевада сўзлашувчиларнинг ҳам кўпчилик эканлигидадир. Мазкур сабаб ва амаллар туфайли бўлса керак ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган айрим ишларда нутқ маданияти ту-

<sup>1</sup> Леонтьев А. А. Ответы на вопросник по норме. // Вопросы культуры речи, 1966, № 6, — М.: Наука, 1961, — с. 215—216.

<sup>2</sup> Когаткова Т. С. Литературный язык и диалекты. // Актуальные проблемы культуры речи, 1970, с. 107.

<sup>3</sup> Иномхўжаев С., Хўжаев Л. Бадий сўз санъати, — Тошкент, 1972. 7-бет.

шунчаси энг аввало кимларни кўзда тутади ва кимларга мўлжалланган дейилган саволга шундай жавоб берилган: «Нутқ маданияти адабий тилнинг ҳар икки шакли — ёзма (матбуот) ва айниқса оғзаки шакли учун (биринчи навбатда, кино, радио, телевидение, театр саҳналари лекция учун) зарурдир»<sup>1</sup>. Нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотикдангина эмас, балки ҳар бир фуқародан талаб қилинадиган ишдир»<sup>2</sup>.

Нутқ маданияти ижтимоий-маданий ҳаётнинг қонуний талаби бўлса-да, уни эгаллаш аслида ҳар бир шахснинг маданий савияси, онг ва билимига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан жамиятдаги барча шахсларни бир вақтнинг ўзида бир хилда юксак маданият даражасига эришган дейиш мумкин бўлмаганидек, аниқ шахсларнинг барчасини ҳам билим ва маданий савияси жиҳатдан нутқ маданиятини эгаллашга бир хилда ҳозирланган, қобилиятли одам дейиш қийин. Олимлар ушбу масалада турли-туман, аммо умумий бир мақсадни ифода этувчи фикрлар баён этишган. Улардан айримларига тўхталиб ўтайлик.

Тилшунос М. Г. Ферман ёзади: «Кишининг нутқ маданияти унинг умумий маданийлиги даражасининг ошиши билан бевосита алоқадордир. Чунки у ўзининг хилма-хил фикр ва мушоҳадаларини нутқи орқали ифодалайди. Нутқ маданиятининг пастлиги, бир томондан сўзловчининг умумий ривожига камчиликни, иккинчи томондан эса, унинг ўз фикрини саводли ва тушунарли шаклда изҳор қила олишга ўрганмаганлигини кўрсатади»<sup>3</sup>.

И. Н. Церковницкий фикрича, нутқ маданияти шахснинг маданий камолатининг таркибий қисмидир. Нутқ халқ эришган маданият даражасини ўзида ифода этади. Ҳар бир кишининг нутқи унинг маданийлик даражасини кўрсатувчи ёрқин ва ишончли далилидир»<sup>4</sup>.

Мана шу тарзда айтилган гаплар фанда анчагинадир.

Адабий тилдаги гапирувчи киши учун ҳам унинг адабий тил нормаларини қанчалик билиши нисбийдир. Чунки кишининг адабий тил нормасини қанчалик эгаллаганлиги «сўзловчининг умумий маданий савияси билан белгиланади»<sup>5</sup>. Мана шундай асосларга кўра, нутқ маданияти мутахассислари: «Нутқ

---

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Ўзбек миллий тилининг нутқ маданияти масалалари. // Ўзбек тили нутқ маданияти масалаларига бағишланган республика тилшунослик конференцияси (Доклад тезислари),— Тошкент: Фан, 1969, 28-бет.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида.— Тошкент: Фан, 1974, 4-бет.

<sup>3</sup> Ферман М. Г. Культура речи, работа над книгой и подготовка к публичному выступлению.— М., 1957, с. 3.

<sup>4</sup> Общее языкознание.— М.: Наука, 1970, с. 556.

<sup>5</sup> Общее языкознание.— М.: Наука, 1970, с. 556.

маданияти кишининг етарли ва юқори умумий маданий камолотга эришганлигини кўзда тутади»<sup>1</sup>,— деб ёзишган.

Қўринадики, ушбу ўринда ҳам нутқ маданияти соҳасининг иш қўриш доираси ва чегараси мавҳумлашиб қолади. Ахир, нутқ маданияти соҳаси инсонни ҳамма томонлама камолатга етказишни эмас, балки унинг нутқ маданиятини кўтаришни кўзда тутади. Борди-ю, юқорида таъкидланганидек, нутқ маданияти шахснинг умумий маданий камолоти билан боғлиқ бўлса, демак нутқ маданияти фақат ўшандай камолотга эришган кишилар доираси билан чегараланиб қолади. Умуман ушбу масалалар ғоятда мураккаб ва мунозаралидир. Нутқ маданиятининг вазифасини келтирилган ҳолатдаги каби кенг тушунилса, унда нутқ маданияти тилшунослик соҳаси эмас, балки қандайдир кенг қўламли (универсиал), мураккаб фанга айланади. Бу ҳолда нутқ маданияти соҳаси бажарувчи иш янада чигаллашади ва мавҳумлашади.

Шундай қилиб, нутқ маданиятини эгаллаш борасида шахснинг умумий маданий даражаси етакчи талаблардан бири саналади. Демак, нутқ маданияти маълум маънода ҳар қандай кишилар, одамлар гуруҳини эмас, балки маълум маданий савияга эга, адабий тилни муайян даражада эгаллаган одамларни кўзда тутган ҳолда иш қўради.

Нутқ маданияти маълум маданий ва маънавий камолот белгиси бўлиб, бизнинг давримизда кенг халқ оммасининг умумий маданий қурилиш ишига, жумладан адабиёт ва тил муаммоларига аралашуви анча фаоллашди. Бундай фаоллик, бир томондан, кенг халқ оммасининг кундалик нутқида адабий тилнинг турли маданий ва коммуникатив воситалар орқали (радио, телевидение, театр, кино, матбуот, лекциялар) лаҳжавий нутқ ва сўзлашув тилига ўтказаетган таъсири туфайли юзага келган ўзгаришларда, иккинчидан, жамоатчиликнинг адабий тилда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликларга (масалан, матбуот тили, радио ва телевидение тили, қўшиқлар тили ва бошқалардаги) муносабати ҳамда бу нуқсонларни салбий баҳолашида ёрқин қўринмоқда.

Масалага мана шу нуқтан назардан ёндошиладиган бўлса, баъзи тадқиқотчиларнинг «Нутқ маданияти ҳақида қайғуриш — умумхалқ ишидир» деган<sup>2</sup> гапларида маълум ҳақиқат борлиги, шубҳасиздир.

Бутун миллат ва унинг барча аъзоларининг нутқини бирдан маданий нутқ талабларига хослаб бўлмаслигининг асосий сабабларидан яна бири адабий тилнинг ўзидаги ривожланиш қонуниятлари билан, адабий тил нормасидаги давр ўтиши билан пайдо бўлиб турадиган силжишлар билан алоқадордир.

<sup>1</sup> Актуальные проблемы культуры речи, 1970,— с. 98.

<sup>2</sup> Правильность русской речи (опыт словаря — справочника),— М., 1965,— с. 8.

Ҳаттоки бир авлодга мансуб кишилар нутқи учун дастлаб норма бўлиб ҳисобланган тил ҳодисалари ўша шахс ҳаёти давомида кейинчалик «хатолик»ка, нормативмас воситага айланмоқда.

Шу тўғрисида адабий тилнинг маълум даврдаги маданий ҳолатини, яъни адабий тил маданиятини, барча даврлар учун бетўқис нарса деб тасаввур қилиш ўринсиздир. Чунки тил, адабий тилнинг ўзи ривожланиши таъсирида ўзгариб турувчи ҳодисадир. Мана шу маънода нутқ маданияти тушунчаси ҳам, маданий (адабий) нутқ намуналари ҳам, ўз даврида гўзал, намунали гапирган нотиклар ва ҳозирда кўркем гапираётган нотиклар нутқи ҳам идеал ҳодиса эмас, балки нисбий ҳодисадир. Худди шунингдек, ҳозирги замон ўзбек адабий тилида кўркем гапиришни истаган ҳар бир киши ушбу адабий тилнинг ўтмиш даврларидан андоза топилиши қийин. Ҳар даврнинг ўз тили ва нутқий услуби бўлганидек, ҳар даврнинг ўз маданий адабий тили ва бетакрор нутқий маданияти бўлади.

Шундай қилиб, нутқ маданияти соҳаси бир даврнинг ўзида жамият аъзоларининг барчасини маданий нутқий тарбия остига ола олмайди. Ушбу маънода маданий нутқий тарбия маълум чегарали, истисноли томонларга эга. Нутқ маданияти соҳаси, асосан, адабий тилни эгаллаганлар, унда сўзлаш ва ёзишни истовчиларни ва ёш авлод нутқини тўғрилашни кўзда тутади. Лекин нутқ маданияти соҳаси бу билан чегараланиб қолмаслиги керак албатта. Вазифани бундай тушуниш нутқ маданияти соҳаси учун чегараланган мақсаддир. *Нутқ маданияти соҳасининг тўлиқ, яъни пировард мақсади барча халқ оммасининг нутқини адабий тарбияга олишдек мақсадни кўзда тутмоғи лозим.* Бу мақсад нутқ маданияти соҳасининг буюк орзусидир. Бундай орзу ҳақида ҳозирги кунда гапириш мумкин, аммо унинг амалга ошиши, яъни жамиятнинг барча аъзоларининг адабий тилни мукаммал эгаллаши ва бу тилда тўғри ва раван, маданий ва кўркем гапира олиши келажакда амалга ошиши мумкин бўлган ҳодисадир. Шу сабабли ушбу тушунча шу куннинг вазифаси сифатида ҳам, ҳали тўла амалга ошмаган ҳақиқат сифатида ҳам нутқ маданияти соҳасининг олий, пировард мақсадидир.

Ҳар қандай ҳолда ҳам нутқ маданияти — бу аввало *нутқий кўникма, нутқий малака ҳосил қилишдир.* Бу кўникма нутқий — амалий жараён бўлиб, махсус меҳнат ва машқ эвазига, ўқиш ва ўқиш орқали эришиладиган қобилият, маҳоратдир. Ушбу хусусиятни Е. А. Бахмутова шундай таърифлайди: «Нутқ маданияти фикрни тўғри, аниқ ва ифодали изҳор эта олиш малакаси»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Бахмутова Е. А. *Культура речи.*— Казань, 1964,— с. 3.

Инсоннинг алоқа қуроли бўлмиш тилни, жумладан адабий тилни ўрганиши ва эгаллаши тўрт хил йўл билан амалга ошади дейиш мумкин:

**1. Тилни табиий ҳолда эгаллаш.** Бунга боланинг ўз она тилини оила муҳитида, шунингдек атроф-муҳит таъсирида ўрганиши ва билиб олиши киради. Бола тилни ота-онадан, оила аъзоларидан, шунингдек ўзи дуч келган кишилардан табиий ҳолда эшитиш ва ўзлаштириш орқали эгаллайди. Болада бола тили малакаси табиий ҳолда, стихияли равишда юзага келади ва шаклланади. Бу жараёнда ҳам қайси бир даражада ўргатиш (фақат ўрганиш эмас) нишонаси мавжуд. Масалан, оила аъзоларининг бола нутқини назорат қилиши, унга сўзларни ва қандай сўзлашни ўргатиши, бола тилида учрайдиган баъзи нуқсонларнинг тўғрилаши ва б.

**2. Тилни ўқитиш, ўргатиш орқали эгаллаш.** Бунга асосан ўрта ва олий мактаб таълими киради. Шунингдек, қисман болалар боғчасидаги таълимни ҳам мана шу омилга қўшиш мумкин. Тил ва унинг қонуниятлари, нутқ қоидалари ўрта мактабда она тили (ўзбек тили) ва адабиёт дарсларида ўқитилади. Боланинг тил эгаллашида бошқа фан дарсларининг ролини ҳам камситиб бўлмайди. Тарих, география, астрономия, биология, ҳатто математика дарслари ҳам ўқувчиларда нутқ маданияти малакасининг шаклланишида сезиларли роль ўйнайди. Бу фанларга оид дарслар жараёнида боланинг луғат бойлиги ошади, у гап тузишнинг бир қатор мураккаб типларини, фикр ифодалашнинг баъзи мантиқий асосларини эгаллайди.

Табиий фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар орасида ўзбек адабий тилини яхши эгаллаган, сўзга уста моҳир нотиқлар талайгинадир. Бундай ўқитувчилар нутқини ўқувчилар, одатда, ҳавас билан тинглашади, улар тилига тақлид ҳам қилишади. Тил ва адабиёт ўқитувчилари орасида адабий тилни етарли эгалламаган ва бу тилда равон, намунали гапира олмайдиган педагоглар ҳам озмунча эмас. Шунга қарамасдан, ўрта мактабда нутқ маданиятини ўрганишнинг асосий омили она тили ва адабиёт дарсларида берилувчи таълимдир. Айниқса, бунда она тили (ўзбек тили) таълими етакчи ўрин тутади. Демак, нутқ маданиятини тарбиялашда ўқитиш (педагогик таълим) асосий омилдир. Шу сабабли мактаб таълимида, айниқса она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ўстиришга алоҳида диққат қилинади, бу ишнинг илмий методик томонлари педагог олимлар томонидан махсус таҳлил этилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдуллаева Қ. Кузатиш ва нутқ ўстириш. // Совет мактаби, 1975, № 2, 72—73-бетлар; Уша муаллиф. Биринчи синфда нутқ ўстириш. // Тошкент: Ўқитувчи, 1978; Уша муаллиф. Бола нутқи. // Ўқитувчилар газетаси. 1979, 15 ноябрь; Уша муаллиф. Нутқ ўстириш — Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Уша муаллиф. Ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқининг узвийлиги учун. // Совет мактаби, 1980, № 7, 38—40-бетлар; Ботирова С. Расмлар воси-

### 3. Тил ва нутқ маданиятини мустақил ўқиш, шуғулланиш орқали ўрганиш.

Тилни, пировард натижада нутқ маданиятини эгаллашда мустақил ўқиш, тил ва нутқ устида мустақил ишлаш муҳимдир. Бу иш икки хил характерлидир. Биринчиси, киши тилга оид махсус адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, луғатларни ўрганеди. Ундаги тил ва нутққа оид қонуниятларни эгаллайди. Иккинчиси, нолингвистик адабиётларни мустақил ўқийди ва бу ҳол киши нутқининг ўсишига, адабий тил нормаларини эгаллашига туртки бўлади. Масалан, бадиий адабиёт асарларини кўплаб ўқиш, шеърларни ёд олиш, газета ва журналларни ўқиш, радио ва телевидение эшиттиришларини тинглаш ва б. Тил ва нутқ устида ишлаш — келтирилган мисолдаги тарзда ишлаш тилни ўрта мактаб дастури асосда ўрганиш ва ўзлаштиришдан фарқ қилади. Мустақил ўқитишда шахс эркин бўлиб, унинг фаолият даражаси ҳам кенгдир. Шахс ўзи учун зарур, ўзи хоҳлаган грамматикаларга, лексикология, фонетика дарсликларига, турли ҳажмдаги изоҳли, икки тилли, терминологик луғатларга мурожаат қилиши мумкин<sup>1</sup>. Шу сабабли тил устида мустақил шуғулланиш ўрта мактабнинг дастурий таълимидан фарқланади. Мустақил шуғулланиш адабий тилни эгаллаш, нутқ маданияти малакасини ҳосил қилишнинг муҳим омилидир. Чунки бунда адабий тил нормалари ихтиёрий, онгли равишда ўзлаштирилади. Бу йўл билан ҳосил қилинган нутқий малака эса мустаҳкам бўлади.

4. Тил ва нутқ маданиятини эгаллашнинг кўринишларидан бири нутқий тақлиддир. Ҳар бир киши ўзидан яхшироқ, чиройлироқ, маъноли ва ўткир гапирадиган киши(лар) нутқига ҳавас билан қараши ва унга тақлид қилишга интилиши мумкин. Бу ҳолда нутқий тақлид — намунали тил, нутқ маданиятини эгаллашга интилишнинг омилларидан бирига айланади. Намунали, яхши гапирувчилар, одатда, радио ва телевидение дикторлари, машҳур артистлар, бадиий сўз ижрочилари, баъзи ёзувчилар, олимлар орасида учрайди. Ўз намунали нутқи билан ўқувчиларда тилга, нутқ маданиятига қизиқиш уйғотган но-

тасида нутқ ўстириш. // Совет мактаби, 1973, № 2, 48—50-бетлар; Зоилов А. Ўқувчилар нутқини ўстириш. // Совет мактаби, 1971, № 11, 79-бет; Камолова М. Ёзма нутқ малакалари ҳосил қилиш. // Совет мактаби, 1969, № 8, 27—30-бетлар; Мамаясупов М. Ўқувчилар нутқи. // Совет мактаби, 1981, № 3, 22—23-бетлар; Мирзааҳмедов Б. Ўқувчилар нутқини ўстириш. // Совет мактаби, 1973, № 12, 31—34-бетлар; Мирҳусанова Р. Оғзаки нутқни ўстириш. // Совет мактаби, 1972 № 7, 70—72-бетлар; Разумова Л, Шаров В. Лектор нутқининг таъсирчанлиги, — Тошкент: Ўзбекистон, 1973; Саттарова Н. Она тили дарсларида боғлашилши нутқни ўстириш. // Совет мактаби, 1974, № 7, 48—49-бетлар; Ҳасанова Б. Ўқувчилар тафаккури ва нутқини ўстириш. // Совет мактаби, 1973, № 8, 58—60-бетлар; Нутқ ўстиришга қўйиладиган талаблар. // Совет мактаби, 1980, № 2, 49—51-бетлар ва б.

<sup>1</sup> Ақобиров С. Нутқ маданияти ва норматив луғат. — Тошкент: Ўзбекистон, 1977; Уша муаллиф. Луғат — сўз хазинаси. — Тошкент. 1977.

тиқлар ва давлат арбоблари, лекторлар, ўта ва олий мактаб ўқитувчилари оз эмас.

Нотиқлик маҳоратини, адабий тилда тўғри, таъсирчан сўзлашнинг ажойиб сирларини эгаллаган бундай шахслар нутқи — нутқий тақлиднинг қонуний объектидир. Биров нутқига тақлид қилиш орқали нутқ маданиятини эгаллаш шахсдан катта ҳавас ва ҳафсала талаб қилади. Нутқий тақлид тақлид қилинаётган шахс нутқи қандай бўлса, айнан шундай гапиришда эришишдан иборат деган гап эмас. Ҳар бир шахс нутқининг ўзига хос мустақиллиги, бетакрорлиги сақланмоғи лозим. Нутқий тақлид — намунали нутқнинг усулларини, сирларини ўрганиш демакдир. Нутқий тақлид — онгли фаолиятдир ва миллий нотиқликнинг энг яхши намуналари ва анъаналарини авлоддан-авлодга ўтказиш, етказиш, кўп асрлар давомида сақлаб қолишнинг воситаси ҳамдир. Нотиқликдаги баъзи бетакрор йўналишлар, нотиқлик мактаблари мана шу йўл билан юзага келади.

Келтирилган барча ҳолларда нутқ маданиятини эгаллаш — бу онгли равишда интилиш ва тинимсиз меҳнатдир. Чунки нутқ маданияти малакасини бусиз ҳосил қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, тилни нутқ маданиятини эгаллашнинг қуйидагича босқичлари мавжуд:

- оила ва атроф-муҳитдан ўрганиш;
- ясли, боғча таълими;
- ўрта мактаб таълими;
- олий мактаб таълими;
- тил устида мустақил шуғулланиш.

Тилни эгаллаш ҳақида гап борганда, икки сифатий нарса-ни фарқламоқ керак. Буларнинг биринчиси, умуман ўзбек халқ тилини билиш, иккинчиси ўзбек адабий тилини эгаллаш.

Биз олдинги саҳифаларда ҳам қайд қилганимиздек, шахс ўзбек тилининг бирор лаҳжами ёки шеvasида ҳам ғоят чиройли гапириши, сўзга чечан, яъни маҳоратли нотиқ бўлиши мумкин. Аммо бундай нутқ тил материали нуқтаи назаридан нутқ маданияти намунаси бўла олмайди. Нутқ маданияти — ўзбек адабий тилида сўзланган намунали, маданий нутқдир. Демак тилни билиш ҳақида гап борганда, умуман ўзбек тилини (халқ тилини) билишни ўзбек адабий тилини эгаллашдан фарқ қилмоқ керак. Нутқ маданияти шахснинг умуман тилни билиш даражаси билангина эмас, балки *адабий тилни намунали билиши* ва ундан нутқнинг оғзаки ва ёзма шаклларида намунали фойдалана олиши даражаси билан ўлчанади.

Нутқ маданиятини эгаллаш учун нутқни ўстиришга оид бўлган адабий тил нормаларини ва унга восита бўлувчи нарсаларни билиш муҳимдир. Булар қуйидагилардир:

— ўзбек тилининг дарслик ва қўлланмалари, ўзбек тили грамматикалари, ўзбек тилининг турли типдаги луғатлари, луғат-справочниклари ва б;

— ўзбек адабиёти дарслари; ўрта ва олий мактабда ўтиладиган бошқа ижтимоий ва табиий фанларга оид дарслар, улар тили;

— ўзбек бадий адабиёти тили (мустақил ўқиш кўзда тутилади);

— ўзбек матбуоти (рўзнома ва ойномалар) тили;

— ўзбек радиоси ва телевидениеси тили;

— бадий ўқиш дарслари ва таълими;

— нотиқлик санъати юзасидан ўқитиладиган факультатив курслар таълими ва бошқалар.

Она тили ва ўзбек адабиёти дарслари, бадий адабиёт тили ўқувчининг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқи маданиятини кўтаришга хизмат қилса, бадий асарларни ёд олиш, бадий ўқиш дарслари<sup>1</sup>, радио ва телевидение нутқини тинглаш, нотиқлик сирларини ўрганиш оғзаки нутқ маданияти ривож учун мислсиз омилдир.

Адабий тил ва унинг нормаларини эгаллаш ва ундан унумли фойдаланиш қандайдир турғун, қотиб қолган, бирдан-бир ягона шаклга эга бўлган ҳодиса эмас. Сўзловчи ёки ёзувчи адабий тил ва унинг норматив воситаларидан нутқий талаб, нутқий шароит, нутқий фаолият эҳтиёжи ва талабига кўра ижодий фойдаланади. Бунга сабаб бир томондан кишилар жузъий нутқий фаолиятининг хилма-хиллиги, нутқий вазиятларнинг кўп қирралиги бўлса, иккинчиси нутқий услубларнинг ранг-баранглигидир. Ўзбек адабий тилининг аниқ мавжуд кўрinishлари турли услублар талабига кўра кўп қирралидир. Ҳозирги ўзбек тилида илмий услуб, публицистик услуб, расмий услуб, бадий услуб, сўзлашув услуби мавжуд. Бу услублар баъзи ўзига хос ёки қоришиқ шахобчаларга ҳам бўлинади: *илмий-оммабон услуб, илмий-публицистик услуб; адабий сўзлашув услуби, содда сўзлашув услуби* каби. Нутқ маданиятини эгаллаш ўзбек тили услубларининг хусусиятларини билиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам нутқ маданиятига оид қўлланмаларда, ўқув программаларида «*Нутқ маданияти ва услуб*» деб номланган бўлимлар мавжуддир<sup>2</sup>. Бир қатор рисоаларда эса нутқ маданияти билан услублар орасидаги муносабатлар ёритилган.

Ўзбек тилининг нутқий услублари ўзбек тили услубиятига оид дарслик ва қўлланмаларда атрофлича ёритилган. Нутқ маданиятини эгаллаш учун ўзбек тилининг вазифавий услубларидан хабардор бўлиш шарт. Чунки нутқ маданиятининг

<sup>1</sup> Иномхўжаев С., Хўжаева Л. Бадий сўз санъати.— Тошкент, 1972; Иномхўжаев С., Зуннунов А. Ифодали ўқиш асослари.— Тошкент: Уқитувчи, 1978; Бобомуродов А., Абдуллаев Ҳ. Уқувчиларни ифодали ўқишга ўргатиш.— Тошкент: Уқитувчи, 1976; Орипов К., Обидова М. Ифодали ўқиш.— Тошкент: Уқитувчи, 1982.

<sup>2</sup> Қўнғуров Р. Қ. Нутқ маданияти асослари курсининг программаси. Самарқанд, 1983, 8—9-бетлар; Бегматов Э. А., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва стилистика асослари.— Тошкент, 1987, 8—9-бетлар.



талаблари адабий тил норматив воситаларининг нутқ жараёнида амалга ошиши ҳар бир услубда ўзига хос тарзда кўрилади. Демак, ҳар бир нутқий услубнинг ўз нутқий маданияти, талаб ва мезонлари мавжуд. Шу сабабли ҳар услубнинг тил нуқтаи назаридан ўзига хослигини билиш ҳар қайси услубнинг талаб ва мезонларига мос равишда ёзиш ёки гапириш имконини беради. Бу эса нутқнинг, нутқ маданиятининг етакчи талабларидан биридир. Бундан ташқари нутқий услублардан бохабар бўлиш киши нутқини ўстириш, ўткирлаштириш ва бойитишнинг муҳим омили ҳамдир. Ҳар бир нутқий услубнинг тил ва услуб жиҳатдан ўзига хос томонлари, афзалликлари мавжуд. Мана шу томонларни ўзлаштириш киши нутқига ижобий таъсир қилади, унда *услубий-нутқий кўникмаларнинг* шаклланишига олиб келади. Масалан, сўзлашув услуби тили учун қисқалик, лўндалик, ифодавийлик, табиийлик ва табиий бўёқдорлик, халқчиллик хос. Илмий услуб тили жумлаларнинг мазмунан зич боғлиқлиги, гаплар грамматик тузилишининг изчиллиги, давомийлиги, мантиқан ўта боғлиқлиги билан характерланади. Расмий услуб тилидан нутқда аниқлик, сиқиклик, лўндалик, ихчамлик ва қисқаликни ўрганиш мумкин. Бадий услуб тили ўзининг образлилиги, таъсирчанлиги, жушқинлик ва ҳиссий-экспрессив воситаларга бойлиги билан кишининг диққатини тортади<sup>1</sup>. Бу услубда бошқа бир қатор услубларга хос белгилар қоришиб кетганини кўрамиз. Шерият тили эса, жушқин, чиройли нутқ намунасидир.

Келтирилган услублар тилига хос хусусиятларнинг барчасидан нутқ маданиятини кўтариш учун фойдаланиш лозим бўлади. Шу сабабли баъзи тадқиқотчилар *нутқ маданияти бу — услубни ҳис қила олишдир* деганларида<sup>2</sup> ёки *нутқ маданияти — бу услубият* деганларида қисман ҳақлидир.

Нутқ маданиятини эгаллаш бу адабий тилни, унинг нормаларини ўзлаштиришдир. Шу сабабли рус тилшунослари 1920 йиллардаёқ нутқ маданиятини «тилни тушуниш, ҳис қила олиш диди» билан боғлашган эди: «Нутқ маданияти дейилганда биз, тилни тушуниш дидининг ривожини, нормани тушунишни, равшан ва ифодали нутқ сўзлаш усулларини эгаллашни ва уни ўзининг оғзаки ва ёзма нутқида амалда қўллай олишни ҳамда ўзгаларнинг нутқини чуқур ва аниқ англай олишни англаймиз».

С. Абакумовнинг нутқ маданиятига 1929 йилда берган таърифи ҳам юқорида келтирилган мулоҳазаларга яқиндир: «Шундай қилиб, нутқ маданияти дейилганда, кишиларнинг ўзаро теран фикрлай олишлари учун ёрдам берадиган тил восита ва

<sup>1</sup> Жалилов Ҳ. Нотиклик ва бадий адабиёт.— Тошкент, 1975; Ушмуаллиф. Нотикликда юмор.— Тошкент, 1980; Умурқулов Б. Лектор нутқи ва бадий тил.— Тошкент: Ўзбекистон, 1981; Свирский С. Я Адабиёт лекторга ҳамдам.— Тошкент: Ўзбекистон, 1979.

<sup>2</sup> Дегтерева Т. А. Становление норм литературного языка.— с. 171

имкониятларининг барчасини эгаллашдан иборат бўлган мураккаб меҳнат тушунилади»<sup>1</sup>.

Нутқ маданиятининг асосини адабий тил ва унинг нормаларини ўзлаштиришдан иборат, деб билиш бошқа муаллифларнинг ишларида ҳам учрайди. Чунончи, нутқ маданияти таълимотининг асосчиларидан бири Г. О. Винокур шундай ёзган эди: «Тил маданиятининг амалга ошиши учун муқаррар бўлган шартлар, биринчидан, гаплашувчиларнинг юқори лингвистик онглилиги, иккинчидан, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган тилга муҳаббатдир»<sup>2</sup>.

Хуллас, нутқ маданиятига эришишнинг асосий омили тилни, айниқса адабий тил нормаларини эгаллаш, улардан ўринли ва унумли фойдалана олишдир. Адабий тил, унинг нормалари тизими мураккаб ҳодиса бўлиб<sup>3</sup>, бу воситаларнинг қўлланиш хусусиятлари нутқнинг шакллариغا, нутқий услубларнинг типларига кўра фарқланади. Маълумки ўзбек адабий тили икки шаклга эга: *ёзма нутқ ва оғзаки нутқ*.

Ҳар иккала нутқ хили учун лисоний асос — ўзбек адабий тилидир. Нутқнинг ёзма шакли учун ҳам, оғзаки шакли учун ҳам адабий тилнинг баъзи воситалари асосан умумийдир. Масалан, сўзлар, грамматик воситалар, қисман синтактик қурилиш ва б. Аммо бу икки нутқ шакли баъзи ўзига хос томонлари билан фарқланади. Бу фарқлар ёзма нутқ маданияти, *оғзаки нутқ маданиятининг* юзага чиқишини таъмин этадиган воситалардир. Масалан, *ёзма нутқ маданияти*<sup>4</sup> учун имло ва тиниш белгиларига оид қоидалар<sup>5</sup>, ёзув техникаси, ёзишни кўп машқ қилиш, кўп ёзиш ва кўп ўқиш, сўзларнинг ёзилиш шакллари хотирада сақлай олиш, синтаксисга доир нормалар ва қоидаларни яхши ўзлаштириш муҳимдир. Ёзма нутқ маданиятини оширишда имло луғатлари етакчи ўрин тутади.

*Оғзаки нутқ маданиятини эгаллашда*, адабий талаффуз, адабий талаффуз қоидаларини (орфоэпия), ўзбек тили фонетикаси хусусиятларини билиш асосий ўрин тутади<sup>6</sup>. Оғзаки

<sup>1</sup> Абакумов С. Работа над словарем и фразой в новых учебных пособиях по технике и культуре речи. Русский язык в советской школе, 1929, № 1, — с. 82.

<sup>2</sup> Винокур Г. О. Культура языка. — М.: Федерация, 1929, — с. 41—42.

<sup>3</sup> Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Бегматов Э., Бобоева А., Асомуддинова М. Адабий норма ва нутқ маданияти. — Тошкент: Фан, 1983, 8—89-бетлар.

<sup>4</sup> Саломов Ф. Ёзма нутқ маданиятига доир. // Ўзбекистон маданияти, 1957, 19 июль.

<sup>5</sup> Назаров К. Тиниш белгилари ва ёзма нутқ. — Тошкент, 1974; Уша муаллиф. Пунктуация ва ёзма нутқ. // Уқитувчилар газетаси, 1969, 20 февраль.

<sup>6</sup> Аҳмедов Н. Тўғри талаффузга ўрганайлик. // Саодат, 1973, № 6. 26—27-бетлар; Узоқов Х. Узаро муомала ва орфоэпик нормалар. ТошДУ илмий асарлари, № 586. — Тошкент, 1979, 132—143-бетлар; Усмонова У. Талаффуз нормаларини белгилаш масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, № 6, 42—45-бетлар; Ғофуров Х. Оғзаки нутқ маданияти ҳақида. // Ўзбекистон маданияти, 1965, 11 май.

нутқ маданиятини кўтаришда шахснинг ўз нутқига диққат ва эътибор қилиши, уни адабий талаффуз нормалари асосида туза олиши ва назорат қила олиши, нутқий кузатувчанлик, талаффуз машқлари билан шуғулланиш муҳимдир. Оғзаки нутқ маданиятини эгаллашда радио ва телевидение эшиттиришларини мунтазам равишда тинглаш, машҳур нотиклар нутқига тақлид қилиш каби омиллар ҳам муҳимдир. Адабий талаффуз нормаларини эгаллашнинг муҳим воситаси — ўзбек тилининг талаффуз луғатларидир<sup>1</sup>. Оғзаки нутқ маданиятида тўғри, яъни адабий талаффуз биринчи, етакчи унсурдир. Шу сабабли тилшунослар оғзаки нутқ ҳақида гап борганда ҳақли равишда кўпроқ «талаффуз маданияти», «адабий талаффуз маданияти» ҳақида фикр юритадилар<sup>2</sup>.

Оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини эгаллаш учун киши қўйидаги томонларга ҳам эътибор бермоғи керак:

— киши ўзининг кундалик тилига эътибор қилмоғи, ундаги ютуқ ва нуқсонларни сеза олмоғи керак;

— киши тилга, унинг қонун-қоидаларига онгли, илмий муносабатда бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўша тил грамматикасини, фонетикасини, лексикологияси ва стилистикасини яхши билиши талаб қилинади;

— киши ўз ёзма ва оғзаки нутқи устидан онгли назорат ўрната олмоғи лозим. Бу шахсда ўз нутқидаги ютуқ ва камчиликларга танқидий ёндаша олиш кўникмасини юзага келтиради;

— кишида нутқий дид, тилнинг ўзига хос нозик томонларини сеза олиш ҳисси бўлмоғи керак. Тилга дид билан ёндашмасдан мустақил нотик бўлиб етишиш қийин;

— нутқ маданиятини эгаллашнинг муҳим шартларидан бири тилга ҳурмат билан қараш, унга муҳаббат қўйишдир;

— тилни ўрганиш, нутқ маданиятини эгаллаш киши ҳаётининг маълум даврига тўғри келадиган вақтинчалик иш, биқаслик тадбир эмас, балки доимий интилиш ва шуғулланишни, бир умр такомиллаштириб боришни талаб қилувчи ҳо дисадир.

Олимларнинг қайд этишларича, нутқ маданияти адабий тилни эгаллаш ва унда шунчаки тўғри гапиришдан иборатгина бўлган ҳодиса эмас, балки у ўзининг маълум содда ва мураккаб босқичларига эга бўлган жараёндир. Мана шу нуқтаи назардан, нутқ маданияти икки босқичлидир: *тўғри нутқ* ва *нутқ маданияти*. Тилшунос Л. И. Скворцов бу босқичлар моҳиятини

<sup>1</sup> Содиқова М., Усмонова У. Ўзбек тилининг орфоэпик луғати.— Тошкент: Фан, 1977; Асомиддинова М., Бегматов Э., Бобоева А. Иброҳимов С., Усмонова У. Ўзбек адабий талаффузи луғати.— Тошкент, 1984.

<sup>2</sup> Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида.— Тошкент, 1972; Усмонова У. Талаффуз маданияти.— Тошкент, 1976; Бегматов Э. Адабий талаффуз маданияти.— Тошкент, 1982.

шундай изоҳлайди: «Нутқ маданиятидаги илк босқич — нутқнинг тўғрилигидир. Нутқнинг тўғрилиги адабий тил ва унинг нормаларини эгаллашдир.

Нутқ тўғрилиги моҳият эътибори билан мактаб таълими предметидир. Ўрта мактаб дастури, умумий тарзда, тўғри нутқ малакасини шакллантиришни кўзда тутуди (кўпроқ грамматика соҳасида).

Адабий тилни эгаллашнинг иккинчи, юқори босқичи тўла маънода нутқ маданиятидир. Нутқ маданияти ҳақида адабий тилни ўрганиш борасида ҳам, нутқнинг тўғрилиги (яъни адабий тил нормаларини эгаллаш) борасида ҳам гапириш мумкин. Аммо нутқ маданияти босқичида тилнинг вариант воситаларини баҳолаш бошқачароқ бўлади, яъни: яхши, ёмон, аниқ, ўринсиз каби мезонлар...»<sup>1</sup>. Мана шундай фикр Г. А. Дегтерева томонидан ҳам айtilгани маълум. У нутқ маданиятини нутқнинг тўғрилиги ва яхши нутқ босқичларига бўлади: «Нутқ маданияти ушбу тушунчани аниқловчи икки қисмдан иборатдир. Улардан биринчиси тўғрилик. Тўғрилик нутқ маданиятининг энг керакли ва биринчи шартидир... Бироқ, нутқ маданияти тушунчаси, нутқий тўғрилик тушунчасидан кенгроқдир...

Нутқ маданияти тушунчасининг иккинчи муҳим қисми сифатида яхши нутқ тушунчасини ёки услубий сезгирликни олдинга суриш мумкин... Яхши нутқ тўғри вариантлар орасидан энг фойдали, намунали вариантни танлаб олишни талаб қилади. Яхши нутқ шароит тақозосига кўра тил воситаларидан мақсадга мувофиқ ва моҳирона фойдалана олишни кўзда тутуди. Яхши нутқ талаблари нутқий тўғрилик билан биргаликда нутқ маданиятининг асосий шартларини юзага келтиради»<sup>2</sup>.

Келтирилган мушоҳадалардан маълум бўладикки, нутқ маданияти оддийликдан юксакликка ривожланиб, такомиллашиб борувчи нутқий қобилиятдир. Шу сабабли бир қатор олимлар нутқ маданиятини санъат, маҳорат деб таърифлашади: «Нутқ маданияти — сўз санъати соҳаси бўлиб, нутқ воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланилган ҳолда яхши гапириш ва ёзиш санъатидир»<sup>3</sup>.

Шуни ҳам айтиш керакки, нутқ маданиятининг келтирилган икки босқичини тил воситаларининг ўзигина таъминлай олмайди. Яхши, намунали нутқ адабий тил нуқтаи назаридан тўғри, маданий бўлиш билан бир қаторда у мазмунли, таъсирчан ва ўткир, чиройли ва гўзал, шунингдек ахлоқ ва одоб қоидаларига амал қилган ҳолда, нутқий шароитга мос равишда сўзланган ёки ёзилган бўлиши лозим. Айтилган хусусиятларни фақатгина тил воситалари таъминлай олмайди. Шу сабабли ҳам

<sup>1</sup> Актуальные проблемы культуры речи.— М.: Наука, 1970,—с. 83—85.

<sup>2</sup> Дегтерева Т. А. Становление норм литературного языка.— М., 1963, с. 171—172.

<sup>3</sup> Ефимов А. И. О культуре публичной речи.— М.: Знание, 1956.—с. 3.

нутқ маданияти ва унинг намунаси бўлмиш яхши нутқ *нолингвистик воситалар*, омилларга ҳам таянади. Булар нутқнинг *мазмуний аниқлиги* ва *тўғрилиги*<sup>1</sup>, *нутқнинг мантиқийлиги* ва *мантиқий — изчиллиги*<sup>2</sup>, *нутқнинг ахлоқ ва одоб доирасида сўзланиши*<sup>3</sup>, *нутқнинг чиройлилиги*<sup>4</sup>, *унинг психологик ва педагогик мезонларга*<sup>5</sup> жавоб бера олишлиги, нутқнинг умумий маданий талабларга бўйсунганлиги, мослиги, нутқнинг вазият ва шароитга мослиги<sup>6</sup> ва бошқалар. Мана шу маънода яхши, маданий нутқнинг юзага келиши — мантиқ билан, ахлоқий ва эстетикавий нормалар билан, руҳий, педагогик талаблар ва инсоннинг умуммаданий савияси мезонлари билан, аниқ нутқий шароитлар билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқ маданиятининг такомилда ҳатто ўринли қўлланган имо-ишоралар (паралингвистик воситалар) нинг ҳам роли бор. Шу сабабли нутқий алоқанинг бу томонини тилшуносликнинг янги тармоғи бўлмиш *паралингвистика*<sup>7</sup> ўрганади. Айтилганларга қарамасдан нутқ маданиятини таъминлашда лисоний мезонлар ўз етакчи мавқеини сақлаб қолади. Шу сабабли ҳам нутқ маданияти ҳақида гап борганда адабий тилни, унинг нормаларини эгаллаш масаласига асосий ўрин берилди. Тилда: синонимлар, омонимлар, антонимлар, фразеологик бирликлар, сўз вариантлари, мақол ва маталлар, бой услубий фигуралар, троплар, нутқий қолиплар, кўп маъноли сўзлар, неологизмлар, аксинча ўрнида қўлланган тарихий сўзлар ва архаизмлар ва бошқалар нутқни безайдиган воситалардир. Шу билан бирга ўзбек тилида номаданий, нутқ маданияти талабларига жавоб бера олмайдиган унсурлар ҳам мавжуддир. Булар дағал сўзлар, паразит сўзлар, варваризмлар, ўринсиз такрорлар, ҳожатсиз ишлатиладиган луғавий ўзлашмалар, тўмтоқ, ғализ жумлалар, синонимларни, паронимларни қўллаш доирасида юз берадиган нуқсонлар, сўз маъносининг но-зик томонларини, яширин услубий қирраларини етарли англамаслик натижасида юзага келадиган семантик-услубий хатоликлар, она шева таъсирида нутқда йўл қўйиладиган ноадабий талаффуз, сўзларни, қўшимчаларни ишлатишдаги

<sup>1</sup> Хубулашвили. Лекцияда конкретлик ва абстрактлик.— Тошкент: Ўзбекистон, 1979.

<sup>2</sup> Давидов В. С. Лекцияда исбот ва асослилик.— Тошкент: Ўзбекистон, 1981.

<sup>3</sup> Содиқова М. Нутқ этикаси.— Тошкент, 1972; Ризаев С. А. Нутқ маданияти ва одобига доир.— Тошкент, 1973.

<sup>4</sup> Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси.— Тошкент: Фан, 1981.

<sup>5</sup> Виноградов И. А. Лекция пропагандасининг педагогик асослари.— Тошкент: Ўзбекистон, 1981; Ерастов Н. П. Лекцияда логик ва психологик талабларнинг қўшилиб кетиши.— Тошкент: Ўзбекистон, 1981; Леонтьев А. А. Лекторнинг психологик қиёфаси. Тошкент: Ўзбекистон, 1980.

<sup>6</sup> Лунин Б. В. Лектор ва аудитория.— Тошкент: Ўзбекистон, 1979; Транс С. Мунозара санъати.— Тошкент, Ўзбекистон, 1981.

<sup>7</sup> Колшанский Г. В. Паралингвистика.— М.: Наука, 1974,— с. 6.

нуқсонлардир<sup>1</sup>. Нутқ маданиятини эгаллаш учун тилдаги мана шундай хусусиятларни ҳам яхши билиш лозим бўлади.

Хуллас, нутқ маданиятининг чинакам соҳиби бўлиш учун нутқ маданиятининг ҳар иккала босқичини мукамал эгаллаш лозим. Ушбу даражага эриша олган ҳар бир киши, ўз навбатида, ўзбек адабий тилининг суст меросхўригина эмас, балки ўзбек тилининг софлиги ва янада ривожини учун фаол курашувчи шахсга, *тилпарварга* айланиши шубҳасиздир. Чунки инсон учун ҳаётда лозим бўлган барча нарса ва қуроллар каби адабий тил ҳам доимий ғамхўрликка, ёрдамга муҳтождир.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА БОШҚА ФАНЛАР

Маълумки, ҳар қандай фан ҳам у ёки бу томонлари билан бошқа фанлар билан боғланган бўлади, унда кўтарилган масалалар, муаммолар бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганилади, баъзан уларнинг ҳам текшириш объекти бўлади. Баъзан эса маълум бир муаммони ҳал қилишга бошқа-бошқа фанлар ўз хусусиятларидан келиб ёндашади ва уни ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб ҳал қилади. Жумладан, *услугият* ҳам тилшуносликнинг, ҳам адабиётшуносликнинг текшириш объекти бўла олади. Фақат тилшунослик нуқтаи назаридан бошқа йўсинда, адабиётшунослик нуқтаи назаридан бошқа йўсинда текширилади. Услугиятга ҳар икки фан ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашади, икки хил муносабатда бўлади.

Нутқ маданияти фан соҳаси сифатида шаклланган экан, у албатта, бошқа фанлар билан муносабатда бўлади. Нутқ маданияти таълимотининг лингвистик ва нолингвистик фанлар ўртасида тутган ўрнини белгилашда унинг бошқа фанларга қай даражада алоқаси борлигини, поэтика, услубият, норматив грамматика каби таълимотлар билан алоқасини, улар орасидаги умумий томонлар ва тафовутларни аниқлаш катта аҳамиятга эгадир.

Рус тилшуноси Б. Н. Головиннинг қуйидаги фикрлари нутқ маданияти фанининг бошқа фанлар билан муносабатини аниқ ифодалайди: «... бу соҳа тилшуносликнинг барча бўлимларига, шунингдек руҳшунослик, мантиқшунослик, эстетика, социология, педагогика фанларига таяниб иш кўради. Нутқ маданияти, айниқса стилистика билан яқин муносабатдадир. Баъзи мутахассислар нутқ маданиятини услубиятга сингдириб юбормоқчи бўлишади, Ҳолбуки, услубиятнинг ўз предмети ва ўзига хос вазифалари бор»<sup>2</sup>,

<sup>1</sup> Аҳмедов Н. Диалектал хатоларни тузатиш йўллари.— Тошкент: Уқитувчи, 1968; Усмонов К. Диалектал хатолар ва уларни бартараф қилиш методлари. Совет мактаби, 1981, № 10, 28—29-бетлар; Чориев И. Уқувчилар нутқидаги диалектал хатоларни бартараф этиш. Совет мактаби, 1969, № 4, 25—27-бетлар.

<sup>2</sup> Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М., 1980, 7-бет.

Қўринадики, нутқ маданияти алоҳида соҳа сифатида шаклланган ва ўқув режаларига алоҳида фан сифатида киритилган бўлишига қарамай, бу соҳа айниқса тилшунослик фани билан жуда мустақкам алоқададир.

Нутқнинг алоқавий сифатлари ичида нутқнинг тўғрилиги энг асосий белгилардан ҳисобланади. Намунали нутқ биринчи навбатда тўғри тузилган нутқ бўлиши керак. *Нутқ тўғрилиги* эса адабий тил нормаларига тўла амал қилишга асосланади. Демак, нутқ маданиятида асосий нарса нутқ тўғрилиги бўлса бу эса адабий тил нормаларига амал қилиш орқали юзага келадиган бўлса, ўз-ўзидан ҳар бир халқ нутқий маданиятининг у ҳақидаги таълимотнинг асосини шу халқ тилининг нормати грамматикаси, шу халқ тили системаси ташкил этади.

Нутқ маданияти соҳаси тил ҳодисаларига бошқа томондан ёндашади: грамматик ҳодисалар, грамматик категориялар, тил қурилиши каби масалалар билан шуғулланмайди. Нутқ маданияти грамматик ҳодисаларга, тил фактларига асосан шу тил адабий нормаларига мос келиш-келмаслиги нуқтаи назардан ёндашади. Қандай ҳолатда нормага қатъий амал қилиш жуда зарур бўлиб, қандай ҳолатларда ундан чекиниш мумкинлиги, унга йўл қўйилиши мумкинлиги нуқтаи назардан баҳолайди. Грамматик категориялар, грамматик шакллар, тил бирикларига адабий тил нормаси талаби билан баҳо беради. Уларнинг табиати билан шуғулланмайди. Жумладан, масалан сўзнинг қайси туркумга оидлиги, қандай грамматик категорияларга, қандай фонетик ёки морфологик тузилишларга эга эканлиги нутқ маданияти фанининг текшириш объекти эмас. Бироқ ўша сўз ўзбек адабий тилида кенг қўлланадими, унинг қўлланиши, маълум бир шакли, талаффузи, маълум бир маъноси билан ҳозирги тилда ишлатилиб туриши ўзини оқлайдими ёки йўқми эканлиги нутқ маданиятига алоқадордир.

Масалан, архаизмларнинг ҳозирги адабий тилда ишлатилиши адабий тил нормасига мос келмайди. Улар тарихий хусусиятни бериш учун ишлатилгандагина ёки бошқа бирор мақсадда ишлатилсагина ўзини оқлайди. Нутқ маданияти у ёки бу сўз, у ёки бу шаклнинг ҳозирги кунда нутқ жараёнида ишлатилиши мумкинми ёки йўқми эканлигини белгилаб, ишлатилиш шароитларини кўрсатиб беради.

Тилдаги сўзлар, грамматик шаклларнинг маъно ва вазифалари, уларнинг тузилиши тилшуносликда ўрганилади. Бироқ нутқнинг маълум бир жараёнида ўша сўз ёки грамматик шакл қайси шаклда ва қайси маъносида қўлланиши мумкинлиги, қўллашнинг ўзини оқлаш-оқламаслиги нутқ маданиятига алоқадордир.

Нутқ маданиятининг алоқавий сифатларидан ҳисобланган *мантиқлилиқ* ва *таъсирчанлик* ҳам, маълумки, адабий тил нормаларига тўла амал қилиш орқали таъминланади. Нормага амал қилмаслик мантиқсизликни вужудга келтириб қўйи-

ши, нутқни бузиши мумкин. Масалан, «*Кунлар исиб кетди, музлар эриди*» гапни олайлик. Бу гап боғловчисиз қўшма гапдир. Грамматик қурилиш тўғри, сўзлар ўзаро тўғри боғланган, қўшма гап қисмлари ҳисобланган ҳар бир содда гап орқали ифодаланган фикр ҳам тўғри, умумий фикр ҳам мантиққа мос келади. Шу гапни «*Музлар эриди, кунлар исиб кетди*» шаклида ўзгартириб кўрилса, яна ҳар бир гап ифодалаган фикр ҳам, сўзларнинг бирикиши ҳам тўғрилигича қолаверади. Бироқ энди мантиқ бузилади. Демак, бу қўшма гап қисмларининг ўринлашиш тартиби фақат биринчи ҳолатдаги каби бўлиши лозим. Ёки: *Борамиз биз уйимизга* тарзида қўллаш адабий нормага мос эмас. Ўзбек адабий тилида одатда эгнинг олдин, кесимнинг гап охирида келиши грамматик нормадир. Шунга кўра, бу гапдаги бўлақлар *Биз уйимизга борамиз* гапдаги каби жойлашиши керак, акс ҳолда нутқ тўғри бўлмайди, мантиқ бузилади, таъсирчанлик таъминланмайди.

Кўринадики, лисоний воситаларни юқоридаги каби нотўғри қўллаш, биринчидан нутқни бузса, иккинчидан, мантиқийликка ва таъсирчанликка таъсир қилади. Демак, адабий тил нормасининг бузилиши, нутқ сифатий хусусиятига салбий таъсир қилади. Ана шунинг учун ҳам нутқ маданияти соҳаси тилшунослик фани билан — норматив грамматика билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бўлади ва унга таянади.

Нутқ маданиятининг сифатларидан бири *нутқнинг бойлигидир*. Нутқнинг бойлигини тилнинг луғат бойлиги таъминлайди. Шунинг учун ҳам тилда луғатларнинг ўрни каттадир. У сўзловчи учун катта бир хазина бўлиб, нотик ана шу хазинадан баҳраманд бўлсагина ўз нутқини бой қила олади. Маълумки, янги сўзлар, атамаларнинг ҳосил қилиниши, ўзлаштирилиши тилшунослик фанининг текшириш объектидир.

Нутқ маданияти соҳасининг *лексикология* ва *семасиология* соҳалари билан узвий боғлиқлиги ҳеч шубҳасиздир. Нутқий аниқлик ва мантиқийликни тилнинг сўз бойлигини эгалламасдан, ҳар бир сўзнинг маъноларини аниқ билмасдан туриб таъминлаш мумкин эмас. Жумладан, тилдаги синонимларни яхши билмасдан туриб, тушунчаларни аниқ ифодалаб бўлмайди. Масалан, юз сўзи англатган тушунча билан *башара* сўзи англатган тушунча бир эмас: *Башаранга одам қараб бўлмайди* гапларини олиб қарайлик. Бу иккала гап маъносида гўё фарқ йўқдек. Бироқ биринчи гапда шахснинг бутун гавдаси, уст-боши кўзда тутилса, иккинчи гапда юзи кўзда тutilади. Демак, юз ва *башара* сўзлари ўзаро синоним бўлсада, улар англатаётган тушунчалар бир-биридан фарқ қилади.

Тилнинг сўз бойлигини, унинг синонимлар, антонимлар, қолаверса, омонимлар системасини, ҳар бир сўзнинг ўзига хос маъно ва грамматик хусусиятларини, уларнинг ўзаро муносабатларини яхши билиш — нутқнинг тозалиги, таъсирчанлиги, ифодалилиги, жўялилиги, қисқалиги каби кўпгина бошқа ало-



қавий сифатларни ҳам таъминлайди. Ўзбек тилида мавжуд бўлган луғавий имкониятларни билмаслик натижасида, масалан, елвизак сўзи ўрнида *сквозняк* ёки томорқа сўзини билмаслик натижасида унинг ўрнида ҳовли ёки бошқа сўзни ишлатиб қўйиш кабилар ўз-ўзидан нутқ тозалигига путур етказди, синонимларни билмаслик нутқ ифодалилигига салбий таъсир қилади; жумла тузишни билмаслик, грамматик қоидаларни тўғри эгалламаслик нутқ тежамлилигига зарар қилади ва ҳоказо.

Юқорида айтганимиздек, тилнинг луғат таркибини яхши билмасдан туриб бой нутққа эришиб бўлмайди. Демак, нутқ маданияти илмий тармоқ сифатида *луғатшунослик (лексикография)* билан узвий алоқадордир.

Луғатларнинг хазина эканлигини, нутқ малакаларини оширишда жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўпгина буюк олимлар, ҳар хил соҳаларнинг мутахассислари, ёзувчилар, шоирлар доимо таъкидлаб келишган.

С. Ақобировнинг қуйидаги фикри жуда аҳамиятлидир: «Фикрни қисқа, аниқ ва тўғри ифодалаш учун энг мувофиқ сўз топиш керак бўлган ҳолларда ҳам луғатлардан фойдаланилади»<sup>1</sup>.

Нутқ маданияти соҳасининг текшириш объекти нутқнинг алоқавий сифатлари йиғиндиси ва тизимини, уларни таъминловчи шарт-шароитлар, шу сифатларнинг такомиллашуви, ривожини ёки қолоқлашиши, пасайиши кабиларни ўз ичига олса; услубият соҳасининг объекти тил ва нутқ услубларини ўрганишдир. Модомики услубият нутқ услубларини ҳам ўрганар экан, худди шу ҳолатда нутқ маданияти билан унинг муносабати вужудга келади. Чунки нутқ маданияти ҳақидаги таълимот ўз-ўзидан тил услубларини батафсил акс эттириш, ҳар бир услубнинг ўзига хос томонларга эга эканлигининг имкониятларининг ёритилишига эҳтиёж сезади. Чунки нутқнинг алоқавий сифатлари, одатда, ҳар бир услуб доирасида ўзгариши, бири бир услубда яхшироқ намоён бўлгани ҳолда, иккинчиси бошқа бир услубда сустроқ намоён бўлади. Масалан: публицистик услубда аниқлик, тўғрилиқ биринчи ўринга чиқса ва яхшироқ намоён бўлса, бадий услубда ифодалилик, тасвирийлик, образлиқ, мантиқлиқ каби сифатлар биринчи ўринга чиқади. Яхшироқ намоён бўлади. Бадий услубда бадий тасвир воситаларидан кенг фойдаланилади. Шунинг учу ҳам, баъзан, бадий услубда эскирган ва лаҳжавий сўзларда ҳам фойдаланилади, баъзан сўз шаклларининг ўзгартирилишига ҳам рухсат этилади.

Нутқ маданияти ҳақидаги таълимот нутқ услубларининг нутқ алоқавий сифатларига баъзан ижобий, баъзан салбий таъсир қилиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам ўрга

<sup>1</sup> Ақобиров С. Луғат — сўз хазинаси. — Т.: «Фан» 1977, 3-бет.

нади. Чунки кишилар ҳар қандай шароитда ва ўз фаолиятларининг ҳамма соҳаларида бир-бирлари билан алоқада бўлар эканлар, уларнинг ҳар бири ўз тилидаги луғавий, грамматик ва бошқа воситаларни танлаб ишлатишга ҳаракат қилади.

Уларнинг ҳар бирида танлаш ва ишлата билиш қобилиятлари, тил воситаларига эга эканлик даражалари ҳар хилдир. Тил, маълумки, ҳамма учун умумий. Бироқ бир соҳа кишилари билан, иккинчи соҳа кишиларининг сўз бойлиги, сўзларни ишлата билиш қобилиятлари ҳар хилдир. Бу нарса эса ўз-ўзидан турлича нутқ кўринишларини вужудга келтиради. Доимо расмий ишда ишлаган одам билан фан вакилларининг ёки колхозчи билан завод ишчисининг нутқи ана шу тарзда бир-биридан фарқланиб қолади. Бундай ҳол нутқ типларини вужудга келтиради. Шу ўринда, масалан газета услуби, бадиий услуб, сўзлашув услуби каби услубларнинг ўзаро фарқларига эътибор беришнинг ўзи ҳам кифоя қилади: «Чой-чақасини ундан-бундан қилиб, таралласини тортиб юрган Тошпўлат етти ярим сўлкавойни тағин қайси гўсхўрдан олсин, а, ё бобоғимни сотиб берайми? Ёки сайратмамними? Этигим бўлсаку, ўн беш кундан бери гаровда, чопонни бўлса ўткан кун ўзингнинг олдинда уч сўлкавойга сотдим. Худо ҳақи, галавам айнади!» (А. Қодирий).

Бу парчадаги чой-чақасини, ундан-бундан, таралласини, сўлкавойни, тағин, гўсхўр, бобоғим, гаровда, ўткан кун, худо ҳақи галавам айнади сўз ва сўз бирикмалари асосан сўзлашув услубига хос бўлиб, оғзаки сўзлашув нутқида ишлатилади. Бу сўзларнинг публицистик услубда ишлатилиши қийин.

Кўринадики, услубият билан нутқ маданияти бир-бирини тамомила инкор этмайди, аксинча, бир-бирини тўлдиради, алоҳида-алоҳида соҳа бўлишларига қарамай, бир-бири учун хизмат қилади.

Нутқ маданияти илмий соҳа сифатида *мантиқшunosлик* ва *руҳшunosлик* фанлари билан чамбарчас алоқада бўлади. Маълумки, мантиқий тушунчалар ва ҳукмлар билан иш юритади. Модомики, тушунчалар сўз билан; фикрлар, ҳукмлар гап билан ифодаланар экан, ана шу сўзлар ва гаплар билан улар ифодалаган тушунчалар ва ҳукмларнинг бир-бирига мос келган-келмаганлиги, улар ўртасида зидликнинг бор-йўқлиги муҳимдир.

Маълумки, сўзлар кўп маъноли бўлади ва улар бир неча тушунчани ифодалаши мумкин: *оёқ* — одамнинг оёғи, стулнинг оёғи, машинанинг оёғи каби. Шунингдек, сўз ўзгармай қолгани ҳолда тушунча ўзгариб кетиши мумкин: *синф* тушунчаси ўзгарган, сўз эса қолаверган: *домла* тушунчаси ўзгарган, сўз эса ўша-ўша.

Худди шунингдек, ҳар бир ҳукм албатта маълум бир гап орқали ифодаланса-да, баъзан гап билан ҳукм бир-бирига мос келмай қолиши ҳам мумкин. Масалан, фарзандни ким

севмайди, дейсиз? гап, сўроқ гап, инкор шаклида, бироқ ундан тасдиқ ҳукми аниқлашилади. Риторик сўроқ гаплар аниқ шундай хусусиятларга эгадир. Бир ҳукм баъзан бир неча гап орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунинг натижасида синтактик синонимия вужудга келади: *Мен бу китобларни укам яхши ўқисин деб олдим. // Мен китобларни укам яхши ўқисин деган мақсадда олдим* каби.

Ҳар икки гап ҳам тўғри тузилган. Улар ифодалаган ҳукмда ҳам зидлик йўқ. Демак, нутқда мантиқсизлик кузатилмайди. Ана шу нутқда мантиқсизлик йўқлиги мантиқий категория ҳи собланган ҳукмнинг тўғрилиги билан тасдиқланади. Берилган ҳукм икки хил гапда ифодаланган экан, бирида ҳиссийлик йўқ иккинчисида эса қисман бўлса-да ҳис-туйғу бор.

Яна қиёсланг: *Баҳор келди*. Дарак гап; *Баҳор келди?* Сўроқ гап; *Баҳор келди!* Ундов гап. Нутқда оҳангнинг ўзгариши натижасида гап мазмуни ҳам ўзгарган. Демак, сўз ва гапларда тушунча ва ҳукм акс этишидан ташқари инсоннинг сезгиси, кайфияти, хоҳиши, истаги, кечинмалари ҳам ўз аксини топган бўлади: *бошим оғрийди — бошгинам оғрийди; укам — укагинам; Мени қийнаб юборди — Мени адоий тамом қилди. Хотинчангиз ишламайдиларми? — Келин ойим ишламайдими?* кабилар.

Ўзбек тилида *ораз, чеҳра, висол, жамол* каби сўзлар юз тушунчасига ижобий муносабатни ифодаласа, *турқ, башара, афс* сўзлари салбий муносабатни ифодалайди.

Нутқ маданияти билан *руҳшуносликнинг* муносабати, нутқнинг ўринли-ўринсиз эканлигини белгилашда намоён бўлади. Сўзловчи ҳар хил вазиятларда, ҳар хил одамлар ўртасида бўлади. Демак, у ўз нутқини ана шу вазиятлар ва одамлар ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тузиши керак. Бундан ташқари тингловчилар кайфияти деган нарса ҳам бор. Агар тингловчиларнинг зеркиб турганлиги сезилиб турса-ю, нутқ қанчалик тўғри бўлмасин, нотиқ ўша зерикканликни ҳис қилмаса ва нутқни чўзиб юборса, унинг таъсир кучи йўқолади.

Нутқни таъсирчан қилишда тилнинг тасвирий воситаларидан ҳисобланган метонимия, метафора кабилардан фойдаланилади. Нутқ маданияти билан *руҳшунослик* муносабатида кўпроқ нотиқнинг у ёки бу фикрни баён қилишда одамлар кайфиятини ҳисобга олиши биринчи ўринда туради. Ҳар би кишининг, умуман тингловчининг кайфиятига қараб нутқ сўзлаш тақозо этилади. Тингловчилар билан самимий муомала ҳамма вақт нотиқнинг асосий вазифаси бўлиши лозим. Тингловчиларнинг юз ва кўз ифодаларини кўрмай, сезмай туриб энг зўр, зарур гапни айтиб юборишни ўйлаб кўриш керак. Ана шундай зарур гаплар ҳамманинг диққати тортилган пайтда айтилиши зарур.

Ҳамма вақт ҳам тингловчилар олдида уялиб қолмаслик ноўрин сўзларни, гапларни ишлатиб юбормаслик учун нотиқ

одамлар руҳиятини чуқур кузатиши лозим, уларни қизиқти-  
раётган нарсаларни топишга ҳаракат қилиши, бошқа мавзу,  
бошқа ҳодисаларга ўтиб кетмаслиги керак.

Ҳар бир нотиқ унинг нутқи қандай тузилганда, тилнинг  
қандай тасвирий воситаларини қайси ҳолатларда, нутқнинг  
қайси жисмида ишлатганда тингловчилар кайфиятига таъсир  
қилишини, улар кайфиятини ўзгартиришини яхши билиши ло-  
зим. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Нутқ маданияти *нафосат (эстетика), бадий адабиёт, ада-  
биётшунослик, адабий танқидчилик* каби фанлар билан узвий  
алоқададир. Чунки яхши нутқ тингловчига эстетик завқ бе-  
риши керак, уни ҳаяжонлантириши лозим. Бадий нутқ эса  
таъсирчан нутқ бўлади, шу орқали кишилар онгига таъсир  
этади. Ундай нутқ эгаси бадий тасвир воситаларидан жуда  
кенг фойдаланади.

Бадий нутқнинг адабий тил нормаларига муносабати ҳам  
бошқача. Унда баъзи адабий нормадан чекинишлар ҳам уч-  
раши мумкин. Бироқ бунда маълум бир мақсад кўзда тутил-  
ган бўлади.

Хуллас, нутқ маданияти соҳаси кўпгина бошқа фанлар би-  
лан ҳам ўзаро муносабатда бўлади. Айниқса унинг тилшунос-  
лик, услубият, нотиқлик санъати, матншунослик, руҳшунос-  
лик, фалсафа ҳамда адабиётшунослик фанлари билан алоқа-  
си жуда мустаҳкамдир.

## НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ

Мавжуд лингвистик адабиётларда *нотиқ, нотиқлик, нотиқ-  
лик санъати; воиз, воизлик, воизлик санъати* каби тушунча ва  
атамаларга дуч келамиз. Халқ орасида: сўзга чечан, сўзга уста,  
сўз устаси, сўзамол, сўзамоллик, сўзни боппайди, гапни дўнди-  
ради, гапга уста, чиройли гапирди сингари иборалар бор.  
Келтирилган сўз ва ибораларнинг барчаси инсон нутқининг,  
инсон нутқи камолотининг даражасини, умумий, жўн нутқдан  
фарқланадиган нутқ намуналарини ифода қилади. Ҳамма ҳам  
агар у нутқий нуқсон билан туғилмаса (соқов, дудмал бўлма-  
са) гапирди. Аммо ҳамма ҳам бир хилда гапга чечан, ўта  
чиройли гапирувчи бўлавермайди. *Нутқий чечанлик* — *нотиқ-  
лик* алоҳида қобилиятдир. Классик маънодаги нотиқлик — бу  
алоҳида фавқулодда нутқий санъатдир. Чинакам нотиқлар но-  
тиқлик маҳоратига (санъатига) табиий қобилият билан бир  
қаторда ўз тили, нутқи устида тинимсиз ишлаш натижасида  
эришадилар.

Ўтмишда ва ўтмишга оид адабиётларда алоҳида нутқий  
маҳорат (нутқий санъат) бўлган нотиқлик кўринишлари  
одамларнинг кундалик нутқидан, нутқий фаолиятдан фарқ-  
ланган. Чинакам санъат, алоҳида қобилият маъносига  
нотиқлик барча кишилар учун ҳам хос бўлмаган.

Ҳар қандай нутқ «нотиқлик» намунаси (санъат сифатида) ва унинг эгаси чин маънода «нотиқ» (санъаткор маъносида) деган гап эмас. Нотиқлик қадимий даврдан бери алоҳида маҳорат, санъат сифатида, инсондаги махсус, ноёб қобилият тарзида талқин этиб келинади<sup>1</sup>. Шу туфайли нотиқликни (улар орасидаги боғлиқликни инкор этмаган ҳолда) нутқ маданиятидан фарқлаш лозим. Ҳар қандай оғзаки нутқ шакли нутқий маҳорат маъносидаги нотиқлик бўлавермайди. Сўзлаш маданияти ҳақида гап юритилувчи ва ҳатто лекторлар, тарғиботчиларга (булар орасида ҳам ҳақиқий маънодаги нотиқлар кам учрайди) мўлжалланган асарлар ҳам, бизнингча, «Нотиқлик санъати»<sup>1</sup> номи билан аталавермаслиги керак.

Ўзбек тилшунослиги ва санъатшунослигида нотиқлик санъати ва унинг ўтмиши етарли ишланган эмас. Шу туфайли ўтмиш шарқ нотиқлиги билан ҳозирги маънодаги нутқ маданияти соҳаси орасидаги кўпгина ўхшаш ҳамда фарқли томонлар биз учун қоронғидир. Нутқ маданияти соҳаси ва унинг мақсадини оммага етказишда ўтмиш нотиқлигининг ижобий томонларидан кенг фойдаланиш зарур. Ушбу нотиқликнинг кўпгина кўрсатмалари, қоидавий ҳолатлари, таниқли нотиқларнинг шахсий қобилият ва фаолиятлари нутқ маданиятини тарбиялашда яхшигина намунавий ташвиқот қуроли бўлиши мумкин. Бу масала С. Иномхўжаевнинг ишларида яхши кўрсатилган<sup>3</sup>.

Маълумки, нотиқлик санъатида тингловчини, оммани ўзига тортишга интилиш мақсади биринчи ўринда туради. Нотиқ нутқи чиройли, жозибали бўлиши шарт. Чиройлиликка эришиш учун нутқнинг мазмунига, мантиқий кучига, жумлалар жимжимадорлигига катта эътибор берилади. Ушбу маънода мана бу сатрлар анча ўринли айтилган: «Нотиқлик аввало чиройли гапиришдир. Аммо нутқнинг фақат чиройли бўлиши ҳали етарли эмас, ҳар қандай бемаъни сафсаталарни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу эса нотиқлик эмас, вайсақилик саналади»<sup>4</sup>.

Г. О. Винокур ўзининг «Қультура языка» асарида нутқ маданиятининг нотиқлик билан боғлиқ томонларига алоҳида тўхталади. У нотиқликни шундай тушунтиради: «Нотиқлик нутқи деганда мен ҳар қандай монологик оғзаки нутқни эмас, балки тингловчиларни маълум ҳаракатга чорловчи ёки улар-

<sup>1</sup> Об ораторском искусстве.— М.: Политической литературы, 1973; Имомхўжаев С. Ўтмиш шарқ нотиқлиги.— Тошкент, 1972 ва б.

<sup>2</sup> Аҳмедов А. Нотиқлик санъати — Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 1967.

<sup>3</sup> Иномхўжаев С. Ўтмиш шарқ нотиқлиги.— Тошкент, «Билим» жамияти, 1972.

<sup>4</sup> Содикова М., Жўраева Ж. Сўздан сўзнинг фарқи бор.— Тошкент: «Фан» 1966, 7—8-бетлар.

да қандайдир ғоялар, тасаввурлар тизимини уйғотишга қаратилган махсус вазифа бажарувчи нутқни тушунаман»<sup>1</sup>.

Г. Винокурнинг таъкидлашича, икки тип нутқда — ёзма нутқ ва нотиқликда тилга кўпроқ онгли муносабатда бўлинади. У ёзади:

«...худди ёзма нутқ каби, нотиқ нутқи ҳам нутқий жараёнга онгли муносабатда бўлишлик билан характерланади, аммо бу онглилик гапдаги тил воситаларининг луғавий-грамматик, синтактик мухтасар тузилишида эмас, балки нутқнинг ташқи, экспрессив сифатларида кўринади. Бунга у ёки бу услубга хос талаффуз, оҳанг, риторик фигуралар ва шу кабилар киради. Нотиқлик нутқи синтактик нуқсонлар, мураккабликлардан ҳоли бўлар экан, бу ўша ташқи ифодавийлик ҳолатлари туфайлидир. Шунинг учун ҳам стенограммаларни ўқишда қийналамиз, ҳар бир нотиқ ўз нутқини босмага берар экан, стенограммага тузатишлар киритишга мажбур бўлади»<sup>2</sup>. Аммо ҳозирги кунда нотиқлик тушунчаси ва нотиқ (оратор) термини алоҳида маҳорат ва санъат маъносидан эмас, балки жўн, оммавийроқ маънода тушунилмоқда ва қўлланмоқда. Ҳозирда нутқ сўзлаган ҳар қандай шахсни (унинг нутқий маҳоратидан қатъи назар) нотиқ деб юритилади. Натижада, нотиқ термини ўз асл (классик) маъносидан узоқлашди ва у расмий ёки норасмий сўзга чиққан ҳар бир нутқ эгасини (докладчини, лекция ўқувчини, мажлисларда сўзга чиқувчини ва умуман нутқ сўзловчини) англатадиган бўлди. Бу ҳол эндиликда нормага (одатга) айланиб қолди.

Нотиқ ва нотиқлик тушунчалари доирасининг бундай кенгайиши, оммавийлашуви нотиқлик санъати соҳаси ҳақида ёзилган илмий ишларда ҳам «нотиқлик» ва «нотиқлик санъатини» оддийроқ ва кенгроқ маънода тушуниш ва тушунтиришга олиб келди. Бунга кўра, нотиқлик санъати эндиликда қандайдир нутқий маҳорат (ноёб қобилият, санъат) эмас, балки ҳар қандай одам эгаллаши мумкин ва лозим нарса сифатида талқин этилади<sup>3</sup>.

Классик маънодаги нотиқлик маҳорати ва санъатини келтирилган ҳолда демократлаштириш нотиқлик санъатидаги талантни, табиий қобилиятлилиқ сингари ҳолларни ҳам ўта соддалаштиришга, ҳатто инкор этишгача олиб келган. Масалан: Е. А. Ножин фикрича, нотиқлик ҳар қандай оғзаки сўзланган нутқ ва нотиқ ҳар қандай нутқ сўзлаган ва сўзловчи шахс<sup>4</sup>.

Келтирилган мулоҳазалардан кейин нутқ маданияти билан нотиқлик санъати орасидаги муносабатни белгилаш муайян қизиқиш уйғотиши аниқ.

<sup>1</sup> Винокур Г. Культура языка, 1929, с. 81—82.

<sup>2</sup> Уша китоб, 175-бет.

<sup>3</sup> Ножин Е. А. Основы советского ораторского искусства. М.: Знание, 1973, — с. 4.

<sup>4</sup> Ножин Е. А. Келтирилган асар, 9-бет.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати умумий, ўхшаш томонларга эга. Ҳар иккала соҳа тил ва нутқ, инсон нутқи билан алоқадордир. Ҳар иккаласи кишилар нутқий фаолиятининг фойдали, таъсирчан, ўткир бўлиши учун курашади, инсоннинг нутқий маданиятини, унинг нутқий ҳаётини ўстиришга хизмат қилади. Нутқ маданияти ҳам, нотиклик ҳам нутқий одоб, нутқий гўзаллик, нутқий мантиқ қонуниятларидан озиқланган ҳолда иш кўради. Аммо шунга қарамасдан бизнинг назаримизда *нутқий санъат маъносидаги нотикликни*, яъни фавқулудда нутқий маҳорат ва қобилият бўлган нотикликни *оммавий нутқ (нотиклик)дан* фарқлаш лозимга ўхшайди.

Баъзи шахсларда учрайдиган нотиклик санъати оғзаки нутқ соҳасида шахсий қобилият ва фаолият туфайли эришилувчи алоҳида санъатдир. Нотикликда қобилият ва маҳоратнинг меҳнат билан қўшилиб кетганини кўриш мумкин. Ҳар бир халқнинг ўтмиш маданий ҳаётида бу халқдан етишиб чиққан ва чин маънода нотик деган муътабар номга сазовор бўлган шахсларнинг унчалик кўп эмаслиги ҳам аслида ана ўша омил туфайлидир.

Нутқ маданияти тушунчаси айнан нотиклик санъатининг ўзи эмас, аммо у нотиклик маҳоратига нисбатан олганда қандайдир ўта оддий ва ўта сийқа тушунилувчи ҳодиса ҳам эмас. Бу ўринда В. Г. Костомаров томонидан айтилган ушбу сатрларни келтириш ўринлидир: «Нутқ маданияти нотиклик санъати, гапга чечанлик («красноречие») ёки бадий сўз санъатига эриштиришни кўзда тутмаса ҳам у нутқда фақат грамматик нормаларга амал қилиш масалалари билангина чегараланмайди. Бошқача айтганда, нутқ маданияти фақат тўғрилиқнинг ўзидангина иборат эмас. Нутқ маданиятига нутқнинг турли услуб ва жанрига хос бўлган тил вариантларини, фикр ифодалашнинг кўп сонли воситаларини эгаллаш, шунингдек нутқнинг ижтимоий анъаналардан келиб чиқувчи турлича типлари ва жанрларини ушлаштириш ҳам тааллуқлидир»<sup>1</sup>.

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, нутқ маданияти ва нотиклик тушунчалари орасида баъзи ўхшашлик, умумий томонлар бор. Бу ҳар иккала соҳанинг мақсадида, иш кўриш қуролининг умумийлигида кўринади. Аммо шунга қарамасдан *нутқ маданияти* тушунчаси билан нотиклик тушунчаси айнан бир нарса эмас. Улар орасида баъзи муҳим фарқли томонлар, белгилар бор. Булар қуйидагилардир:

1. Нутқ маданияти, чинакам маънода адабий тил билан боғлиқ ҳодисадир. Унинг пайдо бўлиши, лисоний асоси, талаб ва мезонлари адабий тил ва унинг нормалари билан боғлиқдир. Нотиклик санъати учун булар асосий белгилар эмас. Нотиклар орасида адабий тил талабларига тўла амал қилмай-

<sup>1</sup> Костомаров В. Г. Культура языка и речи в свете языковой политики // Язык и стиль.— М., 1965,— с. 54.

диганлар, маълум лаҳжа ёки шевада ҳам чинакам нотиқлик санъатини намоиш қилувчилар учрайди. Сўзга чечанлик, нотиқлик тил материалининг характериға қараб эмас, нутқнинг таъсирчанлигига, нутқий санъатга қараб белгиланади.

2. Нотиқлик — бу нутқнинг оғзаки шаклидир. Нотиқлик санъати — оғзаки нутқ санъатидир. Нутқ маданияти эса нутқнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун тааллуқли тушунчадир.

3. Нутқ маданияти жамият аъзоларининг умумий нутқий фаолиятини кўзда тутлади. Нутқ маданияти соҳасининг мақсад ва пировард орзуси барчанинг, бутун халқнинг нутқини маданийлаштиришни мўлжаллайди. Классик маънодаги нотиқлик эса, алоҳида шахсларнинг нутқий маҳоратини, санъатини ифодалайди. Нотиқлик, асосан, нутқ воситасида кишиларга муайян ғоя ва мақсадларни етказишни, уларни маълум мақсадга сафарбар қилишни кўзда тутлади. Яъни, нотиқлик санъатида тингловчиларни маълум мақсадга жалб қилиш асосий ўрин тутлади. Шу сабабли ҳам проф. В. Д. Кудрявцев нотиқлик нутқига шундай изоҳ беради: «Ҳар қандай оғзаки нутқ нотиқлик нутқи бўлиб, у ниманидир тушунтириш ва исботлашгина эмас, балки тингловчилар тушунчасига таъсир этишни ҳам мақсад қилиб олади»<sup>1</sup>.

4. Санъаткор нотиқ нутқи асосан кўпчилик тингловчига, кенг аудиторияларга мўлжалланган бўлади. Нотиқни бирдан ортиқ шахслар тинглайди. Нутқ маданияти мана шундай тингловчилардан ташқари кишилар орасида одатий суҳбатларни, якка кишига қаратилган нутқларни ҳам ўз ичига қамрайди.

5. Ҳар бир киши она тилининг имконият ва бойликларини яхши эгаллаган, нутқ маданияти талабларига жавоб берадиган сўзамол шахс бўлиши мумкин. Аммо ҳар бир шахс ҳам санъаткор маъносидаги нотиқ бўлмаслиги, бўла олмаслиги мумкин. Лекин адабий тилдан фойдаланувчи ҳар бир нотиқ нутқ маданиятидан хабардор бўлиши шарт. Бу ўринда Т. А. Дегтереванинг ушбу фикрларини келтириб ўтиш ўринлидир: «У (мактаб — Э. Б.) келажак сўз санъаткорларида нутқ маданияти асосларини шакллантиради. Бирорта ёзувчи ҳам, бирорта сиёсий ва илмий асарлар муаллифи ҳам, нотиқлик санъатининг бирорта даҳоси ҳам йўқки, нутқ маданиятининг мактаб берувчи тайёргарлигидан ўтмаган бўлсин»<sup>2</sup>.

6. Нутқ маданияти кўпчиликни, кенг халқ оммасини кўзда тутиб иш қурувчи соҳадир. Бу маънода нутқ маданияти кенг омма учун мўлжалланган талабдир, аммо нотиқлик — бу аввало қобилият, шахсий қобилиятдир<sup>3</sup>. Алоҳида санъаткорлик

<sup>1</sup> Кудрявцева В. Д. Основы ораторского искусства.— Иркутск, 1961, с. 3.

<sup>2</sup> Дегтерева Т. А. Становление норм литературного языка.— М., 1963.— с. 170.

<sup>3</sup> Жалолов Ҳ. С. М. Кировнинг нотиқлик маҳорати.— Тошкент: Ўзбекистон, 1981.



маъносидаги нотиқлик (классик маънода) нутқий санъатни, нутқий гузалликни ҳисобга олади. Нутқ маданияти эса кишиларнинг барчасини санъаткор нотиқ қилишни кўзда тутмайди. У, асосан, она тилида ёки ўзга бир тилда тўғри, маданий гапира олиш ва ёза олиш фаолиятини тарбиялашни мақсад қилиб олади. Шу сабабли тўғри ва мазмунли сўзловчи барча киши ҳам ҳали санъаткор нотиқликни даъво қила олмайди. Фикримизнинг далили учун А. Н. Кунициннинг «Лекторнинг нотиқлик санъати ҳақида» номли асаридан А. В. Луначарскийнинг нотиқлик қобилияти ҳақида ҳикоя қилинган ушбу ўринларни келтирайлик: «1925 йили Россия фанлари академияси юбилей сессиясига бутун илм олампидан вакиллар келади. У (Луначарский — Э. Б.) булар олдида рус фанининг шуҳратини кўз-кўз қилди. Маориф халқ комиссари Луначарский 1917 йилдан кейинги етти ярим йил даврида Россияда эришилган фан ютуқлари ҳақида маъруза қилади. У билардики, маърузани турли миллат вакиллари эшитишади. У ўз маърузасини рус тилида бошлайди, немис, инглиз, француз, италян тилларида давом эттиради ва энг соф классик лотин тилида тугаллайди. Ҳамма ҳайратда қолган эди. Тингловчиларнинг ҳеч бири бунинг уддасидан чиқа олмасди. Париж газеталаридан бири кейинчалик бу ҳақда шундай ёзди: «Дунёда энг маърифатли маориф министри Россиядадир»<sup>1</sup>.

7. Нутқ маданияти — бу фақат нутқ ҳақидаги нутқий фаолиятга тегишли тушунча ва соҳа эмас, у тил маданияти билан ҳам, яъни адабий тилни ва унинг нормаларини ўрганиш ва бу нормаларни қайта ишлаш иши билан ҳам шуғулланади. Нотиқлик санъати эса бундай илмий-норматив фаолиятни кўзда тутмайди.

8. Нотиқлик, кўпроқ нутқнинг мазмунига, мантиқий асосларига, мундарижавий тузилишига эътибор қилади, нутқ маданияти соҳаси эса кўпроқ нутқнинг тил қурилиши — лисоний тузилишига эътибор қилади.

9. Нотиқлик, асосан, аниқ бир шахс — нотиқ ёки гуруҳлар — нотиқлар нутқи ҳақида қайғуради. Бунда у нотиқни тинглаётганлар, яъни кенг маънода тингловчилар оммаси нутқини ҳам кўзда тутмайди. Нутқ маданияти эса, бундан фарқли равишда умуман кишиларнинг нутқий фаолиятини, нутқ маданиятини кўзда туттади. Шу сабабли нутқ маданияти мақсадига кўра ва нутқий фаолияти нуқтаи назаридан кенг мақсадли соҳа, нотиқлик эса тор соҳасидир.

10. Нотиқлик санъати нотиқ учун олдиндан қандай сўзлаш схемаси ва режасини бермайди ва бу тип нутқ доимо ҳам олдиндан тайёрланган, тайёргарлик кўрилган нутқ эмас, нутқ маданияти соҳаси эса жамият аъзоларини она тили, яъни ада-

<sup>1</sup> Куницын А. Н. Об ораторском искусстве лектора.— Ленинград, 1969, с. 11.

бий тил бойликлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ, шароит ва услуб тақозоси талабига кўра ўринли фойдалана олиш кўникмасини беради. Бундай кўникма, аслида, ҳар қандай санъаткор нотиқ учун ҳам зарур.

11. Нотиқлик ва нотиқлик санъати ҳақидаги фан анча қадимий тарихга эга<sup>1</sup>, нутқ маданияти илмий муаммо ва илмий соҳа сифатида ҳали янги ва ёшдир.

## ОММАВИЙ ЛЕКЦИЯЛАР ВА МАЪРУЗАЛАРДА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Мафкуравий ва илмий тарғибот кишилар ўртасида махсус лекциялар ўтказиш, маърузалар қилиш, ҳар хил суҳбатлар уюштириш кабилар орқали амалга оширилади. Ана шу лекциялар, маърузалар, суҳбатлар ва ҳар хил чиқишларнинг оммага қай даражада таъсир қилиши; уларни ишонтириш, кайфиятларини ўзгартириш, улар диққатини қўйилаётган масалаларга тортиш лекторлардан жуда катта маҳорат талаб қилади. Чунки ҳар бир нутқ оммани ишонтира оладиган, уларга тушунарли, ёрқин, таъсирчан, мантиқли ва аниқ бўлгандагина кишиларга ўзгача таъсир қилади. Ана шуларни таъминлаган нотиқ эса ўз олдига қўйган мақсадга тўла эришади.

Таниқли нотиқлар ўз нутқларининг намунали бўлишини таъминлашда қўйидаги асосий ҳолатларга алоҳида эътибор берганлар:

1) ўзи тўхталмоқчи бўлган масала ёки мавзуни чуқур ўрганиш, ўзлаштириб олиш, ундаги масалаларга ўз муносабатини аниқ белгилаб олиш;

2) ўз дунёқарашига эга бўлиш, сўз билан иш бирлиги, назария билан тажрибанинг диалектик бирлигига эришиш, фикрларни илмий асослаш;

3) мавзуга масъулият билан ёндашиш, уни омма олдида тўлиқ очиб беришга, ёритишга диққат қилиш;

4) лекциялар, оммавий чиқишлар пайтида тингловчилар билан ниҳоятда яқин алоқа, мулоқотни таъминлаш. Тингловчиларнинг кайфиятини ҳис қилиб туриш, бу орқали эса уларнинг лектор фикрларини фақат тушуниб олишларинигина таъминламасдан, бу фикрларга ишонтира олиш;

5) ҳар бир нутққа жиддий тайёргарлик кўриш, жумладан лекцияни нимадан бошлашдан тортиб, нима билан тугатишгача жиддий ўйлаб олиш, масалаларни ўртага ташлаш кетмакетлигини яхши белгилаб олиш, уларнинг ўзаро боғланишини таъминлаши, маълум режалар ёки режа-конспектлар тузиб олиб, ўзи учун алоҳида ва кенг тўхталиши зарур бўлган ўринларни белгилаб олиш ва б.

<sup>1</sup> Нотиқлик санъати ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Хўжаев ва Л. Нотиқлик санъати.— Тошкент, 1967; Жалилов Х. Нотиқлик санъати.— Тошкент: Ўзбекистон, 1976; Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.— Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати.— Тошкент: Ўқитувчи, 1984 ва б.

Намунали нутқни таъминловчи асосий омиллар юқорида санаб ўтилганлар билан чекланмайди, албатта. Шу омилларни юзага келтиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган яна бир омил ҳам борки, бу, юқорида айтганимиз, тилни яхши билиш, ундан ўринли ва тўғри фойдаланиш малакасига эга бўлиш — нутқ маданиятини эгаллашдир. Мавзунини чуқур билиш, масалаларни тўғри англаш, уларга муносабат, тушунарлиликни, таъсирчанликни, аниқлик ва мантиқлиликлани таъминлаш, тингловчилар диққатини тортиш, фикрларни қандай баён қилиш кабиларнинг ҳаммаси тил орқали, унинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Нутқ маданияти эса олам-олам мазмунни гўзал ифодалаб беришга асосланади. Маълумки, нотиқлар ҳам ҳар хил бўлади. Ҳар бири ўз нутқ услубига, ўзига хос билимга, ўзини тута билиш, омма билан тил топа билиш маҳоратларига эга бўлади. Аристотель тўғри таъкидлаганидек, нутқ замиридаги фикрлар гапирувчи шахс орқали гавдаланади ва унинг нутқи давомида юзага келади. Демак, ҳар бир нотиқ ўзига хос овозга, ўзига хос услубга эга бўлиши лозим. Бироқ, барибир ҳар бир нотиқ Алишер Навоий ўзининг «Маҳбубул-қулуб» асарига келтирган «Кўнгил хазинасининг қулфи — тил; У хазинанинг калитини — сўз бил», «Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма — кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди», «Хушсухан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади: кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз ғам — унинг сўзи билан даф бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшилиқнинг имкони бор»... «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир...», «Тилнинг ихтиёрини қўлингга асрагил; сўзингни эҳтиётлик билан сўзла. Вақтида айтиш керак бўлган сўзни асрама; айтиш керак бўлмаган гапнинг яқинига йўлама. Сўз борки, эшитувчининг танига жон киргизади; сўз борки, гапирувчининг бошини елга учиради. Тилинг билан дилингни бир тут; тили ва дили бир кишининг айтган сўзи — бут. Сўзни кўнгилда пишитмагунча тилга олма» каби ҳикматларга жиддий амал қилиш лозим. Бу ҳақда кейинги пайтларда кўпгина ўзбек адиблари, сўз санъаткорлари, адабиётшунос ва тилшунос олимлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқдалар.

А. Қаҳҳорнинг «Тил ҳақида нутқ» мақоласидаги («Ёшлик» журнали, 1987 йил, 9-сон) қуйидаги фикрлари бунга мисол бўла олади: «Жуда бой, чиройли тилимиз бор. Бу тилда ифода этиб бўлмайдиган фикр, туйғу, ҳолат йўқ!

Афсуски, радиомиз кўпинча халқ билан мана шу бой, чиройли, пурқудрат тилда гаплашмайди. Одамларки бор, бисотидаги бир ҳовуч сўзни айлантириб ойлигини олаверади; ўқиш — ўрганиш билан ўзбек тилининг имкониятидан тўлароқ фойдаланишни истамайди ёки бунга фаросати етмайди. Мана шунақа одамларнинг дангасалиги ёки фаросатсизлиги чаламулла олимларнинг «илмий фаолияти» оқибатида шундай бир

тил вужудга келганки, на муомалада, на оилада, на суҳбатда ҳеч ким бу тилда гапирмайди; на ошиқ маъшуқасига, на ота боласига, на бола онасига бу тилда хат ёзади. Радио ходимларининг ўзлари ҳам ўзаро бу тилда гаплашмайди. Бу тилни фақат микрофон кўтаради. Бунга фақат микрофон тоқат қилади»... «Баъзан раислар, бригадирлар микрофонга чақирилади. Ҳозирги вақтда техника ҳатто дудуқ одамни ҳам гапиртиришга имконият беришига қарамай, бригадирларнинг қўлига нўноқ журналист ёзган матнни бериб, шуни ўқишга мажбур қилишади»... «Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтадиган энг зарур гапим шуки, сизлар жойларга чет тиллар билан бирга (балки биринчи навбатда) ўз она тилимизга — ўзбек тилига чексиз муҳаббат туйғусини олиб боринглар! Ўзбек тили ғоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғуни ифода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар; қаерда ва қандай шароитда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!

Мен бу гапни тилимизнинг бойлигига дахл қиладиган, ҳусн, латофатини бузадиган, тилимизни таҳқир қилишга қаратилган қилиқларга барҳам бериш мақсадидагина айтаётганим йўқ. Бу гапнинг фақат тилимизгагина эмас, тузумимизга ҳам алоқаси бор...».

Абдулла Қаҳҳор айтган бу фикрлар бевосита нотикларга ҳам тегишли бўлишидан ташқари, умуман тил воситаларидан усталик билан фойдаланишга эътиборни тортишдан ташқари, нутқ маданияти учун ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ҳар қандай нотик нутқининг маданиятли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилар экан, аввало, ўз она тилининг бебаҳо неъматларидан фойдалана олиши, сўз қадрига ета билиши керак. Бундан ташқари, нутқнинг гузал, латофатли, маънодор ва олижаноб бўлиши учун, кишининг ўзи ҳам табиятан самимий, мусаффо бўлиши керак. Чунки ҳамма вақт ҳам чиройли сўзларни қаторлаштириб ташлаш, баландпарвоз жумлалар тузиш билан маданий нутққа эришиб бўлмайди. Бу ўринда Аристотелнинг қуйидаги фикрлари ўринлидир: «Мен кўп қўлланиладиган ҳамма сўзлардан бошқасини; ноёб сўзлар, метафоралар, чўзилган ва бошқа сўзларни ғалати деб атайман. Лекин кимдир бутун нутқни шундай асосда тузса, ё топишмоқ, ё варваризм келиб чиқади»<sup>1</sup>.

Қайковуснинг шундай фикри бор: «...Ҳамма қобилиятлардан энг яхшиси нутқ қобилиятидир... Нутқни жуда яхши ва санъаткорона ўрганиб ол, доимо гапга чечан бўлишга ҳаракат қил... Нутқи ширин кишининг меҳрибон кишилари ҳам кўп бўлади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Парча Л. Хўжаеванинг «Лектор ва сўз санъати» китобидан («Ўзбекистон» нашриёти, Т., 1975) олинди.

Кўринадики, сўзловчи тил воситаларидан ўринли фойдаланган ҳолда тингловчи онгига, севгисига ва кайфиятига таъсир қила оладиган, уни ишонтира оладиган, кутарилаётган масалаларни тўғри, аниқ ва осон англаб олишини таъминлайдиган бўлиши керак.

Шундай қилиб, «Нотиқлик санъати»ни қуйидаги кўринишларга ажратиш мумкин:

а) ижтимоий-сиёсий чиқишлар тили; б) тарғиботчи ва ташвиқотчилар нутқи; в) академик нутқ; г) суддаги нутқ; д) махсус сўз усталарининг чиқишлари ва бошқалар.

Ижтимоий-сиёсий мавзулардаги чиқишларга одатда масъул кишиларнинг расмий нутқлари, ҳисоботлари киради.

Тарғибот ва ташвиқотчиларнинг чиқишлари одатда маълум бир муаммоларни, оммага сингдириш, омма онгидаги тушунмовчилик ва чалқашликларга барҳам бериш, уларни тўғри йўлга солиш, омма учун номаълум бўлган ҳолатлардан уларни хабардор қилиш, айрим нарса-ҳодисалар моҳиятини тўла очиб бериш каби вазифалар билан боғлиқ бўлади.

Нотиқ ўз нутқининг грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши, шу давр адабий тил нормасига мос келиши, мазмунли ҳамда содда, аниқ ва мантиқли бўлишига жиддий эътибор бериши керак. Шундагина унинг нутқи оммага тушунарли бўлади, омманинг унинг фикри ва мулоҳазаларини тушуниши осон бўлади. Бироқ тушунарлиликнинг ўзи ҳали етарли эмас. Нутқ таъсирчан ҳам бўлиши керак. Таъсирчанликни эса юқорида санаб ўтилган грамматик жиҳатдан тўғрилик, соддалик, аниқлик, мантиқийлик кабилар таъминлай олмайди. Таъсирчанликни таъминлаш учун улардан ташқари тилнинг тасвирий воситаларини мукамал билиш ва улардан фойдалана олиш зарурдир. Тилнинг тасвирий воситалари ҳисобланган метафора, метонимия, синекдоха, ўшатиш, эпитет, такрор, адабий кўчирмалар ва бошқаларнинг ўрни беқиёсдир.

Айниқса, оҳангнинг роли ўзгачадир. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик: *Одам бўл, отанг каби аҳмоқ бўлма — Одам бўл отанг каби, аҳмоқ бўлма; Бу аҳмоқ прокурорнинг гапини қайтариб ўтирибдими, ҳали. Бу аҳмоқ прокурорнинг гапини қайтариб ўтирибдими, ҳали?; Трамвайга икки болали хотин чиқди — Трамвайга икки болали хотин чиқди.*

Бу гапларда оҳангнинг ўзгариши гап мазмунининг тамомила ўзгариб кетишига сабаб бўлган. Яна бир мисол: *Мулла аълам тўғри одам эмас — Мулла аълам, тўғри, одам эмас.*

Кўринадики, нотиқ нутқи жараёнида тўхтамларга, оҳангга алоҳида эътибор бериши керак. Ўзбек тилида, маълумки, мантиқий урғунинг ўзгариши ҳам маънога таъсир қилади. *Мен дорилфунунга бораман. — Мен дорилфунунга бораман. — Мен дорилфунунга бораман.* Биринчи ҳолатда субъектга, иккинчи ҳо-

латда объектга ва учинчи ҳолатда ҳаракатга эътибор қаратилганлиги яққол сезилади.

Булардан ташқари нутқда таъсирчанликни таъминлаш учун мақоллар, маталлар, ҳикматлар, сўз ва иборалар ва айниқса, фразеологизмлардан кенг фойдаланиш зарур. Ёзувчи А. Қаҳҳор ўз ҳикояларининг кўпчилигида эпиграф сифатида мақоллар келтириш билан дарҳол ўқувчи диққатини тортади: *Осмон йироқ — ер қаттиқ* («Бемор»); *Отнинг ўлими — итнинг байрами* («Ўғри»); *Ола қарға қағ этади, ўз кўнглини чоғ этади* («Башират») кабилар.

Шунингдек, нотиқ доимо тежамлилиқка, эътибор бериши, зарур бўлмаган сўзларни қўлламаслиқка ҳаракат қилиши, ортиқча такрорларга берилмаслиги керак. Нутқнинг чўзилиб кетиши, унда такрорлар бўлиши, зарур бўлмаган сўзларнинг кўп учраши нутқни сийқалаштиради, уни зерикарли қилиб қўяди, ғализлаштиради. Буни яхши ҳис қилган кўпгина ёзувчилар, ҳақиқий сўз санъаткорлари олам-олам мазмунни бир нечта жумлада ёки бир нечта сўз иштирокида ифодалаб қўя қоладилар: *«Кампир тонг қоронғисида ҳамир қилгани туриб ҳўкизидан хабар олди. О!.. Ҳўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган... Дехқоннинг уйи куйса куйсин, ҳўкизи йўқолмасин. Бир қоп сомон, ўн-ўн беш хода, бир арава қамиш-уй, ҳўкиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб қўйиш керак бўлади».* (А. Қаҳҳор, «Ўғри.»)

Бу парчадаги бирорта сўзни олиб ташлаб ҳам бўлмайди, ўзгартириб ҳам бўлмайди. Бирорта сўз қўшиш ҳам мумкин эмас. Шу парчанинг ўзида иккита фразеологизм ишлатилган. Тежамлилиқни ана шу нарса таъминлаган. Ёки: *«Туробжон қизарди. У бир замон бетоб ўртоғини йўқлаб элтган тарвузини, бемаза чиққан бўлса керак, сигирнинг охурида кўриб, шундай хижолат бўлган эди».* (А. Қаҳҳор, «Анор».) Мана шу кичик парчада Туробжоннинг бошқа бирор нўноқ ёзувчи томонидан бир-икки саҳифада тасвирланиши мумкин бўлган ҳолати тасвирлаб берилган.

Хуллас, ўз нуқти учун зарур бўлган энг муҳим белгиларга албатта эътибор бериш керак. Оғзаки ёки ёзма, публицистик ёки бадий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа нутқларнинг энг муҳим белгилари грамматик жиҳатдан тўғрилиқ, адабий тил қондаларига мос келиш, содда-ихчамлик, аниқлик, мантиқан тўғрилиқ кабилардир. Булар нутқнинг тушунарлилигини таъминлаб туради. Тилнинг бадий тасвир воситалари ҳам нутқ учун энг муҳим белгилар бўлиб, улар нутқнинг таъсирчанлигини таъминлайди.

Буюк сўз санъаткорлари, нотиқлар доимо ана шу белгиларга алоҳида эътибор берганлар ва бу билан нутқ маданияти ривожига, тилнинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Нотиқ

тил воситаларидан яхши фойдаланганидагина намунали нутққа эриша олади. Ҳар бир тарғиботчи ва ташвиқотчи учун, шунингдек, ҳар бир раҳбар ёки умуман омма олдида лекция ўқувчи ёки суҳбат ўтказувчи ҳар бир шахслар учун буюк нотикларнинг чиқишлари доим ибрат бўлиши керак. Ҳар бир нотик улардан ўрганишга ҳаракат қилса ўз нутқининг омма учун тушунарли ва таъсирчан бўлишига эришиши шубҳасиздир.

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА НУТҚ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Бошқа қардош жумҳуриятлар қатори Ўзбекистонда ҳам фан-техниканинг барча соҳалари шаклланди, ривожланди. Натижада ўзбек тилида фан ва техниканинг барча соҳаларига оид атамалар вужудга келди, ўзлаштирилди. Мавжуд атамаларнинг кўпчилиги ўзгарди. Ана шу атамаларнинг кўпчилиги умумий адабий тилга ўтиб, оммалашиб кетган ва ҳамма учун тушунарли бўлиб қолган. Ўзбек тилида чиқаётган рўномаларга эътибор бериладиган бўлса, уларда тележка, дислокация, позиция, водопровод, радио, электр, телевизор, приёмник, троллейбус, автобус, вокзал, гастроном каби минглаб сўзларни учратиш мумкин. Ўзбек тили атамачилигида илгари мавжуд бўлган жумҳурият, мунажжим, байналмилал типдаги кўпгина атамалар ўрнини русча байналмилал атамалар эгаллади. Бир қатор сўзлар борки, уларни ҳозирги ўқувчилар махсус луғатларсиз тушуна олмайдилар: мунши, қози, додхоҳ, ҳарам, аврапўш; сипоҳсолор, виқор, вожиб, воиз, вомиқ, беҳбуд, бадхў, алфоз, андуҳ, андоза, андиша, анжуман, андалиб, асно, афгор, ахбор, афтода, миққол, муфти, коранда, чоракор, қушбеги, пансод каби. Бу сўзларнинг бир қисми тарихий сўзлар сифатида, бир қисми эскирган сўзлар сифатида ишлатилмоқда.

Ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур билиш, тушуниш лозим бўлади. Бу ўринда Р. Декартнинг қуйидаги фикри жуда мос келади. «Сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашиш мовчиликларининг ярмидан халос қилган бўласиз!»

Янги вужудга келган ёки ўзлашаётган атамаларни тўғри англамай туриб, ўзаро тўғри фикрлашиш, ўзаро бир-бирини тўғри англаш мумкин бўлмай қолди. Чунончи, илмий мақолада ишлатилган атамани тўғри англамаган, тушунмаган иккинчи бир илмий ходим, ўша мақоладаги фикрни тўла англаб етмаслиги мумкин, ўқувчи эса ўқитувчи фикрини тўғри англамайди ва тушунмайди. Жумладан, ўқувчига *орфография* атамасининг луғавий маъноси аниқ ва тўғри изоҳлаб берилмас экан, ўқувчи ана шу атама ишлатилган гапдан ҳеч нарса англамайди, жуда бўлмаса, чала англайди.

Шунинг учун ҳам илмий жараёнда, шунингдек ўқиш, ўқитиш жараёнида атамаларнинг ва уларни чуқур билишнинг

ҳамда тўғри, ўринли, танлаб қўллай билишнинг, қисқаси, атамачилик маданиятининг роли беқиёс бўлади. Атамаларни ўринли-ўринсиз ишлатиш, тушунмаган ҳолда қўллаш, сохта билимдонликни ниқоблаш учун бошқаларга тушунарсиз атамаларга ҳадеб мурожаат қилавериш нутқ маданиятига путур етказди. Илмий ва ўқиш-ўқитиш жараёнидаги алоқани фақат атамаларгина тўла таъминлаб турмайди. Бу алоқада бошқа воситаларнинг иштироки ҳам бор. Бироқ атамаларни билишнинг, уларни тўғри ва ўринли ишлатишнинг роли асосий бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам илмий мунозараларда, илмий мақолаларда, ўқиш ва ўқитиш жараёнида ҳар бир атамани ишлатишга ёки нутқда қўллашга алоҳида эътибор бериш лозим. Айниқса, ўқитувчилар мактаблар ва олий ўқув юртлари аудиторияларида, шунингдек, ўз шогирдлари билан алоқада бўлганларида ё тушунарли атамаларни ишлатишлари ёки янги ишлатилган атамани тўғри ва тўла изоҳлаб беришлари лозим.

Сўзларнинг аксарияти одатда кўп маъноли бўлади. Бу нарса табиий ҳолдир. Чунки жамият тараққиёти давомида кўплаб янги нарса-ҳодисалар, тушунчалар вужудга келади. Уларни ифодалаш учун у ёки бу тилда баъзан янги сўзлар яратилади, баъзан бошқа тиллардан атамалар қабул қилинади. Аммо бу билан ҳам эҳтиёжни қондириб бўлмайди. Натижада, шу тилдаги мавжуд сўзлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Бу нарса ўз-ўзидан мавжуд сўзнинг кўп маъноли бўлишини келтириб чиқаради. Жумладан, ўзбек тилидаги бош, кўз, қулоқ, қош, оёқ, бел каби сўзларнинг дастлаб киши аъзоларидан бирини ифодалаб келгани, кейинчалик эса, ёғочнинг кўзи, дарахтнинг боши, қозоннинг қулоғи, айвоннинг қоши, столнинг оёғи, ишнинг бели типидagi бирикмалар таркибида бошқа маъноларда қўлланиб, бошқа тушунчаларни ифодалаш, сўзнинг бундай хусусиятга эга бўлиб қолишида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асос қилиб олинганлиги кўзга ташланади.

Қўринадик, кўп маъноли сўзларнинг вужудга келиши тараққиёт натижасида содир бўладиган табиий ҳодисадир.

Сўзлар тушунчаларни ифодалаш билан бирга кишиларнинг ҳис-туйғуларини, нарса-ҳодисаларга бўлган ўз муносабатларини ҳам ифодалайди. Жумладан ўғилчангиз сўзи қандай нутқий матнда ва қандай оҳанг билан ишлатилишига қараб ҳам ижобий, ҳам салбий муносабатни англатади:— Ҳа, ана шу ўғилчангиз бошимга минг хил балоларни солди, ана шу арзандангиз қилди бу ишларнинг ҳаммасини... («Шарқ юлдузи»). Ўғилчангиз бирам ширин бўптики (оғзаки нутқдан).

Ёки: Катта, мевали дарахт — катта мевали дарахт; Мулла аълам, тўғри, одам эмас — мулла аълам тўғри одам эмас типидagi қўллашларда оҳангнинг ўзгариши билан сўз маъносида ҳам ўзгариш юз беради. Шунингдек, ўзбек тилида, *раҳмат*,



*балли, баракалла, зўр, яхши, тасанно, қойил, офарин* каби жуда кўп сўзлар оҳангнинг ўзгаришига қараб бир ўринда ўз ижобий маъноларида қўлланса, бир ўринда кесатиқ, киноя, таъна каби маъноларни ифодалаши мумкин.

Атамаларда бу ҳолатлар кузатилмайди. Улар учун эмоционаллик, кўп маънолилиқ хос эмас. Атамалар ўз синонимларига ҳам эга бўлмаслиги керак. Атама маъноси оҳанг таъсирида ўзгармайди. Бироқ амалда шу нарса кузатиладики, биз кузатаётган атама баъзан кўп маъноли бўлади, баъзан унинг синонимлари борлиги кўзга ташланади. Жумладан, от — лингвистик термин; сифат, сон ҳам шундай: *Сифатларнинг маънолари бир хил эмас, аслий сифатлар ва нисбий сифатлар* каби қўлланишлар билан *Кейинги пайтларда маҳсулот сифатига кам эътибор берилмоқда* типигаги қўлланишларда булар ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Олдинги қўлланишларда *сифат* сўзи лингвистик атама тарзида келган бўлса, кейинги қўлланишда умумистеъмолдаги сўз тарзида келгандир. Бу нарса атамаларнинг бир маъноли бўлиши ҳақидаги асосий мулоҳазада чалкашлиқ туғдирмаслиги керак. Чунки, барибир ўша *сифат* сўзи илмий атама вазифасида бир маънолидир.

Ҳар бир соҳанинг ўзига хос тушунчалари бор. Бу тушунчаларнинг жами эса шу соҳанинг тушунчалар системасини ташкил этади. Шу соҳага оид тушунчаларни ифодаловчи махсус атамалар ҳам мавжуд. Ана шу атамалар жами эса шу соҳа атамалар системасини ташкил этади. Яъни шу соҳа атамачилиги бўлади. Жумладан, математика, физика, биология, химия, тилшунослик, адабиётшунослик, медицина ва ҳоказо жуда кўп соҳалар бор. Уларнинг ўзларига хос тушунчалари ҳам мавжуд: қўшув, олув, квадрат, илдиз, тангенс, котангенс, синус, косинус; заряд, кучланиш, босим, ҳаво оқими; молекула, микроорганизм; морфология, структура, аруз, ғазал, туроқ, позиция, сифат, эга, кесим, ўзак, негиз, аффикс кабилар. Келтирилган сўзлар ана шу тушунчаларни ифодаловчи атамалардир. Қўринадики, терминология «тор маънода маълум бир соҳага оид махсус лексика» бўлса, «кенг маънода умумий луғат таркибининг айрим соҳаларда ишлатиладиган қисмидир». (С. Ф. Ақобиров.)

Ҳар бир соҳанинг ўз атамалар системасида эса битта атама фақат битта тушунчани ифодалайди. Атамаларнинг бир маъноли бўлиши ҳақидаги асосий талаб ана шу нуқтаи назардан белгиланади. Шу талабдан келиб чиқилганда юқорида тилга олинган бош, қўл, кўз, оёқ, қош, қулоқ сўзлари анатомияда махсус атамалар сифатида қўлланиб, фақат киши организми қисмларинигина ифодаласа, умумий адабий тилда, оддий сўз сифатида баҳоланади ва кўп маъноли ҳисобланаверади.

Шунингдек, бир вақтлар ўзбек тили нуқтаи назаридан атама сифатида баҳоланган электр, космос, радио, телевидение,

ракета, машина, трактор, троллейбус, автобус, машинист каби минглаб атамалар ўз соҳалари доирасидан чиқиб, кенг омма ўртасида қўлланадиган, умумий адабий тилга хос, ҳамма тушунадиган сўзларга айланиб кетган. Ана шунинг натижасида умумхалқ тили лексикаси ҳам бойиб боради.

Атамаларни қўллашда ҳар қандай мураккаб фикрни ихчам, осон, лўнда ва аниқ, шунингдек, тушунарли ифодалаш, шу йўл билан фикр алмашинувини осонлаштириш мақсад қилиб қўйилади. Атамачилик тил лексикасининг таркибий қисми ҳисоблангани учун кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашда катта роль ўйнади. Айниқса атамаларга хос бўлган маъно жиҳатдан аниқлик, тушунчанинг моҳиятини ёки энг асосий белгисини аниқ ифодалаб бериш, улардаги тузилиш жиҳатдан ихчамлик, қисқалик, ишлатишга қулайлик кабилар нутқнинг тушунарли, аниқ, мантиқли, қисқа бўлишини таъминлайди.

Шундай экан, илмий атамаларни нутқда қўллашга алоҳида эътибор бериш, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тўғри белгилаш, сабабларини аниқ кўрсатиш ҳам фан тараққиётига, уларнинг ўқитилишига ҳамда нутқ маданияти соҳасига жиддий таъсир кўрсатади. Атамаларни қўллашдаги камчилик ва хатоларни белгилаш нормативлик, мақсадга мувофиқлик принциплари талабидан келиб чиққан бўлиб, нутқ маданиятининг умумий талабларига бўйсунди.

Бундай хато ва камчиликларни Б. Н. Головин ўзининг «Основы культуры речи» (М.: «Высшая школа, 1980, 287-бет) китобида қўйидагича гуруҳлаб кўрсатади: а) атамаларда кўп маънолилика барҳам берилмаганлик; б) нутқ тузилишида атаманинг асосий маъносини четда қолдириб, бошқа маъноларига эътиборни кучайтириб қўйиш; в) маълум бир қўршовда термин билан уни қўршаб олган сўзлар маънолари орасида мантиқий боғланишликнинг таъминланмаслиги; г) атамани илмий фойдаланишда унинг моҳиятига мос келмайдиган тушунча билан боғлаб қўйиш; д) матннинг биринчи қисми билан кейинги қисмларида қўлланган бир атама ифодалаган тушунчалар ўртасида қарама-қарши мантиқнинг келиб чиқиши; е) реал мавжуд атаманинг амалда атама сифатида қўлланилмаслиги; ё) атама қўллашдаги ноаниқлик; ж) атаманинг маълум асосий маъносини тингловчи эътиборидан четда қолдириб, уни бошқа маъноси билан алмаштириб қўллаш кабилар.

Атамаларни қўллашдаги бундай камчиликлар лингвистик атамаларни қўллашда ҳам учраши кузатилади: Ўзбек тилига оид дарсликларда «фёъл даражалари», «фёъл нисбатлари»; «ижро майли», «аниқлик майли», «дарак майли»; «орттирма даража», «қўзғатиш даража» типиде қўллашлар учрайдики, бу нарса талабани чалғитади, унинг билим олишини қийинлаштиради.

Худди шунингдек, ўзбек тилига оид дарсликларда «Боғланган қўшма гап» атамаси ишлатилади. Бунда, одатда гап тенг

боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар тўғрисида боради. Ҳўш, эргаштирувчи боғловчилар воситасида ёки бошқа воситалар билан боғланган қўшма гаплар-чи? Улар «Боғланмаган қўшма гаплар» тарзида талқин қилиниши керакми? Умуман, қўшма гап қисмлари бир-бири билан боғланмаган ҳолат ҳам бўладими? Қўринадик, атамани пухта ўйлаб тузмаслик натижасида жиддий чалкашлик вужудга келган. Худди шу каби «Эргашган қўшма гап» атамаси чуқур ўйламасда тузилган бўлиб чиқди. Ҳозирги кунда унинг ўрнида баъзан «Эргаш гапли қўшма гап» атамаси ишлатилипти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, бундай қўллашлар ўқувчини чалкаштиради, ноаниқликни вужудга келтиради, ўзаро фикр алмашишни, англашни қийинлаштиради. Нутқ тингловчига тўғри етиб бормади.

Атамаларни қўллашда маълум камчиликлар содир бўлаётган экан, бунинг сабаблари ҳам мавжуддир:

1. Нутқ муаллифи атаманинг туб маъносини тўғри англаб етмайди. Натижада, уни мантиқан мос келмайдиган сўзлар билан бириктиради ва жумла тузади. Унингча, атама тўғри ишлатилгандай туюлади. Масалан: Одамга доим бошпана — бошини бекитиб юриш учун пана жой керак, фақат уй эмас, одам ўзи яшайдиган торгина муҳитда ҳам муносабатлардан бошпана қуриб олади, муносабатларни бошига пана қилиб юради... (А. Аъзам.) Бу гапдаги *бошпана* сўзи англатган тушунчани яхши билмаслик натижасида, бу ўринда нотўғри қўллангандир. Бошпана сўзи асосан турар жой, уй деган маънони билдиради. («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 139-бет.) Яна: *Унинг сочларидан келаётган жуда ингичка бир ҳиндий мушкиси бошимни айлантиради* типидagi гаплар ҳам учраб қолади. *Ингичка* сўзи ўринсиз ишлатилган.

2. Муаллиф ўз нутқига жиддий эътибор бермайди, уни кузатмайди, унга баҳо бермайди. Натижада атамалар пала-партиш ишлатилиб юборилади. Баъзан эса англи равишда, мавжуд атамаларни яхши билган ҳолда, анъанавий қўлланилиб келаётган, ҳамма учун тушунарли бўлган атамалардан воз кечиб, анъанани бузиб ўзини шу фаннинг билимдони қилиб кўрсатиш мақсадида ҳеч ким учун тушунарли бўлмаган, қўлланилиши ўзини оқлаш-оқламаслиги ҳали номаълум бўлган атамаларни қўллаш ҳоллари ҳам учрайди. Бу билан нутқ муаллифи ўзини гўё «янги нарса» айтган ҳисоблайди. Масалан, *қўшма сўз* атамаси ўрнида ўринли-ўринсиз ҳолда *компози* атамасини қўллаш, гапнинг эргашиши ёки *гапнинг боғланиши* атамалари ўрнида *гипотаксис*, *паратаксис* атамаларини қўллаш каби. Худди шу каби, баъзан, ҳамма учун тушунарли, таниш атама турганда, маълум сабабларга кўра, атайлаб тингловчи учун нотаниш бўлган синоним атамани ўринли-ўринсиз қўллаш учрайди: грамматик маъно атамаси ўрнида формал маъно, аффиксал морфема атамаси ўрнида формал морфема, кўрсаткич,

иффикс атамалари ўрнида формант, қисқартма сўз, *қисқартма*, *қисқартма* от терминлари ўрнида аббревиатура атамаларини ишлатиш каби. Сўзловчининг булар ичидан энг маъқулини танлаб олиб ишлатишига ҳеч ким монелик қилмайди. Бироқ нутқнинг бир қисмида бирини, иккинчи қисмида иккинчисини изоҳсиз ишлатиб кетиш алоқа сифатига путур этказди.

3. Тилни чуқур билмаслик, унинг синтактик ва семантик имкониятларини эгалламаслик натижасида нутқда терминлар нотўғри ишлатилиб юборилади.

4. Сўз ясалиши, жумладан атамаларнинг ясалиши қонун-қоидаларини яхши билмаслик натижасида нотўғри атамалар ҳосил қилинади ва уларнинг нутқда ишлатилиб юборилиши ҳам сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқани қийинлаштиради: «Шу яшаётган жойимда ножойлигимдан эмас, нимаданлигини ўзим ҳам билмайман, тушунтиришим қийин, аммо...» (*А. Аъзам.*)

Келтирилган мисолдаги *ножой* сўзининг ясалиши ғализдир. Чунки ўзбек тилида таркибида о унлиси бўлган ундош-унли-ундош таркибидаги бир бўғинли сўзларга но-префикси қўшилиб янги сўз ҳосил қилиши норма эмас: нонон, ножон ясалишлари учрамагани ҳолда нонсиз, жонсиз ёки бенон, бежон ясалишлари норматив ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзан, ҳар кил сабабларга кўра, атама яшашда, атамачилик талабларига зид иш тугилади. Маълумки, атамалар ихчам, айтилиши ва ёзилиши қулай бўлиши керак. Бунга зид равишда, масалан, физик хоссалар ўрнига физикавий хоссалар, механик ҳаракат ўрнига механикавий ҳаракат типига термин ясашлар учрайди.

«Ўзбек тилида янги сифат шакллари қўлланиб бўлмайдиган ҳолларда баъзан -ли аффиксли сифатлар қўлланилади. Масалан «шарикли подшипник», «тишли ғилдирак», «плунжерли насос» ва ҳоказолар. Лекин -ли аффиксли сифатлар ҳамма вақт рус тилидаги сифатларнинг маъносини беравермайди. Бундан ташқари улар баъзан ноаниқликларга сабаб бўлади. Масалан, «иккита шарикли подшипник», «йигирма битта тишли ғилдирак», «ички тишли ғилдирак» деганда «иккита», «йигирма битта» ва «ички» сўзларининг шарикками — подшипникками ёки тишгами, ғилдиракками оидлиги билинмайди». (С. Ф. Ақобиров, Тил ва терминология, Тошкент, 1968, 36-бет.)

Баъзан бадий адабиётларда ҳам ёзма нутқ муаллифининг тил қонуниятларига амал қилмаган ҳолда, сунъий равишда ўзини оқламайдиган сўзлар ясаб юбориш ҳоллари кузатилади: *Ошқозонкасал* бўлиб қоламан; *ҳаммуйқалам* дўстлари...; Ориятни эса *қозон-товоқ*, *идиш-оёқ* деганлар қучоқ очиб қаршилайди; *Пишириқ-сишириқдан* чиқолмай қолади..., Мен битта одам эмасман, мен тумонатман, чаман *одамзорман*, тўп гулдай тур-

ланиб... (А. Аъзам.); ... нима десам, ишонган, оққўнгильтанти Тангир билан баҳслашаётган буламан...; Ҳақберди билан ёлғиз қолсам, ҳар гал унга ваъда қилган жуда зарур нарсамни эсимдан чиққанидан эмас, беришга қизганганимдан атай уйда қолдириб келиб, энди ўтирик баҳоналар билан ўзимни оқлаб ўтиргандай унғайсизланаман. (А. Аъзам.)

Келтирилган гаплардаги ошқозонкасал, ҳаммауёқалам, пишириқ-сишириқ, одамзорман, оққўнгильтанти каби ясалишлар ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан сўз яшаш қоидаларига мос келмайди. Айниқса, оққўнгильтанти, одамзорман сўзларининг бу тарзда ясалиши мақсадга мувофиқ эмас. Агар ҳар ким ўзича ана шундай сўзлар, атамалар ясай берадиган бўлса, атамачиликни умуман тартибга солиб бўлмай қолади.

Кўринадики, атама яшаш билан боғлиқ бўлган бундай камчиликларни бартараф қилмасдан туриб, ўзбек тили атамачилик системасини мукаммаллаштириб бўлмайди. Модомики, атамачилик система мукаммал ҳолга келмас экан, атамаларни қўллашдаги камчиликларни тугатиш қийин. Натижада илмий, ўқиш-ўқитиш соҳаларидаги нутқий алоқа сифати ёмон ҳолича қолаверади. Шу сабабли нутқ маданиятининг асосий мезонлари бўлган тўғрилиқ, мантиқлилиқ, аниқлик, тушунарлилиқ кабиларга путур етади. Қолаверса, адабий тилда ортиқча, кераксиз бўлган унсурлар кўпайиб кетиб, ҳатто нутқ тозалиги ҳам бузилади.

5. Баъзан мавжуд атама бор бўлгани ҳолда, уни билмаслик оқибатида, бошқа сунъий атамалар ҳосил қилиш ёки мавжуд терминни ўз мустақил қарашларига мос равишда ўзгартириш, айрим ҳолларда эса, тушунчани, ҳодисани ўз нуқтаи назаридан баҳолаган ҳолда уни мавжуд атама билан ифодалаш ҳоллари учрайди. Масалан, ўзбек тилида отларнинг тузилишига кўра турлари ўрганилар экан, дарсликларда улар: содда отлар, қўшма отлар, мураккаб отлар (составли отлар, таркибли отлар, бирикма отлар; бирикма сифатлар ҳам бор) типиде берилади. Бирикма (составли) отларга одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти типидеги уч ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган отлар мисол тариқасида келтирилади. Бу ўринда мезон фақат таркибидаги сўзларнинг икки, уч ёки ундан ортиқ бўлиши эмас, балки қўшма сўз билан бирикма ўртасидаги фарқдир. Бироқ отларда аксарият ҳолларда ана шундай мураккаб отлар уч ва ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлади.

Нутқнинг бойлиги нутқ маданиятининг асосий мезонларидан биридир. Бу сўзловчидан муайян сўз бойлигига эга бўлишни талаб қилади. Сўзловчи эса ўз сўз бойлигини асосан луғатлар орқалигина бойитиши мумкин. Бадий асарларни кўп ўқиш ҳам кишининг сўз бойлиги ортишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, атамаларни чуқур билиш, мавжуд луғатлардан кенг фойдаланиш кишининг сўз бойлигини ошириш, сўз ва атамалар маъносини чуқур англашда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир фан олими ва ушбу фанларнинг ўқитувчилари ўз соҳасига оид атамаларни тўғри изоҳлаб берсагина илмий тушунчаларни бошқаларга тўғри етказа олади. Илмий тадқиқотларда, ўқув-ўқитиш жараёнида ва ҳар бир сўзнинг маъносини, тўғри ва мукаммал изоҳлаб бериш, ўз навбатида сўз қўллаш соҳасидаги юксак нутқ маданиятини таъминлайди.

## АДАБИЕТЛАР

- Аҳмедов А. Нотиқлик санъати.— Тошкент: Ўзбекистон, 1967.
- Акобиров С. Ф. Тил ва терминология.— Тошкент: 1968.
- Актуальные проблемы культуры речи.— М.: Наука, 1970.
- Бегматов Э. ва бошқалар. Адабий норма ва нутқ маданияти. Тошкент: Фан, 1983.
- Бегматов Э. «Нутқ маданияти» тушунчаси ҳақида.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, № 5, 48—53-бетлар.
- Бегматов Э. Нотиқнинг нодир бойлиги.— Тошкент: Ўзбекистон, 1980.
- Бегматов Э. Нутқ маданияти ва адабий норма.— Тошкент: Ўзбекистон, 1973.
- Бегматов Э. Буржуача суханбозликнинг реакцион моҳияти.— Тошкент: Ўзбекистон, 1973.
- Бегматов Э. Ўзбек нутқи маданияти масалалари.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4.
- Будагов Р. А. Культура языка — наша общая большая забота.— Русская речь, 1982, № 3.
- Виноградов В. В. О культуре русской речи.— Русская речь, 1970, № 3.
- Головин Б. Н. Основы культуры речи.— М.: Высшая школа, 1980.
- Головин Б. Н. Как говорить правильно: Заметки о культуре русской речи.— 2-е изд., испр. 1979.
- Головин В. Н. Основы теории речевой культуры: Уч. пособие. Горький, 1977.
- Жалилов Х. Нотиқлик санъати.— Тошкент: Ўзбекистон, 1976.
- Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари.— Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
- Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, № 5.
- Кожина М. Н. Стилистика русского языка.— М.: Просвещение, 1977.
- Маъруфов А. Паронимлар луғати.— Тошкент: Ўқитувчи, 1974.
- Нутқ маданиятига оид масалалар. Ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган I Республика тилшунослик конференцияси материаллари.— Тошкент: Фан, 1973.
- Нутқ маданиятига оид масалалар (мақолалар туплами).— Тошкент: Фан, 1973.
- Основы культуры речи: Хрестоматия.— М.: Высшая школа, 1984.
- Ожегов С. И. Лексикология. Лексикография. Культура речи: Учеб. пособие для вузов.— М.: Высшая школа, 1974.
- Розенталь Д. Э. Практическая стилистика русского языка.— М.: Высшая школа, 1974.
- Скворцов Л. И. Теоретические основы культуры речи.— М.: Наука, 1980.
- Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш.— Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
- Турсунов У., Уринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи.— Тошкент: Ўқитувчи, 1982.
- Усмон О. Нутқ маданиятининг муҳим масалалари.— Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, № 1.

- Хўжаева Л. Нотиқлик санъати.— Тошкент: 1967.
- Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили, I қисм.— Тошкент: Уқитувчи, 1980.
- Шомақсудов А. Ўзбек тили стилистикаси, I қисм.— Тошкент: ТошДУ нашри, 1974.
- Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси.— Тошкент: Уқитувчи, 1983.
- Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари.— Тошкент: Фан, 1956.
- Ўзбек адабий талаффузи луғати.— Тошкент: Фан, 1984.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик.— М.: Русский язык, 1981.
- Ўзбек тилининг имло луғати.— Тошкент: Фан, 1976.
- Ўзбек тили лексикологияси.— Тошкент: Фан, 1981.
- Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. СамДУ асарлари, янги серия, № 302.— Самарқанд, 1976.
- Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. СамДУ асарлари, янги серия, № 346.— Самарқанд, 1978.
- Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари: Мақолалар тўплами.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1979.
- Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари: Мақолалар тўплами.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1980.
- Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар: Мақолалар тўплами.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1981.
- Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари: Мақолалар тўплами.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1982.
- Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси: Мақолалар тўплами.— Самарқанд; СамДУ нашри, 1973.
- Қўнғуров Р., Қаримов С. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти: Библиографик кўрсаткич.— Самарқанд.— СамДУ нашри, 1984.



## МУНДАРИЖА

Суз боши . . . . .	3
«Нутқ маданияти асослари ва услубияти» курсини урганишнинг мақсад ва вазифалари . . . . .	5
Нутқ маданияти — лингвистик соҳа . . . . .	12
Нутқ маданияти тушунчаси . . . . .	18
Нутқ маданияти — мавжуд (реал) нутқий ҳодиса . . . . .	20
Адабий тил — маданий тил . . . . .	25
Нутқ маданияти — нутқий фаолият ва нутқий малакадир . . . . .	30
Ўзбек адабий тили — нутқ маданиятининг асоси. Адабий тилнинг нормативлиги . . . . .	35
Нутқнинг асосий хусусиятлари . . . . .	49
Нутқ маданияти ва услубият . . . . .	67
Ўзбек тилининг вазифавий услублари ва нутқ маданияти . . . . .	73
Тилнинг тасвирий воситалари ва нутқ маданияти . . . . .	97
Услубий фигуралар . . . . .	109
Нутқ маданиятини эгаллашнинг усул ва йўллари . . . . .	115
Нутқ маданияти ва бошқа фанлар . . . . .	133
Нутқ маданияти ва нотиклик санъати . . . . .	139
Ўммавий лекциялар ва маърузаларда нутқ маданияти . . . . .	145
Таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари . . . . .	
Адабиётлар . . . . .	

•УНИТУВЧИ•